

**ЎЗБЕКИСТОН
ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ
АХБОРОТИ**

*** * ***

**ИЗВЕСТИЯ
ГЕОГРАФИЧЕСКОГО
ОБЩЕСТВА УЗБЕКИСТАНА**

44 – жилд

Тошкент-2014

Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 44-жилд.
Илмий мақолалар тўплами. - Тошкент, 2014 йил. – 150 бет.

Мазкур жилд Ўзбекистон География жамиятининг IX съездига бағишланган бўлиб, унда география фани турли йўналишларининг назарий ва амалий масалалари, табиий ҳамда ижтимоий-иқтисодий география, гидрология ва картография, геодезия ва кадастрга тааллуқли мақолалар жой олган. Шунингдек, ахборотда ер-сув, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, ландшафтшунослик масалалари ҳам ёритилган.

Тўплам материалларидан географ талабалар ва магистрантлар, катта илмий ходим ва тадқиқотчилар ҳамда ҳозирги замон география фани ва таълими муаммолари билан қизиқувчилар фойдаланиши мумкин.

Таҳрир хайъати:

г.ф.д., профессор

г.ф.д., профессор

г.ф.д., профессор

г.ф.д., профессор

г.ф.д., профессор

г.ф.д., профессор

тех. фанлари доктори

г.ф.д., профессор

г.ф.н., доцент

А.С.Солиев

(бош муҳаррир)

Ф.Ҳ.Ҳикматов

(бош муҳаррир ўринбосари)

А.Қ.Абдуллаев

М.М.Маматкулов

Т.М.Мирзалиев

А.Н.Нигматов

Э.Ю.Сафаров

А.А.Қаюмов

А.Э.Эгамбердиев

(масъул котиб)

*Ўзбекистон География
жамиятининг IX съездига
бағишланади*

ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕОГРАФИЯ ИЛМИ ВА УНИНГ ГЕОГРАФИЯСИ

Солиев А.С.

Таянч сўзлар ва иборалар: география, география илми, илмий педогогик салоҳият, минтақалар, илмий тадқиқот мавзулари, илмий йўналишлар, тарих ва география, ҳудуд, геомакон, илмий макон.

Тарихнинг тарихи борлигидек, география фанининг ҳам ўзига хос географияси бор. Шу билан бирга, тарихнинг географияси, географиянинг тарихи ҳам мавжуд. Бинобарин, бу фанлар доимо биргаликда ривожланиб, давр ва макон даражасида ўзаро алоқадорликда ривожланган; тарихий нуқтаи назардан, турли воқеа ва ходисалар аниқ бир ҳудудда – заминда содир бўлиб ўтган, ер юзи географияси эса даврлар ўтиши билан ўзгариб борган. Шу боис, географияни тарих орқали билиш, ўрганиш мумкин. Бесабаб эмаски, буюк олимлар, алломалар (Геродот, Страбон, В.Бартольдт, Ҳ.Ҳасанов ва б.) тарихий ва географик ёндашувлардан уйғунлаштирган ҳолда фойдаланишган.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида дастлабки географик дунёкарашлар, географик илмнинг илк негизлари қадимда суғорма деҳқончилик маданиятининг ривожланиши билан боғлиқ бўлган. Бу даврда у объектив зарурият, ижтимоий эҳтиёж таъсирида турли хил “гео” тизимидаги фанлар, шунингдек, астрономия, математика, тарих кабилар билан бирга ва бир вақтда шаклланиб борган.

Бугунги кун нуқтаи назаридан қараганда, ҳар қандай илмнинг, жумладан география фанининг вужудга келиши ва ривожланиб бориши, энг аввало, буюк кашфиётлар, фундаментал тадқиқотлар, йирик монографиялар, илмий марказ ва мактабларнинг шаклланиши билан тавсифланади. Бу борада география йўналишидаги илмий тадқиқот институтлари, факультет ва кафедра, география жамиятининг мавжудлиги ҳам катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда ҳозирги замон география илмининг шаклланиши асосан ўтган асрнинг 30-40 йилларидан бошланган ва кейинги даврларда ривожланиб борган. Бу даврда В.М.Четиркин, Н.Л.Корженевский, В.Л. Шульц, Л.Н.Бабушкин, Ю.А.Скворцов, А.М.Рябчиков, О.П.Щеглова, О.Ю. Пославская, Н.А.Когай, И.Н.Степанов, Н.В.Смирнов каби олимлар муҳим тадқиқотлар олиб боришган. XX асрнинг иккинчи ярмида маҳаллий олимлар ҳам етишиб чиққан ва улар республикамизда география илми ва таълими ривожланишига катта ҳисса қўшишган. Хусусан, Ҳ.Ҳасанов, З.Акрамов, М.Қориев, М.Қорахонов, Ф.Мўминов, Х. Салимов ва бошқалар ўзларининг муҳим тадқиқотлари билан ажралиб туради. Кейинчалик республикамиз географ олимларининг сафлари кенгайган, А.Абдулқосимов, Л.Алибеков, М. Маматқулов, А.Рафиқов, Т.Мирзалиев, Р. Раҳимбеков, О.Ата-Мирзаев, Т.Раимов, А.Солиев, А.Нигматов, А.Мақсудов, А.Рўзиев, Б.Камолов, Т.Джумаев, А. Қаюмов, Е.Умаров, С.Аббосов, Б. Бахриддинов,

А.Абдуллаев, С.Қораев, Х.Ваҳобов, А.Ўразбоев, Н.Сабитова, П.Баратов, И.Назаров, Г.Е.Глазырин, Г.Н.Трофимов, Ф.Ҳ.Ҳикматов, Ю. Султонов, М.Юсупов, Р.Қурбонниёзов, Э.Сафаров, Н.Комилова, Ғ.Пардаев, Ю.Аҳмадалиев, Т.Маллабоев, М. Янгибоев, А.Маматов сингари фан ва география илми фидоийлари самарали изланишлар олиб боришган.

Мустақилликгача бўлган даврда география илми ривожланишининг муҳим хусусияти, ибратли жиҳатлари кўзга ташланади. Уларнинг *биринчиси* бевосита дала кузатувлари, минтақавий тадқиқотлар, экспедициялар билан боғлиқ бўлган. Устюрт, Фарғона, Сурхон-Шеробод, Зарафшон водийлари, Мирзачўл, Қарши чўллари, Ангрэн-Олмалиқ тоғ-кон саноат райони, Жанубий-ғарбий Ўзбекистон, Қуйи Амударё минтақалари, Тошкент, Самарқанд шаҳарлари микёсида фундаментал тадқиқотлар амалга оширилган ва шу асосда йирик монографик асарлар яратилган.

Ўтган давр география фани ривожланишининг *иккинчи* хусусияти унинг бошқа турдош ёки “қўшни” фанлар билан алоқадорлигида, интеграцион салоҳиятида намоён бўлади. Зеро фанимизнинг географик “ўрни” шуни тақозо этади. Чунончи, табиий география биология, тупроқшунослик, метеорология ва иқлимшунослик, иқтисодий (ижтимоий) география эса иқтисодиёт, шаҳарсозлик, социология, сиёсатшунослик, демография каби йўналишлар билан ҳамкорликда ривожланиб борган. Шу ўринда география фани ривожланишининг ўтган даврдаги яна бир муҳим хусусиятини эътироф этиш зарур. Бу ҳам бўлса тадқиқотларнинг комплекслиги, табиий ва иқтисодий географларнинг ҳамжиҳатликда илмий изланишлар олиб боришганлигидир.

Умуман олганда, собиқ Иттифок даврида табиий географияда ландшафтшунослик, агроиқлимшунослик, иқтисодий географияда эса қишлоқ хўжалиги – агрогеография ҳамда аҳолишунослик ва шаҳарлар географияси – геурбанистика аниқ шаклланган илмий йўналишлар сифатида ривожланиб борган. Шунингдек, гидрология соҳасида умумий гидрология, гидрометеорология, музшунослик, картографияда социал-иқтисодий картография устуворроқ бўлган. Ушбу йўналишларнинг асосий марказлари Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари, уларда фаолият кўрсатган олийгоҳлар-университетлар ҳисобланган. Демак, бу даврда республика география илмининг географияси, ҳудудий ташкил этилиши торроқ ва кўпроқ моноцентриқ кўринишга эга бўлган.

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришуви география фани ривожда ҳам алоҳида даврни бошлаб берди. Бу даврда фаннинг кўпроқ фундаментал эмас, фронтал ривожланиши кўзга ташланади. Сиёсий мустақиллик, миллий иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиши, ижтимоий соҳалардаги туб ўзгаришлар, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва бошқалар география илми ва янги йўналишларини белгилаб берди. Улар, авваломбор табиий географияда геоэкология, иқтисодий географияда ижтимоий (социал) тадқиқотлар, гидрология соҳасида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, трансчегаравий дарёлар муаммолари, картография, геодезия ва кадастрда миллий картография, мавзули деворий харита ва атласлар, вилоятлар ўлкашунослик атласларини яратиш, кадастр масалалари ва бошқалардан иборат.

Кўриниб турибдики, сўнгги йилларда тадқиқот мавзулари торроқ, чуқур ихтисослашган ва, айни вақтда, аниқроқ сифатларни касб этган, майда масштабда тадқиқотлар ўрнини йирик масштабда тадқиқотлар, кичик хуудлар муаммолари долзарб бўлиб қолмоқда. Табиийки, бундай илмий йўналишларнинг амалий (конструктив) аҳамияти каттароқ, бироқ фундаментал, фаннинг назарий – методологик масалаларига бағишланган тадқиқотлар анча заифлашди, афсуски, дала экспедициялари деярли унитилди, илмий ишлар асосан камерал мазмун касб этди, улар табиий географияда илгари яратилган муҳим асарларга, иқтисодий-ижтимоий географияда – аниқлик даражаси тўлиқ бўлмаган статистик маълумотлар таҳлилига, баъзан социологик тадқиқотларга асосланмоқда, холос.

Шу билан бирга алоҳида қайд этиш зарурки, мамлакатимизда география илмининг географияси бироз бўлса-да кенгайиб бормоқда. У аввалроқ шаклланган Тошкент ва Самарқанд вилоятларидан ташқари Фарғона, Нукус, Наманган шаҳарларида ҳам ўзига хос минтақавий марказлар сифатида ривожланмоқда. Албатта, алоҳида хуудлар – минтақалар микёсида республикамиз илм-фан, маданият маркази – **пойтахт Тошкент** етакчи мавқега эга. Бу ерда (асосан ЎЗМУ ва қисман ТДПУ да) фан докторлари ва номзодларнинг кўпчилиги мужассамлашган. Шунингдек, географ олимлар Тошкент иқтисодиёт университети ва молия институтида ҳам фаолият кўрсатишмоқда.

Пойтахт минтақасида география фанининг турланиши (диверсификацияси), ҳар хил йўналишларга ихтисослашуви, бошқача қилиб айтганда, кўп функциялиги кўзга ташланади. Хусусан, табиий ва иқтисодий (ижтимоий) географиянинг умумий масалалари, геоморфология, геоэкология, аҳоли ва шаҳарлар географияси, урбанизация, аҳолига хизмат кўрсатиш (сервис) географияси, соф социал географик тадқиқотлар – нозогеография, жиноятчиликнинг хуудий жиҳатларини ўрганиш кенг йўлга қўйилган.

Қуруклик гидрологияси, гидрометео-

рология, социал-иқтисодий картография, геодезия ва кадастр, агроиклимшунослик, терминшунослик ва топонимика муаммолари ҳам таҳлил ва тадқиқ қилинмоқда. Юқори малакали кадрларни тайёрлаш, йирик монографик асарлар яратиш, турли мавзуларга бағишланган илмий-амалий конференциялар айнан шу минтақага тўғри келади. География жамияти президиуми ва унинг – “Ўзбекистон География жамияти ахбороти” ҳам Тошкент минтақасида, аниқроғи Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Сўнгги йилларда минтақа олимлари: О.Ата-Мирзаев, А.Солиев, А.Қаюмов, Т. Мирзаев, Ҳ.Муборақов, Э.Сафаров, П.Ғуломов, М. Миракмалов, Ш.Зокиров, И.Хасанов, Н. Комилова, М.Назаров, З.Тожиева, З.Абдалова, Ф. Ҳикматов, Ғ.Юнусов, Д.Айтбоев, А.Эгамбердиев, С. Қориев, Ш.Шарипов, Ш.Қурбонов, А. Абдуллаев, А.Низомов, В.Федорко ва бошқалар томонидан нашр этирилган дарслик ҳамда монографиялар республикамиз география илми ва таълимининг ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлди.

Фарғона минтақаси Ўзбекистонда география илми ривожланишида ўзига хос хууд хисобланади. Бу районда анъанавий ҳолда қишлоқ хўжалиги географияси, ландшафт-шунослик, ўсимликлар географияси, гидрометеорология ва ер-сув ресурсларидан фойдаланиш, аҳоли ва шаҳарлар географияси, транспорт ва ижтимоий география, топонимика, саноат, жумладан, қўшма корхоналар географияси каби йўналишлар минтақанинг бу борадиги “ихтисослашувини” белгилаб беради.

Водий географлари М.Юсупов, А.Валихонов, А.Мақсудов, Ю.Султонов, А.Жалилов, Р.Усмонов, И. Абдуғаниев, А.Хатамов сингари марҳум олимларнинг ишлари уларга муносиб равишда давом эттирилиб келинмоқда. Т.Маллабоев, Б.Камалов, Ю.Аҳмадалиев, М. Мамажонов, О.Абдуғаниев, Р.Қодиров, Ш.Жумахонов, Ҳ.Мирзааҳмедов, А. Қозоқов, А.Назаров, М.Маҳмудова, К.Боймирзаев, У.Обидов, А.Баратов, Р.Пирназаров, О.Қўзибоева, А.Исаев ва бошқалар самарали илмий-педогогик фаолият олиб боришмоқда. Айниқса, етакчи олимлар ташаббуси билан ташкил этилган Фарғона водийси географларининг минтақавий уюшмаси (ВГМУ) ва у томонидан мунтазам равишда кўчма йиғилишларнинг амалга оширилиши ибратли ва ҳар қандай таҳсинга сазовордир.

Водийда 2 нафар фан докторлари мавжуд (Б.Камалов ва Ю.Аҳмадалиев), илмий-педогогик салоҳият энг юқори, деярли 100 фойиз Наманган университетида, энг паст – Қўқон педогогика институтида (2 нафар фан номзоди бор). Илмий монографиялар Ю.Аҳмадалиев, Ш.Жумахонов, Ҳ. Мирзааҳмедов ва И.Солиевлар маллифлигида нашр этирилган, илмий анжуманлар водийнинг барча вилоятларида навбатма-навбат ўтказилиб келинмоқда.

Фарғона минтақасининг умумгеографик

вазияти вазмин, табиати нозик, унга атропоген босимнинг таъсири кучли, геосиёсий ўрни ҳам ўзига хос. Бундай ҳолатда ер-сув ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, геоэкология, ижтимоий географик тадқиқотлар, жумладан аҳолига хизмат кўрсатиш, унинг бандлигини таъминлаш, транспорт ва бошқа инфратузилмани ривожлантиришнинг ҳудудий жиҳатлари минтақавий географик тадқиқотларининг устивор йўналишлари бўлиши мумкин.

Мирзачўл минтақасида география илми унинг умумгеографик, иқтисодий ва демографик салоҳиятига мос ҳолда ривожланиб бормоқда. Умуман олганда эса, ушбу минтақа Зарафшон ҳамда Пойтахт минтақалари ўртасида бўшроқ геомаконни ташкил қилади (иқтисодиётда, географияда ҳам худди шундай вазият кўзга ташланади). Бу ерда, яъни Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ландшафтшунослик, қишлоқ хўжалиги ва саноат географияси, агросаноат мажмуаси ва мелиоратив география, топонимика йўналишларида тадқиқот олиб борилади. Асосий марказлари Гулистон Давлат университети ва Жиззах педогогика институти ҳисобланади.

Илмий-педогогик салоҳият унча юқори эмас; география фанлари доктори, профессор М.Нурназаровнинг вафотидан сўнг минтақада етакчи географ-олим алоҳида кўзга ташланмайди. Фан номзодлари Н.Исмаатов, К.Қурбонов, Қ.Ҳақимов, Л.Қаршибоева, К. Хидиралиев ва А.Юлдошевлар турли йўналишларда баҳоли қудрат изланишлар олиб боришмоқда. Улар орасида ЖДПИ география кафедрасининг мудири Қ.Ҳақимов анча фаолроқ. Домла топонимика муаммолари бўйича қатор рисола ва монографиялар чоп этириб келмоқда.

Бироқ, Мирзачўл илмий маконининг юксакроқ даражада ривожланиши талаб этилади. Бу борада мавжуд йўналишлар қаторида мелиоратив география, агроэкология, қишлоқ хўжалиги географиясига оид тадқиқотларни олиб бориш яхши илмий ва амалий натижалар беради. Хусусан, “Жиззах махсус индустриал зонаси” нинг шаклланиши билан боғлиқ (у қисман Сирдарё вилоятини ҳам ўз таркибига олади) географик муаммоларни ўрганиш муҳим амалий аҳамият касб этади. Шу билан бирга, минтақада географ олимлар – фан докторлари сафларини ҳам яратиш ниҳоятда зарурдир.

Зарафшон минтақаси Фарғона водийси сингари географик жиҳатдан мукамал ўрганилган. Бу ҳудудда ўтган асрнинг иккинчи ярмида аҳоли ва аҳоли пунктлари қишлоқ хўжалиги нуктаи назаридан Москва Давлат университети олимлари билан ҳамкорликда мажмуали тадқиқотлар олиб борилган. Шунингдек, Зарафшон водийси табиати ва табиий ресурслари Жанубий–Ғарбий Ўзбекистон таркибида ҳам кўриб чиқилган.

Ҳозирги вақтда минтақа (Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятлари) географлари Ўрта ва Қуйи Зарафшон ландшафтлари, тоғ ва текислик геожуфтлиги, аҳолиси ва шаҳарлари, туристик

ресурслари, қишлоқ хўжалик географияси масалаларини ўрганиб боришмоқда. Айни вақтда, районнинг катта қисмини эгаллаган чўл ҳудудлари ҳам атрофлича таҳлил ва тадқиқ қилинган.

Зарафшон водийсида қатор, ўз илмий ишлари билан жамоатчилик орасида эътироф этилган катта олимлар бор. Улар жумласига, энг аввало, география фанлари докторлари, профессорлар А.Абдулқосимов, Л.Алибеков, С.Аббосов, доцентлар И.Назаров, А.Раҳматуллаев, Н. Маматкулов ва бошқаларни киритиш мумкин. Айтиш жоизки, минтақа, айниқса Самарқанд вилояти географиясини ўрганишда марҳум устозлар М.Умаров, С.Нишонов, А.Абдужабборов сингари олимларнинг хизматлари ҳам катта бўлган.

Кўрилаётган ҳудудда ўзининг илмий-педогогик салоҳияти билан Самарқанд университети ажралиб туради. Бу олийгоҳда 3 нафар фан докторлари, қатор фан номзодлари, доцентлар фаолият кўрсатишмоқда. Бироқ, Бухоро университети ҳамда Навоий педогогика институтининг бу борадаги кўрсаткичлари унча катта эмас. Бухорода республикаимзда чўл табиати обдон биладиган ва чуқур ҳис қиладиган олим И.Назаров ва 2 нафар (Х.Тошев, А. Мавлонов) ёш фан номзодлари бор. Навоий педагогика институтида Б.Калонов, Ю.Раҳматов ва С.Шодиевлар ишлаб туришибди. Аммо улар томонидан олиб борилаётган илмий ишлар кўлами ва даражаси янада кучайтирилиши зарур. Бунинг учун “чўл иқтисодиёти” ва табиати, транспорт ва шаҳарлар географияси, урбоэкология, шунингдек, Навоий эркин иқтисодий-индустриал зонаси билан боғлиқ тадқиқотларни амалга ошириш ҳам мақсадга мувофиқ.

Жанубий Ўзбекистон – Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари табиати, аҳолиси, хўжалиги ва уларнинг ички тафовутлари ҳам географик жиҳатдан ўрганиш қизиқарли тадқиқот объекти ҳисобланади. Бу дарёлар номи билан ташкил топган ҳудудда кўплаб илмий изланишлар олиб борилган, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари собиқ ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) географлари томонидан яхши ўрганилган, Сурхон-Шеробод ҳамда Қарши чўлларида комплекс тадқиқотлар амалга оширилган.

Таъкидлаш жоизки, минтақа иқтисодий географик жиҳатдан кўпроқ таҳлил қилинган. Хусусан, марҳум профессор А.Рўзиев ва унинг шогирдлари қишлоқ хўжалиги географияси ва агросаноат мажмуаси шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари ҳудудий ишлаб чиқариш тизимлар доирасида анча яхши ўрганилган. Доцент М.Янгибоев ҳам Қашқадарё вилояти аҳолиси ва меҳнат ресурслари бўйича кўплаб илмий изланишлар олиб борган. Ҳозирги вақтда иқтисодий (ижтимоий) географик тадқиқотлар Л.Эрдонов, Қ.Алланов, Х.Абдуназаров, А.Сатторов, П.Қурбонов ва бошқалар томонидан бажарилмоқда. Доцент Р.Усмоновнинг илмий

ишлари эса табиий ва иқтисодий география кйррасида олиб борилмоқда (рекреация географияси).

Жанубий Ўзбекистоннинг табиати ниҳоятда ранг-баранг, ландшафти турли хил бўлишига қарамадан у маҳаллий олимлар томонидан нисбатан камроқ ўрганилган. Ушбу илмий йўналишда кўпроқ яқинда вафот этган таниқли олим А.Маматов хизмат қилган.

Демак, келажакда мазкур минтақада табиий географик тадқиқотларни, шунингдек, кишлок хўжалиги, рекреация ва туризм, саноат ва транспорт географияси билан боғлиқ илмий ишларни олиб бориш зарур. Жанубий Ўзбекистон география жамоаси профессор А.Рўзиев вафотидан сўнг ўзининг етакчи – сардорисиз қолди. Бу жиддий масала ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак.

Қуйи Амударё минтақаси мамлакатимизда худуди бўйича энг катта саналган Қорақалпоғистон Республикаси ва ундан деярли 25 марта кичик бўлган Хоразм вилоятини ўз таркибига олади. Шу билан бирга, бу худуд экологик нуқтаи назардан оламшумул мазмун касб этган Орол денгизига туташ ҳисобланади. Бундай географик вазият объектив равишда ҳар томонлама илмий тадқиқотлар олиб бориш учун қулай имкониятлар яратади. Бежиз эмаски, республикаимизда бажарилган дастлабки минтақавий географик тадқиқот ҳам ўтган асрнинг 40-йилларида, айнан шу худудда, аниқроғи Устюрт плотосида олиб борилган¹. Кейинчалик эса Қуйи Амударё минтақаси Орол денгизи муаммоси билан боғлиқ ҳолда атрофлича ўрганилган (масалан, ЎзФА География бўлими олимлари томонидан).

Минтақа географиясини ўрганишда марҳум устозлар Т.Тоғимов, Ж. Матмуродов, А.Ишчонов, Р. Қурбонниёзов каби олимларнинг хизматлари катта бўлган. Ҳозирги вақтда бу ерда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш муаммолари, кишлок хўжалиги, саноат, аҳоли, меҳнат ресурслари ва шаҳарлар географияси, тиббиёт географияси, агроландшафтшунослик, социал-иқтисодий карто-графия, геоэкология каби илмий йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Уларни амалга оширишда г.ф.д., профессор Е.Умаров, фан номзодлари, доцентлар П.Реймов, Г.Ходжаева, К.Алланазаров, И. Турдимамбетов, Н.Ембергенов, И. Атажонов, М.Ҳамроев, Д.Рўзметов, С.Авезов, Ш.Дўсанова, М.Матчонов ва бошқа ёш, иқтидорли олимлар фаол иштирок этишмоқда.

Қуйи Амударё мамлакатимиз марказий худудларидан анча узоқ, олисда жойлашган, табиати, экологик ва нозогеографик, демографик

вазияти ўзига хос. Бундай геохусусиятлар турли йўналишларда мажмуали илмий тадқиқотларни олиб боришни тақозо этади. Хусусан, “Орол муаммоси” билан боғлиқ илмий изланишлар, табиий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, ландшафтшунослик, транспорт ва ижтимоий инфратузилма тизимини яратиш, нозоэкология каби мавзуларда илмий ишлар олиб бориш зарур. Шу билан бирга, бундай катта худудда минтақавий географлар уюшмасини (Фарғона водийсидаги уюшмасига ўхшаш) ташкил этиш, фан докторлари сафларини кенгайтириш ҳам аҳамиятдан ҳоли эмас.

Шундай қилиб, республикаимизда география илми ўзининг узоқ тарихига эга бўлиб, унинг ҳозирги худудий тизими, мамлакатимизнинг табиий ва иқтисодий жиҳатдан ички тафовутларга бойлигига мувофиқ ҳолда, ташкил топган. Бошқача қилиб айтганда, география илмининг географияси ҳам ўзига хос; у қайси бир жойларда яхши ривожланган, юкори мужас-самлашув ва ихтисослашув даражасига эришган, қайси бир худудларда эса анча заиф ва тор йўналишларга мослашган. Илмий салоҳият турлича, ёзиладиган мақолаларнинг долзарблиги, илмий-таҳлилий, назарий жиҳатдан чуқурлиги ҳам минтақавий хусусиятларга эга.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, республикаимизда география илмининг фундаментал йўналишлари, жумладан, ландшафтшунослик ва геоморфология, иқтисодий географияда табиий ресурсларга баҳо бериш ва районлаштириш, агрогеография орқада қолиб кетмоқда. Айни вақтда республика география илми кўпроқ миллий хусусият касб этиб, унинг халқаро аҳамияти, ташки алоқалари ривожланиб бормоқда.

Маълумки, география фани худудий ранг-барангликларни, тенгсизлик, ички тафовутлар билан кизикади. Илмий тадқиқотлар мақсади эса, бу тенгсизликларни мумкин қадар тенглаштириш (мутлақ ҳолда бу асло мумкин эмас!), мувофиқлаштиришга қаратилган. Республикаимиз география илмининг географияси ҳам худди шунга ўхшаш мақсадларни, ягона, умумий геомакон шаклланиши, худудлар ўртасида инновацион интеграция, ҳамкорликни ривожлантиришни кўзлайди. Бу макон ҳам ўзининг ўсиш кутб ва марказларига эга бўлиши керак. Бинобарин, пойтахт минтақасининг етакчилигини сақлаган ҳолда, қолган минтақалар (Бухоро, Навоий, Жиззах вилоятлари) илмий салоҳиятини ҳам кучайтириш миллий география мактабини шакллантириш ва унинг халқаро миқёсда нуфузини оширишга асос бўлиб хизмат қилади.

¹Шу ўринда унутмаслик керак: Орол денгизи ва Оролбўйи минтақаси таниқли рус олимлари Л.С.Берг ва И.П.Герасимовлар томонидан ҳам ўрганилган.

Салиев А.С.

ГЕОГРАФИЧЕСКАЯ НАУКА В УЗБЕКИСТАНЕ И ЕЕ ГЕОГРАФИЯ

Резюме

Географическая наука в своем развитии и территориальной организации имеет свои специфические особенности. В данной статье кратко освещается география научных исследований в Узбекистане. Основное внимание уделяется региональному анализу научно-педагогического потенциала республики.

Soliyev A.S.

GEOGRAPHICAL SCIENCE IN UZBEKISTAN AND ITS GEOGRAPHY

Resume

Geographical science in its development and territorial organization has its specific peculiarities. In the paper briefly enlightened geography of scientific researches in Uzbekistan. Main interest is given to regional analysis of scientific-pedagogical potential of the republic.

Тавсия этувчи:

проф. Ҳикматов Ф.Х.

ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИГА САЗОВОР ОЛИМ ЁХУД АЛИ АБДУЛҚОСИМОВ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР

Аббосов С.Б., Ярашев Қ.С.

Таянч сўзлар ва иборалар: ландшафт, ландшафтшунослик, антропоген ландшафт, таснифлаш, илмий мактаб, таълимот.

Кириш. Жамиятнинг барқарор ривожлантириш ҳамда табиий фанлардаги назарий ва амалий масалаларни ҳал қилишда ҳеч шубҳа йўқки, географик фанларнинг муҳим ўрни бор. Табиий-географик муаммоларнинг ечими эса, ландшафтшунослик масалаларига бориб такалади. Ҳозирги табиий географик фанлар орасида ландшафтшунослик муҳим илмий-назарий ва амалий аҳамият касб этади. Бу борада етакчи олимларимиз илмий асарларини ва уларнинг илмий мактаблари яратган меросни ўрганиш ёш олимлар ва тадқиқотчилар учун ниҳоятда муҳим.

Ўзбекистонда ландшафтшуносликнинг шаклланиши ва ривожланишида дунё ландшафтшунослари томонидан яратилган ландшафт ҳақидаги таълимот ва ғоялар мамлакатимиз географлари учун ҳам асосий назарий ва амалий қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда. Ана шундай ландшафт назарияси ва таълимоти билан курулланган Ўзбекистон ландшафтшунослари узок йиллар давомида тадқиқот ишларини олиб бориб, кенг миқёсдаги илмий ва амалий ишларни бажариб келдилар, бу соҳада бир қатор ютуқларга эришдилар. Жумладан, антропоген ландшафтларни тадқиқ қилиш методологияси ва методлари ишлаб чиқилиб, унинг илмий-назарий асослари яратилди. Натижада, Ернинг ландшафт сферасида шаклланган ва барқарор ривожланиб бораётган антропоген ландшафтларнинг илмий назарий ва амалий аҳамияти катта эканлиги эътироф этилди. Антропоген ландшафтшунослик инсон ҳўжалик фаолияти нағижасида барпо этилган неоландшафтларни тадқиқ этиш, таснифлаш, карталаштириш ҳамда антропоген геоэкологик прогнозлаштириш билан шуғулланади.

Асосий қисм. Ўзбекистонлик олимлар ландшафт ҳақида яратилган ғояларни ривожлантириб, уларни янги қарашлар ва

эришилган илмий натижалар билан бойитдилар. Уларга В.М.Четиркин, Л.Н.Бабушкин, Н.А.Когай, М.У.Умаров, А.А.Абдулқосимов, С.А.Нишонов, Л.А.Алибеков, А.Р.Рахматуллаев, С.Б.Аббосов, Ю.С.Султонов, Х.В.Ваҳобов, Ш.С.Зокиров, А.С.Саидов, М.Қ.Қўзибоев ва бошқаларнинг мисол қилиб кўрсатиш лозим. Шунингдек, шу соҳада ўзининг илмий мактабига эга бўлган, география фанлари доктори, профессор Али Абдулқосимовнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим. Устоз Али ака Абдулқосимов умрининг асосий қисмини ландшафтшунослик соҳасини ривожлантиришга бахшида этган йирик олим сифатида тан олинади ва ҳурмат қилинади.

Илдизлари Мирзо Улуғбек мадрасасига бориб тақалувчи Самарқанд давлат университетида кўп йиллардан буён шаклланган илмий мактабларнинг шухрати узок-узокларга ёйилган. Ана шундай мактаблардан бири «Табиий география, ландшафтшунослик асослари ва антропоген ландшафтшунослик» масалалари билан шуғулланувчи географлар мактаби бўлиб, А.Абдулқосимов шу мактабнинг захматкаш, фидойи олимларидан ҳисобланади.

Али Абдулқосимов Самарқанд давлат университети Гидрометеорология ва ландшафтшунослик кафедраси профессори, география фанлари доктори, таниқли олим, Ўзбекистон Республикаси География жамияти фахрий профессори, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби муборак 80 ёшни қаршиламоқда. Қадрли устозимиз 1934 йил 25 декабрда Самарқанд вилояти Пайариқ туманининг ҳозирги Челақ шаҳрида ишчи-хизматчи оиласида таваллуд топди. Олимнинг ёшлик йиллари ўта оғир даврга тўғри келган бўлса-да, илм эгаллашни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйди. Шу меҳнатлари эвазига 1954 йилда тумандаги 25-сонли ўрта мактабни имтиёзли тугатди. Ўзбек (ҳозирги Самарқанд) давлат университети геология-

география факультетининг география бўлимига ўқишга кириб, уни 1959 йилда муваффақиятли тугатди. Университетни битиргач А.Абдулқосимов ўзининг иш фаолиятини 1959 йилда Пайариқ туманидаги 19-ўрта мактабда ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари ва ўқитувчилардан бошлади.

1960 йилларда Самарқанд давлат университетига эндигина шаклланаётган географлар мактаби ёш истеъдод соҳибларини танлаб, ўз сафини кенгайтира бошлаган эди. Шу даврда серғайрат, илмга чанқоқ Али Абдулқосимовга Воронеж давлат университетининг табиий география ва ландшафт-шунослик йўналиши бўйича аспирантурада ўқиш насиб этди. 1961-1964 йилларда ёш тадқиқотчи дунёга машхур ландшафтшунос олим, профессор Ф.Н. Мильковдан табиий география ва антропоген ландшафтшуносликнинг назарий масалаларини қунт билан ўрганди. Бундай изланишлар натижаси ўлароқ, аспирантура муддати тугаши арафасида «Фарғона ботиғини ландшафт-типология карталаштириш ва табиий географик районлаштириш» мавзудаги номзодлик диссертациясини муваффақият билан химоя қилди.

1964 йилдан Али ака иш фаолиятини яна Самарқанд давлат университетига давом эттириб, бугунги кунгача ассистентликдан профессорлик лавозимигача бўлган барча поғоналарни босиб ўтдилар ва, таъкидлаш лозимки, ҳеч қачон илмий изланишларни тўхтатмадилар. Али Абдулқосимовнинг олиб борган илмий тадқиқотлари ландшафтшуносликнинг назарий ва амалий масалаларига бағишланган бўлиб, уларда куйидаги илмий йўналишлар ўз ифодасини топади: Ўрта Осиё йирик тоғоралиғи ботик ландшафтларининг зонал, регионал ва вертикал дифференциацияланиши, уларнинг инсон хўжалик фаолияти таъсирида ўзгариши оқибатида антропоген ландшафтларнинг ҳосил бўлишини назарий масалалари очиб берилди. Ўрта Осиё тоғоралиғи ботикларининг табиий географик дифференциацияланишида яруслик қонуниятига, ҳар қайси ботик ландшафтларининг вертикал дифференциацияланиши эса баландлик ландшафт босқичи қонуниятига бўйсунини асослаб берилди. Ана шу илмий-тадқиқотлар натижаси ўз самарасини бериб, устоз 1990 йилда Озарбайжон Республикаси Фанлар Академиясининг География институти қошидаги Ихтисослашган илмий кенгашда «Ўрта Осиё йирик тоғоралиғи ботиклари ландшафтларининг макон дифференциацияланиши ва антропоген трансформацияланиши» мавзуда докторлик диссертациясини муваффақиятли химоя қилди.

Ландшафтларини ўргана бориб, ундаги вертикал дифференциацияланиш исботлаб берилди. Бу ҳолат ландшафтлардаги ўзгаришларни мутлак ва нисбий баландликларда вертикал табақаланиши сифатида ўз аксини топади. Бундан ташқари, вертикал дифференциацияланиш тоғоралиғи ботикларида вертикал зоналикни ҳам

ҳосил қилиб, унда ички зонал ўзгаришларни вужудга келтиради. Ушбу муаммоли масалалар устознинг «Ўрта Осиё тоғоралиғи ботик ландшафтларини тадқиқ этиш муаммолари» (Тошкент, Фан, 1983) номли монографиясида тўлиғича ўз ифодасини топган.

А. Абдулқосимов йирик тоғоралиғи ботикларини материклар бўйича географик тарқалишини, уларнинг тузилмасини ташкил этувчи ландшафт комплексларини кенглик бўйлаб чўзилган ботикларда узоклик-баландлик зоналар, меридионал йўналган ботикларда кенглик-баландлик зоналари шаклланишини асослаб берди. Шу билан бир қаторда тоғоралиғи ботикларида ландшафт зоналари спектрининг вертикал ўзгаришини, уларнинг қуйи қисми учун хос бўлган учта зоналик баландлик ботикларига қараб қамайиб боришини таҳлил ва тадқиқ қилинди. Бу эса, жойнинг географик кенглигига ва мутлак баландлигига боғлиқ ҳолда ўзгаришини ҳам асослаб берди.

А.Абдулқосимов 1962 йилдан бошлаб олиб борган илмий тадқиқот ишларида Фарғона ботиғини ландшафт-типология карталаштириш ва табиий географик районлаштириш масалаларини кенг ёрита бошлади. Кейинчалик А. Абдулқосимовнинг ландшафт карталари асосида бажарилган табиий географик районлаштириш ишлари Ўрта Осиё тоғли худудларининг Самарқанд, Сурхондарё, Иссыкқўл ва Олой ботикларини ҳам қамраб олади. Ботик ландшафтларини макон ва замонда дифференциацияланиш қонуниятларини таҳлил қилиб, тоғоралиғи ботиклари учун ландшафт асимметрияси характерли эканлигини аниқланди.

А.Абдулқосимов Ўрта Осиё тоғоралиғи ботикларини комплекс тадқиқ этиш натижасида бу ерда табиий ландшафтлар билан бир қаторда инсон хўжалик фаолияти таъсирида вужудга келган антропоген ландшафтларнинг кенг тарқалганлигини ва уларни ҳам тадқиқ этиш илмий ва амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга эканлигини эътироф этди ва антропоген ландшафтшунослик йўналишида кенг тадқиқот ишларни олиб бориш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблади.

Ўрта Осиё ва Ўзбекистонда антропоген ландшафтшунослик йўналишининг вужудга келиши ва шаклланишида А.Абдулқосимовнинг «Ҳозирги ландшафтларнинг шаклланишида антропоген омилнинг роли» (1966), «Ўрта Осиё антропоген ландшафтларини таснифлаш масалалари» (1972), «Ўрта Осиё воҳа ландшафтлари ва уларнинг морфология структураси» (1972), «Воҳа ландшафтларининг структураси ва уларни карталаштириш» (1972) каби илмий-назарий мақолалари, Самарқанд, Каттакўрғон, Андижон, Қўқон, Денов ва Хоразм воҳалари бўйича тузган йирик масштабли ландшафт-типология карталари асос бўлиб хизмат қилди.

А.Абдулқосимов антропоген ландшафтларнинг келиб чиқиш ва шаклланиш тарихи

билан шуғулланиб, материклар бўйича энг қадимий автохтон агроландшафтларнинг ўнта маркази борлигини аниқлади. Кейинги йилларда республикамизнинг илмий журналларида, тўпламларда, анжуман материалларида эълон қилинаётган ва Ўзбекистонда ландшафт кадастрини тузиш, уни яратишда географик-информацион системадан фойдаланиш, шаҳар ва қишлоқ селитеб ландшафтларининг геоэкологик муаммоларини оптималлаштириш учун ландшафт архитектурасига эътибор бериш, тиббий ландшафтшунослик, тиббий геоэкология ва турли хил касалликларнинг келиб чиқишини табиий ва антропоген ўчоқларини аниқлаш ва бошқа масалаларга қаратилган илмий-назарий мақолаларнинг кўпчилиги А.Абдулқосимовнинг қаламига мансубдир.

Устознинг Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейинги йилларда олиб борган илмий тадқиқотларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки, Али Абдулқосимовнинг сўнгги йиллардаги изланишлари серкирра. Ҳозирда мустақил республикамизнинг барча умумтаълим муассасаларининг 6-синф ўқувчилари профессор А.Абдулқосимов

томонидан ёзилган «Материклар ва океанлар табиий географияси» ўқув қўлланмаси ва дарслигини алоҳида эътибор билан ўқимокдалар.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқки, узок йиллик илмий изланишлар натижасида профессор А.Абдулқосимов 450 дан ортиқ илмий мақолалар, монографиялар, дарсликлар, ўқув, ўқув-услубий қўлланмалар чоп эттирди. Устозни долзарб мавзулардаги илмий асарлар муаллифи сифатида Ўрта Осиё олимлари, қолаверса МДХ давлатларидаги йирик олимлар эътироф этадилар. Албатта, бундай катта қўламдаги илмий-тадқиқотларининг сермаҳсул бўлишида оиласининг ҳам тинч-тотувлиги, домланинг ўзи каби камтар, ҳалол, покиза уй бекаси борлигида деб ўйлаймиз. Устознинг умр йўлдоши Тамара Камоловна ҳам географ-ўқитувчи, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, ҳозирда нафақада неваралар ва чеваралар тарбиясига бошу-қош. Али ака Абдулқосимов оилада меҳрибон ота. У кишининг 2 ўғил, 2 қиз, 10 нафар невара, 4 нафар эвараси бор. Улар устоз авлодининг давомчилари бўлиб, мустақил ҳаётга кириб боришмоқда.

Аббосов С.Б., Ярашев К.С.

**ШТРИХИ К ПОРТРЕТУ УЧЕНОГО АЛИ АБДУЛКАСИМОВА, ЗАСЛУЖИВШЕГО ВСЕОБЩЕГО
УВАЖЕНИЯ СРЕДЫ КОЛЛЕГ И СПЕЦИАЛИСТОВ**

Резюме

В статье приводятся основные научные работы, творческая жизнь, завоеванные успехи в науке профессора А.Абдулкасимова, посвятившего себя изучению ландшафтно-экологических проблем крупных межгорных котловин и являющегося автором более 450 научных статей, монографий, учебных пособий и учебников.

Abbosov S.B., Yarashev K.S.

**THE SCIENTIST WHO IS WORTHY TO THE NATION'S RESPECT OR THE STRIPES TO THE PORTRAIT
OF ALI ABDULKOSIMOV**

Resume

The scientist who is worthy to the nation's respect or the stripes to the portrait of Ali Abdulkosimov. The autor of having studied considerable edge of a mountain from the landscape and ecological point of view, more than 450 scientific articles, monographs, methodical gratinities and textbooks the professor Ali Abdulkosimov's main scientific works, autobiography and the main directions of his scientific works, his achieved gains are related in this article.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

**НЕКОТОРЫЕ ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И МЕТОДИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ ВЫДЕЛЕНИЯ
КРУПНОМАСШТАБНЫХ ЕДИНИЦ ПРИРОДНО-ХОЗЯЙСТВЕННОГО РАЙОНИРОВАНИЯ
УЗБЕКИСТАНА**

Федорко В.Н.

Ключевые слова: *природно-хозяйственный район, группа природно-хозяйственных районов, природно-хозяйственный подрайон, природно-хозяйственная местность, критерии выделения таксонов.*

Введение. Сетка природно-хозяйственного районирования является иерархически соподчинённой совокупностью обладающих устойчивыми связями, структурой и границами территориальных природно-хозяйственных систем, в которых природно-антропогенные ландшафты, хозяйственные комплексы и селитебные структуры взаимно обусловлены,

развиваются в тесной вертикальной (межкомпонентной) и горизонтальной (пространственной) сопряжённости, интегрируясь вокруг социоэколого-экономических проблем регионального природопользования. На каждом таксономическом уровне критерии и методические приёмы выделения единиц природно-хозяйственного районирования специфичны. Особый интерес, как

в теоретическом, так и в практическом плане, представляет выделение крупномасштабных подразделений районирования, в рамках которых тесная взаимосвязь социума и природной среды предстаёт наиболее осязаемо, что приближает процедуру природно-хозяйственного районирования к решению конкретных, локализованных проблем природопользования. Это обстоятельство определяет актуальность рассматриваемых в статье вопросов.

Изученность темы. В географической литературе известны опыты природно-хозяйственного районирования различных территорий: Иркутской области [2], Крыма [4], российско-китайского приграничья в пределах Амурского бассейна [1], Республики Татарстан [3] и других регионов. Однако специфические условия природопользования в Узбекистане требуют разработки специфических подходов к природно-хозяйственному районированию, чему посвящены несколько наших работ [5-9]. Предлагаемая статья является продолжением авторской разработки проблемы природно-хозяйственного районирования республики.

Цель и задачи работы. Цель работы – разработать теоретические и методические основы выделения крупномасштабных таксонов природно-хозяйственного районирования Узбекистана – районов, подрайонов и местностей. Задачи, решение которых предполагает достижение поставленной цели: 1) сформулировать определение природно-хозяйственного района, подрайона и местности с учётом методологического принципа последовательной дегенерализации и детализации; 2) предложить критерии для выделения природно-хозяйственных районов, подрайонов и местностей; 3) проиллюстрировать методические приёмы районирования на конкретных примерах территориальных систем природопользования.

Основная часть. Узловой единицей природно-хозяйственного районирования Узбекистана, выявляемой, как дедуктивным, так и индуктивным путём, наиболее оптимальной с позиций практики государственного управления и планирования регионального природопользования, является природно-хозяйственный район. Под *природно-хозяйственным районом* понимается морфогидрографически выраженная часть природно-хозяйственного округа, обладающая своеобразием ландшафтной структуры и естественно-ресурсного потенциала, функционально-пространственной целостностью природопользования, единством ирригационной инфраструктуры и селитебного облика, а также характерным спектром взаимосвязанных геоэкологических проблем. Район должен обладать, как хозяйственно-селитебной, так и геосистемной целостностью и обособленностью, морфологической определённой.

Природно-хозяйственный район в условиях равнинно-пустынных округов морфологически может соответствовать крупному позиционно

обособленному сегменту дельтовой равнины (современной или древней), озёрной котловине, крупному пустынно-пастбищному массиву с характерным типом рельефа и растительного покрова, группе останцовых низкогорий, окружённых шлейфами предгорных пролювиальных равнин, платообразному поднятию и иным геосистемным образованиям с территориально целостной организацией природопользования. В предгорно-горных округах республики в ранге природно-хозяйственных районов выделяются один или несколько сопряжённых конусов выноса, речная терраса, бассейн (долина) реки или его крупный участок, подгорная равнина, песчано-солончаковые формы рельефа на дне крупных межгорных впадин, адырная гряда и прилегающая к ней заадырная впадина, небольшая межгорная котловина, склон горной системы определённой экспозиции, комплекс орографически и ландшафтно связанных горных поднятий.

В рамках большинства природно-хозяйственных округов республики (кроме Устюртского) можно выделить промежуточные между округом и районом таксоны районирования – *группы природно-хозяйственных районов* – совокупности расположенных в пределах одного природно-хозяйственного округа и идентичных в позиционно-морфологическом, ландшафтно-экологическом и хозяйственно-расселенческом отношениях природно-хозяйственных районов, которые характеризуются схожестью условий, процессов и проблем природопользования. Группы природно-хозяйственных районов выделяются посредством типологии районов по морфологическим и функциональным признакам в их взаимосвязи, комплексного географического сравнения группируемых таксонов. Так, в пределах Среднезарафшанского округа автором выделены 13 природно-хозяйственных районов, объединённых в пять групп: 1) долинно-оазисные (2 района – Самаркандский, Каттакурганский); 2) предгорно-равнинные (3 района – Придаргомский, Улусский, Акташский); 3) низкогорные (2 района – Северо-Зиадинский, Северо-Зирабулакский); 4) горные (3 района – Чакылкалян-Каратепинский, Актауский, Гобдун-Каракчатауский); 5) межгорно-котловинные (3 района – Санзаро-Галляаральский, Кошрабадо-Койташский, Нурата-Каратауский).

Дискретность ландшафтно-морфологической структуры многих районов, связанное с ней сочетание разных отраслей хозяйства и наличие территориально обособленных массивов природопользования позволяют во многих случаях выделять дробные таксоны пространственной структуры природопользования – *природно-хозяйственные подрайоны*. Под ними автором понимаются позиционно обособленные, однородные в ландшафтно-типологическом отношении части района с преобладанием одного типа (направления)

природопользования, монолитным экзистическим рисунком и специфической геоэкологической ситуацией. Природно-хозяйственные подрайоны выделяются с учётом наиболее значимых факторов территориальной дифференциации природопользования в пределах района. При этом критерии морфологического разграничения подрайонов в различных фоновых географических условиях весьма специфичны и не могут быть универсальными, к примеру, для дельтовых оазисов и пустынно-пастбищных массивов, останцовых горных поднятий и межгорных котловин, оазисов речных террас и горных склонов и т.д.

Приведём несколько примеров разделения природно-хозяйственных районов на подрайоны на материалах районов, занимающих разные геоморфологические ступени Среднезарафшанского округа. В Самаркандском природно-хозяйственном районе, занимающем издавна освоенные под орошаемое земледелие надпойменные террасы Зарафшана к востоку от меридиональной линии «г.Иштыхан – Дамхужинский гидроузел» и ограниченном на севере и юге уступами лёссовых подгорных равнин, с учётом пространственной организации ирригационной инфраструктуры, местных различий в почвенно-мелиоративных условиях и специализации сельского хозяйства выделяются следующие подрайоны: Даргомский (лёссовые террасы между Зарафшаном и каналами Даргом и Обводной Даргом на левобережье реки); Джуминский (орошаемый массив на левобережных террасах реки к западу от Даргома, ограниченный на юге уступом подгорной равнины); Джамбайский (оазис на орошаемых луговых почвах между Зарафшаном и Акдарьёй на юге до уступов третьей надпойменной террасы на правобережье реки); Мианкальский (часть междуречья Мианкаль от Ак-Карадарьинского гидроузла до меридиональной линии г.Иштыхан – Дамхужинский гидроузел); Булунгур-Палванский (оазис на третьей и третьей-четвёртой террасе правобережья Зарафшана, ограниченный каналами Булунгур и Палван на севере).

Придаргомский природно-хозяйственный район, занимающий предгорную равнину у северных склонов Чаकылкалян-Каратепинских гор и отделённый от Самаркандского района резкими уступами, с учётом различий в плотности освоения и заселения, гидрографических и земельно-почвенных условиях, специализации сельского хозяйства, подразделяется на 5 природно-хозяйственных подрайонов: Янгиарыкский (зона орошения канала Янгиарык – наиболее плотно населённая часть района); Ургутский (холмисто-грядовые предгорные равнины восточнее Камангарана, где сочетается богарное и мелкооазисное земледелие); Камангаран-Агалыкский (орошаемые плоские подгорные равнины от низовьев Агалыкская на западе до Камангарана включительно на востоке); Прианхорский (малоосвоенные земли между

каналом Эски-Анхор на севере и автотрассой Самарканд-Карши на юге) и Санчикульский (земли, орошаемые каналом Эски-Анхор, ограниченные на западе Улусской волнистой равниной).

В свою очередь, в горном Чаकылкалян-Каратепинском природно-хозяйственном районе, занимающем северные склоны Зарафшанского хребта, выделяются 3 подрайона, обособленных орографически и различающихся условиями развития пастбищного и лесного хозяйства, мелиорации горных склонов: Чакылкалянский (северные склоны Чакылкалянского горного массива), Каратепинский (северные склоны Каратепинского хребта с вершинами конусов выноса мелких саёв) и Аманкутанский (водосбор Каратепинского водохранилища между Каратепинским и Чакылкалянским хребтами, представляющий собой важный рекреационный район и транспортный коридор, соединяющий Самаркандскую и Кашкадарьинскую области).

Специфические критерии и методические приёмы выделения подрайонов следует применять также при крупномасштабном районировании межгорных котловин, дельтовых оазисов, крупных конусов выноса, адыров, задырных впадин, останцовых низкогорий, пустынно-пастбищных массивов и всех прочих генетико-морфологических разновидностей территориальных природно-хозяйственных систем Узбекистана.

Наименьшей единицей природно-хозяйственного районирования страны является *природно-хозяйственная местность* – типически повторяющийся в пределах природно-хозяйственного района (подрайона) элементарный географический комплекс природопользования с наиболее тесной корреляцией природных и хозяйственных границ, соответствующий в геосистемном разрезе ландшафтно-морфологическим единицам в ранге местности или урочища. Природно-хозяйственная местность представляет собой качественно определённый тип земель (в ландшафтно-типологическом смысле) с характерным направлением природопользования (земледельческим, животноводческим, селитебным, промышленным, биоресурсным, рекреационным, природоохранным), или же не имеющий на данном этапе социально значимых функций. Необходимо подчеркнуть, что спектр природно-хозяйственных местностей в тех или иных территориальных системах природопользования Узбекистана исключительно дифференцирован в силу большой пестроты ландшафтной структуры территории республики.

Выделение природно-хозяйственных местностей предпочтительно основывать на экспедиционно-визуальных обследованиях района, способных обеспечить подробную и достоверную информацию о пространственной организации регионального природопользования, и крупномасштабном картографировании террито-

риальных ячеек хозяйственной деятельности и селитбы на топографической или ландшафтно-типологической основе. Районирование на уровне природно-хозяйственных местностей следует использовать для ландшафтного планирования природопользования.

Выводы. Выделение крупномасштабных таксонов природно-хозяйственного районирования Узбекистана – районов, подрайонов и

местностей базируется на ряде специфических критериев и методических приёмов. Делимитация единиц природно-хозяйственного районирования на всех его иерархических ступенях базируется на функциональных и структурно-морфологических критериях. При этом соответствующие методические положения в определённой мере варьируются в зависимости от фоновых географических условий.

Литература:

1. Бакланов П.Я., Ганзей С.С. Трансграничные территории: проблемы устойчивого природопользования. – Владивосток: Дальнаука, 2008. – 216 с.
2. Блануца В.И. Интегральное экологическое районирование: концепция и методы. – Новосибирск: Наука, 1993. – 158 с.
3. Кучерявенко Д.З. Эколого-экономическое районирование территории Республики Татарстан. Автореф. дисс. ... канд. геогр. наук. – М., 2003. – 26 с.
4. Малева В.И. Эколого-экономическое районирование Крыма. Автореф. дисс. ... канд. геогр. наук. – Киев, 1993 – 19 с.
5. Федорко В.Н. Использование метода топонимической индикации при создании схем природно-хозяйственного районирования // Ўзбекистон География жамияти ахбороти, 42-жилд. – Т., 2013. – с.84-87.
6. Федорко В.Н. Природно-хозяйственное районирование дельты Амударьи (в пределах Узбекистана) // Проблемы рационального использования природных ресурсов Южного Приаралья. Мат-лы Респ. науч.-практ. конф. – Нукус, 2014. – с. 28-30.
7. Федорко В.Н. Природно-хозяйственное районирование Приташкентского региона Узбекистана // География и геоэкология на службе науки и инновационного образования. Мат-лы IX Всеросс. с междунар. участием науч.-практ. конф. – Красноярск, 2014. – с. 104-111.
8. Федорко В.Н. Природно-хозяйственное районирование Ферганской долины (в пределах Узбекистана) // Проблемы рационального природопользования в Ферганской долине. Мат-лы Респ. науч.-практ. конф. – Наманган, 2014. – с. 183-188.
9. Федорко В.Н. Система таксономических единиц природно-хозяйственного районирования Узбекистана // Ўзбекистон География жамияти ахбороти, 43-жилд. – Т., 2014. – с.130-134.

Федорко В.Н.

ЎЗБЕКИСТОН ТАБИЙ-ХЎЖАЛИК РАЙОНЛАРИНИНГ ЙИРИК МАСШТАБЛИ БИРЛИКЛАРИНИ АЖРАТИШНИНГ БАЎЗИ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДИК МАСАЛАЛАРИ

Резюме

Мақолада Ўзбекистон ҳудудини табиий-хўжалик районлаштиришнинг йирик масштабли бирликлари – район, кичик район ва жойларни ажратишда қўлланиладиган мезон ва методлар қўриб чиқилган.

Fedorko V.N.

SOME THEORETICAL AND METHODOLOGICAL ISSUES OF SEPARATION OF MEASURES OF LARGE SCALE NATURAL-AGRICULTURAL REGIONALIZATION OF UZBEKISTAN

Resume

In this article the author overviewed criterion and methods of large-scale measures of delimitation of the natural-economical districts– region, small region and localities of the Republic of Uzbekistan.

Рекомендуем:

проф. Салиев А.С.

ОЦЕНКА РЕСУРСНОГО ПОТЕНЦИАЛА ЮЖНОГО ПРИАРАЛЯ С ТОЧКИ ЗРЕНИЯ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА

Умаров Е.К., Умаров А.

Ключевые слова: ресурс, потенциал, интенсификация, специализация, интеграция, ускорение, коэффициент использования земель, КПД оросительных систем, «потенциальная продуктивность», «базовый ресурс» интеллектуальный ресурс, инновация, агропромышленный комплекс.

В основных документах экономического и социального развития Республики Узбекистан, утвержденных на сессиях Олий Мажлиса в качестве одной из основных задач ускоренного развития экономики страны намечено усилить охрану природы и переход к рациональному

природопользованию. В этой связи Президент Республики Узбекистан И.А.Каримов пишет: "... если принять во внимание относительно высокий прирост населения, ускоренные процессы урбанизации и отвода плодородных земель под развитие городов, жилищное строительство,

создание новых предприятий, сети инженерных и транспортных коммуникаций, то в ближайшие годы, уже на рубеже XXI века, проблема обеспеченности земельными ресурсами может еще больше обостриться”.¹

Данная проблема особенно актуальна для районов интенсивного поливного земледелия и относительно высокого прироста населения, где высокая техногенная и антропогенная нагрузка на окружающую природную среду создает социальную и экологическую напряженность. К таким районам, относится, административные территории Южного Приаралья, которая является частью Арало-Каспийской низменности, занимающей обширную дельтовую область реки Амударья, протяжением более 500 км. В этом природно-экономическом регионе расположена Республика Каракалпакстан, Хорезмская область Узбекистана и Ташаузская область Туркменистана. Территория находится в зоне пустынь умеренного пояса, природная условия характеризуется резкой засушливостью.

Здесь сосредоточено более 20 % земельного фонда среднеазиатских республик. Из этих земель на Республики Каракалпакстан приходится 16,6 млн. га. Однако, отвод в крупном объеме Амударьинской воды на орошение верхнем и в среднем его течении, освоение природных ресурсов

Южного Приаралья становится очень затруднительным. Все это требует в первую очередь, всестороннего изучения ресурсного потенциала с точки зрения сельского хозяйства, которые слагаются из земельных, водных, агроклиматических и других ресурсов.

Общая площадь *пахотно-пригодных земель* только в пределах Каракалпакстана более 2 млн. га. Степень фактической освоенности его составляет лишь 2,5% от земфонда региона. Все это подтверждает наличие больших неосвоенных ресурсов в абсолютном, так и в относительном исчислении. Вместе с тем необходимо отметить, что ресурсный потенциал региона, в частности орошаемая пашня, обеспеченная оросительной сетью, из-за ухудшения мелиоративного состояния земель в значительной степени засолены. Группировка по мелиоративному состоянию орошаемых земель, как главный потенциальный ресурс аграрного сектора показывает, что только 20,6% их площади отнесены к лучшим категориям земель и 33,8% земель относится слабозасоленным, 34,3% средnezасоленным, а 11,3% к сильнозасоленным, т.е. к малопригодным для орошаемого земледелия. Все это значительно осложняет повышение эффективности орошаемых земель и требует огромного количества инвестиции, вовлечения их в сельскохозяйственный оборот.

Большие резервы орошаемых земель

размешены, в основном, в зоне влияния Тахиаташского гидроузла, главным образом по руслам протоков р. Амударья, а также в зоне влияния оросительных систем. Хозяйственное использование их предполагает крупных гидромелиоративных работ, в частности строительства коллекторно-дренажной сети. Как свидетельствует практика, использование коллекторно-дренажной сети наиболее эффективная мера. В качестве примера можно показать работу хлопкосеющих хозяйств Хорезмской области, находящихся в почвенно-мелиоративном отношении в одной зоне с Каракалпакстаном. Здесь удельная протяженность коллекторно-дренажной сети на неблагоприятных землях доведена до 40-45 м/га, в то время как в Республике Каракалпакстан до 23-27 м/га, а в приморской части еще меньше. Это явно недостаточно для улучшения мелиоративного состояния орошаемых земель.

Немаловажное значение в рациональном использовании орошаемых земель имеют структурные изменения хлопководности полей, т.е. в основу всех расчетов в решении проблем следует положить данные хлопково-люцерновых севооборотов. Удельный вес люцерны в структуре посевных площадей хлопкосеющих хозяйств следует довести до 26-30%, что обеспечит повышения культуры земледелия. В связи с этим, для повышения экономической эффективности орошаемых земель было бы целесообразно, обратить особое внимание на совершенствование структурно-управленческой базы аграрного сектора путем стимулирования научно обоснованных методов хозяйствования.

Ресурсы сельского хозяйства согласно с методикой разработанной акад. Медетуллаевым Ж., сводятся к оценке земли как материальной основы сельскохозяйственного производства. Это связано с тем, что в продуктивности земли синтезируется благоприятность климатических, почвенных, водных, гидрологических, мелиоративных и других условий, составляющих единую по своей структуре, сложную среду выращивания сельскохозяйственных культур. На практике оценка продуктивности земли стала объектом исследования множеств наук. Каждая из этих отраслевых наук исследует зависимость продуктивности земли по определенным, присущим им факторам. Например географы за основу продуктивности используют показатель *обеспеченности земли термическими ресурсами, солнечным освещением, атмосферной влагой*; ботаники - продуктивность *естественного травостоя*; а экономисты делают предпочтения *на объемы инвестиций* и т.д. Таким образом, одна из них в основу оценки земли ставит природные признаки, другая группа – объем инвестиционной среды. В результате, *наблюдается тенденция постепенного приближения оценки к практическим запросам производства*, использование её для целей размещения отраслей сельского хозяйства.

¹ Каримов И.А. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия стабильности и гарантии прогресса. - Ташкент, 1997, стр.113.

Такое направление развития методики выбора объекта для оценки земли в целях сельскохозяйственного производства является закономерным, но отнюдь не последним. Это также указывает на целесообразность разработки методики устойчивого развития аграрного сектора с учетом проведения количественной и качественной оценки ресурсного потенциала

$$\mathcal{E}_3 = \text{ВД}_2 : \text{ОЗ}_2 - \text{ВД}_1 : \text{ОЗ}_1,$$

где, \mathcal{E}_3 - экономическая эффективность освоения потенциальной продукции по интенсивности использования земли, сум/ га; ВД_2 - валовой доход АПК региона на конец прогнозируемого периода, тыс. сум; ВД_1 - валовой доход АПК региона на начало прогнозируемого периода, тыс. сум, ОЗ_2 - орошаемые земли на конец прогнозируемого периода, тыс. га; ОЗ_1 - орошаемые земли на начало прогнозируемого периода, тыс. га. Исходя из этого определена уровень отдачи земельно-водных ресурсов. Расчеты свидетельствуют о том, что расширение орошаемых площадей в южных районах становится не только возможным, но и экономически целесообразным.

Основным фактором, определяющим возможность освоения потенциальной продуктивности земельных и термических ресурсов аридной зоны, является наличие оросительной воды. Как известно, в наших условиях оросительная вода во много раз меньше, чем ресурсы пахотнопригодных земель. Поэтому правомерна концепция о том, что разница продуктивности между естественными пастбищами и орошаемыми земледелиями в условиях аридной зоны является фактором,

$$P_{\text{el}} = \frac{20,6\text{ц/га.хлопка} - 2\text{ц/га.сум}}{1834,3\text{м}^3 + 700\text{м}^3} = \frac{1009400\text{сум/га.} - 20000\text{сум/га.}}{2534,3\text{м}^3} = 390,4\text{сум/м}^3;$$

Таким образом, каждый м^3 воды, при высоком уровне агротехники и использовании ее на орошение хлопчатника в среднем обеспечит прирост валовой продукции в размере 390,4 сумов. Кроме того, за счет повышения КПД оросительных систем, включая внутрихозяйственную оросительную сеть, можно увеличить эффективный объем оросительной воды на 50-55%.

В этом смысле представляется важным, повышение КПД оросительных систем, подбор сельскохозяйственных культур применительно к термическим условиям низовьев Амударьи, а также определить урожайность сельскохозяйственных культур не только на гектар земли, но и на кубометр, израсходованной на полив воды.

Для определения экономической эффективности аграрного сектора Южного Приаралья, в частности Каракалпакстана, нами, прежде всего, будем оценивать ее по обеспеченности эффективными температурами, столь необходимыми для развития и плодоношения теплолюбивых растений.

Характеристика климата с точки зрения

региона. В этом плане, в основу оценки уровня интенсивности использования орошаемых земель принята потенциальная продуктивность орошаемой пашни. Она основывается на разнице между достигнутым и потенциальными уровнями продуктивности орошаемой пашни. Ее можно определить по следующей формуле:

определяющим эффективности оросительной воды.

Для выявления продуктивности оросительной воды, необходимо принимать в расчет потенциальную продуктивность орошаемой пашни с учетом термических ресурсов, мелиоративного состояния земель и нормативы вод на единицу пашни. Потенциальная продуктивность (хозяйственно возможный уровень) единицы оросительной воды соответствует сумме стоимости основной и дополнительной продукции, деленной на количество воды. При этом, здесь принята в расчет потенциальная продуктивность 1 м^3 воды используемой в хлопководстве, в 390,4 сумов валовой продукции. В натуральных показателях это соответствует 0,333 кг. хлопка-сырца. Следует учесть, что потенциальная продуктивность оросительной воды существенно меняется по видам сельскохозяйственных культур. С учетом этого, согласно вышеприведенной норме, $1834,3 \text{ м}^3/\text{га.}$ и при валовой продукции хлопчатника на 1 га. 1009400 сумов и реализационной цене центнера хлопка 49000 сумов составляет 390,4 сумов:

сельского хозяйства показывает, что при прочих равных агротехнических условиях существует определенная взаимозависимость между продолжительностью вегетационного периода, суммой эффективных температур и урожайностью сельскохозяйственных культур. Так, между хозяйствами расположенными на крайней южной и северной точках хлопкосеяния, имеются различия в продолжительности вегетационного периода с температурами выше $+10^\circ\text{C}$ (в Турткуле 205 дня, в Кунграде 186 дней), в сумме эффективных температур (выше $+10^\circ\text{C}$) в Турткуле -2258°C , в Кунграде -1914°C . Следовательно, изучение результатов выращивания хлопчатника в экспериментальных хозяйствах показывает, что, начиная с южных районов, уменьшение продолжительности вегетационного периода с температурами выше $+10^\circ\text{C}$ на 1 день приводит к снижению потенциальной урожайности хлопчатника примерно на 1 центнер. Поэтому перемещение значительной части (кроме семеноводческих хозяйств) посевных площадей хлопчатника с севера на юг, было бы целесообразно и с точки зрения хозяйственных интересов

В результате, в условиях Южных районов путем повышения урожайности 27,9 ц с гектара, ежегодное производство хлопка сырца может достигнуть 192,5 тыс. тонн, в центральных и в северных районах, с учетом сокращения посева хлопчатника на 35%-40% можно получить 116,1 тыс. тонн хлопка при урожайности 22,6 ц с гектара. Это в условиях северных районов приведет к расширению посевных площадей зерновых и других культур. Таким образом, вовлечение в сельхоз оборот неиспользованных резервов производства путем углубления интенсивных методов введения производства, а также с учетом оптимизации отраслевой структуры отраслей аграрного сектора, можно дополнительно получать ежегодно— 0,384 млн.

тонн зерна, 0,297 - 0,303 млн. тонн хлопка-сырца.

В заключении можно отметить, что основной сутью изучения ресурсного потенциала региона является повышение экономической эффективности производства на основе улучшения мелиоративного состояния земель, повышение КПД оросительных систем и применение новых режимов орошения, основанных на активизации инновационной деятельности сотрудников аграрного сектора. Это должно обеспечить координацию работ в рамках агропромышленного комплекса региона строительство крупных гидромелиоративно-водохозяйственных и социально-инфраструктурных объектов, способствующих устойчивому развитию сельского хозяйства.

Литература:

- 1.Медетуллаев Ж.М. Земельный потенциал Каракалпакстана объект комплексных исследований // Вестник КГУ им. Бердаха №4-5 2009 стр. 38-40.
- 2.Умаров Е.К.- Экономико-географические аспекты рационального использования водных ресурсов в орошаемом земледелии Республики Каракалпакстан // Вестник КазНУ им. Аль-Фараби, Серия географическая- № 2(19), Алматы 2004.
- 3.Умаров Е.К. и др.. Земельно-водные ресурсы бассейна Амударьи и его использования // Известия ГО РУз. Т., 2013, том - 42, стр.151-156.
- 4.Статистический ежегодник регионов Узбекистана. – Ташкент, 2012.

Умаров Е.К., Умаров А.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ НУҚТАИ НАЗАРИДАН ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИНИНГ РЕСУРС САЛОҲИЯТИНИ БАҲОЛАШ

Резюме

Мақолада Жанубий Оролбўйи минтақаси қишлоқ хўжалигининг ресурс салоҳияти таҳлил қилинган. Бу борада мавжуд имкониятлар ва улардан фойдаланиши йўллари аниқланган, сув-хўжалик ва гидромелиоратив тадбирларни амалга оширишда ўзаро мувофиқлаштириши масалалари кўриб чиқилган. Аниқ ҳисоб-китоблар асосида қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириши йўналишлари тавсия этилган.

Umarov E.K., Umarov A.

ESTIMATION OF THE RESOURCES OF THE SOUTHERN ARAL SEA REGION FROM THE AGRICULTURAL POINT OF VIEW

Resume

The article analysis the agricultural resource potential of southern Aral regions. Identified existing potentials and its usage, moreover, accustomization of water culture and hydro-meliorative activities are considered. Also, be exact calculation there are given recommendations on raising effectiveness of agriculture.

Рекомендуем:

проф. Салиев А.С.

ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АНЪАНА ВА КЎНИКМАЛАРИНИ ЎРГАНИШ ЗАРУРАТИ

Аҳмадалиев Ю.И., Абдуганиев О.И.

Таянч сўзлар ва иборалар: водий, ер ресурслари, ердан фойдаланиши, кўникма деҳқончилик, чорвачилик, барқарор ривожланиши.

Кириш. Бугунги кунда, бошқа соҳаларда бўлгани каби ер ресурсларидан фойдаланишда ҳам халқимизнинг кўп йиллик маданиятини илмий асосда ўрганиш, “оддий” (примитив) бўлиб кўринган малака ва кўникмаларни қайта баҳолаш вақти келди. Бу ҳақда республикамиз Президенти И.А.Каримов шундай ёзади: “Афсуски, охириги юз йилликда айнан минтақанинг экологик тизимида жуда катта зарар етказилди. Аждодларимизнинг табиатдан фойдаланишдаги анъанавий одоб-ахлоқ

қоидалари унутиб юборилди. Бу қоидаларга кўра сув ва ерни ўйламай-нетмай булғаш, исроф қилиш гуноҳи азим ҳисобланар эди” [1, 145]. Кишилик жамияти ривожининг ҳозирги босқичида ижтимоий-экологик муаммоларнинг кескинлашуви кузатилмоқда. Фан ва техниканинг кучига ортиқча ишониш, уни барча муаммоларни ҳал қилишга қодир деб ўйлаш хато эканлиги кўплаб олимлар томонидан эътироф этилмоқда [3, 5, 6, 10].

Тадқиқотнинг мақсади. Табиий-илмий ва техникавий соҳа намоёндаларининг изланишлари, ютуқлари инсон ва унинг маданиятини ўрганувчи гуманитар соҳа муаммолари билан уйғунлашиб кетмоқда. Кўп ҳолларда табиий-илмий ва техникавий йўналишларда эришилган натижаларни ҳаётга татбиқ этишда гуманитар соҳа билан ҳамкорлик қилиш қутилган натижалар бермоқда. Шунинг учун ҳам фанларнинг гуманитарлашуви ёки ижтимоийлашуви ҳаёт тақозосидан келиб чиққан тарзда давом этмоқда. Мазкур мақоланинг асосий мақсади, юқорида қайд этилган омилларни ҳисобга олган ҳолда, ердан фойдаланишни тадқиқ этиш ва таҳлил қилишни тарихий ёндашув асосида Фарғона водийси мисолида кўриб чиқишдан иборатдир.

Бирламчи маълумотлар ва уларнинг тавсифи. Америкалик географ Д.Смит географияда ишлаб чиқариш ва табиатдан фойдаланишни ўрганишга ҳаддан зиёд аҳамият берилиб, ижтимоий адолат ва кишилар орасида турмуш фаровонлигини белгиловчи шартларни ўрганишга кам эътибор берилмаётганини таъкидлайди. Чунончи, Т.Н.Кузнецов экологик ва регионал муаммоларни ҳал қилишда анъанавий табиатдан фойдаланиш ўрнини ёритиб, барқарор ривожланишни таъминлашнинг тўғри йўлларида бири сифатида табиатга, она ерга шарқона муносабатда бўлиш лозимлигини қайд қилади [7. 44]. С.М.Мягков эса бу борада янада қатъийроқ фикр билдириб, Россияни ХХI-асрда қутилаётган ижтимоий-экологик ҳалокатлардан қутқариш йўллари ҳам этник маданият тарихан шаклланган ва сақланиб қолган “қутқариш ороллари” дан излаш кераклигини ёзади [10. 6].

Гуманитар соҳа олимлари ҳам ер ресурсларидан фойдаланишда, унга таъсир этишдан олдин (масалан, мелиорациядан) экотизимларга умуман аралашмасдан ундан унумли фойдаланиш йўллари қидириб топиш арзон ва зарарсиз эканлигини таъкидламоқдалар. Фандаги бу илмий қарашларнинг натижаси сифатида халқаро анжуманларда (Рио-де-Жанейро, 1992, Йоханнесбург, 2002) ривожланишнинг барқарор йўлига ўтиш ҳақида кўплаб таклифлар айтилмоқда. Илмий адабиётларда кенг ёритилаётган “Sustainable development” ибораси ўзбек тилига “барқарор ривожланиш” деб таржима қилинади. Экологик муаммоларнинг ечими ҳақида Рио конференциясининг асосий ҳужжати бўлган “ХХI аср кун тартиби” да ҳам маҳаллий туб жой аҳоли фойдаланадиган анъанавий билимлар ва қадриятлар, ресурслардан фойдаланиш усуллари алоҳида ўрганиб чиқиш таъкидланган.

Тадқиқот усуллари. Фарғона водийсида аҳоли, хўжалик ва унинг тармоқлари, табиий шароит ва ресурслар салоҳияти, ишлаб чиқариш тармоқлари ривожланишининг ҳудудий жиҳатларини ўрганиш жараёнида жойнинг географияси ва бошқа хусусиятлари бўйича турли адабиётлар таҳлил қилинди. Шунингдек,

тарихийлик, географик-таққослаш, статистик таҳлил, иқтисодий-математик каби тадқиқот усулларида фойдаланилди, карталар ва фонд материаллари ўрганилди.

Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Мазкур тавсиялар замирида эҳтиёжни қондириш даражасида махсулот ишлаб чиқариш, аҳоли сонини, табиатдаги антропоген ўзгаришлар улуши ҳамда тикланмайдиган ресурсларнинг ишлатиш миқдорини имкон қадар чеклаш *ривожланишнинг барқарор* йўлига ўтишни асосий шартларидан бири эканлиги ётади. Бу фикрлар бизни табиатдан, жумладан, ердан фойдаланишнинг оқилона ҳудудий ташкил этиш йўллари топишга *тарихий ёндашув* зарур, деган ҳулосага келишимизнинг дастлабки шarti, холос. Ер ресурсларини ўрганишга тарихий ёндашувнинг бугунги кунимиз учун аҳамиятли эканини асословчи қуйидаги ҳолатлар ҳам мавжуд:

– халқимизнинг ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш борасида тўпланган, ўз даврида ўлкамизни ўрганган хорижлик олимларни ҳайратга солган кўникма, малака ва тажрибалар йиғиндиси, яъни юксак этноэкологик маданияти ва улардан амалиётда фойдаланиш зарурати;

– мустақил ривожланаётган ва колониал тузум асоратига тушиб қолган ўлкаларда табиатдан, жумладан, ердан фойдаланишга турлича мақсад билан ёндашув хусусиятларини қиёсий таҳлил қилиш асосида тегишли ҳулосалар чиқариш.

XIX асрнинг охирига келиб ўлкамиз аҳолиси, табиати ва хўжалигини ҳар томонлама ўрганиш кучайди [2, 9, 8, 4, 13, 14]. Шу йўналишда олиб борилган ишларнинг мақсади ва мазмуни турлича бўлсада, уларда ер ва сувдан фойдаланишдаги ўзига хос жиҳатлар умумий тарзда айтиб ўтилган.

В.Кушелевский XIX асрнинг охирига келиб сунъий суғориш ва ерга ишлов беришнинг кўп минг йиллик тажрибасини қўллаш оқибатида Фарғона водийси ер шарининг энг унумдор мамлакатлари қаторига чиққанлигини эътироф этади [8. 17]. Немис олими В.Родлофф ўлкамиздаги суғориш тизимидан ҳайратга тушиб, шундай ёзади: “Мазкур суғориш тармоғи шундай бир ажойиб техника-ки, чинданда, ҳатто жуда илмми муҳандислар ҳам бунинг сабабини осонгина эплай олмаган бўлур эдилар” [13. 70].

Минтақада қадимдан захирада ўзлаштириш учун ер ва керакли миқдорда сув ресурслари ушлаб турилган. Дехқончилик яйлов чорвачилиги, ҳунармандчилик ва ривожланган савдогарлик фаолияти билан биргалликда олиб борилган. Қишлоқ хўжалигида ишлатиш мумкин бўлган ерларнинг 40-50 фоизигагина ишлов берилган, қолган ерлар эса алмашлаб экиш тизими бўйича бўз, кўрик ер сифатида қолдирилган. Маҳаллий дехқонлар шу йўл билан тупроқ унумдорлигини бир хилда сақлаб келганлар. Бу ҳақда Фарғона вилояти бўйича қилинган ҳисоботда шундай ёзилади: “...ҳисобот

йилида маҳаллий аҳоли учун ажратилган ярқли ерларнинг 41,04 фоизигагина ишлов берилди, қолган 476, 786 ботмон (1 ботмон- бир гектарга яқин майдон -А.Ю.) миқдордаги ярқли ер эса ишловсиз қолди. Бундай ҳолатнинг сабабини тушунтириш кийин” [11. 8].

Хулоса. Ердан фойдаланишда кўникма ва малакаларни ўрганиш лозим, деган хулосага келишимизга сабаб бўлган яна бир ҳолат - мустамлака тузум асоратига тушиб қолган халқлар яшайдиган ҳудудлардаги табиатдан фойдаланиш қонуниятидир. Шу соҳани дунё мамлакатлари, хусусан, Жанубий Осиё давлатларидаги жараёнларни ўрганган В.А.Пуляркиннинг таъкидлашича, мустамлака шароитига тушиб қолган мамлакатларда ердан фойдаланиш соҳасида юз берадиган биринчи жараён товар экинларни киритилиши ва бу ҳудудлар иқтисодийтини метрополия давлатларининг аграр хом-ашё куйруғига айланиб қолишидир.

Дехқончиликнинг маҳаллий шароитини яхши билмаган, ердан фойдаланишда фақатгина кўпроқ ва тезроқ фойда олишни ўйлаган агроном учун тушунарсиз кўринган бу ҳолатнинг сабабини ота-боболарининг кўп асрлик тажрибасига суянган маҳаллий деҳқонлар яхши билганлар. А.Ф.Миддендорф Фарғона вилоятидаги обикор деҳқончилик маданияти билан амалий танишиб, унга юксак баҳо беради ва “...биз бу ишни Шарқ халқларидан ўрганишимиз керак”, деб ёзади [14.112].

Юзага келган шароитда ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишга хизмат қилувчи ихтисослашув имкониятлари ҳам йўққа чиқарилади [12. 176]. Районлараро ихтисослашув ўрнини бизда пахта яккаҳоқимлиги эгаллайди. Ердан фойдаланишнинг маҳаллий тизими барбод этилади. Фақатгина мустақиллигимиз туфайли Фарғона водийсида ердан фойдаланиш анъана ва кўникмаларини ўрганиш имконияти юзага келди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистан ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997. -326 б.
2. Абдулхамидов А. Орошения в предгорьях Узбекистана. - Т.: Фан, 1990. - 176 с.
3. Бартольд В.В. К истории орошения Туркестана // Соч., Т.3. - М.: Наука. 1965. -С.5-31.
4. Гумилев Л.Н. Этногенез и биосфера земли. - Л.: Гидрометиздат, 1990. -528 с.
5. Клокова К.Б. Традиционное природопользование коренных малочисленных народов севера (географические и социально- экономические проблемы): Автореф. дис. ...докт. географ. наук.- М., 1998.- 30с. //www.rangifer.org/gumilev/k12_2.shtm#06
6. Кузнецов Т.Н. Феномен «Восток-Запад» и возможный географо-социологический парадокс // Известия АН. сер.геогр. - Москва, 1990 г. -С.44-49
7. Кушелевский В.И. Материалы для медицинской географии и санитарного описания Ферганской области. - Новый Маргилан. 1890. --210 с.
8. Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. (перевод с нем.) СПб., Изд. Императорский Академии наук, 1882. - 498с.
9. Мягков С.М. Пути к социально – экономической устойчивости России // Вест. Моск. ун-та. Сер. 5. География. - Москва, 1995. № 5- С.3-8
10. Обзор Ферганской области за 1887 г., -Новый Маргилан: Типография Ферг. Обл.правления. 1889 г. -С.3-48
11. Пуляркин В.А. Новые тенденции в использовании земель в развивающихся странах Южной Азии // Вопросы географии. – М., 1975. - -С. 174-190
12. Радлофф В. Ўрта Зарафшон водийси // Ҳаёт ва иқтисод. - Тошкент, 1992. № 7. -Б. 70-71.
13. Рахимбеков Р.У. Донцова З.Н. Ўрта Осиё табиатини географик ўрганиш тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1982. - 200 б.

Ахмадалиев Ю.И., Абдуганиев О.И.

НЕОБХОДИМОСТЬ ИЗУЧЕНИЯ ТРАДИЦИЙ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЗЕМЕЛЬНЫХ РЕСУРСОВ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ

Резюме

В данной статье рассматриваются теоретические основы изменения землепользования в условиях колоний. Даны экологические предпосылки территориальной организации использования земельных ресурсов Ферганской долины конца XIX века.

Ahmadaliyev Yu.I., Abduganiyev O.I.

NECESSITY OF INVESTIGATING TRADITION OF USAGE OF LAND RESOURCES OF FERGANA VALLEY

Resume

This article describes the theoretical basis of land use change in the conditions of the colony. Given environmental background of the territorial organization of land resources of Ferghana Valley in late XIX century.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ АДир-ТЕКИСЛИК ЛАНДШАФТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИ ЮЗАГА КЕЛТИРУВЧИ ҚОНУНИЯТЛАР

Холиқов Р., Абдувалиев Х.

Таянч сўзлар ва иборалар: водий, адир, текислик, ландшафт, ўзаро алоқадорлик, вертикал ва горизонтал алоқалар, модда алмашинуви, геотизимлар.

Кириш. Турли гипсометрик худудларда ҳосил бўлган ландшафтларнинг динамик хусусияти шуки, улар ўзаро алоқадорликнинг муайян ҳолатларида ривожланади. Кўпинча бундай тафовут қилувчи ландшафтларнинг морфолитоген асоси мавжуд бўлсада, янги тектоник ҳаракатлар туфайли бир қатор структуравий ўзгаришлар содир бўлади.

Бундай жараёнлар Фарғона водийси худудини ташкил этган тоғ тоғолди, адир, текислик ландшафтларида ҳам поғонавий тузилишни юзага келтирган. Турли ландшафтларнинг поғонавий модели вертикал ва горизонтал алоқаларнинг икки хил кўриниши орқали юзага келади. Мазкур алоқаларнинг бузилиш ҳолати ер усти оқими, шамоллар ва уларнинг йўналиши, ёғинлар, нураш жараёнлари ва гидро-экологик омилларга боғлиқ бўлиб, ландшафтларнинг турли гипсометрик поғоналарда гўёки мустақил ривожланишини намоён қилади. Аслини олганда бирон бир ландшафт бошқалардан ажралган ҳолатда шакллана олмайди.

Иккинчи гуруҳ омиллар эса, морфолитоген асосни юзага келтирувчи тектоник омиллар ва ер ости оқими ҳисобланади. Бу омиллар ландшафтларнинг дастлабки шаклланишида етакчи бўлсада, кейинчалик уларнинг ўрнига бошқа омиллар амал қилади. Турли ландшафтларнинг ривожланиш ва, айниқса, адир-текислик ландшафтларнинг тараққиётида ҳар икки омил иштирок этиб, улар ўртасида модда алмашинуви бўлади. Бунда бир ландшафт кўпроқ беради ва йўқотади, иккинчи ландшафт кўпроқ олади ва ўзгаради.

Тадқиқот объекти. Геопара концепциясига биноан, адир ва текисликлар қарама-қарши йўналган модда, энергия ва информацияларнинг алмашинуви негизида бирлашади. Тоғ ва текисликлар каби адир ва текисликлар ландшафтларида ҳам ўзаро боғлиқлик ва ривожланишни таъминловчи механизмлар амал қилади. Бу механизмлар асосий қонуниятлар: омил – жараён – маҳсулот негизида рўй беради. Адир – текислик ландшафтлари ўртасида модда алмашинуви ва шу билан боғлиқ жараёнларнинг асосий омили рельеф ҳисобланади. Рельефнинг динамик хусусиятлари айниқса интенсив суратда содир бўлса ландшафтлар доирасидаги динамик жараёнлар ҳам шунчалик кучли бўлади.

Геоморфологик жараёнлар адирларнинг текисликларга туташ қисмларида турли даражадаги микроландшафтларни ҳосил қилади. Яъни бу ерда адирлар худудида ҳам, текисликларда ҳам турли микроландшафтлар ҳосил бўлиб, уларда структуравий жиҳатдан фарқ қилувчи ва мутлақо автоном бўлмаган фациялар шаклланади. Бундай

фациялар айниқса адир ландшафтларида беқарор ҳолатда бўлиб, макон ва вақт жиҳатдан ландшафтнинг бошқа морфологик бирликларидан фарқ қилади. Уларнинг фаолияти ва барқарорлиги ёнбағир жараёнлари билан мутлақо боғлиқ бўлади. Элювиал ландшафтларда геопара муносабатлари уларнинг “зарари”га ишлайди, чунки барча геологик – геоморфологик жараёнлар уларнинг қисқа вақт давомида ўзгаришга олиб келади. Адир ландшафтларида бир мунча йирик геоморфологик бирликларда ҳосил бўлган доминант урочишче (макон) ларда нисбатан барқарорлик бўлсада, умумий ҳолатда эса салбий жараёнлар туфайли ландшафтлар беқарорлашиб қолади.

Тадқиқотнинг мақсади. Ландшафтлараро алоқаларнинг структурали моделига асосан элементар ландшафтларда уч томонлама, яъни компонентлараро горизонтал (латерал) алоқа, ландшафтлараро ташқи (кирувчи, чиқувчи) алоқалар юзага келади ва бу жараёнларни ўрганиш тадқиқот ишининг асосий мақсади ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Қиёсий ландшафт методи бўлиб, дала шароитида адир ва текисликлардаги жараёнларни кузатиш ва таҳлил қилишга асосланади. Адирлар ва текисликлар ландшафтларида бундай ҳолатда ҳар икки ландшафт доирасида горизонтал алоқаларнинг кучли кечишини кўришимиз мумкин. Шунга кўра ландшафтлар доирасидаги локал геотизимларда латерал структуралар муҳим роль ўйнайди.

Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Адир ва текислик ландшафтлари ўртасидаги вертикал алоқаларни эса алоҳида ландшафт компонентларида кўришимиз мумкин ва бунда асосан морфолитоген асос, тупроқ ва биота иштирок этади. Бу ҳолатда ҳам асосий алоқалар объекти фация ҳисобланиб, адир текислик ландшафтлари эса бир қанча мураккаб интеграл тизимларни ҳосил қилади. Адир текислик ландшафтлари ўртасидаги муносабатларда ҳам биотанинг роли катта бўлиб, ўсимликларнинг, айниқса, адир ва текисликларда қопланганлик даражаси улардаги ювилиш (эрозия) жараёнларини секинлаштириб, жинсларни ва геокимёвий моддаларни текисликларга тушиб кетишини секинлаштиради.

Адир ва текисликлар ландшафтларидаги ўзаро алоқалар оддийгина моддалар алмашинуви бўлиб қолмасдан модда ва энергия оқимини ҳосил қилади. Адир ва текислик ландшафтларида моддалар оқими ва алмашуви турли қияликларда жинсларнинг оғирлик кучи ҳисобига ҳаракати бўлмасдан бу бир вақтнинг ўзида гидрологик, геоморфологик, геокимёвий ва бошқа географик жараёнларни ўз ичига олади. Бу ерда адир ва

текисликлар ўртасида содир бўладиган жараёнлар ичида намлик алмашинувини кўрсатиб ўтиш мумкин. Ландшафтлар ўртасидаги намлик алмашинуви ҳаво оқимларининг ҳаракат йўналиши ва интенсивлигига боғлиқдир.

Аслида адир ландшафтлари гипсометрияси, геологияси, геоморфологияси, тектоник хусусиятлари билан тоғли ҳудудлардан катта фарқ қилиб, уларнинг баландлиги 500-800 ва баланд адирларда 800-1200 м ни ташкил этади. Бундай ҳолатда эса ҳаво оқимларига адирларнинг қаршилиги катта бўлмайди. Бу ҳолат баландлик минтақаланиши юза келмайди деган нарсга эмас, чунки кўплаб тадқиқотчилар шарқий Европа текислигидаги қир ва адирлардаги баландлик минтақаланишини яққол кўрсатиб берадилар.

А.Г.Исаченко (1991) Россия текислигида 2 та пункт асосида адир ва текислик ҳудудларини ўзаро алоқалари ҳолатида табиий географик дифференциясини кўрсатиб берди. Бу ҳолатни муаллиф зоналик ичидаги азоналлик деб атайди.

Айрим олимлар бундай азоналликни 2-даражали ҳолат деб қарайдилар ва маҳаллий

хусусиятга эга деб ҳисоблайдилар. Юқоридаги ҳолатда ҳар иккала пунктда баландлик фарқи унча катта эмас ва ҳар иккала жойда ҳам табиий географик жараёнлар бир хилда кечаётгандай туюлади. Лекин кўриб турганимиздек, шу қисқа масофаларда ҳам ҳароратлар йиғиндисиди фарқ катта бўлиб, албатта адир ва текислик ландшафтларидаги муносабатлар туфайли миграцион жараёнлар ҳосил бўлади.

Адир ландшафтларида компонентларнинг жойланиш типини текислик ландшафтларида компонентларнинг ҳаракати Валдай қирлари типидигидан кескин фарқ қилади. Адирлар ҳудудида юза ювилиш жараёнлари текислик ландшафтларига нисбатан бир мунча интенсив кечади ва натижада адирларда ювилиш, сурилма, жар ҳосил бўлиши ҳодисалари туфайли ландшафтларнинг морфологик бирликлари тез ўзгаради, адир ва текислик ландшафтлари ўртасидаги модда алмашинув жараёнларида номутаносиблик юзага келади. Бу ҳолатни биз куйидаги жадвалдан кўришимиз мумкин.

Жадвал

Адир ва текислик ландшафтларидаги муносабатлар туфайли ҳосил бўлган жараёнлар

№	Ўрганилган пункт	Асосий табиий географик жараёнлар	Табиий географик жараёнлардаги компонент ўзгариш кўрсаткичлари				
			Рельеф	Литология	Тупроқ	Сувлар	Биота
1.	Чимён адирлари	Эрозия, жарланиш коррозия, сурилма. Эрозия, жарланиш	фаол	фаол	фаол	фаол	султ
2.	Қопчиғай адирлари	Ирригацион эрозия, ўпқон, карст	фаол	фаол	фаол	фаол	султ
3.	Арсиф адирлари	Сизот сувлар кўтарилиши	фаол	фаол	фаол	фаол	фаол
4.	Адирлараро пастқамликлар	Ирригацион эрозия, жарланиш	пассив	пассив	фаол	фаол	фаол
5.	Конус ёйилмаларининг юқори қисми	Сизот сувларнинг горизонтал йўналиши. Ирригацион эрозия	фаол	фаол	фаол	фаол	фаол
6.	Конус ёйилмаларининг қуйи қисми	Дренаж ҳолатининг ёмонлашуви, шўрланиш, ботқоқланиш	пассив	пассив	пассив	пассив	фаол

Хулоса. Ўрганилаётган объектларда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, турли морфологик структураларга эга бўлган ландшафтларнинг ривожланиши улар ўртасидаги алоқадорликка боғлиқдир. Ландшафтларнинг

морфологик бирликларидаги структуравий ўзгаришларни ўрганиш айниқса ўзлаштирилган маданий ландшафтларнинг барқарорлигини таъминлашга ҳаракат қилади.

Адабиёт:

Исаченко А.Г. Ландшафтоведение и физико-географическое районирование. - М.: «Высшая школа», 1991. - 366 с.

Холиков Р., Абдувалиев Х.

ЗАКОНОМЕРНОСТИ, ФОРМИРУЮЩИЕСЯ В ПРОЦЕССЕ ВЗАИМОТНОШЕНИЙ АДЫРНЫХ И РАВНИННЫХ ЛАНДШАФТОВ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ

Резюме

В статье рассматриваются вопросы взаимосвязи ландшафтов разного морфологического ранга и их экологические последствия.

Xoliqov P., Abduvaliyev X.

FORMATIONAL LAW IN THE PROCESS OF INTERACTION VALLEY AND LOW-LAND LANDSCAPES OF FERGANA VALLEY

Resume

In the article mutual relations of landscapes in different morphological degrees and its ecological outcomes have been considered.

Тавсия этувчи:

доц. Фуломов П.Н.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ МИНТАҚАВИЙ ЖИХАТЛАРИ

Абдуназаров О.А., Холмирзаева З.А.

Таянч сўзлар: *ер фонди, ер ресурслари, қишлоқ хўжалиги ерлари, ландшафт, ердан фойдаланиш даражаси, худудларнинг ўзлаштирилганлик ҳолати.*

Ер ресурслари деганда турли ландшафт, тупроқ коплами ва иқлим шароити ҳамда бошқа хос хусусиятларга эга бўлган қуруқликнинг муайян майдони тушунилади. FAO (*Жаҳон қишлоқ хўжалиги ташкилоти*) услубиётига кўра, ердан фойдаланиш даражасини аниқлашда худуд бирлигига тўғри келувчи аҳоли зичлиги ва худудларнинг ўзлаштирилганлик даражаси каби кўрсаткичлар қўлланилади.

Статистик маълумотлар кўра? жаҳондаги ер майдони 13041712 минг га ни, аҳоли зичлиги ҳар минг кв кмга 460 кишини, ерларнинг ўзлаштирилганлик даражаси эса 37 фоизни ташкил этади. Ўзбекистон Республикасида ушбу кўрсаткичлар, мос равишда, 44,4 млн га, ҳар минг кв км га 101 киши ва ўзлаштирилганлик даражаси 56,9 фоизни ташкил этади.

Маълумотлардан кўриниб турибдики, мамлакатимиз бой ер ресурсларига эга, улардан самарали ва оқилона фойдаланиш республикада олиб борилаётган оқилона аграр сиёсат ва сув ресурсларининг етарлилиги даражасига узвий боғлиқ бўлади.

Ер ресурсларининг таркибида озиқ-овқат маҳсулотларини олиш манбаи, ўсимлик ва хайвонот дунёси учун яшаш мухити, куёш энергиясини тўплаш ва ўзлаштириш имконияти, ҳосилдорлик хусусиятларига эга, мамлакат миллий бойлигини кўпайтириш асоси, миллий ғурур ва стратегик ресурс – *тупроқ* ҳисобланади. Ўзбекистон тупроқ копламининг ранг-баранглиги билан тавсифланади. Шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси худудининг $\frac{3}{4}$ қисми шўрланганлиги, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва аҳоли турмуш кечиришига шароитида ноқулайлик туғдиради.

Республика ер фонди таркиби куйидагича тақсимланган. Умумий ер майдони 44,4 млн га, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар умумий ер майдонининг 56,9 фоизини ташкил этади. Умумий ер майдонининг 9,7 фоизи суғориладиган ер майдонлари (4,3 млн га) ва 9,1 фоизи (4 млн га) экин экиладиган ерларга тўғри келади.

Яйловлар мамлакат ер фондининг 46,5 фоизини ташкил этгани ҳолда суғориладиган яйловлар жуда оз бўлиб, ушбу ҳолат сув ресурсларининг тақчиллиги ва ундан оқилона фойдаланиш борасидаги сиёсат ва трансмиллий дарёлардан ҳамкорликда фойдаланиш доирасидаги Халқаро Конвенция талабларига ва ундан Тожикистон ҳамда Қирғизистон Республикалари томонидан риюя этилиши даражасига ҳам боғлиқ бўлади. Республикада кўп йиллик дарахтзорларнинг остидаги ерлар мамлакат ер фондининг 7,9 фоизини,

пичанзонлар-2,7; кўриқ ва бўз ерлар-1,8; мелиоратив қурилиш ҳолатидаги ерлар-1,6 ва ўрмонзорлар-7,2 фоизини ташкил этади.

Статистик маълумотлар сўнгги 25 йил мобайнида республикадаги суғориладиган ерларнинг умумий майдони 336,5 минг гектарга кўпайганлигини кўрсатмоқда. Бу тоифадаги ерларни кўпайтириш ва сув ресурслари тақчиллиги ўртасидаги жиддий номутаносибликни бартараф қилиш учун анъанавий суғориш усуллари ва технологиясидан воз кечиш вақти келди.

Бугунги кунда суғорма дехқончиликда инновацион технологиялардан фойдаланиш яхши самара бериши табиий ҳолат ҳисобланади. Исроил давлатининг бу хусусдаги ижобий тажрибаларидан фойдаланиш катта иқтисодий самара беради. Исроил технологияси 1 га ердаги пахтани суғориш учун Ўзбекистон Республикасига нисбатан 2,5 баробар кам сув сарфлаётгани фикримиз далили ҳисобланади. Замонавий суғориш технологияларидан фойдаланиш борасида Ўзбекистон ва Исроил ўртасида ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган ва ушбу йўналишдаги алоқаларни янада кучайтириш эса сув ресурсларидан оқилона ва тежаб тергаб фойдаланиш имкониятларини янада оширади. Мелиоратив тадбирлар учун ажратиладиган сарф-харажатларни қисқартириб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини камайтиради.

Ерлардан оқилона фойдаланиш ва уни баҳолаш учун турли мамлакатларда турли усуллардан фойдаланилади. Масалан, Россия ер лойиҳа ИТИ усулига кўра, ерларни баҳолашда дон-эквиваленти кўрсаткичидан фойдаланади. Бунда ернинг баҳоси дон эквиваленти ва рублда ифодаланади.

Ўзбекистонда ерни баҳолашда 1 га ердан олинган маҳсулотнинг пул кўринишидаги қиймати, ерларнинг сифати эса тупроқ балл бонитети мезонлари қўлланилади. Ердан фойдаланувчилардан ер солиғи даражасини белгилашда тупроқ балл бонитети кўрсаткичи асос бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг экин майдонлари динамикаси ва унинг таркибини ўрганиш илмий жиҳатидан катта аҳамиятга эга. Статистик маълумотлар мамлакат экин майдонларининг сўнгги 10 йил давомида (2003-2013 йй.) 9,1 фоизга камайганлигидан далолат бермоқда. Экин майдонларининг таркиби ҳам жиддий ўзгартиришларни бошидан кечирди. Бозор муносабатлари шароитида жаҳон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар дунё аҳолисининг талаб ва эҳтиёжларига тўла мослашиб, рақобатбардошлиги ортиб бормоқда.

Тадқиқотимиз ер фондида техника экинлари, хусусан, пахта экин майдонлари

салмоғининг ҳамон катта эканлигини кўрсатмоқда. Агар 2003 йилда 1393 минг га ерга пахта экилган бўлса, 2013 йилга келиб ушбу кўрсаткич 1308,3 минг гектарга ёки 6,1 фоизга камайди. Бугунги кунда пахта экиладиган майдонларнинг умумий экин майдонларидаги салмоғи 36 фоизни ташкил этади. Мазкур ҳолат экин майдонлари таркиби борасидаги халқаро тажрибаларга етарли даражада мос келмайди. Бу борада пахта экин майдонларининг салмоғини камайтиришга мўлжалланган мақсадли сиёсат олиб бориш талаб этилади.

Мустақиллик йилларида республика дон мустақиллигига эришиш борасида катта натижаларга эришди. Дастлабки мақсад дон мустақиллигини таъминлаш бўлса, бугунги кундаги долзарб вазифа дон маҳсулотларининг сифатини яхшилаш ва экспорти ҳажмларини жадал ошириш ҳисобланади. 2013 йилда донли экинлар майдони барча экин майдонларининг 44,9 фоизини ташкил этди ва 2003 йилга нисбатан 4,7 фоизга, картошка ва полиз маҳсулотларининг экин майдонлари 130 фоизга ортган.

Республика аҳолисини сабзавот ва полиз экинлари билан устувор суръатларда таъминлаш ва уни экспортини ошириш катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш ва экспорт қилиш борасидаги ташаббуслари мамлакатга катта даромад келтирмоқда. Мазкур ҳолат соҳани жадал ривожлантириш зарурлиги ва шартлигини таъкидлайди.

Картошка экин майдонлари сўнгги 10 йил мобайнида 1,5 маротабага ортди. Аксинча, озуқа экин майдонлари биров камайган.

Кишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланишида ҳам ўзига хос хусусиятлар кўзга ташланади. Масалан, кишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг салмоғи жиҳатидан Қорақолпоғистон Республикаси (16 фоиз), Навоий (20 фоиз), Бухоро (16,4 фоиз) ва Қашқадарё (11,7 фоиз) вилоятлар етакчи ўринда туради.

Республикада кишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 64,1 фоизи юқорида

номлари кўрсатилган ҳудудлар ҳиссасига тўғри келади. Шу билан биргаликда Андижон (1,8 фоиз), Сирдарё (1,8 фоиз), Хоразм (2 фоиз) ва Наманган (2,5 фоиз) вилоятларида кишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг салмоғи кам. Айни вақтда ушбу ерларнинг салмоғи мўътадил ва имкониятлари етарли бўлган ҳудудлар ҳам мавжуд. Уларга Самарқанд (7,4 фоиз), Сурхандарё (6,7 фоиз), Жиззах (7 фоиз) каби вилоятлар қиради.

Ўзбекистон Республикаси ер фонди ва кишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг ҳудудий хусусиятларини таҳлил этиш жараёнида қуйидаги хулосаларга келинди:

- Мустақиллик йилларида республика ер фонди таркиби такомиллашди, режали иқтисодиёт давридан мерос бўлган таркибга барҳам берилди;
 - Донли экинлар, картошка, сабзавот ва полиз экинлари майдонлари устувор суръатларда кенгайди, аҳолининг турмуш фаровонлиги ортди;
 - Тупроқ сифати ва самарадорлиги кўрсаткичлари мониторинги йўлга қўйилди, автоматлашган ахборот тизимлари орқали ердан фойдаланиш самарадорлиги назорати кучайтирилди;
 - Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни иқтисодий рағбатлантириш тизими яратилди.
 - Суғориладиган тупроқларнинг унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ва ошириш каби долзарб масалалар амалга оширилди.
 - Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар янада жадаллашди, бу соҳага янги технологиялар киритилди, инвестициялар миқдори ўсди ва хоказолар.
- Бизнинг назаримизда ер муносабатлари борасидаги иқтисодий сиёсатни янада такомиллаштириш учун иқтисодиётга таркибий ва институционал қайта қуриш талабларига жавоб берадиган ер бозорини тиклаш ва ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади.

Абдуназаров О.А., Халмирзаева З.А.

РЕГИОНАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЗЕМЕЛЬНЫХ РЕСУРСОВ УЗБЕКИСТАНА

Резюме

В статье рассматриваются вопросы развития земельных отношений в Республике Узбекистан, структура земельного фонда и региональные особенности размещения сельхозугодий.

Abdunazarov O.A., Xalmirzayeva Z.A.

REGIONAL ASPECTS OF USAGE OF LAND RESOURCES OF UZBEKISTAN

Resume

The article deals with the matters of the development of land relations in the Republic of Uzbekistan, the structure of land fund and the regional peculiarities of placement of farm lands.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ФойДАЛАНИШНИНГ МИНТАҚАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ (ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН МИСОЛИДА)

Файзуллаев М.А.

Таянч сўз ва иборалар: ер ресурслари, тупроқ, минтақа, ҳудуд, суғориладиган ерлар, тоғ ва тоғолди ҳудудлар, район, қишлоқ хўжалиги, агроиқтисодиёт, майдон.

Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ва ҳудудий ташкил этилишига табиий омиллар (ҳудуд геологияси ва литологияси, рельеф, иқлим, ер ва сув ресурслари, тупроқ турлари ва б.) таъсир кўрсатиб, бу жараёни тезлаштириши ёки секинлаштириши мумкин. Улар орасида қишлоқ хўжалигини ихтисослаштиришда тупроқ асосий омил ҳисобланади. Тупроққа хўжалик нуқтаи назаридан баҳо беришда, ялпи олинган маҳсулотга кўра эмас, балки маҳсулот қиймати ва сарф-ҳаражат миқдори бўйича баҳо берилди (Рақитников, 1970).

Тупроққа В.В.Докучаев томонидан берилган қуйидаги таъриф энг маъқул деб ҳисоблашимиз мумкин. Унга кўра “тупроқ – иқлим, организмлар, грунт, маҳаллий рельеф ва ўлканинг ёши каби омилларнинг биргаликдаги фаолияти таъсирида пайдо бўладиган табиий-тарихий ҳосилдир” (Докучаев, 1951). Ер эса, курукликнинг фаол, генетик мустақил устки қатлами бўлиб, у ўзига хос иқлим, тупроқ, алоҳида майдонлар рельефи ва шакллари, уларни ҳосил қилувчи омилларнинг барчасини ўзида мужассамлаштиради. Бундан кўринадики, “ер” тушунчаси тупроқдан анча кенг эканлиги намойён бўлади.

Ер ресурслари тушунчасининг мазмуни бир қатор илмий адабиётларда очиқ берилган (Минц, 1972; Замков, 1978; Зворькин, 1984; Толипов ва б. 1994; Жумаев, 2004). Ушбу ишларни умумлаштириб, Ю.Ахмадалиев ер ресурсларига қуйидагича таъриф берган: Ер ресурси бу – ер фондининг таркибий қисми бўлиб, у ўзига хос тупроқ сифати, иқлим, рельеф, гидрогеологик хусусиятлари билан тавсифланади, жамиятнинг муайян ривожланиш босқичида ундан асосан зарур маҳсулотлар етиштиришда ва бошқа мақсадларда фойдаланилади (Ахмадалиев, 2007). Бу таърифдан келиб чиқиб таъкидлаш лозимки, ер кўп функцияли ҳисобланиб, бир вақтнинг ўзида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида асосий меҳнат воситаси ва предмети бўлиши билан бир қаторда саноат, уй-жой фонди, рекреация зоналари ва бошқаларни ҳудудий ташкил этишда ҳам етакчи ҳисобланади.

Ер ресурсларидан қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш воситаси сифатида фойдаланиш бир неча ўзига хос хусусиятларга эга. Жумладан:

– ер ресурсларидан фойдаланиш доимий ўзгармас ҳудудда (тоғ, текислик ёки чўлда) амалга оширилади, бир жойдан бошқасига кўчириб бўлмайди, табиат томонидан яратилган тупроқ унумдорлиги қаерда мавжуд бўлса, ундан ўша ердагина фойдаланилади;

– ер ресурсларидан фойдаланиш бошқа

агроиқлимий омиллар (ёруғлик, ҳарорат, намлик) ва ўсимликлар ўсиши мумкин бўлган йил фаслларига мос ҳолда амалга оширилади;

– ер ресурсларидан бошқа барча ишлаб чиқариш воситалари инсон меҳнатининг маҳсули ҳисобланади. Ер эса табиатнинг ҳосиласи шаклида меҳнатдан олдин ҳам мавжуд бўлган. Айни вақтда, ерни ишлаб чиқариш воситаси сифатида миқдор жиҳатдан кўпайтириш ёки бошқа ресурс билан алмаштириш имконияти йўқ. Чунки, унинг юзаси (майдони) Ер шарининг куруклик қисми ёки давлат чегараси доирасидаги ҳудуд билан чегаралангандир.

Суғориладиган деҳқончилик ва, умуман, қишлоқ хўжалигининг ривожланиши, унинг тармоқлар ва ҳудудий таркиби, ихтисослашуви ҳам республика минтақалари миқёсида бир-биридан фарқ қилади. Масалан, Жанубий Ўзбекистон ер ресурсларидан қишлоқ хўжалигида фойдаланишнинг бозор иқтисодиётига мос келадиган илмий-услугий асосларини ишлаб чиқиш, мавжуд амалиётни чуқур таҳлил қилиш ёрдамида агроиқтисодий тизимнинг ҳудудий ташкил этилишини такомиллаштириш ва унинг устувор йўналишларини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Бу эса мажмуали иқтисодий географик, тизимли ёндашув, таҳлил ва умумлаштиришни тақозо этади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар мамлакат ягона ер фондида асосий ўрин тутди ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда муҳим восита саналади. Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ёки ана шу мақсадлар доирасида белгиланган ерлар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардир. Бу тоифадаги ерлар ушбу макроиқтисодиёт тармоғини юритиш учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиги ерлари ва дарахтзорлар, ички хўжалик йўллари, коммуникациялар, ўрмонлар, ёпиқ сув ҳавзалари, бинолар, иморатлар ва иншоотлар эгаллаган ерларга ажралади. Шунингдек, ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, бўз ерлар, кўп йиллик дарахтзорлар (боғлар, тоқзорлар, тутзорлар, мевали дарахт кўчатзорлари, мевазорлар ва бошқалар) эгаллаган ерлар ҳам қишлоқ хўжалиги ерлари жумласига қиради.

Жанубий Ўзбекистон маъмурий жиҳатдан Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларини ўз ичига олиб, майдони 78,7 минг кв.км ёки республика ҳудудининг 10,9 фоизини эгаллайди. Минтақада 5170,9 минг киши (01.01.2014 й.) яшайди, бу эса мамлакат аҳолисининг 17,3 фоизи демакдир.

Ўзбекистон умумий майдонининг 56,9 фоизи қишлоқ хўжалиги ерлари ҳисобланса, минтақада бу кўрсаткич 69,3 фоизга тенг ёки

республика жами қишлоқ хўжалиги ерларининг 13,5 фоизи кўрилатган ҳудудда мужассамланган. Минтақа вилоятларида умумий майдонда қишлоқ хўжалиги ерларининг салмоғи бир-бирдан сезиларли фарқ қилади: Қашқадарё вилоятида бу кўрсаткич 76,8 %, Сурхондарёда 58,6 фоиз. Бунга асосий сабаб Сурхондарё вилоятида тоғлиқлик коэффицентининг (70 %) юқорилигидир.

Жанубий Ўзбекистонда экин ерларининг

салмоғи 31,6 фоизга тенг бўлиб, мамлакат ўртачасидан (26,0 %) юқори, кўп йиллик дарахтзорлар 2,2 %, бўз ерлар 0,7 %, пичанзор ва яйловлар эса 65,5 фоизни ташкил қилади. Бу кўрсаткич Сурхондарё вилоятида мос равишда 27,7;3,1;0,03;69,17 га тенг бўлса, Қашқадарё вилоятида эса 33,6;1,8;1,1;63,5 га баробардир (жадвал).

Жадвал

Қишлоқ хўжалиги ер турларининг тақсимланиши
(минг га. ҳисобида)

Республика, минтақа ва вилоятлар номи	Қишлоқ хўжалик ер турлари		Экин ерлар			Кўп йиллик дарахтзорлар	Бўз ерлар	Пичанзор ва яйловлар
	Жами	шу жумладан, суғори- ладиган	Жами	шу жумладан:				
				суғорила- диган	лалми			
Ўзбекистон	<u>15590,7</u> 100	3714,6	<u>4045,6</u> 26,0	3294,2	751,4	<u>343,0</u> 2,2	<u>78,4</u> 0,5	<u>11123,7</u> 71,3
Жанубий Ўзбекистон	<u>3021,9</u> 100	729,4	<u>956,7</u> 31,6	660,2	296,6	<u>67,5</u> 2,2	<u>22,3</u> 0,7	<u>1975,4</u> 65,5
Сурхондарё	<u>1009,0</u> 100	270,8	<u>279,8</u> 27,7	240,5	39,4	<u>31,4</u> 3,1	<u>0,3</u> 0,03	<u>697,5</u> 69,17
Қашқадарё	<u>2012,9</u> 100	458,6	<u>676,9</u> 33,6	419,7	257,2	<u>36,1</u> 1,8	<u>22,0</u> 1,1	<u>1277,9</u> 63,5

Изоҳ: қаср суратида минг га., махражидида – фоиз ҳисобида

Жадвал “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида миллий ҳисобот” – Т.: “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси, 2012 йил. – маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Қишлоқ хўжалиги ерларининг тақсимланиши қишлоқ туманларида ҳам ўзига хос. Бу ҳудуднинг табиий шароити, рельефи, сув ресурслари билан таъминланганлик даражаси билан изоҳланади. Жумладан, Сурхондарё вилоятининг Музработ (92,1 %), Ангор (89,2 %), Қизирик (89,0 %) туманларида қишлоқ хўжалик ерларида экин ерларининг улуши юқори бўлса, Бойсун (9,7 %), Қумқўрғон (12,6 %) ва Сарийосиё (19,7 %) туманларида бу кўрсаткич анча паст. Қашқадарё вилоятида эса экин ерларнинг салмоғи бўйича Касби (87,0 %), Қарши (67,2 %), Косон (60,0 %) туманлари юқори кўрсаткичга эга бўлган ҳолда, Муборак (13,3 %), Деҳқонобод (19,2 %) ва Китоб (26,4 %) туманларида у камроқдир.

Суғориладиган ерларнинг ҳайдаладиган ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг таркибидаги улушини аниқлаш ёрдамида сунъий суғорма (машина насосларлар ёрдамида) деҳқончилик қилинадиган минтақада ердан фойдаланиш кўрсаткичлари таҳлил қилинади, чунки минтақа бошқа ҳудудлардан сунъий суғорма деҳқончиликда сарф-харажатлар миқдори электр энергияни истеъмол қилиш эвазига кўп бўлиши билан фарқланади. Бу эса ўз-ўзидан интенсив суғорма деҳқончилик тизимини такомиллаштириш ва ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалаларини долзарб қилиб қўяди. Сабаби, ер-сув ресурсларининг ҳолатини ҳисобга олмасдан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш салбий оқибатларга олиб келади. Айни вақтда,

суғоришни нотўғри ташкил этилиши билан тупроқ сифатининг ўзгариб кетиши оқибатида ҳосилдорлик тушиб кетади.

Республикада суғориладиган ерларнинг қишлоқ хўжалиги ерларидаги улуши 23,8 %, Жанубий Ўзбекистонда бу кўрсаткич 24,1 %, Сурхондарё вилоятида 26,8 ва Қашқадарё вилоятида 22,8 фоизга тенг. Ўз навбатида, экин ерларда суғориладиган ерларнинг ҳиссаси ҳам мамлакат, минтақа ва вилоятларда турличадир. Масалан, республика экин ерларида суғориладиган ерларнинг улуши 81,4 фоиз, минтақада у 69,0, Сурхондарё вилоятида 86,0, Қашқадарёда 62,0 фоизга тенг. Бу кўрсаткичлар қишлоқ туманларида ҳам ўзига хос бўлиб, суғориладиган ерларнинг экин ерларидаги улуши Ангор, Жарқўрғон, Музработ, Термиз, Қизирик, Қумқўрғон, Шўрчи, Касби, Миришкор, Нишон, Муборак туманларида 100 % (бу туманлар асосан Сурхон-Шеробод ва Қарши чўлларининг ўзлаштирилиши натижасида шаклланган). Шу билан бирга, Бойсун (15,1 %), Деҳқонобод (4,2 %), Чирокчи (18,6 %), Қамаш (21,1 %) туманларининг паст кўрсаткичларга эгаллиги тоғ ва тоғолди ҳудудларда лалмикор деҳқончилик ривожланганлиги билан тавсифланади.

Жанубий Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар таркибида *яйлов ва пичанзорлар* катта майдонни (65,5 %) эгаллайди. Минтақа ҳудудининг рельеф хусусиятлари, сув ресурсларининг бир хил тақсимланмаганлиги бунга асосий сабаб бўлиб хизмат қилади.

Сурхондарё вилоятида бу кўрсаткич 69 %, Қашқадарёда эса 63,5 фоизга тенг. Минтақа кишлок туманларида ҳам мазкур ҳолат ўзига хос бўлиб, Бойсун (89,6 %), Сариосиё (75,8), Узун (74,0), Деҳқонобод (79,0), Ғузор (72,4), Китоб (63,4 %) туманлари тоғ ва тоғолди минтақасида жойлашганлиги туфайли яйлов ва пичанзорларнинг майдони катта. Кумқўрғон (84,7 %), Шеробод (73,4 %), Муборак (86,4 %), Миришкор (74,8 %), Нишон (64,9 %) туманлари эса уларнинг чўл зонасида жойлашганлиги бунга асосий сабабдир. Яйлов ва пичанзорларнинг энг кам майдони Қизирик (4,9 %), Музработ (5,6), Ангор (5,8), Касби (9,4), Қарши (27,4 %) туманларида кузатилади, чунки бу туманларда интенсив суғорма деҳқончилик ривожланган.

хўжаликларидаги йирик чорвачилик хўжаликларини аста-секин барҳам топишига олиб келди. Ушбу ҳол йирик озиқ-овқат ишлаб чиқарувчиларнинг хом ашё таъминотини бузилишига сабаб бўлди.

Шу жойда қайд қилиш лозимки, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини эркин равишда бозорга чиқарилишида дастлабки бир неча йил салбий натижа берган бўлсада, кейинги йилларда у ўз самарасини берди.

Юқоридаги 1-жадвалдан кўришиб турибдики, Хоразм вилоятида қишлоқ хўжалиги соҳасида, озиқ-овқат маҳсулотларининг айрим турларини эътиборга олмаганда, аҳоли жон бошига турғун ўсиши кузатилади. Полиз маҳсулотлари мазкур тур маҳсулотларининг қимматлиги билан изоҳланадики, бундай маҳсулотларга бўлган эҳтиёж кўшни Қароқалпоғистон Республикаси ва Мирзачўл иқтисодий райони ҳисобидан қондирилиб келинмоқда.

Аммо, вилоятда озиқ-овқат хом ашёси sanoatда ишлаб чиқариши билан узвий равишда ўсмади. Чунки, қайд этилган ҳолатлар йирик ишлаб чиқариш корхоналарининг кўплигини барҳам топишига олиб келди.

2-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, 2000 йил биринчи ўн йиллиги ўрталаригача Хоразм вилояти sanoat тармоқларида ишлаб чиқариш ҳажми ва аҳоли жон бошига қиёсий кўрсаткичлари салбий жиҳатга эга бўлиб келди. Ушбу ҳол 2013 йил бошларига келиб ижобий томонга ўзгарди. Соҳанинг кўпчилик тармоқларида, хусусан қандолат, консерва, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва алкогольсиз ичимлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш суъратлари олдинги йилларга нисбатан бир неча баробар ўсди.

Тармоқнинг асосий хусусиятларидан бири деярли 100 фоиз хом ашёни қишлоқ хўжалигидан олади. Шу боис, тармоқда тайёрланаётган маҳсулотнинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари бевосита ўзгарувчан, яъни мавсумий, табиий шароит ўзгаришлари билан боғлиқдир. Айрим йиллари агроиклимий шароитнинг ёмон келиши етказиб берилаётган хом ашё сифати ва миқдорини кескин тушириб юбориши мумкин. Айни вақтда, юқорида таъкидлаганидек, қишлоқ хўжалик хом ашёсини сотиш бозори ҳамда унинг минтақавий жиҳатларини шакллантириш ҳам қатта аҳамият касб этади.

2-жадвал

Хоразм вилоятида озиқ-овқат sanoat маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми

Маҳсулот турлари	1991 й		1996й		2000 й		2005 й		2013 й	
	Ҳами, минг тонна	Аҳоли жон бошига (кг)	Ҳами, минг тонна	Аҳоли жон бошига (кг)	Ҳами, минг тонна	Аҳоли жон бошига (кг)	Ҳами, минг тонна	Аҳоли жон бошига (кг)	Ҳами, минг тонна	Аҳоли жон бошига (кг)
Ун (тонна)	1,00	1,00	0,64	0,58	0,69	0,58	0,47	0,36	0,41	0,29
Нон ва нон маҳсулотлари (тонна)	1,00	1,00	0,29	0,26	0,60	0,50	0,29	0,22	0,29	0,21
Крупа (тонна)	1,00	1,00	0,72	0,65	0,41	0,34	0,16	0,12	0,92	0,65
Ўсимлик мойи (тонна)	1,00	1,00	0,74	0,66	0,59	0,49	0,61	0,46	0,46	0,33
Қандолат маҳсулотлари (тонна)	1,00	1,00	0,18	0,16	0,35	0,29	0,16	0,12	15,18	10,70
Консерва маҳсулотлари (минг шартли банка)*	1,00	1,00	0,81	0,73	1,09	0,91	0,27	0,20	14,40	10,15
Гўшт (тонна)	1,00	1,00	0,33	0,30	0,13	0,11	0,30	0,23	5,48	3,87
Колбаса (тонна)	1,00	1,00	0,13	0,12	0,03	0,02	0,00	0,00	39,47	27,82
Сут (тонна)	1,00	1,00	0,13	0,11	0,04	0,03	0,18	0,14	93,04	65,58
Шакар (тонна)	-	-	-	-	-	1,00	0,76	0,69	2,96	2,51
Ароқ ва ликер-ароқ, коньяк маҳсулотлари (минг дал)**	1,00	1,00	0,57	0,51	0,53	0,44	0,58	0,44	6,11	4,31
Алкоголсиз ичимлик сувлари (минг дал)**	1,00	1,00	0,24	0,21	12,37	10,26	3,52	2,66	21,96	15,48

*Консерва маҳсулотлари (минг шартли банка) ҳисобида кўрсатилган.

**Ароқ ва ликер-ароқ, коньяк маҳсулотлари, алкогольсиз ичимлик сувлари маҳсулотлари (минг дал) ҳисобида кўрсатилган.

***Шакар 2000 йилга нисбатан.

Жадвал: вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.

Табиий равишда озиқ-овқат sanoati доимий равишда маълум тур ва миқдорда хом ашё

билан таъминловчилар йирик ишлаб чиқарувчилардир. Улар республикада ҳозирда фермер хўжаликлар ҳисобланади. Аини вақтда тармокни озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда турли мулкчилик шаклларнинг роли ҳам катта. Аммо, уларда маҳсулот миқдори ва сифатини бошқариш имконияти мавжуд эмас, шу боис озик-овқат саноати ҳам ашё базасини ривожлантиришда бевосита йирик ишлаб чиқарувчиларга таянади. Чунки, плантация ишлаб чиқаришда маълум тур ва сифатга эга бўлган бозорга йўналган ишлаб чиқариш шакллантирилади, кичик деҳқон хўжаликлар аксарият ҳолларда ўз-ўзини таъминлашга ва қисман ички бозорга йўналган бўлади.

Ривожланган давлатларда экин майдонлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг баҳолар даражасини ҳамда илмий маслаҳат марказларини шакллантириш ва фаолият кўрсатишини давлат томонидан бошқариш аллақачон амалиётга қўлланган. АҚШ да ҳам, Европа Иттифоқида аъзо давлатларда ҳам қишлоқ хўжалигида ўз-ўзини бошқарув ғоясидан деярли воз кечилган ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг энг муҳим турларини ишлаб чиқаришни ҳуқуқий ва иқтисодий бошқаришга ўтилган. Авваломбор, бугунги кунда молиявий инқироз ўчоғи бўлган Европа давлатларидаги қишлоқ хўжалиги тажрибаларини тўлиғича тадқиқ этиш фикридан йироқмиз. Аммо, жаҳон мамлакатлари тажрибасида уларнинг тутган йўлининг ибратли жиҳатлари йўқ эмас.

Қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг марказлашган тизими Францияда амал қилмоқда. Бу ерда давлат органлари деярли барча турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорини ўз назоратига олган. Нархларнинг қафолатланган минимумидан пастга тушиб кетган ҳолларда АҚШда, Францияда ва бошқа мамлакатларда давлат томонидан фермерларга субсидиялар берилди.

Маълумки, бозор муносабатларига ўтишнинг дастлабки йиллариданоқ қишлоқ хўжалигига мулкчиликнинг турли шакллари жорий этила бошланди. Хусусан, республикада аста-секинлик билан давр талабидан келиб чиқиб, ширкат хўжаликлари ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этилди. Фермер хўжалиklarини йириклаштириш келгусида босқичма-босқич амалга ошириш кўзда

тутилган.

Республика Президенти И.А.Каримов “Дастлаб зарар кўриб ишлайдиган, рентабеллиги паст ва истикболсиз ширкат хўжалиklarини тугатиш негизида ташкил этилган хусусий фермер хўжалиklarини бугунги кунда ҳақли равишда қишлоқда етакчи бўғинга-қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий кучга айланди”, - деб таъкидлаган [1].

Хоразм вилоятида озик-овқат саноатини ривожлантириш бевосита унинг ҳам ашё базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ. Айниқса, қишлоқ туманларида аралаш ва ихтисослаш-тирилган озик-овқат маҳсулотлари тайёрловчи йирик фермер хўжалиklarини шакллантириш долзарб масалалардан саналади. Тор ихтисослаштирилган хўжалиklarнинг маълум миқдорини яратиш нафақат ички истеъмолни қониқтириб, балки экспорт салоҳиятини оширишга ҳам ёрдам беради.

Вилоятда фермер хўжалиklари асосан пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган. Уларнинг озик-овқат маҳсулотларини етиштиришдаги ҳиссаси унча катта эмас.

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики вилоят озик-овқат саноати тармоқлари корхоналарининг аксарияти (ун, ёғ-мой саноати бундан мустасно) ҳам ашёни эркин бозор нархларида туман бозорлари ва ўзларининг шохобчалари орқали деҳқон ва фермер хўжалиklarидан хусусий келишув асосида олишади. Ушбу корхоналарнинг маълум қисми йирик фермер хўжалиklари билан маълум даражада келишувга эга, аммо у ҳам мустаҳкам шартномавий асосга эга эмас.

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида, режалаштирилган иқтисодиётдан фарқли равишда, ҳам ашё етиштирувчилар ва қайта ишловчилар ўртасида шартномавий алоқалар асосида иш юритиши табиий ҳол. Бироқ, аҳолининг доимий ўсиб бориши ҳисобига маҳсулотга эҳтиёж ортиб боришини барча тадбиркорлар ҳам бирдай тушунишмайди. Бинобарин, ҳар қандай иқтисодий фаолият негизида мақсад ва вазифа бўлиши лозим. Шунинг учун авваломбор, ишлаб чиқарувчиларга туртки (стимул) берувчи шарт-шароитлар истикболли лойиҳалар тақлиф этилиши талаб этилади.

Адабиёт:

1. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш-давр талаби // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

Абдуллаев А.Г.

ФАКТОРЫ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СЫРЬЕВЫХ РЕСУРСОВ В ПИЩЕВОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ

Резюме

Проанализировано выращивание сельскохозяйственной продукции, ее переработка на предприятиях пищевой промышленности и факторы развития фермерских хозяйств в Хорезмской области.

Abdullayev A.G.

FACTORS OF EFFECTIVE USAGE OF RAW MATERIALS IN FOOD INDUSTRY KHORAZIM REGION

Resume

Analyzed cultivating agricultural production, its processing in corporations of food industry, aslo development factors of farming in Khorezm province is considered.

Тавсия этувчи:

проф. Қаямов А.А.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ТУМАНЛАРИДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ГЕОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ражабов Ф.Т.

Таянч сўзлар ва иборалар: қишлоқ туманлари, фермер хўжаликлари, табиий шароит, омиллар, ихтисослашув, ер майдони, фермер хўжалиklarининг улуши, гуруҳлаштириш.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг миллий иқтисодийнинг етакчи тармоғи – қишлоқ хўжалигида кенг кўламли ислохотларни амалга оширишга устувор даражада аҳамият қаратилди. Республика Президенти И.А.Каримов кўрсатмалари асосида фермер ва деҳқон хўжаликлари ташкил этилди, фермер хўжалиklarини оптималлаштиришга алоҳида эътибор берилди. Ҳозирги даврда фермер хўжаликлари тўғрисидаги ислохотлар янада чуқурлаштирилмоқда. Натижада, "...кўп тармоқли фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан бирга, уларни чуқур қайта ишлаш, қурилиш ишларини амалга ошириш ва қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш каби йўналишларда самарали фаолият кўрсатмоқда ва ўз истиқболини топмоқда"¹.

Фермер хўжалиklarининг шакл-ланиши ва ривожланиши мамлакатнинг турли вилоятларида табиий, ижтимоий-иқтисодий омилларга боғлиқ ҳолда кечмоқда. Республикада фермер хўжалиklarининг сони 72 мингдан ортиқ, унинг 20,0 фоизи ёки ҳар 5 тадан биттаси Самарқанд ва Фарғона вилоятларида шаклланган. Бу борада Қашқадарё ва Наманган вилоятларининг ҳам ўрни юқори, энг кам кўрсаткич эса Навоий вилоятига (1753 та) тўғри келади.

Республика фермер хўжалиklarига 5848,2 минг га ер бириктирилган бўлиб, бу жиҳатдан Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси етакчилик қилади. Мазкур минтақаларда фермер хўжаликлари учун ажратилган ер майдони бу тоифадаги жами ерларнинг деярли ярмига тенг. Айни вақтда, энг оз рақамлар ҳудуди нисбатан кичик Андижон, Хоразм, Сирдарё ва майдон жиҳатдан йирик бўлсада, сугориладиган ер майдонлари кам бўлган (чўлли ҳудуд) Навоий вилоятларига тегишли.

Ишчи ходимлар сони мамлакатда жами 1,2 млн. дан зиёд, бу ҳусуда Сурхондарё олдинда – бир фермер хўжалигида 30 кишига яқин ишчи фаолият кўрсатади. Ушбу кўрсаткич Фарғона, Сирдарё, Бухоро ва Тошкент вилоятларида ҳам анча катта – 20 кишидан кўпроқ. Аксинча, Навоий ва Наманган вилоятлари фермер

хўжалиklarида ўртача 10-12 кишидан хизмат қилади. Айтиш мумкинки, худди шу каби географик хусусиятлар деҳқон хўжалиklarида ҳам кузатилади.

Фермер хўжалиklarининг иқтисодий кўрсаткичлари, яъни ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдаги улуши республикада 35 фоизни ташкил этмоқда. Бу жиҳатдан Сирдарё (41,3%) ва Қашқадарё (38,0%) вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг (35,1%) кўрсаткичлари юқори, Бухоро, Наманган, Андижон ва Хоразм вилоятлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг эса 70 фоизи деҳқон хўжалиklarида яратилади.

Фермер хўжалиklarида бундай ҳолатлар жойларнинг рельефи (ер усти тузилиши), ер-сув ресурслари билан таъминланганлиги, агроиклимий ресурслар (намлик, ҳарорат, тупроқ), географик ўрни, геоэкологик вазияти, қишлоқ хўжалигининг тармоқлар таркиби ва ихтисослашувидан келиб чиқади. Шу билан бирга, хўжалиklarнинг у ёки бу турининг ҳудудий ташкил этилишига шаҳарлар ривожланиши – урбанизация жараёни, демографик вазият: аҳоли сони, зичлиги ва миллий таркиби ҳам маълум даражада таъсир кўрсатади.

Республика фермер хўжалиklarининг географик хусусиятлари қишлоқ туманлари даражасида таҳлил қилинганда яққол кўзга ташланади. Жами 157 та туманларнинг ҳар бирига ўртача 462 тадан фермер хўжаликлари, 36,0 минг гектардан фермер хўжалиklarига бириктирилган ер майдони, 7,6 минг мазкур хўжалиklarда меҳнат қилаётган ишчи-ходимлар мос келади.

Таъкидлаш жоизки, қишлоқ туманларининг барчасида у ёки бу даражада фермер хўжаликлари мавжуд. Бироқ, уларда фермер хўжалиklarининг турли кўрсаткичлари бир-биридан кескин фарқ қилади. Шу нуқтаи назардан агроиктисодий маҳсулотлари етиштиришда фермер хўжалиklarининг улушига кўра 5 гуруҳга ажратиш мумкин: 20,0 фоизгача, 20,1-30,0 %, 30,1-40,0 %, 40,1-50,0 % ҳамда 50,1 ва ундан юқори (жадвал).

Биринчи гуруҳ қишлоқ туманларининг сони 20 тани ташкил қилади; уларда мамлакат жами фермер хўжалиklarининг 1/10 қисмига яқини мужассамлашган. Ушбу туманлар асосан қишлоқ хўжалиги экстенсив хусусиятга эга бўлган чўл (Мўйноқ, Учқудук, Томди, Сирдарё, Ховос, Сайхунобод ва бошқ.), тоғ ва тоғ олди (Бахмал, Деҳқонобод, Чортоқ, Бойсун ва ҳ.к.) минтақаларида жойлашганлиги боис, агроихтисослашувда чорвачилик устунлик қилади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2014 йил 18 январь, №13 (5943).

Жадвал

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ туманларининг агроиқтисодий маҳсулотлари етиштиришда фермер хўжалиқларининг улушига кўра гуруҳланиши (2013 й.)

Гуруҳлар	Фермер хўжалиқларининг улуши	Қишлоқ туманлари номи	Сони		Фермер хўжалиқлари сони	
			та	%	та	%
I.	Жуда паст, 20,0 % гача	Мўйноқ (Қ.Р.), Бахмал, Янгиобод, Фориш(Ж.в.), Дехқонобод(Қ.в.), Учқудуқ, Нурота, Конимех, Томди (Нав.в.), Янгиқўрғон, Чортоқ, Тўрақўрғон, Уйчи, Наманган(Нам.в.),Кўшработ(Сам.в.), Бойсун(Сур.в.), Сирдарё, Ховос, Сайхунобод(Сир.в.), Сўх(Ф.в.).	20	12,7	6985	9,6
II.	Паст, 20,1-30,0 %	Чимбой, Қораўзак, Кегайли (Қ.Р.),Асака(А.в.),Олот, Бухоро,Қорақўл, Когон, Жондор, Гиждувон (Б.в.), Ғаллаорол(Ж.в.),Чирокчи(Қ.в.),Кармана, Навбахор (Нав.в.),Поп, Чуст, Учқўрғон,Норин (Нам.в.),Каттақўрғон, Ургут, Нуробод(Сам.в.),Жарқўрғон, Узун, Қумқўрғон, Термиз, Ангор, Сариосиё, Шўрчи(Сур.в.),Охангарон, Қибрай(Т.в.), Олтиариқ(Ф.в.), Хазорасп, Янгиариқ, Хива, Урганч(Х.в.).	35	22,3	14684	20,3
III.	Ўрта, 30,1-40,0 %	Кўнғирот,Тахтақўпир,Беруний, Тўрткул, Эллиқалъа,Хўжайли, Шуманай, Қонликул(Қ.Р.), Андижон, Хўжаобод, Жалақудуқ (А.в.),Шофиркон, Вобкент, Пешку,Ромитан (Б.в.), Жиззах, Зомин(Ж.в.),Шахрисабз, Қамаш, Муборак, Қарши, Китоб, Ғузор (Қ.в.),Хатирчи, Қизилтепа(Нав.в.),Косонсой(Нам.в.),Пахтачи, Иштихон, Пастдарғом, Жомбой (Сам.в.), Қизириқ, Шеробод, Музработ(Сур.в.), Гулистон, Оқолтин(Сир.в.), Ўртачирчиқ, Бўстонлик,Бўка, Бекобод, Паркент, Зангиота (Т.в.), Данғара, Фарғона, Бешариқ, Бағдод,Ўзбекистон,Учқўприк, Бувайда, Қўштепа, Тошлок, Риштон (Ф.в.), Шовот, Қўшқўпир, Хонқа, Гурлан, Боғот, Янгибозор (Х.в.).	57	36,3	28054	38,7
IV.	Юқори, 40,1-50,0 %	Амударё (Қ.Р.), Булоқбоши,Шахрихон, Марҳамат, Олтинқўл, Пахтаобод (А.в.), Пахтакор, Арнасой, Зарбдор, Зафаробод (Ж.в.),Яккабоғ, Касби, Косон(Қ.в.), Мингбулоқ (Нам.в.),Нарпай,Тайлоқ, Самарқанд, Пайариқ, Оқдарё (Сам.в.),Денов, Олтинсой (Сур.в.),Мирзаобод, Боёвут,Сардоба(Сир.в.),Оққўрғон,Юқоричирчиқ, Пискент, Чиноз,Янгийўл,Қуйичирчиқ(Т.в.), Ёзёвон, Фурқат, Қува(Ф.в.).	33	21,0	16127	22,2
V.	Жуда юқори, 50,1 % ва ундан юқори	Нукус (Қ.Р.), Избоскан, Қўрғонтепа, Улуғнор, Бўз, Балиқчи (А.в.),Қоровулбозор (Б.в.), Мирзачўл,Дўстлик(Ж.в.), Миришкор,Нишон (Қ.в.),Булуғур (Сам.в.).	12	7,7	6669	9,2
Жами			157	100,0	72519	100,0

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Этиборлиси шундаки, қишлоқ хўжалигига кўпроқ ихтисослашган Сирдарё вилоятининг Сирдарё ва Сайхунобод туманларида фермер хўжалиklarининг ҳиссаси деярли йўқ даражада (0,3 ва 0,5 %), Учқудук ва Томдида эса у жуда паст (1,3 ва 1,4 %). Бу ҳудудларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари аҳоли манзилгоҳлари ва уларнинг яқин атрофида, яъни деҳқон хўжалиklarида етиштирилади. Бироқ, Томди туманида қишлоқ хўжалиги корхоналари жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ярмига яқинини беради ва бу борада у республикада ҳам ажралиб туради. Айни вақтда, боғдорчиликка ихтисослашган Бахмал ва Сўх туманларида мазкур кўрсаткич нисбатан юқори (18 фоиздан ортик). Бинобарин, келажакда янги боғларни ташкил этиш ва юқори ҳосил олиш эвазига улар иккинчи гуруҳга қўшилиши мумкин. Ушбу тоифадаги туманлар аҳолиси зич, қишлоқ

хўжалиги интенсив йўналишга хос, боғдорчилик учун қулай табиий шароитга эга бўлган Андижон ва Тошкент вилоятларида учрамайди.

Иккинчи гуруҳга мамлакат жами туманларнинг 22,3 фоизи, фермер хўжалиklarининг 1/5 қисми тўғри келади. Улар нисбатан катта шаҳарларга эга бўлган туманларни (Асака, Бухоро, Ёждувон, Чуст, Каттақўрғон, Термиз, Оҳангарон, Қибрай, Хива, Урганч) ва суғориладиган ерлар билан кам таъминланган ҳудудларни (Чимбой, Қораўзак, Кегайли, Олот, Қоракўл, Ғаллаорол, Чироқчи, Ургут, Нуробод, Хазорасп) ўз ичига олади (расм). Катта шаҳарлар атрофида кўпроқ деҳқон хўжалиklари таркиб топганлиги билан тавсифланса, суғориладиган ерларнинг камлиги фермер хўжалиklarни ёппасига ташкил этиш ва ривожлантириш билан боғлиқ.

Расм

Қишлоқ туманларини агроиктисодиёт маҳсулотлари етиштиришда фермер хўжалиklarининг улушига кўра гуруҳланишининг асосий географик хусусиятлари

Гуруҳ	Қишлоқ туманларининг асосий географик хусусиятлари	Фермер хўжалиklари ихтисослашуви
I.	Чўл ва тоғда жойлашган	Яйлов чорвачилиги, боғдорчилик
II.	Катта шаҳарларга эга; суғориладиган ер майдони кам	Сабзавот-полнзчилик; чорвачилик; ғаллачилик
III.	Суғориладиган майдонларни кўп	Ғаллачилик; пахтачилик; боғдорчилик
IV.	Ер ва сув ресурслари билан яхши таъминланган	Пахтачилик; ғаллачилик; сабзавотчилик
V.	Ер-сув ресурсларига бой; айнан пахтачилик учун ташкил этилган	Пахтачилик; ғаллачилик

Расм муаллиф томонидан тузилди.

Бу гуруҳдаги туманларнинг кўпчилиги Сурхондарё (7 та) ва Бухоро (6 та) вилоятларида жойлашган ҳолда, аксинча, Андижон, Жиззах Қашқадарё ва Фарғона вилоятларида эса атиги биттадан мос келади. Ушбу гуруҳдаги қишлоқ туманларидан Чимбой, Ғаллаорол, Бухоро, Шурчи қабиларда фермер хўжалиklarининг улуши нисбатан ортиқроқ. Бу ҳудудларда суғориладиган ерлар ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобига яқин йилларда фермер хўжалиklари улушини 30 фоиздан ортиқни ташкил этиши мумкин.

Учинчи гуруҳда республика фермер хўжалиklари кўрсаткичларини шакллантирган 57 та қишлоқ туманлар жой олган. Уларга жами фермер хўжалиklари сонининг 2/5 қисми тўғри келади. Ушбу туманларнинг асосий хусусияти суғориладиган майдонларда жойлашганлиги ва, айниқса, фермер хўжалиklarида стратегик маҳсулотлар – пахта, ғалла етиштиришга

ихтисослашганлиги билан изоҳланади. Бундай туманлар барча вилоятларда ўртача 4-5 тадан мавжуд. Гуруҳда типик чўл туманларида (Пешку, Қизирик, Қўнғирот, Тахтақўпир) фермер хўжалиklarининг улуши пастроқ (31-32 %), сабзавотчилик ва боғдорчиликка ихтисослашган тоғ олди туманларининг (Паркент, Бағдод, Бешарик) улуши эса 40 фоизга яқин.

Тўртинчи гуруҳ қишлоқ туманлари сони 33 та, уларнинг асосий қисми аҳоли зич жойлашган, йирик суғориладиган ва унумдор ер майдонларига эга Тошкент, Самарқанд, Андижон ва Қашқадарё вилоятларига тўғри келади. Айни пайтда, Бухоро ва Жиззах вилоятларида бундай маъмурий-худудий бирликлар мавжуд эмас.

Бешинчи гуруҳда аҳоли қадимдан деҳқончилик билан шуғулланиб келган ва ер-сув ресурслари билан яхши таъминланган қишлоқ туманлари ҳамда айнан пахта майдонларини кенгайтириш учун ўзлаштирилиб пахтачиликка

ихтисослаштирилган туманлар (Мирзачўл, Дўстлик, Миришкор, Нишон) ўрин олган.

Шундай қилиб, фермер хўжалиқларининг ихтисослашуви ва ривожланиш кўрсаткичлари қатор омилларга боғлиқ. Уларнинг республика

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдаги улушини ошириб бориш яқин келажакда асосан I ва II гуруҳ қишлоқ туманлари ҳисобидан юзага келиши мумкин.

Адабиётлар:

1. Виктор Ф. Устьевые оазисы Средней Азии: опыт комплексного сравнительно-типологического исследования. – Т., 2013.
2. Курбонов Ш. Кичик ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий географияси. – Т.: “Мумтоз сўз”, 2013.
3. Солиев А. Ўзбекистон географияси (Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси). – Т.: “Университет”, 2014.

Ражабов Ф.Т.

ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ФЕРМЕРСКИХ ХОЗЯЙСТВ В СЕЛЬСКИХ РАЙОНАХ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Резюме

В статье выявлены географические особенности фермерских хозяйств на основе крупномасштабного анализа сельских административных районов. Основное внимание уделено значению этих хозяйств в производстве сельхоз продукции.

Rajabov F.T.

GEOGRAPHICAL FEATURES OF FARMS IN RURAL AREAS OF UZBEKISTAN

Resume

The article reveals the geographical features of farms on the basis of large-scale analysis in rural districts. Emphasis is placed on the importance of these farms in the production of agricultural products.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЕТИШТИРИЛАДИГАН ПАХТАНИНГ ДУНЁ БОЗОРИДА ХАРИДОРЛИГИ, ҒЎЗАНИНГ ЯНГИ НАВЛАРИ ВА ПАХТА ТОЛАСИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Рўзиева М.Б.

Таянч сўзлар ва иборалар: пахта, ғўза, пахта толаси, пахта нави, жаҳон бозори, пахта харидорлиги, пахта сифати, агроклимий шароитлар.

Қириш. Дунёда пахтага эҳтиёж йилдан-йилга ошмоқда, бу эса, ўз навбатида, пахта етиштириш ҳажмини янада оширишни талаб этади. Ғўза ўсимлигининг маҳсули пахтанинг тола сифати, энг аввало, унинг етиштирилган навидан, жаҳон стандартларига тўла жавоб беришидан бошланади. Ҳозир мамлакатимиз далаларида пахта бозоридаги хорижий истеъмолчиларнинг барча талабларига жавоб берадиган навлар етиштирилмоқда.

Иқтисодиётнинг муҳим бўғинларидан бири бўлган пахтачиликда амалга ошириладиган кенг қўламли ислохотлар юксак самаралар бераётгани ҳаммага аён. Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик sanoати жаҳон пахта бозоридаги энг муҳим ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда. Республикада пахта хом ашёсини ва унинг сифатли толасини мўл етиштириш учун агрометеорологик шароитларга ҳамда агроклимий ресурсларга бой эканлиги илмий изланишларда миқдорий кўрсатилган.

Ғўза ўсимлигининг ривожланиши, маҳсулдорлик элементларини ва ҳосилдорлигининг шаклланишида об-ҳаво ва агрометеорологик шароитларнинг таъсири катта эканлиги яна бир

бор исботланди. Бунда маҳсулдорлик элементлари, пахта хом ашёси ва чигитсиз пахтанинг миқдори орасида, ғўза навининг биологик жиҳатларига эътибор берган ҳолда қаралса, умуман ўзаро узвий миқдорий боғлиқлик мавжудлиги аниқланади.

Ўзбекистонда чигитсиз пахтанинг миқдори ва унинг сифатини агрометеорологик баҳолаш ва башоратлашга илмий замин яратилди. Ҳозирги замон талабидан келиб чиққан ҳолда пахта толасининг сифат жиҳатларига об-ҳаво ва агрометеорологик шароитларга қай даражада боғлиқ эканлигини миқдорий ўрганиш **долзарб муаммолардан** бири ҳисобланади.

Ўрганилганлик даражаси. Ғўзанинг турли навларини, ўзига хос биологик айтарли ўзгармайдиган, хўжалик ва технологик сифат кўрсаткичларининг хусусиятлари В. Устюгин, Э. Махсудов, Р. Назаров, А. Абдуллаев ва бошқалар томонидан ўрганилган. Лекин пахта хом ашёси ва толанинг сифат миқдorigа об-ҳаво ва агрометеорологик шароитларни таъсири миқдорий жиҳатдан ўрганилмоқда.

Тадқиқотнинг **объекти** ғўза ўсимлиги, **предмети** эса пахта толасининг сифатини

технологик хусусиятларига алоҳида эътибор қаратиш ва келажакда муҳим аҳамиятга мойил бўлган агрометеорологик илмий ишларни бажаришда имконият борлигини очиб беришдир.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари пахта толасининг сифатини, технологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда, келажакда ғўза ўсимлиги ҳолатини баҳолашга ва чигитсиз пахта толаси сифатининг миқдорини башоратлаш учун замонавий услубни яратишга йўналтиришдир.

Илмий натижалар. Ўзбекистон Республикасида навбатдаги нав алмашувига сабаб, ғўзанинг янги навлари, пахтасининг тола сифати юқорилиги ва дунё пахта бозорида харидорлигидир.

Янги навларни биологик ва хўжалик муносабатларини баҳолаш мезони ҳосил индекси орқали амалга оширилади. Илгари районлашган навларда ҳосил индекси 40-45 % дан ошмаган бўлса, ҳозирги вақтда етиштирилладиган тезпишар навларда (Омад, Наманган-77, Наманган-34, Андижон-35) жами ўсимликнинг биологик массасини 55 фоизи пахтанинг хом ашёсидир.

Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш «Сифат» маркази маълумотларига назар ташласак, ҳозирги вақтда мамлакатимизда етиштирилаётган пахтанинг толаси, замонавий HVI дастгоҳида толанинг сифат кўрсаткичлари бўйича куйидагилар: 1) микронейр (Mic); 2) солиштирама узилиш кучи, гс/текс (Str); 3) юқори ўртача узунлик, мм ёки дюйм (Len); 4) узунлик бўйича бир хиллилик индекси, % (Unf); 5) калта толалар индекси, % (Sfi); 6) узилишдаги узайиши, % (Elg); 7) ифлосланиш коэффициенти (T); 8) ифлос аралашмалар сони (Cnt); 9) ифлос аралашмалар майдони, % (Area); 10) нав ранги бўйича (R ва +b га қараб аниқланди) (Ccr); 11) нур қайтариш коэффициенти, % (Rd); 12) сарғишлилик даражаси (+b) [1, 4].

Микронейр – пахта толаси намунасининг ҳаво ўтказувчанлигига қараб аниқландиган толанинг ингичкалиги ва пишиб етилганлигини тавсифлайди. Уни баҳолаш шкаласи куйидагича: 3,0 кам бўлса, тола жуда ингичка; 3,0 дан 3,9 гача – ингичка; 4,0 дан 4,9 гача – ўртача; 5,0 дан 5,9 гача – дағал. Дунё бозорида пахта толасининг микронейр кўрсаткичи 4,2-4,4 бўлганда тез сотилмоқда. Микронейр кўрсаткичи 4,9 дан юқори ёки 3,5 дан паст бўлган ҳолатда белгиланган тартибда толанинг нархи камайтиради [3, 4].

Пахта толаси турини, ғўзанинг айтарли даражада наслий хусусиятларини белгилайдиган кўрсаткичлар – шпател масса узунлиги, чизиқли зичлиги ва узилиш нагрукаси тавсифлайди. Пахта толасининг навини унинг етилганлиги ва ранги белгилайди. Пахта толасининг 5 та нави белгиланган. Навлар ўзбек тилида тартиб сонлари билан номланади: “биринчи”, “иккинчи”, “учинчи”, “тўртинчи”, “бешинчи”. “Биринчи” нави агрометеорологик шароитлар оқибатида

шикастланмаган меъёрида етилган пахтага берилади. Қолган навлар доғлар мавжудлиги, тола ташқи кўриниши ва унинг етилгани ёмонлашгани билан фарқланади [2].

Пахта толасининг синфи унинг ифлосланганлик даражасини белгилайди. Олий, яхши, ўрта, оддий, ифлос синфлари мавжуд. Ҳар бир синф учун ифлосликнинг чегаравий меъёри белгиланган.

Ишлаб чиқариш шароитида кўсак ичидаги пахтанинг пишишига, толанинг узун тўлик сифатли бўлишига ҳаво ҳарорати, тупроқ намлигининг етишмаслиги, куздаги ёғинларнинг миқдори, кучли шамол ва чанг-тўзон кабиларнинг салбий таъсири барча пахтакорларга маълум. Бироқ, об-ҳаво ва агрометеорологик шароитларнинг пахтанинг тола сифат кўрсаткичларига таъсирини ёритувчи илмий ишлар кам.

Илмий-тадқиқот ишларининг натижалари ғўзанинг С-6524, Наманган-77, Омад, Султон, Бухоро-102 навлари тупроқ-иклим шароитларига мослашган ва ҳосилдорлиги илгари етиштирилган навларга нисбатан 2-4 ц/га юқоридир. Сўнгги 5 йил давомида янги экилган ғўза навларининг майдони 6 марта, яъни 125 мин/га дан 865 мин/га кўпайди ва асосий пахта етиштирилладиган майдонларнинг 70% ни 7 та янги навлар: С-6524, Бухоро-102, Наманган-77, АН-Баяут-2, Бухоро-8, Бухоро-6 ва Омад ташкил этмоқда [1, 3].

2000 йилнинг бошларида пахтанинг «олий» ва «яхши» тола сифати буларга мос 15 ва 41 фоизларни, жами юқори сифатлиси (олий+яхши) 56% фоизни ташкил этган. Сўнги йилларда эса синф гуруҳидаги «олий» ва «яхши» сифатли тола буларга мос 28 ва 57 % ташкил этган, ялписи эса 85 % га ошгани маълум бўлди. Республика-мизнинг Қашқадарё, Хоразм, Бухоро, Навоий минтақаларида умумий ишлаб чиқилган тола Олий» ва «Яхши» сифатлари 95% дан юқори бўлган. Демак, Ўзбекистонда етиштирилладиган пахтага харидорликни янада оширишнинг асосий мезони тола сифатини яхшилаб етиштиришда ноқулай об-ҳаво ва агрометеорологик шароитларга тушиб қолмаслиги учун улардан оқилона фойдалана билиш ҳосилни йиғиб-териби олишда муҳим ва долзарб ҳамда кечиктириб бўлмайдиган муоммолардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда стратегик аҳамиятга эга бўлган пахта толасининг сифатига бир қанча омиллар таъсир этиши исботланган [1]. Ғўза навининг биологик, физиологик хусусиятлари, ушбу нав экилаётган ҳудуднинг об-ҳаво, тупроқ-иклим агрометеорологик шароити, уруғлик сифати, экиш муддатлари, агротехник тадбирлар, йиғим-терим усуллари кабилар шулар жумласига қиради. Пахта толаси миқдорига, технологик хусусиятларига тупроқда намликнинг етишмаслиги кузги қора совуқ таъсир этувчилардан биридир. Бунда тола қисқаради, зичлиги камайди, дағаллашади.

Илмий изланишлар натижасида топилган

агрометеорологик мезонларни, кўрсаткичларни, ўсимликлар ҳолатини баҳолаш, башоратлаш услубларини такомиллаштириш ва янгисини яратиш ҳозирги замоннинг талабидир. Бинобарин, пахта хом ашёсидаги таланнинг сифатини агрометеорологик нуқтаи назардан баҳолаш ва башоратлаш услубини математик статистика

моделини тузиш ҳамда тадқиқотлар натижаларини амалий аҳамиятга эга бўлган агрометеорологик хизмат кўрсатишга мажмуий тизимини яратиш қўллаш, хизмат доирасини кенгайтиришга, сифатини оширишга йўналтириш ишларини ниҳоясига етказишга имкониятлар борлигини қайд этамиз.

Адабиётлар:

1. Абдуллаев А. К., Рузиева М. Б. Ўзбекистонда етиштириладиган пахтанинг хом ашёси, толани сифати учун агроиклимий шароитлар, ресурслар. – Тошкент, 2012. 157 б.
2. Максудов Э. Т. Стандартизация и сертификация хлопкового волокна // Uzbekistan 2000. Cotton Outlook. Special Feature. – Tashkent, 2000. P. 34-36.
3. Назаров Р. С., Абдуллаев А. К., Холбаев Г. Х. Ўзбекистонда ғўза агротехникаси, агроиклимий шароитлар ва ресурслар. – Тошкент, 2009. – 163 б.
4. Устюгин В. Г. Качество важный фактор обеспечения конкурентно способности Узбекского хлопка / IV-International Uzbek cotton fair.

Рузиева М.Б.

КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТЬ ВЫРАЩИВАЕМОГО ХЛОПКА УЗБЕКИСТАНА В МИРОВОМ РЫНКЕ, НОВЫЕ СОРТА ХЛОПЧАТНИКА И ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ХЛОПКА-ВОЛОКНА

Резюме

В статье представлена информация о технологических свойствах хлопкового волокна, которое ценится на мировом рынке и сведения о разных сортах хлопчатника и их площади в Узбекистане. Кратко изложена концепция развития исследования качества волокна хлопка-сырца в агрометеорологическом аспекте.

Ruziyeva M.B.

COMPETABILITY OF PRODUCED COTTON OF UZBEKISTAN IN THE WORLD MARKET, NEW TYPE OF COTTON AND ITS TECHNOLOGICAL SPECIFICATIONS

Resume

In the article given information on processing behavior of a cotton fiber is shown, which one is appreciated in the world market and item of information on miscellaneous sorts of a cotton and their area in Uzbekistan. The concept of development of research of quality of a fiber of cotton - raw in agro-meteorological aspect is set briefly up.

Тавсия этувчи:

д.г.н. Абдуллаев А. К.

ВОПРОСЫ УПРАВЛЕНИЯ И ОХРАНЫ АРИДНЫХ ГЕОСИСТЕМ МЕЖГОРНЫХ КОТЛОВИН СРЕДНЕЙ АЗИИ

Абдулкасимов А.А., Давронов К.К.

Ключевые слова: аридные ландшафты, геосистема, антропогенный мониторинг, оптимизация, управление и охрана, межгорная котловина.

Введение. На современном этапе интенсивного и устойчивого развития научно-технического прогресса, интенсификация природопользования естественных ресурсов густонаселенных крупных межгорных котловин Средней Азии вопросы управления и охраны широко распространенных аридных геосистем становятся еще более актуальными и неотложными задачами. В системе управления природопользованием и охраны аридных геосистем ведущее место должно принадлежать антропогенному мониторингу. Это диктуется тем, что человек пользуясь благами природных систем, не только благоприятствовал формированию целенаправленных регулируемых

антропогенных оазисных, сельских и городских селитебных, сельскохозяйственных, ирригационных ландшафтов, но и в какой-то степени способствовал возникновению непосредственных сопутствующих геокомплексов, оказывающих негативное влияние на управление, организацию современных ландшафтов и на окружающую природную среду. Поэтому изучение вопроса управления и охраны аридных геосистем межгорных котловин Средней Азии имеют большое научное и прикладное значение.

Основная часть. Комплексное изучение и картографирование межгорных котловин Средней Азии показывает, что в структуре их доминирующее положение занимают аридные

геосистемы, формирование и устойчивое развитие которых тесно связано с контрастностью среды и барьерных эффектов окружающих межгорных котловин горных хребтов. В межгорных котловинах Средней Азии аридные геосистемы представлены адырными, предгорно-равнинными, останцово-низкогорными пустынными и полупустынными, солончаково-пустынными и другими геокомплексами.

В крупных межгорных котловинах Средней Азии система управления охраны природы и воспроизводства естественных ресурсов может быть более эффективной лишь при дифференцированном подходе к каждой межгорной котловине и составляющим её природно-территориальным комплексам, характеризующиеся специфическими ландшафтными особенностями. Количественный анализ морфологической структуры аридных геосистем межгорных котловин Средней Азии показывает, что в Ферганской котловине площадь адырных ландшафтов (за исключением степных вариантов) составляет 8090 км², предгорно-равнинных – 7440 км², надпойменно-террасовых пустынных – 950 км², эолово-песчаных – 452 км² и солончаково-пустынных – 1254 км²; в Самаркандской котловине – адырных – 1553 км², предгорно-равнинных пустынных и полупустынных – 5536 км², надпойменно-террасовых – 2253 км² и останцово-низкогорных – 497 км²; в Сурхандарьинской котловине – адырных пустынных и полупустынных – 1776 км², предгорно-равнинных – 2520 км², надпойменно-террасовых – 1210 км², эолово-песчаных – 540 км² и солончаково-пустынных – 152 км²; в Иссыккульской котловине - адырных пустынных и полупустынных – 1160 км², предгорно-равнинных – 1724 км², озерно-террасовых пустынных – 514 км². Аридные геосистемы имеют широкое распространение также в Илийской, Зайсайской, Кашкадарьинской и Алайской межгорных котловинах Средней Азии (Абдулкасимов, 1991, 2004).

Система природопользования, охраны аридных геокомплексов и окружающей природной среды должна строиться с обязательным учетом региональных и локальных особенностей территории. Для этого необходимо в перспективный период разработать чрезвычайно гибкую, отлаженную во всех звеньях, скоординированную в едином центре системы управления охраны аридных геокомплексов и окружающей природной среды густонаселенных оазисных районов, где необычайно интенсивный во времени и пространстве процесс освоения природных богатств сопровождается высокими темпами роста народонаселения (Золотарёв, Соковин, 1979). Эти процессы в межгорных котловинах Средней Азии происходят в условиях засушливого и резкоконтинентального климата, ограниченности водных ресурсов, тяжелых мелиоративных условий почв, сильной

разреженности растительного покрова и т.д.

Социально-экономические функции аридных геосистем очень разнообразны. В настоящее время они используются под орошаемые сельскохозяйственные угодья, богарное земледелие и пастбища. Следовательно, система управления и охраны в условиях предгорных равнин и крупных межгорных котловин Средней Азии осуществляется при наличии двух категорий геосистем – естественных и антропогенных. Первая категория геосистем отличается самоорганизацией протекающих процессов, а вторая – регулированием хозяйственной деятельностью человека (Абдулкасимов, 2004).

В практике по охране природы (геосистем) различаются два варианта управления – опережающее и оперативное. При опережающем управлении анализируется соответствие изучаемого ландшафта социально-экономическим потребностям общества и возможности его перевода в другое состояние. В ходе оперативного управления (регулирования) осуществляется антропогенный мониторинг (контроль) за соответствием реально-наблюдаемого состояния ландшафта нормативным или запроектированным характеристикам, регулирование и поддержание заданного режима с помощью технических устройств и технологических процессов. Оперативное управление образуется на организации наблюдения и контроля, на создании средств регулирования и ухода, то есть введении постоянно действующей системы мониторинга (Охрана ландшафтов, 1982).

В крупных межгорных котловинах Средней Азии биоконпоненты адырных, предгорно-равнинных, останцово-низкогорных пустынных и полупустынных геосистем характеризуется весьма неустойчивым состоянием, что обусловлено слабой межкомпонентной взаимосвязью. Это вызвано резкой континентальностью климата, незначительным количеством атмосферных осадков, разреженной естественной растительностью и т.д. Поэтому повышение нормы и усиление использования аридных геосистем приводит к отрицательным последствиям, в результате чего сильно ухудшаются потенциальные возможности природопользования и природоохранное состояние. Этот процесс хорошо наблюдается в тех местах, где аридные геосистемы постоянно используются под пастбища. Для управления аридными геосистемами межгорных котловин Средней Азии требуется решение ряда вопросов, оказывающих содействие в перестройке социально-экономических функций неосвоенных территорий и тем самым поддержать организацию охраны здоровья ландшафтов.

Система управления и охрана аридных геосистем межгорных котловин Средней Азии должна строиться с обязательным учетом, анализом и синтезом их региональных

особенностей и гипсометрических уровней. Поэтому при управлении и охране аридных геосистем постоянно надо принимать во внимание следующие обстоятельства аридных межгорных котловин: 1) широкое развитие оазисных городских и сельских селитебных, орошаемых и богарных сельскохозяйственных, промышленных, ирригационных ландшафтов и густонаселенность; 2) довольно интенсивно протекающие во времени и пространстве процессы освоения земельных, водных, растительных, минеральных и других сырьевых природных ресурсов, а также ускоренный темп роста народонаселения; 3) аридный резкоконтинентальный климат, дефицит водных ресурсов, тяжелое мелиоративное состояние почв, сильно разреженный флористический комплекс и менее устойчивые биологические компоненты; 4) расположение межгорных котловин на разных гипсометрических уровнях, испытывающие общие и частные закономерности вертикальной дифференциации, оказывающие существенное влияние на функционирующее состояние компонентов природы и в целом на ландшафтные комплексы.

Организация системы антропогенного мониторинга над изменениями природной среды и трансформацией аридных геокомплексов необходимо для сбора информации о современном состоянии и тенденции развития негативных явлений, происходящих в результате

причинно-следственных взаимосвязей. Правильная организация антропогенного мониторинга играет большую роль в системе охраны современных ландшафтов горных и равнинных территорий Средней Азии. Он поддерживает здоровье не только аридных, но и других видов геосистем и их целостность.

Заключение. Все аридные геосистемы нуждаются в организации научно обоснованной специфической системы управления природопользованием и охраной их оптимальных экологических состояний. Организация управления и охраны аридных ландшафтов должны базироваться на принципах дифференцированного подхода каждой межгорной котловине Средней Азии, которые приурочены к разным высотным параметрам и постоянно испытывают соответственно по высоте вертикальные изменения природных условий. Дифференцированный подход в управлении и охране требуется не только для аридных геосистем каждой межгорной котловины, но и, несомненно, для составляющих их морфологических структур. Управление и рациональное использование аридных геосистем осуществляется путем организации мелиоративных мероприятий, установления режима использования, регулирования и постоянного контроля, основанного на новейших достижениях ландшафтных исследований.

Литература:

1. Абдулкасимов А.А. Система управления и охраны ландшафтов межгорных котловин Средней Азии // География и природные ресурсы. – Новосибирск, 1991, №2. – с.46-51.
2. Абдулкасимов А.А. и др. Антропогенные ландшафты Средней Азии и вопросы экологии. – Ташкент, 2004. –262 с.
3. Золотарев Э.Л., Соковин В.И. К проблеме рационального использования и охраны природных ресурсов Узбекистана // Общественные науки в Узбекистане, 1979, № 1. - с.12-18.
4. Охрана ландшафтов. Толковый словарь. – М.: Прогресс, 1982. – 272 с.

Абдулқосимов А.А., Давронов К.Қ.

ЎРТА ОСИЁ ТОҒ ОРАЛИҒИ БОТИҚЛАРИ АРИД ГЕОСИСТЕМАЛАРИНИ БОШҚАРИШ ВА МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Резюме

Мақолада Ўрта Осиё тоғоралиги ботиқлари арид геосистемаларини бошқариш ва муҳофаза қилиш масалалари таҳлил қилинган. Уларни бошқариш ва муҳофаза қилишни ташиқил этишида ҳар қайси ботиққа дифференциациялашган принцип асосида ёндашиш тавсия қилинган.

Abdulqosimov A.A., Davronov K.Q.

MANAGEMENT AND CONSERVATION OF ARID GEOSYSTEMS INTERMOUNTAIN BASINS OF CENTRAL ASIA

Resume

The paper analyzes the management and protection of arid geosystems intermountain basins of Central Asia. In organizing the management and conservation of arid geosystems we recommend the differentiated approach to each individual intermountain basin.

Рекомендуем:

доц. Гулямов П.Н.

ЎЗБЕКИСТОННИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ИНДИКАТОРЛАРИ

Турсунов Х.Т.

Таянч сўзлар ва иборалар: барқарор ривожланиш, атроф-муҳит, индикаторлар, табиий ресурслар, экологик тизим, концепция, стратегия.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси ХХІ асрнинг дастлабки ўн йилликларида мустақил давлат сифатида, жаҳон ва минтақавий йўналишларни ҳисобга олган ҳолда, келажакнинг самарали тараққиёт моделларини изламоқда, бу йўналишларнинг энг муҳими барқарор ривожланиш йўлидан боришга интилишдир.

Ўзбекистон Республикасида табиий тизимларни сақлаш ва атроф- муҳит сифатини таъминлаш барқарор ривожланишга ўтишнинг асос тамойилларидан бири ҳисобланади. Жорий аср жаҳон ҳамжамияти томонидан 1992 йили Рио-де-Жанейрода қабул қилинган глобал дастур- “21 асрга Кун тартиби”ни ҳаётга татбиқ этиш жараёнларининг фаоллашуви билан характерланади, чунки ушбу муҳим ҳужжатда янги экологик дунёқарашни ривожлантириш, келгуси авлодлар учун атроф-муҳитнинг қулай шароитларини ва табиий ресурсларни сақлаб қолишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамжамият олдидаги мажбуриятларини бажариш учун ўзининг барқарор ривожланиш концепцияси ва стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича саъй-ҳаракатларни амалга ошириб келмоқда.

Барқарор ривожланиш мақсадлари учун индикатор – кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш шу куннинг долзаб масалаларидан саналади. Ўзбекистон Республикасининг Барқарор ривожланиш миллий стратегиясида [3] мамлакатнинг мувозанатлашган экологик ва иқтисодий сиёсатини таъминлаш доирасида “...аҳамиятли қарорларни қабул қилиш учун барқарор ривожланишнинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик индикаторларини (уларга тегишли амал қилиш механизмлари билан бирга) ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш” қайд этилган.

Охирги вақтда аксарият тадқиқотчилар ҳозирги жаҳон тараққиёт жараёнини “экологик барқарор ривожланиш”, деб атамоқдалар. Чиндан ҳам экотизимлар ўз-ўзини тиклаш қобилиятини сақлаб қолиш ва табиий бойликлардан келгуси авлодларнинг ҳам эҳтиёжларини ҳисобга олмасдан туриб, барқарор ривожланишга эришиб бўлмайди. Тадқиқотларимизнинг асл мақсадидан келиб чиққан ҳолда барқарор ривожланишнинг экологик индикаторларга алоҳида эътибор қаратилди.

Асосий қисм. “21 асрга Кун тартиби” нинг 40-боби[4]да «Барча даражаларда қарор қабул қилиш жараёни учун ишончли асос яратиш мақсадларида ва комплекс экологик тизимларнинг ўз-ўзини сақлаш ва ривожланиш тизимлари барқарорлигини таъминлашга кўмаклашиш учун барқарор ривожланиш индикаторларини ишлаб

чиқиш зарурдир”, деб таъкидланган.

«21 аср кун тартиби»да мамлакатлар, халқаро ва нодавлат ташкилотлар ўз фаолиятида барқарор ривожланиш индикаторларини ишлаб чиқиш ва фойдаланишга чақирилади. Шундай индикаторларни ишлаб чиқишда БМТнинг Барқарор ривожланиш бўйича комиссияси, ЮНЕП, Жаҳон Банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Европа Комиссияси, Атроф-муҳит муаммолари бўйича илмий қўмита (SCOPE), кўплаб нодавлат ташкилотлари ва бошқалар фаолият олиб борадилар.

Индикатор дейилганда иқтисодий, ижтимоий ёки экологик ўзгарувчининг ҳолати ёки ўзгариши тўғрисида маълумот (хабар) берувчи кўрсаткич тушунилади.

Индикаторларни қуйидаги асосий гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. атроф-муҳитга таъсирни тавсифловчи;
2. атроф-муҳитга таъсирни таърифловчи;
3. атроф-муҳитга таъсир оқибатини тавсифловчи;
4. қўрилайётган чора-тадбирларни таърифловчи.

Ҳозирда индикатор билан бир қаторда индекслар ҳам ишлаб чиқилмоқда ва амалиётга жорий қилинмоқда. Айни вақтда миллий, регионал ва глобал даражаларда барқарор экологик-иқтисодий ривожланишни “Инсон салоҳияти ривожланиши индекси”, “Экологик из” каби индикаторлар асосида ҳам ўрганилади, баҳоланади.

Барқарор ривожланиш индикаторлари 4 гуруҳга бўлинади:

- а) Барқарор ривожланишнинг ижтимоий жиҳатлари индикаторлари;
- б) Барқарор ривожланишнинг иқтисодий жиҳатлари индикаторлари;
- в) Барқарор ривожланишнинг экологик жиҳатлари индикаторлари;
- г) Барқарор ривожланишнинг интитуционал жиҳатлари индикаторлари.

Атроф-муҳит ҳолати индикаторлари жамоатчиликни хабардор этади ва маълум экологик тайзикларга эътибор қаратади. Бу аҳоли учун экологик муаммо ечими бўйича мустақил қарор қабул қилиш ёки давлат бошқаруви мутассадиларига ёрдам сўраб муурожаат қилиш учун асос бўлиши мумкин. БМТнинг Барқарор ривожланиш бўйича комиссияси Барқарор ривожланиш индикаторларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш Дастурини қабул қилган. Дастур 132 индикаторни қамраб олган. Бу индикаторлар «Шароитлар - Ҳолат - Ҳаракатлар» тамойили бўйича жойлаштирилган. Мавжуд схемага кўра «Шароитлар» индикаторлари инсон ривож-

ланишига таъсир этувчи инсонлар фаолияти, жараёнлар ва ходисаларни қамраб олган. «Ҳолат» индикаторлари барқарор ривожланиш соҳасидаги вазиятни ифода қилади. «Ҳаракатлар» индикаторлари ўзгаришларга жавоб бериш ёки барқарор ривожланишга томон ҳаракатланиш учун қандай тадбирларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатади. Бу индикаторлар миллий даражада, мамлакатлар стратегик қарорларни қабул қилаётганида фойдаланишга мўлжалланган. Ҳар бир алоҳида ҳолатда барча индикаторларни қўллаш мумкин эмас. Индикаторлардан фойдаланишни осонлаштириш ва амалийлигини текшириш учун уларнинг ҳар бири бўйича махсус услубий материаллар яратилган. Ҳар бир алоҳида мамлакат, мавжуд шароитларини ҳисобга олган ҳолда, қўшимча индикаторларни ишлаб чиқиши мумкин. Барқарор ривожланишнинг экологик жиҳатлари индикаторлари: а) сув ресурслари, в) ер ресурслари, с) атмосфера, д) чиқиндилар, е) бошқа табиий ресурслар бўйича ишлаб чиқилади. Ўзбекистонда ер ва сув ресурсларидан фойдаланишни акс эттирувчи индикаторлар миллий аҳамиятга эга [2]. Ҳозирда мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳит ҳолат бўйича миллий маърузаларида, халқаро ҳужжатлар бўйича ҳисоботларида экологик индикаторлардан кенг фойдаланилмоқда.

БМТнинг атроф-муҳит ва ривожланиш муаммолари бўйича Рио-92 конференциясидан кейин жаҳон мамлакатларида турли

даражаларда(маҳаллий, миллий) “21 асрга Кун тартиби”ни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш бошланган эди. Ривожланган мамлакатларда (АҚШ, Швеция, Австралия, Германия, Канада ва бошқалар) ушбу фаолият доирасида мослашган индикаторлар ишлаб чиқилган ва жорий этилган. МДХ мамлакатларидан Белорусия, Россия ва Қозғистонда бу борада анчагина муваффақиятларга эришилган. Ўзбекистонда ҳам маҳаллий “21 асрга Кун тартиби”ни ишлаб чиқиш бўйича маълум саъий-ҳаракатлар амалга оширилган, лекин олиб борилган фаолият талаб даражасида эмас ва маҳаллий индикаторларни ишлаб чиқиш ва жорий этишда камчиликлар мавжуд.

Ҳозирга вақтда барқарор ривожланишнинг интеграл индикаторларини ишлаб чиқиш амалга оширилмоқда ва унинг асосида ижтимоий – иқтисодий ривожланишнинг барқарорлик даражасини белгилаш мумкиндир.

Республикада мавжуд экологик ахборот таҳлили орқали алоҳида мамлакатлар экспертлари ва халқаро ташкилотлар, хусусан, БМТ Европа Иқтисодий Комиссияси ва Атроф-муҳит бўйича Европа агентликларининг тажрибаси ва тавсияларига кўра Ўзбекистон учун 91та экологик индикатор танлаб олинган[1] ва Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Лойихаси доирасида экологик индикаторлар бўйича маълумотлар базаси тузилган (Жадвал). Уларнинг 23таси Ўзбекистоннинг ўзига хос географик ва экологик-иқтисодий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тавсия этилган.

Жадвал

1.Экологик индикаторлар бўйича маълумот базаси тузилмаси[1]

Табиий муҳит элементлари ва жамоат фаолияти йўналишлари		Индикаторлар сони
1.	Сув ресурслари	25
2.	Ер ресурслари	14
3.	Атмосфера	20
4.	Чиқиндилар	9
5.	Иқлим ўзгариши	6
6.	Биологик хилма-хиллик	6
7.	Аҳоли саломатлиги	5
8.	Энергетика	4
9.	Орол денгизи	2

Экологик индикаторларни танлаш мезонлари қуйидагилар: улар миллий экологик устуворликни акс этдириши; халқаро экологик сиёсатга мос келиши; бир қатор йиллар оралиғида ўлчанган бўлиши; жавобгар шахслар учун экологик вазиятни яхшилаш бўйича қарор қабул қилишида ёрдам беришда кўрилаётган чоралар натижаллигини олдиндан билдириши керак [7].

Ўзбекистонда атроф-муҳит ҳолати мониторингини бир қатор вазирликлар ва давлат қўмиталари амалга оширадilar ва бу экологик индикаторларнинг ажратилиши атроф-муҳит сифатини таъминлаш соҳасида мавжуд камчиликларни бартарф этишга хизмат қилади. Атроф-муҳит соҳасида фаолият олиб борадиган мутахассислар, илмий ходимлар, талабалар,

фуқаролар экологик индикаторлар базасидан фойдаланиш имкониятига эгадирлар.

Хулоса. Ўзбекистон учун ишлаб чиқилган экологик индикаторлар тизимини яратишдан мақсад атроф-муҳит ва табиий ресурсларни оқилона бошқариш соҳасидаги чора-тадбирларни ҳамда қабул қилинаётган қарорлар сифатини оширишдир. Экологик индикаторлардан мақсадли фойдаланиш экологик вазиятларни объектив баҳолаш, шаҳар, туман, минтақа ва миллий даражаларда ҳудудни экологик районлаштириш ва бошқа имкониятларни беради.

Ўзбекистонда турли даражадаги ҳудудлар, мактаб, коллеж, лицей, олий ўқув юртлири учун “21 асрга Кун тартиби”ни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, мос индикаторларни

аниқлаш жойлардаги ижтимоий-экологик муаммоларни ҳал қилиш, бу жараёнда жамоатчилик ролини ошириш ҳозирги куннинг

долзарб вазифаларидан ҳисобланади ва бунинг учун қонуний ҳамда ташкилий асослар мавжуддир.

Адабиётлар:

1. Национальный доклад о состоянии окружающей среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан (2008-2011). - Ташкент. - С. 209-210.
2. Национальная концепция устойчивого развития Узбекистана. - Ташкент, 1998. - С. 7-8.
3. Национальная стратегия устойчивого развития Республики Узбекистан. - Ташкент, 1999. - С. 14.
4. Повестка дня на 21 век: <http://www.neapsd.kz/index.php?nom=51&bck=50>.
5. Тарасова Н.П., Кручина Е.Б., Индексы и индикаторы устойчивого развития // Устойчивое развитие: природа – общество - человек»: Материалы международной конференции. Т. 2. – М., 2006. – С. 127-144.
6. Шеримбетов Х.С. Система экологических индикаторов для мониторинга состояния окружающей среды в Узбекистане. Сборник статей «Экологические индикаторы для Узбекистана» // Проект Правительства Узбекистана /ПРООН «Экологические индикаторы для мониторинга состояния окружающей среды в Узбекистане». - Ташкент: Патент-Пресс, 2006. - С. 5.

Турсунов Х.Т.

ИНДИКАТОРЫ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ УЗБЕКИСТАНА

Резюме

В статье кратко приводится анализ состояния индикаторов устойчивого развития Узбекистана. Отдельное внимание уделено индикаторам состояния окружающей среды.

Tursunov X.T.

INDICATORS OF SUSTAINABLE DEVELOPMENT OF UZBEKISTAN

Resume

The article brings brief analysis of the conditions of indicators of sustainable development in Uzbekistan. Special attention is paid to indicators of the environment.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЛАНДШАФТ-ЭКОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Мўминов Д.Ф.

Таянч сўзлар: географик муҳит, табиат, ландшафт, геоэкологик ҳолат, экологик муаммо, географик тадқиқотлар, антропоген таъсир.

Кириш Географик муҳитдаги бугунги иқтисодий, ижтимоий, экологик муаммоларнинг юзага келишига узоқ йиллар давомида табиатдан илмий асосланмаган ҳолда ва бепарволик билан фойдаланиш сабаб бўлди. Жаҳондаги иқтисодий тараққиётнинг илм-фан олдида қўяётган ижтимоий буюртмаси ҳамда барқарор ривожланиш ва бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, олиб бориш географик тадқиқотларда геоэкологик ҳолатларга ҳўжаликнинг таъсирини ўрганиш ва уни яхшилаш бугунги кун талабидир.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Географик тадқиқотларда табиатдан ландшафт хусусиятларига асосланган ҳолда фойдаланиш масалалари етарли даражада ўрганилмаган. Мазкур мақоланинг асосий мақсади ҳўжалик тармоқларини ҳудудий ташкил этилишининг ландшафт-экологик жиҳатларини ўрганиш орқали амалга ошириш ва мумкин бўлган тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот объекти ва предмети. Мазкур ишнинг тадқиқот объекти қилиб ландшафтларнинг геоэкологик ҳолати олинган бўлиб, предмети сифатида геоэкологик ҳолатини

яхшилаш муаммолари белгиланган.

Бирламчи маълумотлар ва уларнинг тавсифи. Географик тадқиқотларда шу даврга қадар, асосан, ҳудуднинг табиий, иқтисодий, демографик хусусиятлари алоҳида-алоҳида талқин қилиб келинган. Бозор иқтисодиёти шароитида амалга оширилган илмий изланишларда табиий ландшафтларнинг барқарор ривожланиш ва бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи жиҳатларини ўрганишга асосий эътибор қаратиш талаб этилмоқда. Геоэкологик тадқиқотлар жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, табиий ва маданий ландшафтларнинг функционал бирлиги асосида қулай экологик муҳитни сақлаш, бойитиш ва яхшилашга қартилиши лозимлигини таъкидлаш мумкин (А.Рафиқов, 1997; А.Нигматов, 1995).

Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Дарҳақиқат, Республикаимизнинг кўпгина ҳудудларида, жумладан, Фарғона водийсида табиат ва ҳўжалик мувозанатининг бузилаётгани кузатилмоқда. Табиат ва жамият фаолияти ўртасида юзага келаётган бундай номуносибликка қуйидаги бир қатор омилларни сабаб қилиб кўрсатишимиз мумкин.

Биринчидан, узоқ тарихий давр мобайнида Ўзбекистонда, айниқса Фарғона водийсида табиий ландшафтларга қишлоқ хўжалиги томонидан кенг қўламли ва мунтазам таъсир ўтказиб келинди. Бу таъсир ва унинг оқибатлари қишлоқ жойлар экологик ҳолатининг ўзгаришига, ҳудуднинг геоэкологик-хўжалик мувозанатининг қисман бузилишига олиб келди.

Иккинчидан, ҳудуд экологик ҳолатидаги ўзгаришлар ҳудудий кўринишга эга бўлиб, табиий ландшафтларнинг ташки, антропоген таъсирларга чидамлилиқ даражаси ва ҳудуддан фойдаланиш турига боғлиқ равишда ўзгариб, тигизлашиб борди, натижада маълум жойларда геоэкологик вазият хатарли тус ола бошлади.

Учинчидан, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш оқибатида қишлоқ аҳолисининг асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган ер билан таъминланганлик даражаси тез ўзгармоқда.

Табиат билан жамиятнинг ўзаро алоқаси ва уларнинг бир-бирига таъсири кун сайин кенгайиб, мураккаблашиб бормоқда. Кишилиқ жамиятнинг соғлом экологик муҳитда, иқтисодий фаровонликда яшашини, барқарор ҳаёт кечиршини таъминлаш илмий тадқиқот олдида турган долзарб муаммолардан биридир. Бу муаммо, табиий жараёнларга жамиятнинг ишлаб чиқариш воситаси орқали аралашуви натижасида юз бераётган экан, демак, унинг ечимида табиат ва жамиятни бир вақтда ўрганувчи ягона география фанининг алоҳида ўрни бор. Шунинг учун ҳам табиат билан жамиятнинг алоқасини оптималлаштириш муаммосига тўхталиб, Ю.Г.Саушкин “Менимча, масаланинг ечимига калит ландшафт-геохимик ва иқтисодий географик ёндашувларнинг ўзаро қўшилишидир” деб ёзган эди (Саушкин, 2001; 343-бет).

Бозор иқтисодиёти шароитида амалга оширилган илмий изланишларда жойларда хўжалиқни ҳудудий ташкил этиш, табиий ресурсларни баҳолаш ва улардан оқилона фойдаланишнинг иқтисодий ва ижтимоий географик хусусиятларини таҳлил этган ҳолда, қишлоқ жойларни барқарор ривожлантириш ва бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи жиҳатларини ўрганишга асосий эътибор берилмоқда (Ахмадалиев, 2007).

Ҳудудни географик ўрганишда, асосан табақалаштирилган, ихтисослаштирилган ёндашувга амал қилиш мақсадга мувофиқ. Шунинг учун ҳам табиий ландшафтларни ўрганишга бағишланган географик тадқиқотларнинг учта - иқтисодий, ижтимоий ва экологик йўналишларда олиб борилиши илмий жиҳатдан асослидир.

Ҳудуд табиатини ўрганишга ландшафтли ёндашув бир вақтда жойнинг орографик ўрни, иқлими, гидрологик ва тупроқ ҳамда биологик

ресурс кўрсаткичларини ўрганиш ҳамда табиий-аграр имкониятини баҳолаш ва башоратлаш имконини берса, тарихий-ижтимоий омилларни таҳлил қилиш ҳудуд табиий шароити ва ресурсларининг кишилар турмуш тарзига, аҳоли масканларининг жойлашишига, уй-жой қурилиши, хўжалиқ тармоқларининг шаклланиши ва ривожланишига таъсирини ўрганишга имкон яратади. Бундай тадқиқотлар геоэкологик йўналишдаги географик тадқиқотларни амалга оширишга асос бўлади ва ҳудуд табиий ландшафт кўрсаткичларининг ўзгариш даражаси, ифлосланиши ва табиий ресурсларнинг ўз-ўзини тиклаш қобилятини ўрганишни талаб этади. Геоэкологик йўналишдаги тадқиқотларда асосий эътибор ҳудуд ландшафтларининг антропоген таъсирларга чидамлилиқ даражасини баҳолашга ҳамда табиий таркибининг хўжалиқ фаолияти таъсирида ўзгариш динамикасига қаратилади.

Табиатдан фойдаланишни тўғри ташкил этишда ландшафтли районлаштириш талаб этилмоқда. Бундай районлаштиришда ландшафт-экологик ва ижтимоий-экологик йўналишларга аҳамият қаратилади. Ландшафтли районлаштиришда ҳудуднинг табиий-аграр имконияти ва ҳудуд аҳолиси зичлиги асосий меъзон қилиб олинади (Б.И.Кочуров, Ю.Г.Иванов, 1988). Тадқиқот натижасида ҳудуднинг ландшафт-экологик харитаси тузилади ва мазкур харита табиатдан хўжалиқда фойдаланишда асос қилиб олинади.

Хулоса. Бугунги кунга келиб, табиатдан хўжалиқда фойдаланишга қўйиладиган талаблар ўзгарди. Ҳудуднинг экологик ҳолатини қуйидаги йўналишлардаги тадбирларни амалга ошириш билан такомиллаштириш мумкин:

- экология соҳасида: ҳудудда ер фонди тоифаларини мувозанатли тақсимлаш, табиий-экологик муҳофаза ҳудудлар-йўлаклар бўлишига эришиш. Табиий ресурслардан (ер, сув, иқлим, ўсимлик) фойдаланиш турларини оқилона танлаш ва тақсимлаш, минтақалар ландшафт хусусиятини эътиборга олиш;

- ижтимоий соҳада: ҳудуд аҳолисининг бандлигини таъминлаш, агродемографик юкни бир маромда сақлаш сиёсатини юритиш. Ландшафт хусусиятларидан, тарихий анъаналардан келиб чиқиб бандликни таъминлаш, қишлоқларни қуриш ва жойлаштиришда табиий ресурслар миқдори ва сифатини ҳисобга олиш.

- иқтисодий соҳада: ишлаб чиқариш тармоқларини ландшафт имкониятларидан келиб чиқиб, оқилона ҳудудий ташкил этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш. Баландлик минтақаларида ишлаб чиқаришнинг мос тармоқларини ривожлантириш ва жойлаштириш, қишлоқ аҳолисини бошқа тармоқларга (хизмат кўрсатиш, савдо, рекреация) жалб этиш.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. - Т.: Ўзбекистон, 2005. - 38-66-б.
2. Ахмадалиев Ю. И. Ер ресурсларидан қишлоқ хўжалигида фойдаланишнинг ҳудудий ташкил

этилишини такомиллаштириш (Фарғона водийси мисолида). География фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Т.:2007. – 334 б.

3. Ковалев С.А., Крючков В.Г., Алексеев А.И. Проблемы территориальной организации сельской местности // Проблемы природного и сельскохозяйственного районирования и типологии сельских местностей. – М: Мысль, 1989. – С. 168-185.

4. Кочуров Б.И., Иванов Ю.Г. Оценка эколого-хозяйственного состояния территории административного района // География и природные ресурсы. – Новосибирск, 1988, №4. С. 34-39.

5. Нигматов А., Юсупов Р. Геоэкология ва унинг асосий муаммолари // Экология хабарномаси. – Тошкент, 2005. - №6. – Б. 14-16.

6. Саушкин Ю.Г. Избранные труды. - Смоленск: Университет, 2001. – 416 с.

Муминов Д.Г.

ЛАНДШАФТНО-ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ПРИРОДЫ

Резюме

В данной статье рассматриваются вопросы обеспечения устойчивого развития ландшафтов. Разработаны рекомендации по основным направлениям совершенствования их эколого-хозяйственного состояния.

Muminov D.G.

LANDSCAPE-ECOLOGICAL ASPECT OF USAGE OF NATURE

Resume

In the article reviewed issues of providing steady developing of the landscapes. Developed recommendations according to main directions of improvement of geoeconomic-ecological condition.

Тавсия этувчи:

доц. Фуломов П.Н.

КООПЕРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШНИНГ ГЕОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Жумахонов Ш., Абдиназарова Ҳ.О., Қудратова У.М.

Таянч сўзлар: саноат ишлаб чиқариши, кооперацион алоқалар, божхона тўловлари, даромад солиғи, маҳаллийлаштириш дастури, халқаро рақобат муҳити.

Президентимиз мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида алоҳида эътироф этганидек, “...Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш кўламини кенгайтириш бўйича бажарган ишларимиз муҳим рол ўйнади.

Сўнгги 3 йилда мамлакатимизда маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми қарийб икки баробар ошди. Фақат ўтган йилнинг ўзида 455 та корхонада маҳаллийлаштириш дастури асосида 1 минг 140 та лойиҳа амалга оширилди. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш ҳажми 1,2 баробар кўпайди ва импорт ўрнини босиш бўйича якуний самара 5 миллиард 300 миллион АҚШ долларини ташкил этди.”¹

¹ Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади // Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига

Бу борада айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 29 июлдаги «2011-2013 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш сҳоратдбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1590-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 18 январдаги 12-сонли “Тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастуридаги лойиҳаларнинг 2013 йил учун прогноз параметрлари тўғрисида»ги қарорлари асосида саноатда кооперация муносабатлари ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш борасидаги дастурий ёндашув глобал молиявий инкироз таъсири хали-хануз дунёнинг кўплаб мамлакатлари иқтисодиётида фаол кузатилаётган бир шароитда, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг ички ва ташқи бозорда иштироки салоҳиятини оширишда ижобий самара кафолати сифатида муҳим ўрин эгалламоқда.

Шу ўринда, экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи рақобатбардош замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни янада рағбатлантириш, ички

бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // “Халқ сўзи” газетаси, 2014 йил, 18 январ.

тармоқ ва тармоқлараро, жумладан, республиканинг кичик бизнес ва йирик корхоналари ўртасидаги саноат кооперациясини мустаҳкамлаш, аҳоли бандлигига кўмаклашиш мақсадида “Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури”нинг ишлаб чиқилиши пировардида мамлакатимизга импорт қилинаётган маҳсулотлар, шу жумладан, бутловчи қисмларнинг ўрнига ўзимизда мавжуд бўлган маҳаллий хом ашёлардан фойдаланган ҳолда хорижликдан қолишмайдиган маҳсулотларни ишлаб-чиқаришни йўлга қўйиш натижасида янги иш ўринлари яратиш, уларни малакали мутахассисларга айлантириш ва шулар орқали импорт учун сарфланаётган валюта захираларини тежашдан иборатдир. Бу борада дастурда кўзда тутилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга оширадиган корхоналарга солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар белгиланган, жумладан:

- божхона тўловларидан (республикамызда ишлаб чиқарилмайдиган маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотни ишлаб чиқаришдаги технология жараёнида фойдаланиладиган компонентлар, шунингдек, четдан олиб келинган технологиялар ускуналари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари учун божхона тўловларидан) озод қилинади;

- даромад солиғидан (маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан даромад солиғидан, ягона солиқ тўлови тўлашдан) озод қилинади;

- мулк солиғидан (маҳаллийлаштирилайдиган маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб-чиқариш фондлари бўйича мулк солиғи тўлашдан) озод қилинади.

Ўтган давр мобайнида Президентимиз қарорлари билан тасдиқланган маҳаллийлаштириш дастурларида белгиланган ушбу имтиёзлардан фойдаланган ҳолда Андижон вилоятидаги бир қанча корхоналар маҳаллийлаштириш дастурларида иштирок этиб, хорижий мамлакатлардан келтирилайдиган маҳсулотлар ва бутловчи қисмлар энди ўзимизда ишлаб чиқарилмоқдалар.

Маҳаллийлаштириш дастурида фаолият кўрсатаётган корхоналарда ишлаб чиқарилаётган асосий маҳсулотлар автомобиллар учун бутловчи ва эҳтиёт қисмлар, бурғалаш ҳамда нефт казиб чиқариш учун ускуналар, подшипниклар, филтрлар, юқори кучлинишли саклагичлар, энергетика саноати учун бутловчи қисмлар, тормоз колодкалари ва бошқа маҳсулотлардир. Айтиш жоизки, Маҳаллийлаштириш дастури бўйича маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш даражаси 30 фоиздан 100 фоизгачани ташкил қилмоқда.

Маълумки, мамлакатимизда маҳаллийлаштирилайдиган маҳсулотни ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун қувватлар ва маҳаллий хом ашё ресурслари тўла етарлидир. Шунингдек, ҳар

доим маҳаллийлаштирилайдиган маҳсулотларга ички ва ташқи бозорларда талаб мавжуд бўлиб, шунга ўхшасх (аналог) маҳсулотлар импортнинг борлиги, бу соҳада ҳамшиша янгиликлар яратишни талаб этади. Қолаверса, маҳсулотнинг потенциал истеъмолчилари билан шартномаларнинг ёки ахдлашувларнинг борлиги ҳам бу соҳани янада ривожлантириш имконини беради.

Биргина Андижон вилоятида Маҳаллийлаштириш Дастурининг ижроси натижасида ўтган беш йил давомида 142 турдаги маҳсулот импортга чек қўйилди ва натижада 2425 млн. АҚШ долларидеги валюта тежалди. Ушбу маблағлар корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга йўналтирилиб, аҳолиси ўта зич бўлган вилоятда 2314 та янги иш ўринлари яратилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 29 июлдаги “2011–2013 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштирилишини янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган Маҳаллийлаштириш дастурига вилоятдаги 26 та корхонанинг 109 та лойиҳаси киритилган. Жумладан: “АндСаноатПласт” (автомобиллар учун бутловчи қисмлар), “Андижонмаш” ОАЖ (“Ўзбекенерго” ДАКга қарашли корхоналарга бутловчи ва эҳтиёт қисмлар), “Ураланд” МЧЖ (бурғалаш ҳамда нефт казиб чиқариш учун ускуналар ва эҳтиёт қисмлар), “Саҳова” ҚК (нефт казиб чиқариш ускуналари учун тормоз колодкалари), “СПЗ-Беаринг” ҚК (подшипниклар) “СДК Групп Анд” ХК (филтр маҳсулотлари) ва бошқа корхоналар шулар жумласига қиради.

2011 йилда дастурга киритилган республика тасарруфидаги 25 та корхоналар томонидан 54 та лойиҳа амалга оширилиши ҳисобига 3 трлн. 567 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган бўлса, ҳудудий корхоналар томонидан 2011 йилда режадаги 32.1 млрд. сўмлик маҳсулотлар ўрнига 40,3 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, дастур прогнози 125,5 фоизга бажарилди ва бунда импорт ўрнини босиш самараси 23,7 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Шаҳрихон туманидаги “СДК групп анд” хорижий корхонаси томонидан Қозоғистон Республикасидаги “Атамекен” МСХЖ ва ТОО “Шериф авто” корхоналари билан 2011–2014 йиллар учун жами миқдори 3,3 млн. АҚШ долларилек узоқ муддатли экспорт шартномаси имзоланган бўлиб, шундан 2011 йилда 93 минг АҚШ доллари миқдоридеги маҳсулотлар экспорт қилинди. Келгусида мазкур корхоналар билан ҳамкорлик давом эттирилиши ва маҳсулотлар уларнинг буюртмасига асосан жўнатилиши режалаштирилмоқда.

Мамлакатимиз Президентининг 2011 йил 29 июлдаги “2011-2013 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар ҳамда материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқур-

лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг муайян ижросини таъминлашга қаратилган. Унда машинасозлик, электротехника, авиация, иссиқлик энергетикаси, кимё, нефт-кимё, металлургия саноатлари, қишлоқ хўжалик, коммунал, транспорт, капитал қурилиш каби қатор соҳалар бўйича маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳаллийлаштириш даражасининг прогнозлари белгиланган.

Қарорда жами 800 тадан зиёд лойиҳа асосида маҳаллий маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Масалан, кимё, нефт-кимё, энергетика, металлургия тармоқлари таркибига кирувчи 12 та корхонада 46 та маҳсулот, шундан 10 тасини маҳаллий асосда ишлаб чиқариш қайд этилган. “Ўзбекхиммаш заводи” ОАЖда кимё ва насос ускуналари, бурғулаш ускуналарининг эҳтиёт қисмлари, “Қўқон МЗ” ОАЖда автотранспортлар учун эҳтиёт қисмлар, “Бухоро ремонт-механика заводи” ОАЖда бурғулаш ускуналари асосида металлконструкциялар, “Шўртангаз ГKM” УШКда полиетилен трубалар, алюмин композитли панеллар, томчилаб суғориш тизимини ишлаб чиқариш лойиҳалари шулар жумласидандир. Мамлакатимиз кимё саноатида ҳам маҳаллийлаштириш даражаси 50 фоиздан то 100 фоизгасқа бўлган маҳсулот, бутловчи ва эҳтиёт қисм ҳамда материалларни ишлаб чиқариш режалаштирилган. Чунончи, жорий йилда калий нитрати, полиакриамид, озукавий аммониф фосфати, “ЎзДЭФ” дефолианти, калцийли сода, ацетон каби маҳсулотларни юз фоиз маҳаллий асосда ишлаб чиқаришга ўтиш назарда тутилган.

Мамлакатимиз иқтисодиётида етакчи ўринга эга бир қатор йирик корхоналарда маҳаллийлаштириш даражасини янада ошириш кўзда тутилган лойиҳалар ҳам қарор асосида амалга оширилиши мўлжалланмоқда. Хусусан, “Навоий кон-металлургия” давлат корхонасида 25 турдаги маҳсулот, эҳтиёт ва бутловчи қисм ҳамда материаллар тайёрланиши белгиланган. Натижада пармалаш ва токарлик дастгоҳларининг турли моделлари, очиқ конлар ва тегирмонлар учун ускуналар ҳамда бутловчи материаллар, ҳар хил ҳажмдаги полиетилен ва поливинилхлоридли қувурлар, биринчи навли техник олтингугурт кислотаси каби маҳсулотларга бўлган ички бозор талаби қондирилиши кутилмоқда.

“Олмалиқ кон-металлургия комбинати” ОАЖда эса белгиланган жами 14 та лойиҳадан 11 таси бўйича ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг маҳаллийлаштириш даражаси юз фоизни ташкил этиши кўзланган. Қарор асосида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг 19 таси республикамиздаги йирик хўжалик субъектларидан бири – “Ўзбекистон металлургия комбинати” АИБ ҳиссасига тўғри келиши келгусида металл ва чўяндан тайёрланадиган маҳсулотларга бўлган ички эҳтиёж қопланишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Мазкур дастур асосида амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳаларнинг 450 тадан зиёди

худудларга бўйсунувчи корхоналар ҳиссасига тўғри келишини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу — жойларда ички бозор талабидаги маҳсулотлар ҳажми ва турининг кўпайиши, ишлаб чиқариш микёсининг кенгайиши ҳамда қўшимча иш ўринларининг яратилиши, шу билан бирга, корхоналар ўртасидаги кооперация алоқаларининг янада кенг қўлам касб этиши деганидир. Қарорда белгиланганига кўра, энг кўп лойиҳа устидаги ишлар Тошкент шаҳрида олиб борилиб, 112 та қўшма корхона ва АЖ ҳамда МЧЖларда 250 тадан зиёд маҳсулот, бутловчи ҳамда эҳтиёт қисм ёки материалларни маҳаллий асосда ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши кутилмоқда. Масалан, “Совпластитал” ОАЖда сопол ҳамда рангли шишадан буюмлар, “Ўзеллектро-кабелсавдо” ОАЖда гофрировка (қат-қат) қилинган электротехник қувур, “Фулонг индустриал” ҚКда маккажўхори крахмали, “Ўзпахтамасх” ОАЖда ўрта толали пахта толасини қайта ишлаш учун ускуналар мажмуаси, “Электроизолит” МЧЖ ҚКда кислота ва ўтга чидамли ғисхт, “Зизтем сервис” МЧЖ ҚКда турли хилдаги ўт ўчиргичлар, “Сентрал Асиан сонстрицион” МЧЖда кадоқланадиган ва бир марталик идишлар каби маҳсулотлар шулар жумласидандир.

Дастурдаги худудга бўйсунувчи корхоналардаги лойиҳалар амалиёти бўйича иккинчи ўрин Андижон вилоятига (72 та) тегишли бўлиб, маҳаллий маҳсулотлар “Андижонмаш”, “Техно савдо люкс”, “Асака давр бутловчи”, “Машиностроительный Андижан” акциядорлик, масъулияти чекланган жамиятлар ва хусусий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилиши мўлжалланган. Бундан ташқари, Тошкент вилоятида 43 та, Самарқанд вилоятида 18 та, Фарғона вилоятида 17 та лойиҳа асосида маҳаллий бозор истеъмоли учун зарур маҳсулотлар ва бутловчи-эҳтиёт қисмлар ҳамда материаллар ишлаб чиқарилиши кутилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, кооперация алоқаларини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш мазмунан модернизациялаш жараёнлари мантиқий узвийлигида амал қилади, лекин шу билан биргаликда, ундан фарқли ўларок, маҳаллийлаштиришда худудий ёндашувга мойиллик юқори устунлиқа эгадир. Буни қуйидаги жиҳатлар билан изоҳлаш мумкин.

Биринчидан, мазмунан маҳаллийлаштириш жараёнлари технологик жиҳатларни эмас, балки, худудларда ишлаб чиқариш кучлари салоҳиятига бирламчи ўринда ишлаб чиқариш кучларининг табиий ҳамда ижтимоий (шахсий) омилларга асосланади. Бу ўз навбатида, маҳаллийлаштиришдан кўзланган асосий мақсадда, яъни, импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ички истеъмолни тўларок қондириш, мамлакат ва унинг худудлари иқтисодий хавфсизлигига эришиш кабиларда мужассамдир.

Иккинчидан, маҳаллийлаштириш миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишнинг

ўзига хос механизми ҳисобланиб, унинг самарали ечим топиши,

- маҳсулот таннархисини пасайтириш ва шу орқали ички истеъмол имкониятларини ошириш ҳамда миллий ишлаб чиқарувчиларнинг халқаро ва минтақавий рақобат бозоридаги “нархлар жанги”да муайян устунликлар билан исхтирок этишига реал имконият яратилишини;

- халқаро рақобат муҳитида истикболсиз ҳисобланган арзон хом ашё ва ишчи кучига таяниш моделидан воз кечган ҳолда, ишлаб чиқариш омиллари капиталлашув даражасининг оширилишини;

- маҳаллийлаштиришнинг бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқаришнинг ҳам тармоқ, ҳам минтақавий кесимда кооперациялашуви билан тенг кечиши, мамлакатда ягона хўжалик тузилмасини қарор топтиришга замин яратилишини таъминлаб беради.

Учинчидан, маҳаллийлаштириш миллий иқтисодиёт минтақавий таркиб тузилмасини такомиллаштиради, минтақалараро интеграцион жараёнларни чуқурлаштиради. Бу борада таниқли

Манба:

Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади // Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – Т., “Халқ сўзи” газетаси, 2014 йил, 18 январ.

Жумахонов Ш., Абдиназарова Х.О., Кудратова У.М.

ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ КООПЕРАЦИИ И ЛОКАЛИЗАЦИИ ПРОИЗВОДСТВА

Резюме

В статье на основе анализа промышленного производства выявлены географические особенности развития кооперационных связей, локализации производства и даны соответствующие рекомендации.

Jumaxonov Sh., Abdinazarov X.O., Kudratov U.M.

GEOGRAPHICAL PECULIARITIES OF DEVELOPMENT OF COOPERATION AND LOCALIZATION OF INDUSTRY

Resume

In the article based on analyses of influence of industrial production of development of geographical features represented development of cooperative ties and localization of production on the basis of manufacturing industry and proper recommendations..

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

ФАРҒОНА МИНТАҚАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мирзааҳмедов Х.С.

Таянч сўз ва иборалар: *ҳудудий ривожлантириш, минтақалараро алоқадорлик, бозор муносабатлари такомиллашуви, иқтисодий район, иқтисодий географик вазият, иқтисодий минтақа, демографик сизим, демографик босим, модернизациялаш.*

Мамлакат хўжалигининг таркибий жиҳатдан такомиллашувида минтақаларда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар муҳим ўрин тутди. Минтақавий ривожланиш унда содир бўладиган иқтисодий географик жараён ва муносабатларнинг кенг қамровлиги, алоҳида тармоқ ва тармоқлараро ҳамда минтақалараро

америкалик олим Майкл Портернинг “рақобат устунлиги ромби”га таяниладиган бўлиса, ҳар бир минтақавий бирликнинг муайян йўналишдаги устунлиги, пировардда, шу минтақанинг мамлакат географик меҳнат тақсимидаги салоҳиятини кўрсатиб бера олади.


Тўртинчидан, ишлаб чиқаришда кооперацион алоқаларни чуқурлаштириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш мамлакат минтақавий бирликларининг ташқи иқтисодий алоқалардаги иштирокини фаоллаштиришга имкон яратади, уларнинг инвестицион фаоллигини оширади. Жумладан, тадқиқот давомида Фарғона водийсида жойлашган Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг 6 та вилоятлари инвестицион фаоллиги кўрсаткичлари таҳлиliga кўра, автомобилсозлик саноати доирасида мувафқиятли амалга оширилган маҳаллийлаштириш сиёсати пировардида Андижон вилоятининг инвестицион фаоллиги Фарғона водийси вилоятлари орасида энг юқори улушга эга бўлган.

алоқадорликнинг уйғунлиги асосида намоён бўлади.

Бозор муносабатлари такомиллашувининг бугунги тажрибаси шуни кўрсатадики, алоҳида иқтисодий районларнинг ижтимоий-иқтисодий фаолияти, районлар ички тузилмаларининг яқин истикболдаги ривожланиши ва ихтисослашувига,

уларнинг ўзига хос шарт-шароитлари, инвестицион ва тадбиркорлик муҳитининг қандай шаклланганлиги билан узвий боғлиқ. Айни шу зарурят олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, ундан кутилаётган натижаларни изчил рўёбга чиқариш билан боғлиқ вазифалар ечимига ҳар бир минтақанинг ўзига хос хусусиятларидан, яъни ҳудудий меҳнат тақсимотидан келиб чиқиб, ёндошишни тақозо қилади. Қолаверса, ҳар бир иқтисодий район жойлашуви, хўжалик тизими, ихтисослашуви, демографик жараёнлари, ривожланиш даражасига кўра бири-бирдан сезиларли даражада фарқ қилиб, бу, ўз навбатида, мамлакат минтақавий иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдаги бош омил ҳисобланади. Минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражалари ҳамда амалга оширилаётган ислохотлар улардаги янги иқтисодий географик вазият шаклланишига ва иқтисодий салоҳиятнинг ошишига бевосита таъсир кўрсатади.

1-расм. Фарғона иқтисодий минтақасининг Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни (жамига нисбатан фоизда, 2013 йил)



Расм ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Шу билан бирга, минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида бир қатор номутаносиблик ҳолатлар кўзга ташланади. Тахлиллар шуни кўрсатадики, иқтисодий районда республика аҳолиси ва иқтисодиётда бандларнинг 28 фоизи истиқомат қилсада, ялпи ҳудудий маҳсулотнинг аҳоли жон бошига нисбати республика даражасидан тўхтовсиз орқада қолиши кейинги ўн йилликда кузатилмоқда. Агар 2000 йилда минтақа ЯҲМнинг аҳоли жон бошига нисбати республика ЯИМнинг аҳоли жон бошига нисбатидан орқада қолиши 17,2 фоизни ташкил қилган бўлса, бу 2004 йилда 41,2 фоизга, 2008 йилда қарийб 1,6 мартага ва 2012 йилда 1,7 мартага тенг бўлган (2.2-расм). Ёки бошқа айтганда, 2000-2012 йиллар давомида минтақа ЯҲМнинг аҳоли жон бошига нисбати республика ЯИМнинг аҳоли жон бошига нисбатидан орқада қолиш даражаси 1,4 мартани ташкил этади.

Бундан ташқари, ер ресурслари танқислиги ва унга демографик босим кучлилиги сабабли қатор ижтимоий-иқтисодий муаммолар келиб чиқади. Боз устига, водий вилоятларида қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг умумий ер

Фарғона иқтисодий минтақаси ўзининг табиий, ижтимоий-иқтисодий, геосиёсий ва экологик хусусиятлари бўйича мамлакатнинг бошқа минтақаларидан кескин фарқланади. Минтақа гарчи республика умумий ер майдонининг атиги 4,1 фоизини эгалласада, унинг хиссасига мамлакат аҳолисининг 28,5 фоизи, яратилган ялпи ички маҳсулотнинг 17,5 фоизи, саноат ишлаб чиқаришининг 23,9 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 26,2 фоизи, асосий капиталга жалб этилган инвестицияларнинг 8,2 фоизи тўғри келади (1-расм).


Муस्ताқиллик йилларида Фарғона водийси вилоятлари, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари қаторида, бозор муносабатларига мослашиб, иқтисодиётнинг барча тармоқларида катта ютуқларга эришди. Иқтисодий райони ҳудудий мужассамлашув кўрсаткичи юқори бўлиб, автомобилсозлик, кимё ва озиқ-овқат саноат тармоқларига, сабзавот, картошка, мева етиштириш, сут чорвачилигига ихтисослашган.

майдоғидаги ҳиссаси республика ўртача кўрсаткичидан кам: мамлакатда у 76,2 фоизга тенг бўлган тарзда, Андижонда бу кўрсаткич 68,2 %, Наманганда – 56,8 ва Фарғона – 55,2 %. Ўзиборлиси шундаки, ер етишмайдиған бундай ҳудудда ундан фойдаланиш коэффициентини паст. Айни вақтда, суғориладиган ерларнинг жами қишлоқ хўжалиги экинлари майдоғидаги улуши анча юқори. Республикаимизда бу кўрсаткич ўртача 23,8 %, Наманган вилоятида-81,5 %, Андижонда 91,6 % ва Фарғона вилоятида-95,0 %. Кўриниб турибдики, минтақада қишлоқ хўжалиги, энг аввало, деҳқончиликнинг ривожланиши интенсив йўналишга эга. Аммо, суғориладиган ерларнинг умумий ҳажми катта эмас – 770 минг гектар атрофида ёки мамлакатнинг шу тоифадаги майдоғини 20,7 фоизига тенг. Бу рақам водийнинг демографик сифимидан сезиларли даражада кам (Солиев А., 2014).

Вилоятлар учун умумий бўлган муаммолар қаторида янги иш ўринларининг яратилиши меҳнат ресурсларининг ўсиш суръатларидан орқада қолаётганлиги, ҳудудларнинг бозор

иктисодий элементларини қабул қилиш даражаси ва хўжалик юриштишнинг бозор механизмларига мослашуви даражасининг пастлигини, мамлакат ва хорижий инвестициялар жойлаштирилишининг ҳудудлараро номуносивликларини, турли бошқарув органларида (туман, шаҳар ва кишлоқларда) ташаббускорлик даражасининг пастлиги ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Ўрни келганда шуни ҳам айтиш жоизки, қатор статистик таҳлиллар ва амалий кузатувлар натижаларидан кўринадики, Фарғона водийси

2-расм. Ўзбекистон ЯИМ ва Фарғона минтақаси ЯХМ аҳоли жон бошига нисбатининг қиёсий таҳлили, 2000-2012 йй., сўм



Расм ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида томонидан тузилган.

Юқорида баён этилган фикрлардан келиб чиқиб, ижтимоий-иктисодий ривожланишни тартибга келтиришда қуйидаги чора-тадбирларни минтақа миқёсида амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- ҳудудий ривожлантириш дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- суёт ривожланган ҳудудларда электр-энергия, ер, сув ва транспорт ҳаражатлари учун камайтирилган нарх ва тариф ставкаларини белгилаш;
- ҳудуднинг ижтимоий-иктисодий ривожланганлик даражасини эътиборга олган ҳолда солиққа тортишда, кредит ажратишда,

бўйича бозор иқтисодий элементларининг юқори даражада қабул қилинмаётганлиги ва тадбиркорлик фаолиятининг муваффақиятли олиб борилиши учун халал бераётган асосий сабаблар молиявий ресурсларнинг етишмаётганлиги ҳамда улардан оқилона фойдаланилмаётганлиги, банкларнинг фермер ва дехқон хўжаликлари, кичик ва ўрта тадбиркорлар билан ҳамкорликда иш қилиш ташаббускорлигининг йўқлигида намоён бўлмоқда (Ибрахимов Х., 2011).

корхоналарни техник модернизациялашни молиялашда имтиёзли тизимларни жорий қилиш;

- ҳудудлар тарққиётини жадаллаштиришда инвестицияларни фаол жалб этиш ва уларнинг самарадорлигини таъминлашда ҳамда қулай инвестицион муҳит яратишда илмий тадқиқотлар асосида сараланган устивор таянч аҳоли жойлари рўйхатидан кенг фойдаланиш зарур.

Юқорида кўрсатилган муаммоларнинг ечими Фарғона водийсининг иқтисодий салоҳиятидан оқилона фойдаланишда ҳамда ҳудудларнинг ижтимоий-иктисодий тараққиётини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мирзаахмедов Х.С.

ОСОБЕННОСТИ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ ФЕРГАНСКОГО региона

Резюме

В статье исследуются особенности социально-экономического развития Ферганского экономического района в условиях устойчивого экономического роста.

Mirzaaxmedov X.S.

SPECIFICATION OF SOCIO-ECONOMICAL DEVELOPMENT OF FERGANA ECONOMICAL REGION

Resume

Analyses of peculiarities of social economical development of Fergana economical region in situation of stable economical growth were outlined in the article.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА УЗУМЧИЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Махмудова М., Абдурахманов С.

Таянч сўзлар: токзорлар, хўраки нав, саноатбоп нав, винобоп нав, барча тоифадаги хўжаликлар, тармоқни молиялаштириш, серҳосил навлар, агротехник тадбирлар, музхона, омборхона.

Бозор муносабатларига ўтиш иқтисодий жихатдан юқори фойда берувчи тармоқларни кенгайтиришни тақозо қиладики, бу ҳол мавжуд агросаноат ишлаб чиқаришининг худудий ўзгаришлари учун катта йўл очади. Бунда асосий эътиборни мавжуд ер, сув, иқтисодий ва ижтимоий ресурсларидан оқилона фойдаланишга қаратиш муҳим ўрин тутади.

Узумчиликни ривожлантириш ва жойлаштиришда Наманган вилояти табиий, иқтисодий-ижтимоий шароит ва имкониятлари кенг. Токзорлар майдони барча тоифадаги хўжаликларда 13,4 минг гектар бўлиб, шу жумладан фермер хўжаликларидан 9,1 минг гектар, ҳосилли майдон 8,0 минг гектар, ёш токзорлар 1,1 минг гектардан иборат. Фермер хўжаликларидан 9100 гектар токзорларнинг йўналишларида хўраки навлари 4,3 минг гектар, саноатбоплари 4,4 минг гектар, кишмишбоп навлари 0,4 минг гектарни ташкил этади.

Вилоятда узумчиликни янада ривожлантириш, токзор майдонларни кенгайтириш ва уларни худудларнинг тупроқ иқлим ва агроэкологик шароитларини ҳисобга олган ҳолда, оқилона жойлаштириш, узумчиликнинг илмий базасини мустаҳкамлаш, янги истикболли ва серҳосил навларни экиш, узумни қайта ишлаш ҳажмини кенгайтириш, экспорт салоҳиятини кўпайтириш ва ривожлантириш бўйича қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 13 мартдаги “2013-2015 йиллар даврида республикада узумчиликни янада ривожлантириш чора тадбирлари” тўғрисидаги қарорига кўра белгиланган муҳим йўналишлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- истикболли ток навларини оқилона жойлаштириш, токзорлар майдонини кенгайтириш;

- узумчиликни илмий базасини мустаҳкамлаш, селекция ишларини кучайтириш;

- узумчиликнинг моддий базаси ва техник таъминотини мустаҳкамлаш, соҳани ишлаб чиқариш инфратузилмасини кенгайтириш;

- соҳага оид кўшимча ишчи ўринларини яратиш;

- узум етиштириш ҳажмини ошириш, узум етиштирувчилар ва қайта ишловчилар ўртасида шартномавий муносабатларни мустаҳкамлаш;

- соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш ва бошқалар.

Узумчилик йўналишидаги фермер хўжаликларига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан юқори бўлмаган фоиз ставкалари бўйича кўчатлар ва ихтисослашган қишлоқ хўжалик техникасини харид қилиш бўйича кре-

дитлар беришни (лизинг хизматлари кўрсатиш) белгиланди. Наманган вилоятида ушбу қарорларни амалга ошириш натижасида янги барпо этиладиган токзорлар шу мудатлар ичида 770 гектар, саноатбоп навлар 359 гектарни, хўраки навлар 326 гектарни, кишмишбоп навлар эса 85 гектарга кенгайтиришни ҳамда 513 гектар қайта таъмирланадиган токзорларни ташкил этади.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2015 йилга қадар янги барпо этиладиган токзорларнинг навлар бўйича жойлашувида худудлар кесимида нисбатан фарқланиш ҳам кўзга ташланади. Янги токзорларнинг асосий қисми Янгиқўрғон туманида 277 гектарни, шундан, 126 гектар саноатбоп, 131 гектар хўраки, 20 гектар кишмишбоп навларни, Чортоқ туманида жами 92 гектар, шундан 44 гектар саноатбоп, 34 гектар хўраки, 14 гектар кишмишбоп навларни экиш режалаштирилган. Косонсой, Чуст, Уйчи ва Тўрақўрғон, Поп туманларида ҳам янги токзорларнинг асосий қисми саноатбоп ва хўраки навларни ташкил этади.

Узумчиликни ривожлантиришда кузги ва баҳорги экин-тикин даврида агротехник тадбирларни амалга ошириш, малакали меҳнатни талаб қилиши пайвандлаш, ҳомтоқ қилиш, кўчатларга шакл бериш, тоқларни кесиш каби агротехник тадбирларнинг бажарилишида маҳорат ва малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни қасб-хунар коллежларида тахсил олган ёшлар билан тўлдириш, ишчилар малакасини ошириш қабиларга эътибор қаратишнинг талаб этади.

Истикболда узумчиликни ривожлантириш асосида аҳолини маълум даражада бандлигини ошириш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида ихтисослашган деҳқон фермер хўжаликлари ва шахсий ёрдамчи хўжаликларини ривожлантириш, етиштирилган маҳсулотни қайта ишлашни ташкил қилиш, ишнинг мавсумийлигини ҳисобга олиб, саноат корхоналари филиалларини, кичик корхоналарни аҳолиси кўп бўлган қишлоқларда барпо этиш, меҳнат ресурсларини йил бўйи иш билан таъминлаш имконини беради.

Наманган вилоятида мавжуд табиий шароитнинг узумчиликни ривожлантириш учун янада муҳим аҳамиятга эга эканлиги ушбу тармоқ билан боғлиқ тадбирларни амалга оширишни тақозо этади. Узумчиликка қаратилган эътиборнинг муҳимлиги туфайли уни ривожлантириш учун сотиб олинган техникалар режалаштирилган бўлиб, улар узум пулуги 21 та, минерал ўғитлар солиш механизми 12 та, кимёвий ишлов бериш техникаси 11 та, пуркагичлар 13 та, кичик занжирли тракторлар 4 тани ташкил қилади. Янги техникаларни сотиб

олишда асосан ихтисослашган туманлар, яъни Янгикўрғонга 7 та, Чустга 3 та, Чортоққа 3 та,

Косонсойга 2 та тўғри келади.

Жадвал

2013-2015 йилларда янги барпо этиладиган тоқзорларнинг ҳудудлар бўйича истиқболда жойлашуви (гектар)

Ҳудудлар	Янги тоқзорлар	Саноатбоп нав	Хўраки нав	Кишмишбоп нав
Мингбулоқ	2			2
Косонсой	88	37	33	19
Наманган	33	28	5	
Норин	19		18	1
Поп	56	36	20	
Тўрақўрғон	57	22	13	21
Уйчи	60	37	23	
Учқўрғон	9	2	7	
Чортоқ	92	44	34	14
Чуст	77	27	42	8
Янгикўрғон	277	126	131	20
Жами	770	359	326	85

Манба: Наманган вилоят статистика бошқармаси маълумотлари (2013 йил)

Вилоятда узумчилик тармоғини ривожлантириш бўйича мутахассислар тайёрлаш режаси ҳам тузилиб, унда асосан касб-хунар коллежларида тайёрланадиган мутахассисларга алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса, Поп Қишлоқ хўжалиги, Тўрақўрғон «Шаханд» агроиктисодиёт, Боғистон Қишлоқ хўжалик ва боғдорчилик, Янгикўрғон Агросервис ва транспорт ҳамда Наманган Қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежларида ҳар йили жами 150 дан ортиқ мутахассислар тайёрлаш кўзда тутилмоқда ва улардан фойдаланиш тармоқни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга.

Узумчиликни ривожлантириш ва ислохотларни изчил амалга ошириш, истиқболда ҳам узумчиликка бўлган талаб ва эҳтиёж доимий равишда ўсиб боришини ҳисобга олган ҳолда, тармоқда белгиланган барча тадбирларни амалга ошириш чораларини кўриш зарур, маҳсулотларини етиштириш, қишқи, баҳорги мавсум учун сақлаш ва саноат асосида қайта ишлаш ҳамда савдонини ташкил қилишни жиддий такомиллаштиришни тақозо этади.

Етиштирилган мева ҳосилини бир вақтда пишиши маҳсулотларни бира тўла йиғиштириш, узоқ муддатларда сифатли сақлайдиган қулай музхона ва ихтисослашган омбор хўжаликларини ташкил этиш ва самарадорлигини ортириш, аҳоли истеъмоли учун арзон нархларда етказиб беришни таъминлаш учун 2014 йилда 40,7 минг тонна сиғимга эга 50 та омборлар ишга тушириш

мўлжалланган, шундан 19,3 минг тонна сиғимга эга 14 таси махсус совуткичли камералар бўлиб, улар томонидан асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сақланади. Яна замонавий талабларга мос 1100 тонна сиғимга эга 2 та янги совуткичли камералар қуриш белгиланган.

Авлоддан авлодга ўтиб келаётган миллий тарихий анъаналарига эга бўлган узумчиликдаги ўзига хос йўналишлар, навларни танлаш, парваришлаш, юқори ҳосил олиш боғларни кенгайтириш кўчат етиштиришдаги уруғчилик-селекция бўйича олиб борилаётган ишлар, ҳар бир туманда ўз услуби асосида ишларни ташкил этилгани, уларга яратилаётган шароитлар таъсирида ҳам узумчилик соҳаси яхши натижаларга эришмоқда ва самарадорлиги ортиб бормоқда.

Наманган вилоятида узумчилигининг истиқболда ривожланиши сувни кам талаб қиладиган маҳаллий шароитларга мос келувчи навларни экиш ва фойдаланилмаётган тоғ олди адир ҳудудлар ҳисобига кенгайтириш, вилоятдаги илғор деҳқонлар тажрибаларини ва илмий техникавий ютуқларни жорий қилиш, ҳосилни йиғиш ва сақлашдаги замонавий музхона ва омборхона хўжалигини такомиллаштириш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнларини узлуксиз технологик тизимини такомиллаштириш ва фойда юритиш шаклларини илмий асослашга боғлиқ.

Адабиётлар:

1.Солиев А. Иқтисодий география: назария, методика ва амалиёт. Танланган асарлар. -Тошкент: Камалак, 2013.

2.Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. - Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2011.

3.Ўзбекистон Республикаси Наманган вилояти ҳокимлиги. Наманган вилояти паспорти. – Наманган, 2013 йил. 9, 14. б.

4.Наманган вилояти ҳокими Б.Т.Юсуповнинг "Наманган вилоятида иқтисодий ислохотларни самарадорлигига оид 6 ойлик натижалари" юзасидан маърузаси // "Наманган ҳақиқати" газетаси. Август 2014 йил.

Махмудова М., Абдурахманов С.
РАЗВИТИЕ ВИНОГРАДАРСТВА В НАМАНГАНСКОЙ ОБЛАСТИ

Резюме

В статье освещено современное состояние одной из важных отраслей агросектора – виноградарства в Наманганской области, рассмотрены осуществляемые экономические преобразования и их эффективность.

Mahmudova M., Abdurahmonov S.
DEVELOPMENT OF VITICULTURE IN NAMANGAN REGION

Resume

In this article there outlined questions about the modern conditions of viticulture which is one of the main parts of agriculture of Namangan region and about the existing economical reforms, its productivity and also perspectives of its development.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ БАЪЗИ БИР ХУСУСИЯТЛАРИ

Буранов Ё., Калонов Б.Х.

Таянч сўз ва иборалар: халқ хўжалиги, ялти ҳудудий маҳсулот, тармоқ, ҳудуд, иқтисодиёт, вилоят, шаҳар, қишлоқ туманлари.

Кириш. Халқ хўжалигининг турли тармоқларида туб ислохотларни босқичма-босқич амалга ошираётган Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз мавқеини тобора мустаҳкамлаб бормоқда. Бунда барча вилоятлар қатори Навоий вилоятининг ҳам ўз улуши бор. Навоий вилоятининг мамлакатимиз равнақига қўшаётган ҳиссаси нималардан иборат эканлигини чуқурроқ ўрганиш учун вилоятнинг иқтисодий географик ўрни, табиий шароити, ер усти ва ер ости бойликлари, аҳолиси, меҳнат ресурслари, хўжалиги, транспорти ва ташқи иқтисодий алоқалари ҳамда қишлоқ хўжалиги каби соҳаларини чуқурроқ ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Асосий қисм. Навоий вилояти республикаимизнинг энг ёш вилояти ҳисобланади. У дастлаб 1982 йил 20 апрелда Қизилқум саҳросининг маълум бир қисмини ўзлаштириш ва у ерда табиий бойликлардан унумли фойдаланиш мақсадида Бухоро ва қисман Самарқанд вилоятлари ҳудудларидан ташкил этилган. Аммо турли сабабларга кўра 1988 йил 6 сентябрда маъмурий бирлик сифатида тугатилиб, Самарқанд вилояти таркибига киритилган. Орадан салкам ўн йил ўтгандан сўнг, республикаимиз мустақилликка эришгач, 1992 йил 27 январда Президентимиз Фармонида биноан қайта тикланди. Ҳозирги кунда вилоят аҳолисининг умумий сони 900,7 минг киши, Ўзбекистон Республикасига нисбатан 3 фоиз (2014).

Вилоятнинг ички маъмурий тузулиши ҳам унча мураккаб эмас. Унинг таркибида саккиз қишлоқ тумани (Кармана, Конимех, Навбахор, Нурота, Томди, Учқудуқ, Хатирчи, Қизилтепа), етти шаҳар (Зарафшон, Навоий, Қизилтепа, Нурота, Учқудуқ, Янгирабод ва Кармана), 38 та шаҳарча ва 54 қишлоқ фуқаролар йиғини бор. Маркази Навоий шаҳри.

Навоий вилояти Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг марказий ва шимолий қисмида жойлашган бўлиб, Қизилқум саҳросининг

каттагина қисмини эгаллайди. У катта масофада шимол ва шимоли-шарқ томонлардан Қозоғистон Республикаси билан чегарадош. Шунингдек, вилоят ҳудуди шарқ ва жануби-шарқда Жиззах ҳамда Самарқанд вилоятлари, жануб томонда қисқа масофада Қашқадарё вилояти билан, жануби-ғарбда Бухоро вилояти ҳамда ғарб томонда Қорақалпоғистон Республикаси билан чегарадош.

Вилоят географик картада ўзига хос ташқи ҳудудий қиёфага эга: унинг асосий юки, аҳолиси, қайта ишлаш саноати – демографик ва иқтисодий салоҳияти нисбатан кичик майдонни эгаллаган чекка жанубда, катта марказий ва шимолий ҳудудлари эса экстенсив, ҳақиқий чўл ҳудудларига хос яйлов чорвачилиги ва тоғ-кон саноатига эга. Чегара чизиклари кўпгина жойларда деярли тўғри чизиқ шаклида ўтказилган (Солиев ва б., 2010).

Вилоятнинг майдони 110,9 минг кв.км га тенг, бу жиҳатдан у энг катта вилоят саналади. Республикаимиз маъмурий бирликлари ичида фақат Қорақалпоғистон Республикасидан кичикдир. У Андижон ва Сирдарё вилоятларидан қарийб 30 баробар, қўшни Бухоро вилоятдан 2,5 марта катта. Ҳатто дунёнинг кўплаб мамлакатлари – Нидерландия, Буюк Британия каби давлатлардан катталигини ҳам этироф этиш лозим. Вилоят ҳудудининг кўлами Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг 24,7 фоизига ёки қарийб 1/4, Зарафшон иқтисодий районининг 2/3 қисмига тенг. Аммо вилоят ҳудудининг асосий қисми чўл зонасида жойлашганлиги, маҳаллий суғорма сув манбаларига етарлича эга эмаслиги, бунинг устига асосий сув манбаси бўлиши, Зарафшон дарёси ҳам вилоятнинг жанубидан оқиб ўтиши ўлка табиатининг салбий сифатларидан саналади. Шу билан бир қаторда вилоятнинг географик ўрни унинг ижтимоий-иқтисодий, маданий равнақи учун қулай имкониятларга эга. Вилоят ҳудудидан қадимда

Буюк Ипак йўлининг ўтганлиги ҳам унинг географик ўрни билан бевосита боғлиқдир. Бундан ташқари, вилоят худуди кўламининг катталиги давлатлараро йўл ва алоқалар тугунида жойлашганлиги, унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожига кўмак берадиган омиллардан саналади. Шунингдек, Навоий вилоятининг эркин иқтисодий индустриал зонага айлантрилиши ҳам фикримиз исботидир.


Навоий вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқаришнинг тармоқлар бўйича таркиби куйидаги расмда келтирилган.

2013 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш амалдаги нархларда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,4 фоизга ўсди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб

чиқаришнинг умумий ҳажмида деҳқончиликнинг ўсиши 106,0 фоиз, чорвачиликники 108,5 фоизга тенг бўлди. Маълумотларга кўра, барча тоифадаги хўжаликларда ҳосили учун экилган қишлоқ хўжалик экинларининг умумий майдони 102,4 минг гектарни ташкил қилиб, шундан бошоқли дон 49,6 минг гектар, картошка 1,5 минг гектар, сабзавот 3,7 минг гектар ерни эгаллайди. 2013 йилда барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 58,2 минг тонна картошка (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 13,8 фоизга кўп), сабзавот 200,7 минг тонна (9,0 %), полиз 56,1 (9,9 %), мева ва резаворлар 86,0 минг тонна (11,6 %) узум 59,4 минг тонна (5,4 %) ишлаб чиқарилди.

Расм

ЯҲМ ишлаб чиқаришнинг тармоқлар бўйича таркиби (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



2014 йилнинг 1 январь ҳолатида барча тоифадаги хўжаликларда йирик шохли қорамоллар 366,5 минг бошни (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,0 фоизга кўп), шу жумладан сигирлар 162,4 минг бошни (2,0 фоизга кўп), қўй ва эчкилар 1731,8 минг бошни (кўпайиш 1,5 %), паррандалар 1668,9 минг бошни (10,8 фоизга кўп) ташкил этди.

Вилоятда 2013 йилда 117,4 минг тонна тирик вазнда гўшт (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9,1 фоизга кўп), 335,9 минг тонна сут (6,4 %), 193756 минг дон тухум (4,2 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон хўжаликлари ҳисобидан амалга оширилиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 89,0 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 95,1 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 63,7 фоизга тенг.

2014 йилнинг 1 январь ҳолатига фермер хўжаликларида 22193 бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 7770 бош сигир, 130115 бош қўй ва эчкилар, 232,8 минг бош паррандалар мавжуд. 2012 йилга нисбатан йирик шохли қорамоллар

сони 98,1 фоизни, шу жумладан сигирлар 97,6 фоизни, қўй ва эчкилар 91,1 фоизни, паррандалар ўтган йилга нисбатан 84,8 фоизни ташкил қилди (демак камайди).

Вилоятнинг ташқи савдо айланмаси 1057555,8 минг АҚШ долларини ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 97,7 фоизни, шу жумладан экспорт 437493,9 минг АҚШ долларини, ўтган йилга нисбатан 83,8 фоизни, импорт 620061,9 минг АҚШ долларини, ўтган йилга нисбатан 110,8 фоизни ташкил этди.

Хулоса. Маълумки, республикамиз аҳолиси 30 миллион кишидан ортиб кетди. Бу эса, ўз навбатида, аҳолини турар жой, иш билан таъминланиш масаласини келтириб чиқаради. Вилоятни янада ривожлантириш ҳамда ободонлаштириш борасида Президентимизнинг сайъи-ҳаракатлари билан кўплаб янги шаҳарчалар, аҳоли пунктлари бунёд этилмоқда. Янги-янги кўшма корхоналар очиш, йўллар қуриш, аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида кичик бизнесни ривожлантириш, ички бозор учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларни ривожлантириш, вилоят олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Адабиётлар:

1. Солиев А., Назаров М., Курбонов Ш. Ўзбекистон ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. Монография. – Тошкент: “Мумтоз сўз”, 2010.
2. Ўзбекистон ҳудудлари мустақиллик йилларида. – Т.: Шарқ, 1996.

3. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. –Т.,2013.

Буранов Ё., Калонов Б.

НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ЭКОНОМИКИ НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ

Резюме

В статье рассмотрены некоторые аспекты социально-экономического развития Навоийского вилоята. Анализируются потенциальные возможности перспективного развития региона

Buranov Y., Kalanov B.

SOME PECULARITIES OF DEVELOPMENT OF ECONOMY NAVOIY REGION

Resume

The article reviews some aspects of socio-economic development of Navoi region. Analyzed the potential long-term development of the region

Тавсия этувчи:

Тахририят

ИШЧИ КУЧИ ТАШҚИ МИГРАЦИЯСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Халмирзаев А., Қаландаров М.

Калит сўзлар: ишчи кучи, мигрант, ишчи кучи миграцияси, ёлланма ишловчи ишчи, бандлик, турмуш сифати.

Ишчи кучининг ташқи миграцияси - ёлланиб ишловчиларнинг иш қидириб чегара орқали ҳаракат қилишидир. Ишчи кучини ташқи миграциясига биринчи марта Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг 1919 йилда бўлиб ўтган I Халқаро конференциясида: “ишчи мигрант ёлланиб ишлаш мақсадида бир мамлакатдан бошқа бир мамлакатга кўчиб юривчи шахс” деб, таъриф берилган.

Ташқи мигрантларга хос бўлган умумий бир хусусият мавжуд, яъни ишчи мигрант ўзи туғилиб, фуқаролигини олган мамлакатдан ташқарига жиддий сабабларга кўра, 12 ойдан ортиқ чиқиб кетишидир. ХМТ маълумотлари бўйича, бугунги кунда дунёда 200 млн. дан ортиқ ишчи мигрант мавжуд. Мигрантларнинг аксарият қисми ривожланган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади.

Шўролар мамлакатининг парчаланиши миллионлаб инсонларни тирикчилик мақсадида ўз мамлакатларидан чиқиб кетишга мажбур этди. Ишчи мигрантларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида БМТ Бош ассамблеяси 1990 йилда ишчи мигрантлар ва уларнинг оилалари ҳуқуқларини ҳимоялаш, мамлакатларнинг ташқи миграцияси борасидаги сиёсатини умумий тамойилларини қабул қилиш, мувофиқлаштириш учун халқаро конвенцияни имзолади.

Глобаллашув ва инновация жараёнлари ташқи миграцияни янада жадаллаштирди. Бунга ахборот, транспорт ва инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилган “*уч инқилоб*” катта туртки берди. Ахборот ишчига хориждаги “*имкониятлар*” тўғрисида маълумот берса, транспорт унинг кўчиб юришини осонлаштирди, инсон ҳуқуқлари эса “*қочоқ*”ларнинг сонини кўпайтирди. Миграцияга уйда ва борадиган мамлакатдаги турмуш сифатини таққослаш асосий сабаблардан бўлиб ҳисобланди.

Миграция жараёнлари XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида бир неча сабаблар туфайли жуда фаоллашди. Ишчиларнинг Европа-

дан (Россия ҳам бундан мустасно эмас) Америкага кўчиши тезлашди. XIX асрнинг 40 йилларида Ирландиядан АҚШга миграция жараёнлари кучайди. 80-йилларга келиб, худди шундай ҳолат Италия ва Шарқий Европа мамлакатларида кузатилди. XIX асрнинг охирида АҚШдаги иқтисодий вазиятнинг ёмонлашуви миграция жараёнларини анчагина сусайтирди.

XX асрнинг 20 йиллари биринчи жаҳон урушидан кейин инсонларнинг яшаш шароитларини қийинлашиб қолганлиги натижасида Европадан АҚШга оммавий кўчиш кузатилди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин ҳам ушбу жараёнлар такрорланди. Бу даврда ишчи мигрантларнинг уч “*оқими*” юз берганини айтиш мумкин. Биринчидан, урушдан талофат кўрган мамлакатлардан “*ақллар*” – юқори малакали мутахассислар ва уларнинг оилаларини Шимолий Америкага кўчиши кузатилди. Иккинчидан, Венгрия, Вьетнам ва Кубадаги сиёсий воқеалар сабабли океан ортига ишчиларнинг кўчиши кучайди. Учинчидан АҚШга келувчиларнинг сони Мексика, Қариб ҳавзаси ва Осиё мамлакатлари ҳисобига кўпайди.

XIX-XX асрларда аҳоли Хитойдан Жануби-Шарқий Осиё ва Шимолий Америка мамлакатларига кўплаб кўча бошлади. XX асрнинг 60-йилларидан Европада миграция жараёнлари интенсивлашди. Эски дунё Испания, Португалия, Греция, Югославия ва Туркия фуқаролари меҳнатидан самарали фойдалана бошланди. Дунёда хорижлик ишчиларнинг сони жиҳатидан Буюк Британия, Германия, Бельгия ва Франция каби мамлакатлар етакчилик қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида давлат мустақиллиги ишчи кучи ташқи миграцияси жараёнларини анча фаоллаштирди. Шўролар давридан кейин икки тизим ўртасида “*темир панжара*”нинг олиб ташланиши миграция жараёнларини кучайтириб юборди. Бунга постсоциалистик макондаги йирик геосиёсий ўзгаришлар ҳам сабаб бўлди. Ижтимоий ва иқтисодий таназзул, миллий, этник мажороларнинг авж олиши

катга миқдордаги аҳолининг “*иложсиз*” кўчишига олиб келди. Ташқи миграция сабаблари ва шакллари такомиллашиб, мамлакатларнинг ички иқтисодий ва ижтимоий аҳолига салбий таъсир кўрсата бошлади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш миллий ва ташқи меҳнат бозорларидаги иш ҳақи ўртасидаги жиддий фарқларни келтириб чиқарди. Бу миграциянинг асосий сабабларидан бўлиб, унинг мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишига жиддий таъсири борлигини айтиш мумкин. Ташқи миграциянинг миллий иқтисодиёт учун ижобий жиҳатлари қуйидагиларда кўринади: миграция мамлакат меҳнат бозоридаги тангликнинг олдини олади, ижтимоий кескинликни юмшатади, аҳолини иш билан таъминлаш имкониятларини оширади.

Мигрантлар мамлакатга малака ва кўникмалари такомиллашиб, мутахассислиги бўйича билимлари ошган тарзда қайтиб келадилар. Ташқи миграция мамлакатга хорижий валютанинг кириб келиши учун кенг йўл очади, мигрантларнинг турмуш шароити ва даражасини орттиришига сабаб бўлади.

Миграция меҳнат ресурсларини экспорт қилувчи мамлакатга жиддий зарар келтириши ҳам мумкин. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги ишчи кучининг йўқотилиши натижасида унинг ёш таркибида “*қариш*” жараёни кузатилади. Давлатнинг мамлакатдан чиқиб кетган кадрларга ишлатган сарф харажатлари йўқолади, айниқса, малакали кадрларнинг четга чиқиб кетиши мамлакат учун катта йўқотиш ҳисобланади. Тадқиқотлар Ўзбекистонда ишчи кучини экспорт қилишдан келадиган даромад мамлакат экспорти ижобий сальдоси кўрсаткичларидан юқори эканлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда иқтисодий фаол аҳолининг таркибида республикадан ташқарига иш қидириб кетган фуқароларнинг салмоғи 2,6 фоиз (2013 йилда 338,3 минг киши)ни ташкил этади. Мамлакатимиз аҳолисининг ташқи миграция жиҳатдан фаоллиги Андижон (47,7 минг киши), Бухоро (39,9 минг киши), Самарқанд (37,9 минг киши) ва Наманган вилояти (32,6 минг киши)ларида кузатилади. Ташқи миграцион фаоллиги суст бўлган худудлар сирасига Сирдарё вилояти (4,3 минг киши), Тошкент шаҳри (8,9 минг киши), Навоий (10,3 минг киши) ва Жиззах вилоятлари (12,3 минг киши) киради.

Бизнинг назаримизда, республикамиз ишчи кучининг ташқи миграциясига табиий, ижтимоий, иқтисодий омиллар, аҳоли жойлашувининг зичлиги, минтақа ва худудлар табиий шароити ва имкониятларининг ўзига хослиги ва шу каби омиллар жиддий таъсир кўрсатмоқда. Ташқи миграция масалалари мамлакатнинг ижтимоий иқтисодий сиёсати нуқтаи назаридан самарали тарзда тартибга солиниши ва бошқарилиши зарур

бўлмоқда.

Ташқи миграция масалаларини янада такомиллаштириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур, деб ҳисоблаймиз. Миграция масалаларининг мамлакат иқтисодиётига таъсирининг ранг-баранглигини эътиборга олиб, унинг ишчи кучини қабул қилувчи ва экспорт қилувчи давлатлар учун бирдек манфаатли бўлишини назарда тутиш лозим. Бунинг учун ташқи миграция масалалари давлат томонида тартибга солиб турилиши талаб этилади.

Мамлакат миграция сиёсатининг асоси сифатида давлат эмиграциянинг уч босқичини (*ишчининг мамлакатдан чиқиб кетиши, хорижда ишга жойлашиши ва мамлакатга қайтиб келиши*) муносиб тарзда тартиблаш имкониятларига эга бўлиши шарт. Амалда бу сиёсат қуйидаги тамойилларни ҳаётга тадбиқ этишига узвий равишда боғлиқ бўлади:

- фуқароларнинг кўчиб юриш ва ишга жойлашиш борасидаги умумэтироф этилган ҳуқуқларига риоя қилиш;

- мигрантларнинг мамлакатга қайтиб келиш имкониятлари борасидаги кафолатларини таъминлаш;

- ишчи мигрантларнинг ўз мамлакатларига ўтказаетган пул ўтказмалари киримларини барқарорлиги ва улардан самарали фойдаланиш имкониятларини орттириш;

- талаб кам бўлган мутахассисликлар бўйича ишлаётган ишчиларни четга чиқиш имкониятларини орттириш орқали ишсизликнинг пасайишига кўмаклашиш;

- иқтисодиётнинг ишчи кучига талаби юқори бўлган соҳаларида ишловчиларнинг четга чиқиш имкониятларини назорат қилиш ва чеклаш;

- хорижда ишлаб, малакаларини ошириб келган ва миллий иқтисодиётнинг жадал ривожланиши учун зарур бўлган ишчиларни ишга жойлаштириш имкониятларини кенгайтириш орқали меҳнат бозорининг соғломлаштиришга эришиш;

- ишчи мигрантлар учун ижтимоий кафолатлар яратиш ва хоказолар.

Мамлакат иқтисодиёти учун “танқис” бўлган касб эгаларини четга чиқиб кетишини олдини олиш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур бўлади:

- мамлакатга зарур касб эгалари учун четга бориб ишлаб келиш борасидаги қатъий квоталарни аниқлаш;

- давлат грантлари асосида ўқиганлар учун ўз мамлакатига ишлаб бериш борасидаги мажбурий муддатларни белгилаш;

- ички бозорда бандлик борасида муаммоли худудларни аниқлаб, бандлик борасидаги устуворликларни белгилаш ва бошқалар.

Халмирзаев А., Каландаров М.
ОСОБЕННОСТИ ВНЕШНЕЙ ТРУДОВОЙ МИГРАЦИИ

Резюме

В статье рассматриваются вопросы внешней трудовой миграции, ее основные причины, формы, принципы, а также некоторые аспекты государственного регулирования процессов внешней трудовой миграции.

Xalmirzayev A., Kalandarov M.
SPECIFICATION OF EXTERNAL LABOR MIGRATION

Resume

This article reviews the issues of external labour migration, its main reasons, forms, principles, as well as some aspects of state regulation of the processes of outer labour migration.

Тавсия этувчи:

проф. Қаюмов А.А.

ОСНОВНЫЕ КОНЦЕПЦИИ И ИХ РОЛЬ В РАЗВИТИИ РЫНКА ТРУДА УЗБЕКИСТАНА

Тагаева О.Ш., Эгамбердиева У.Т.

Ключевые слова: занятость, трудовые ресурсы, рыночная экономика, безработица, рынок труда, политика занятости, вакантные рабочие места, миграция рабочей силы, концепции труда, теории труда, рациональная занятость.

После обретения независимости в Республике Узбекистан особую актуальность приобрела проблема изучения вопросов занятости трудовых ресурсов. В дореформенный период обеспечение занятости населения основывалось на командно-административных методах: лица, достигшие шестнадцатилетнего возраста и не имеющие ограничений по здоровью, были обязаны либо учиться, либо работать. Отличительной особенностью рыночной экономики является то, что человек самостоятельно принимает решение о том, работать ему или нет. Государство не вправе заставить его трудиться, что закреплено в Законе Республики Узбекистан «О занятости».

В условиях командно-административной экономики при формальном отсутствии безработицы она существовала в «скрытой» форме: часть работников фактически только присутствовала на работе, имитируя трудовую деятельность.

Реформирование экономики Узбекистана со всей остротой поставила проблему становления рынка труда как одну из подсистем всего рыночного механизма. Следует сказать, что нормально функционирующая рыночная экономика предполагает наличие безработицы. Общеизвестно, что если показатель безработицы не превышает 5 %, то ситуация на рынке труда не является напряженной: человек, ищущий работу, может достаточно быстро ее найти. В этой ситуации одной из основных экономических функций государства является проведение такой экономической политики, которая обеспечивала бы в стране занятость на уровне экономически эффективном (то есть таком, при котором уровень безработицы не превышал 5 %).

Проведенные нами исследования статистических данных выявили очень низкую безработицу в Республике Узбекистан. Согласно

данным Министерства труда и социальной защиты количество официально зарегистрированных безработных на начало 2013 г. составляет 5,4 тыс. чел., кроме того есть не зарегистрированные незанятые граждане, желающие и готовые трудиться. Общее количество данной категории трудовых ресурсов в нашей стране достигает 634,3 тыс. чел.

На наш взгляд, исходя из вышесказанного, становлению полноценного рынка труда в Узбекистане препятствует ряд причин:

Рынок труда не сбалансирован: с одной стороны, существует достаточно большое число вакантных рабочих мест, с другой - значительно число (для Узбекистана) безработных, профессиональная или квалификационная подготовка которых не соответствует требованиям работодателей.

По-прежнему существуют административные и правовые ограничения на миграцию рабочей силы.

Имеет место низкий по отношению к развитым странам уровень производительности труда и т.д.

В решении вопросов эффективной занятости важную роль играют знание и применение на практике основных положений теории концепций труда. Следует сказать, что мы не придерживаемся одной, конкретной теории, концепции труда, напротив, в проведении политики занятости используем положительные моменты нескольких теорий труда. Так, согласно классической концепции рынка труда полная занятость есть норма рыночной экономики и поэтому государство не должно вмешиваться в проблемы рынка труда. Странники данного подхода (Д. Рикардо, Дж. Милль, А. Маршалл, А. Пигу и др.) полагали, что общее перепроизводство невозможно, ибо предложение порождает спрос.

Приверженцы этой концепции считали, что

конкуренция на рынке труда исключает вынужденную безработицу, а изменения процентной ставки, эластичность соотношения цен и заработной платы обеспечивают полную занятость трудоспособного населения в народном хозяйстве. Согласно взглядам классиков, государственное вмешательство в экономику и в проблемы рынка труда не только не нужно, но и вредно.

Мы тоже придерживаемся к этой теории. В Узбекистане прямое государственное вмешательство, относительно на рынка труда исключено, напротив полная занятость поощряется и регулируется через фонды содействия занятости, через отраслевые и региональные программы по развитию рынка труда.

Неоклассическая концепция рынка труда объясняет функционирование рынка труда несколько иначе, чем классики. В соответствии с неоклассической концепцией рынок труда действует на основе ценового равновесия, а главным регулятором рынка труда выступает цена рабочей силы. Сторонники этой концепции (Дж. Перри, М. Фелдстайн, Р. Холл и др.) утверждали, что безработица является добровольной, а причину безработицы усматривают в отказе работников трудиться за меньшую заработную плату. Приверженцы данного подхода считают, что спрос и предложение ресурсов труда обеспечиваются посредством регулирования цены труда, позволяющего достигать равновесного состояния спроса и предложения, что цена труда гибко реагирует на спрос рынка рабочей силы.

В Узбекистане наглядно такие факты, что работникам бюджетных отраслей ежегодно повышают размеры заработной платы. Увеличиваются размеры пенсий, пособий и социальных льгот. Государство, активно поддерживая социально уязвимые слои населения, тем самым повышает уровень занятости населения.

Кейнсианская концепция рынка труда исходит из того, что решение проблем рынка труда нужно искать не на стороне предложения, а на стороне эффективного спроса. Проблема занятости была исходным пунктом макроэкономического анализа. По Кейнсу, уровень занятости определяется динамикой эффективного спроса, который, в свою очередь, складывается из ожидаемых расходов на потребление и предполагаемых инвестиций.

Согласно концепции рынка труда Кейнса, суть государственного регулирования заключается в том, чтобы переместить уровень равновесия на уровень полной занятости, под которой понимается так называемый нормальный уровень безработицы (от 3 до 7 % общей численности рабочей силы). Решающим фактором увеличения занятости, по Кейнсу, яв-

ляется повышение нормы накопления. Следовательно, государство выступает основным стимулятором роста занятости населения.

По их мнению, спрос на рабочую силу регулируется не изменениями рыночных цен на трудовые услуги, а совокупным спросом либо объемом выпуска продукции.

Модернизация и диверсификация экономики, выход на мировые товарные рынки, повышение международного имиджа, появление новых, инновационных отраслей Республики Узбекистан способствует рациональной занятости, благодаря развитию социально ориентированной экономики.

Монетаристская концепция рынка труда исходит из того, что рыночная экономика характеризуется устойчивостью и способна к саморегулированию. Наличие определенных диспропорций монетаристы определяют причинами внешнего вмешательства. Эта концепция отрицает государственное вмешательство в экономику, поскольку, как утверждают они, оно нарушает экономическое развитие.

Монетаристская концепция рынка труда исходит из того, что обеспечить занятость можно посредством проведения денежно-кредитной политики. С целью установления равновесия на рынке труда монетаристы предлагают использовать учетную ставку Центрального банка, размеры обязательных резервов коммерческих банков на счетах Центрального банка.

Основными представителями этого направления теории рынка труда являются М. Фридмен, Ф. Кейген, Д. Майзелман, К. Бруннер, А. Мельтцер и др. Отсутствие информации о наличии вакантных рабочих мест и безработных, которое, по их мнению, углубляет неравновесное состояние рынка труда, рассматриваются как отрицательные факторы рынка труда. Монетаристы считают, что в любой момент существует определенный уровень безработицы (имеет свойство совместимости с равновесием уровня реальной заработной платы), который они именуют «естественной нормой безработицы», отклонения от него могут наблюдаться лишь в коротком периоде времени. Поэтому проблемы рынка труда — это проблемы борьбы с отклонениями уровня безработицы от ее естественной нормы.

Исходя из вышесказанного вместо заключения, следует сказать, что государство, применяя в своей целенаправленной политике занятости положительные моменты и положения основных концепций труда при помощи специальных государственных органов, призванных координировать и решать вопросы занятости населения, регулирует спрос и предложение на рабочую силу, содействует неработающим гражданам в трудоустройстве, организации их профессиональной подготовки, оказании социальной поддержки безработным.

Тагаева О.Ш., Эгамбердиева У.Т.
АСОСИЙ ҒОЯЛАР ВА УЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МЕҲНАТ БОЗОРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ РОЛИ

Резюме

Мақолада Ўзбекистонда бандлик масалаларини ўрганишда меҳнат назариясининг асосий концепциялари хулосаларидан фойдаланишнинг ижобий жиҳатлари таҳлил этилади.

Tagayeva O.Sh., Egamberdiyeva U.T.

MAJOR IDEOLOGIES AND THEIR DEVELOPMENT ROLE IN THE LABOR MARKET OF UZBEKISTAN
Resume

This article analyses main theories of labour and their positive aspects to be used at the labour market in the republic of Uzbekistan.

Рекомендуем:

проф. Каюмов А.А.

АҲОЛИ МАНЗИЛҒОҲЛАРИ ЖОЙЛАНИШИГА ОРОГИДРОГРАФИК ШАРОИТНИНГ ТАЪСИРИ
(СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

Исमतов Ж. А.

Таянч сўзлар ва иборалар: *гидрологик омиллар, дарё ўзани, дарё водийси, сув сарфи, оқим ҳажми, Сурхондарё, орогидрографик шароит, аҳоли манзилгоҳлари, шаҳарлар, қишлоқлар.*

Сув барча даврларда инсон ҳаёти ва унинг хўжалик фаолиятида бекиёс аҳамиятга эга бўлган. Айниқса, иқлими қурғоқчиллиги билан тавсифланадиган Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда аҳоли манзилгоҳларининг шаклланиши ва ривожланишида гидрологик омилларнинг таъсири катта. Мазкур ҳудудларда кишилар ўз турар жойларини сув манбайига яқин жойларга барпо этишга ҳаракат қилишган. Натижада, кўпчилик қишлоқ ва овуллар, кейинчалик шаҳар ва шаҳарчалар бевосита дарё ва сойлар бўйида таркиб топган.

Қадимдан суғорма деҳқончилик маданияти ривожланган ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида илм-фан, шаҳарлар ривожланиши ҳам айнан шу вазият билан боғлиқ бўлган. Профессор А. Солиев эътироф этганидек, Ўрта Осиё, шунингдек, Ўзбекистонда шаҳарлар шаклланиши ва ривожланишининг иқтисодий географик асоси, минтақанинг ўзига хос “қовурғаси” нафақат йўллар, балки гидрографик шохобчалар таъсирида юз берган. Шу боис, шаҳарлар географияси, уларнинг ҳудудий таркиби ва жойланиш тизимини, энг аввало, дарё ва сойлар белгилаб беради.

Аҳоли пунктларининг барпо бўлиши ва демографик сиғимига таъсир этувчи гидрологик омиллардан дарё водийсининг тор ёки кенглиги, сув сарфи, оқим ҳажми ва ўзан қиялиги алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу омиллар эса, асосан, жойнинг рельеф хусусиятларига боғлиқ. Бинобарин, Ўзбекистон ҳудуди орографик жиҳатдан мураккаб тузилишга эга бўлиб, мамлакатнинг катта қисмини текисликлар эгаллагани ҳолда, шимоли-шарқ, шарқ ва жанубдан баланд тоғлар билан ўралган.

Евросиё материгининг марказида жойлашганлиги учун кескин континентал иқлим типи шаклланган Ўзбекистонда оқар сувларнинг асосий қисми тоғли ҳудудларда ҳосил бўлади. Бунинг сабаби – тоғларда баландликка кўтарилган сари ҳаво ҳароратининг пасайиб бориши, ёғин

микдорининг кўпайиши ва буғланишнинг камайишидир. Тоғларда намлик ва ёғинларнинг етарли эканлиги боис қадимдан чорвачилик учун зарур яйловлар кўп бўлган ва секин-аста чорвадорлар тўпланиб борган. Бу эса, ўз навбатида, тоғ дарёлари бўйларида аҳоли манзилгоҳларининг вужудга келишига ва улар сонининг ортиб боришига олиб келган. Аммо, тоғли ҳудудларда қадимдан аҳоли яшаб келса-да, гидрологик омилларга боғлиқ ҳолда текисликлардаги каби йирик аҳоли манзилгоҳлари шаклланмаган. Бу ҳолатни Сурхондарё вилоятининг Сурхондарё, Хўжайпоқ, Тўпалангдарё, Шерободдарё, Сангардақдарё каби дарёлари яқинида вужудга келган аҳоли пунктлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Сурхондарё вилояти сув манбалари, асосан, дарёлар, сойлар, сунъий сув ҳавзаларидан иборат бўлиб, йирик кўллар деярли йўқ. Жумладан, Сурхондарё, Шерободдарё ҳамда уларнинг Тўполанг, Сангардақ, Хўжайпоқ каби ирмоқлари тоғ ва тоғолди ҳудуди аҳолиси, қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқларини сув билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу дарёлар вилоят ва кўшни Тожикистон Республикасида жойлашган, баландлиги 3000-5000 метр бўлган Ҳисор тоғ тизмаларидан бошланганлиги туфайли серсув ва тезоқар. Бу ҳолат, айниқса, тоғ минтақасида сезиларли даражада бўлиб, тоғ олди ҳудудларида дарёлар кенг водийлар ҳосил қилади ва секин оқади. Вилоятнинг Денов ва Термиз сингари йирик шаҳарлари ана шу дарё водийлари ва террасаларида жойлашган. Шу билан бирга Шўрчи, Шеробод, Бойсун, Шарғун шаҳарлари ва 100 дан ортиқ шаҳарчалар ҳам мазкур дарёлар таъсирида вужудга келган. Мазкур дарёлар сувидан халқ хўжалигида оқилона фойдаланиш мақсадида Сурхондарё вилоятида Жанубий Сурхон, Учқизил, Оқтепа, Дегрез сув омборлари бунёд этилган, Тўполанг сув омбори қурилиши ҳозир ҳам давом этмоқда.

Сурхондарё вилояти ҳудудининг шимол,

шимоли-ғарб, шимоли-шарқ томонлари тоғлар билан ўралгани ва бу тоғларга ёгин кўп миқдорда тушгани боис ушбу ҳудудда доимий оқар сувларнинг вужудга келиши учун шароит етарли. Шу сабабли ўлкада дарёларнинг асосий қисми баланд тоғларда, кичик жилғалар ва ирмоқлар тарзида ҳосил бўлиб, уларга бошқа ирмоқлар ва сойларнинг қўшилиши натижасида пастга тушган сари сув сарфи ортиб боради. Бу дарёларнинг суви тоғолди ҳудудларидан бошлаб суғоришга кўплаб сарфланиши оқибатида камаё бошлайди.

Вилоятнинг тоғли ҳудудларидан оқиб ўтувчи Тўполанг, Сангардак, Хўжаипок, Шерободдарё каби дарё ва сойларининг 1000 м дан баланд қисмларида жойлашган аҳоли манзилгоҳларининг бирортасида аҳоли сони 10 000 кишидан ошмайди. Масалан, Сарийосиё туманида 2000 метрдан баландда, асосан, Тўполанг, қисман Сангардакдарё ва бу дарёларнинг кўплаб кичик ирмоқлари ёнида жойлашган жами 14 та қишлоқ ва овулларнинг барчасида аҳоли сони 1000 кишидан кам, ҳатто Тўполанг дарёси хавзасида жойлашган Тўполанг ва Янги Тўполанг қишлоқлари аҳолиси сони 100 кишига ҳам етмайди.

Мазкур дарёларнинг юқори оқимида ҳосил бўлган жойлар катта-кичик қишлоқ ва овуллардан, баъзан шаҳарчалардан иборат. Ушбу ҳудудларда чорвачилик ривожланган, деҳқончилик эса, асосан, боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган ва шунга мувофиқ ҳолда саноат корхоналари деярли йўқ, транспорт тизими сусти ривожланган (баланд тоғ қишлоқларининг кўпчилигида транспортнинг асосий тури сифатида хануз от-уловлардан фойдаланилади), номоддий ишлаб чиқариш таълим хизмати ва баъзида тиббий хизмат билан чегараланади. Сурхондарё вилоятининг тоғ дарёлари бўйида шаклланган кам сонли шаҳарчаларда эса шаҳар ҳосил килувчи омиллар

сирасига таълим ва тиббий хизмат муассасалари, баъзи савдо объекти кабиларнигина киритиш мумкин, холос.

Тоғ этақларидан бошлаб дарё водийси кенгайди, ўзан қиялиги камаёди, сувдан фойдаланиш имконияти ортади ва, натижада, деҳқончиликни ривожлантириш имкониятлари ошади. Шунинг учун вилоятда тоғ дарёларининг қуйи қисмларидагина бирмунча йирикроқ аҳоли маконлари вужудга келган. Масалан, Тўполанг дарёсининг қуйи оқимида Сарийосиё (16907 киши) ва Узун (14187 киши) шаҳарчалари, Сангардакдарёнинг қуйи оқимида Денов, Хўжаипок дарёсининг қуйи оқимида Шўрчи шаҳарлари ва Шерободдарёнинг қуйи оқимида эса Шеробод шаҳри ва Ангор шаҳарчаси таркиб топган.

Сурхондарё вилоятида аҳоли манзилгоҳларининг шаклланиши ва ривожланишига орогидрографик шароитнинг таъсири катта бўлган. Денгиз сатҳидан минг метрдан баландда таркиб топган аҳоли пунктларининг деярли барчаси дарё ва сойлар бўйида жойлашган. Аҳоли манзилгоҳлари дарё ва сойларнинг юқори оқимидан қуйи оқимига томон сон ва сифат жиҳатдан ўзгаради, яъни юқори оқимда, асосан, кам сонли кичик аҳоли пунктлари жойлашган бўлса, улар текисликларга чиққан сари йириклашиб боради. Бунга сабаб, дарёларнинг юқори қисмида сув сарфи ва оқим ҳажми бирмунча кам, дарё водийси тор, дарё ўзани эса тикдир. Дарё оқими бўйлаб пастга қараб юрилса дарё суви кўпайиб, ўзан қиялиги камайиб, дарё водийси кенгайди. Бу омиллар сувдан фойдаланишда қулайликлар яратади. Натижада, аҳоли манзилгоҳларининг сони ҳам, уларнинг демографик сизими ҳам ортади. Шу боис, Сурхондарё вилоятининг йирик шаҳарлари фақат тоғолди ва текислик ҳудудларида, серсув дарёлар бўйида қад ростлаган.

Адабиётлар:

1. Баратов П., Холматов Қ. Ўрта Осиё дарёларининг хўжалик аҳамияти. – Т.: Ўзбекистон, 1981.
2. Расулов А. Р., Ҳикматов Ф. Ҳ., Айтбоев Д. П. Гидрология асослари. – Т.: Университет, 2003. – 328 б.
3. Солиев А.С. Шаҳарлар географияси. Маърузалар матни – Т.: ЎЗМУ, 2000.
4. Шульц В.Л., Машрапов Р. Ўрта Осиё гидрографияси. – Т.: Ўқитувчи, 1969.
5. Қурбонов П.Р. Жанубий Ўзбекистонда урбанизация жараёни ривожланишининг омиллари ва иқтисодий географик асослари. Геогр. фан. ном. илмий даражасини олиш учун ёзилган афтореф. – Т., 2012. – 27 б.

Исмаилов Ж.А.

ВЛИЯНИЕ ОРОГИДРОГРАФИЧЕСКИХ УСЛОВИЙ НА РАЗМЕЩЕНИЕ НАСЕЛЕННЫХ ПУНКТОВ (НА ПРИМЕРЕ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ)

Резюме

В статье кратко рассматривается роль орографических и связанных с ними гидрографических условий в формировании и развитии населенных мест. В связи с этим основное внимание уделено географии поселений Сурхандарьинской области.

Ismatov J.A.

INFLUENCE OROGIDROGRAFICHESKIH PLACING CONDITIONS ON SETTLEMENTS (THE EXAMPLE SURKHANDARYA REGION)

Resume

The article briefly describes the proportion of orographic and related hydrographic conditions in the formation and development of residential areas. In this regard focuses on the geography of settlements Surkhandarya.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

НАВОИЙ ШАҲАР АТРОФИ ХЎЖАЛИГИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ

Абдиева З.А., Расулова С.А.

Таянч сўзлар ва иборалар: шаҳар, шаҳар атрофи хўжалиги, деҳқончилик, чорвачилик, қишлоқ хўжалиги, агроиқлимий ресурслар, транспорт географик ўрин, табиий ва ижтимоий-иқтисодий омиллар

Мамлакатимизнинг бозор иқтисо-диётига ўтиш даврида баъзи бир минтакалар хўжалиги, жумладан, шаҳар атрофи хўжалигининг ҳудудий ташкил этилиши ва ривожланиш жараёнларини илмий асосда ўрганиш ҳозирги даврнинг энг муҳим масалаларидан биридир. Бу методологик жиҳатдан шаҳаршуносликда қабул қилинган тизим-таркиб ёндошувига ҳам тўғри келади. Сабаби, қадимдан шаҳарлар тақомиллашувида шаҳар атрофи хўжалигининг аҳамияти бениҳоя катта бўлган. Шаҳар атрофи хўжалик тармоқларини табиий, ижтимоий-иқтисодий омилларни ҳисобга олган ҳолда ҳудудий ташкил қилиш, шаҳар аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари ва рекреация ресурслари, саноатни эса хом ашё билан таъминлаш ҳамда экологик мувозанатни яхшилашда муҳим аҳамиятга эга.

Г.М.Лаппонинг (1997) фикрича, шаҳарнинг атроф ҳудудлар билан ўзаро таъсири уларни ўрганишда ҳудудий ёндашувни такозо қилади, чунки бундай ёндашув шаҳарни ҳудуднинг хўжалик дифференциацияси натижаси ва омили сифатида таҳлил қилиш имконини беради. Ҳудудий ёндашувсиз шаҳарнинг моҳиятини, унинг нима сабабдан айнан шу ерда пайдо бўлгани, бажарадиган функцияларини, ривожланиш йўналишлари ва истикболларини англаш қийин. Шу боис, шаҳарни унинг атроф ҳудудидан ажратган ҳолда ўрганиш ҳам, лойиҳалаштириш ҳам мумкин эмас.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, республика йирик шаҳарлар ва саноат марказлари атрофида қишлоқ хўжалигини ихтисослаштириш ҳозирги кунга қадар етарлича тадқиқ этилмаган. Бу, ўз навбатида, шаҳар ва шаҳар атрофи аҳолисини мева, сабзавот, полиз, гўшт, сут, қуритилган ва консервланган маҳсулотлар, ишчи кучи, тоза сув, ҳаво билан тўлароқ таъминлаш нуқтаи

назаридан ҳам муҳимдир.


Бу борада И.Тюненнинг изланишлари диққатга сазовор. У биринчи бўлиб шаҳар атрофида қишлоқ хўжалиги тармоқларини ҳудудий жойлаштириш тизимини яратди. И. Тюнен истеъмол маркази атрофида ердан унумли фойдаланиш мақсадида қишлоқ хўжалигининг турли тармоқларини ҳалқасимон жойлаштириш лозим, деган ғояни илгари суради. Ушбу ғояни амалга татбиқ этишда хўжалик билан шаҳар ёки бозор орасидаги масофа, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг нархи, сифати, қиймати, транспорт қилиш (ташиш) имконияти ва ер рентасига асосланади. Ер рентаси эса унга қўйилган маблағ ва олинган даромад нисбати билан белгиланади.

Шаҳар атрофи хўжаликлари кўпгина йирик марказлар атрофида шаклланган бўлади. Улар орасида Навоий шаҳри атроф хўжалиги алоҳида ўрин тутди. Шаҳар атрофи кўлами хўжалик тармоқлари ва ихтисослашуви аввало Навоий шаҳрининг йирик саноат, фан ва маданият маркази эканлигига ҳамда қулай иқтисодий, транспорт географик ўрни билан чамбарчас боғланган. Шунингдек, шаҳар атрофи хўжалигининг ҳудудий ташкил этилиш хусусиятлари минтақанинг чўллик хусусияти билан ҳам боғлиқ. Айнан чўллик хусусият ва Навоий шаҳрининг вилоят ҳудудига нисбатан энг чекка жанубда жойлашганлиги ҳам шаҳар атрофи хўжалигининг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади.

Умуман олганда, Навоий шаҳар атрофи хўжалигининг шаклланишига бир нечта агроиқлимий кўрсаткичлар таъсир этади. Бундай омиллардан бири ҳаво ҳарорати бўлиб, шаҳар атрофи ва ҳудудига бир йилда ўртача ойлик ҳарорат ўзгариши амплитудаси 12,7 – 17,7°C ни ташкил этади

Расм

Навоий шаҳри иқлим динамикаси



Манба: Навоий вилояти статистика бошқармаси маълумотлари

Кўп йиллик кузатувлар натижалари Қуйимозор, Бухоро, Томди, Навоий метеорологик станцияси маълумотига кўра, ўртача йиллик ёғингарчилик миқдори 144 мм ни қайд этади. Ёғингарчиликнинг асосий қисми ёмғир шаклида ва бир қисми қор шаклида ёғади, қор қатлами жуда тез эриб кетади. Энг кўп ёғингарчилик асосан қиш ва баҳор ойларида февраль, март, апрел ва май ойидан бошлаб ёғингарчилик камайиб, ёз ойларида деярли ёғингарчилик кузатилмайди. Энг совуқ ойлар декабрь ва январь ойлари бўлиб, кўп йиллик ўртача ойлик ҳарорат - 0,6⁰С дан то 1,9⁰С гача ўзгариши билан характерланади.

Навоий шаҳри атрофи хўжалигини ташкил этувчи ҳудудлар икки гуруҳга (табиий ва ижтимоий-иқтисодий) ажратилади. Навоий шаҳри атрофида ҳар икки гуруҳга тегишли объектлар мавжуд. Бироқ, шу ўринда таъкидлаш жоизки, мазкур ҳудуднинг табиий шароитига мос ҳолда, айниқса сув ресурсларининг танқислиги сабабли табиий объектлар, хусусан яшил зона (боғлар, ўрмонлар, маданий дарахтзорлар) айтарли кўп эмас. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, бу ерда бошқа ҳудудларга нисбатан шаҳар атрофи хўжалиги унчалик ривожланмаган.

“Сармиш” миллий парки шаҳардан 40 км узоқликда Қоратов тоғида жойлашган бўлиб (майдони 5000 га), бу асосан табиий комплексларни сақлаш ва тиклаш (флора ва фаунаси, табиат ёдгорликлари, тарихий суратлар, ёзувлар–петроглифлар, маданий манзилгоҳлар), шунингдек, улардан рекреация ва туризм, илмий тадқиқот, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш мақсадлари учун хизмат қилмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий гуруҳ объектларига шаҳар атрофида жойлашган Қосим Шайх ёдгорлик мажмуаси, Работи-Малик, Чашма диний маркази, темир йўл станцияси, аэропорт, ун ва гўшт комбинатлари, Спутник шаҳарчаси, пахта тозалаш заводи, темир йўл вокзали ва бошқаларни киритиш мумкин. Умуман олганда, шаҳарларнинг кенгайиши ва шаҳар атрофи хўжалигининг ривожланиши ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг бошқа жабҳалари қатори интенсив ва экстенсив тарзда амалга ошади.

Навоий шаҳри ҳудудининг кенгайиши бевосита экстенсив тарзда амалга ошмоқда. Бу ўз-ўзидан шаҳар атрофи зонаси ҳисобига ташкил этилмоқда. Хусусан, кейинги йилларида шаҳар аҳолисининг кўпайиши сабабли қурилиш ишлари ҳам жадал ривожланди. Шаҳарнинг шимоли-шарқ томонга кенгайиши натижасида 9, 10 ва 17-Б-микрорайонлари ташкил этилди. Бундан ташқари, 9-микрорайондаги уй–жойлар тўлиқ, 10-ва 17-Б-микротумандагилар 40-85 фойзда қурилиб, фойдаланишга топширилди. “Гулистон”, “Гулистон-2” (ҳар иккисидан 330 та ер участкаси мавжуд) ва “Умид” (760 та ер участка), 33 та ер участкаси Ғалаба шоҳ кўчасидан уй-жой массивларига асос солиниб, аҳоли томонидан яқка тартибда уй-жойларнинг 50-90 фоизи қурилган. Аммо, сўнгги йилларда шаҳардаги

корхоналар ва бюджет ҳисобидан уй–жойлар қурилмапти. Бунга уй-жой қурилиши харажатларининг кескин ўсиб кетиши ва корхоналарда қўшимча маблағларнинг тақчиллиги асосий сабаб бўлмоқда.

Навоий шаҳри атрофи қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган ерлар ҳам мазкур гуруҳга тегишли. Шаҳар қишлоқ хўжалиги учун яроқли 0,12 минг гектар суғориладиган ер майдони мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси ирригация сув тармоғи билан суғорилади. Йирик корхоналарнинг шаҳар атрофидаги хўжаликлари негизда ташландик ерлар ўзлаштирилиб, фермер хўжаликлари ташкил этилган. Шаҳарнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги барча кўрсаткичлари иқтисодиётнинг нодавлат секторига, яъни 10 та фермер хўжаликлари ва аҳоли хўжаликлари ҳисобига («Тинчлик» шаҳарчаси, Вокзал олди ҳудуди, «Гулистон» ва «Умид» массивларида жойлашган маҳалла фуқаролар йиғинлари) тўғри келади ва бу секторда 2453 дан ортиқ киши меҳнат қилмоқда.

Ҳудуддаги жами фермер хўжаликлари ер майдони 94.4 гани ташкил этади. Мазкур хўжаликларда 3.5 минг аҳоли меҳнат қилади (2014 йил). Шаҳар атрофида ташкил этилган хўжаликлар томонидан 2013 йилда 1538.3 млн сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берилди.

Навоий шаҳар атрофи қишлоқ хўжалигида иқлим, ер-сув ва меҳнат ресурсларидан ҳамда халқнинг асрлар давомида тўплаган қорвачилик ва деҳқончилик маданиятидан унумли фойдаланиш негизда қорвачилик ва аҳоли томорқасидан олинадиган маҳсулот етказиб бериш етакчи тармоқ сифатида шаклланди. Аҳолининг шахсий хўжалигига қарашли яроқли ерлар «Гулистон-1,2,3» массивлари, «Умид» массиви, Вокзал олди ҳудудида катта майдонни ташкил этади. Айни пайтда, шаҳар аҳолиси деҳқончиликда ўзининг ёрдамчи томорқасида полиз, мева, сабзавот етиштиради. Қорвачиликда эса йирик ва майда шохли ҳамда туёқли уй хайвонлари ва паррандаларни парваришлайди.

Навоий шаҳри атрофи қишлоқ хўжалиги, у билан туташган Кармана, Навбахор, Қизилтепа ҳамда Самарқанд вилоятининг Пахтачи тумани ҳудудида шаклланди. Уларнинг хўжалик тармоқлар таркиби ва ихтисослашувида боғдорчилик, узумчилик, қорвачилик, паррандачилик, сабзавотчилик, полиз ва сут маҳсулотлари асосий рол ўйнайди. Шаҳарга чегарадош, қўшни бўлган Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманидан аҳолининг кундалик истеъмол учун зарур бўлган сут ва сут маҳсулотлари олиб келинади. Таъкидлаш лозимки, сут маҳсулотларига эҳтиёж жуда юқори ва ҳамма вақт ўз истеъмолчисига эга бўлади.

Юқоридаги туманлардан ташқари, шаҳарга вилоятнинг чекка ҳудудлари Учқудуқ, Томди, Конимех, Нурота каби қишлоқ жойларининг тортилиши кучаймоқда. Учқудуқ ва Томди туманлари қўйчилик, қоракўлчилик, туячилик

каби тармоқларига ихтисослашган ҳолда, Навоий шаҳри аҳолиси учун зарур бўлган гўшт маҳсулотларини келтириши мумкин. Аммо, биргина муаммо бу туманларни шаҳардан анча узоқда жойлашганлигидир.

Шаҳар атрофи хўжалигини мақсадга мувофиқ ривожлантириш, унинг иқтисодий самарадорлигини оширишда асосий эътибор саноат ва қишлоқ хўжалиги ўртасидаги, шу билан бир қаторда қишлоқ хўжалигини бошқа тармоқлар билан мутаносиб ривожланишини таъминловчи табиий, ижтимоий-иқтисодий омилларни илмий асослаб беришга йўналтирилмоғи зарур. Бунда шаҳар атрофи қишлоқ хўжалиги туманларининг муҳим мезони сифатида транспорт мавқеи ва жойлардаги мавжуд шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни эътиборга олиш муҳим аҳамият касб этади.

Навоий шаҳар атрофи хўжалиklarини ихтисослашувига монанд ҳолда қайта ишлаш саноати корхоналарини кенгайтириш ёки кичик мева сабзавот консерва заводларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Сабаби, кичик корхоналарни

ишга тушириш, уларни технологик жиҳатдан таъминлаш йирик корхоналарга нисбатан бироз қулайроқ. Иккинчидан, шаҳар атрофида ташкил этилган бундай корхоналар транспорт харажатларининг ошиб кетишига, шунингдек, маҳсулот таннархининг пасайишига олиб келади. Учинчидан, шаҳар атрофи хўжалиklarини аҳоли ва бозор талабларидан келиб чиқиб ихтисослаштириш ва бошқалар.

Шундай қилиб, қуйидаги **хулосаларни** чиқариш мумкин:

Ҳар қандай йирик шаҳар сингари Навоийнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳам бевосита унинг атрофига боғлиқ. Бу шаҳар негизида ҳам аҳоли жойлашувининг мураккаб тизими – шаҳар агломерацияси вужудга келмоқда. Унинг ҳозирги ҳолати кўп жиҳатдан шаҳарнинг вилоятнинг чекка жанубида жойлашганлиги, атрофидаги йўлдош шаҳар ва шаҳарчаларда ишлаб чиқариш корхоналарининг сустр ривожланганлиги ҳамда шаҳар атрофи қишлоқ хўжалигининг маълум даражада халқасимон ҳудудий ташкил этилиши билан боғлиқ.

Адабиётлар:

1. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. –Т.,2002.–б 37
2. Ўзбекистон ҳудудлари мустақиллик йилларида.-Т.:Шарқ, 1996.-203 с.
3. “Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексини амалга киритиш тўғрисида”ги қарори. “Халқ сўзи”, 2002, 4 апрел.
4. “Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. “Халқ сўзи”, 2006, 7 июнь.
5. Хусанов З.И. Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва унинг ривожланиш истиқболлари // Иқтисод ва молия. - Тошкент, 2011.- №2-3. – Б. 78-83.

Абдиева З.А., Расулова С.А.

ЭКОНОМИКО-ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ПРИГОРОДНОГО ХОЗЯЙСТВА ГОРОДА НАВОИ

Резюме

В статье кратко освещены некоторые вопросы формирования и развития пригородного хозяйства г.Навои, приведены статистические данные по отдельным отраслям сельского хозяйства.

Abdiyeva Z.A., Rasulova S.A.

ECONOMICAL-GEOGRAPHICAL ASPECTS OF NATURAL SECTOR OF NAVOIY CITY

Resume

In the article briefly described some issues of formation and development suburban culture in Navoiy City, overlaid statistical data on specific branches of agriculture.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА ЭКОТУРИЗМ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Махкамов Э.

Таянч сўзлар ва иборалар: туризм, экотуризм, табиат ёдгорликлари, экологик мувозанат, экологик тарбия, сайёҳлик имконияти, экскурсия, экотуристтик маршрутлар.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси, жумладан Фарғона вилояти экотуризмни ривожлантириш имкониятига эга бўлган гўзал ва такрорланмас табиати, турли хил ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ноёб табиат ёдгорликлари билан машҳурдир. Экотуризм орқали чет эллик туристлар Ўзбекистоннинг бой ва бетакрор

табиати ҳамда юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақидаги тасавурга эга бўлсалар, республикамиз фуқаролари ўз Вагани билан яқиндан танишадилар, уларда она юртига нисбатан миллий ифтихор, ғурур туйғуси ошади.

Мамлакатимиз аҳолисининг бетакрор кадриятлари ва урф-одатларини уйғун этган

кўплаб амалий ишлар жаҳон сайёҳлари эътиборини жалб қилмоқда. Бу борада янги сайёҳлик иншоотлари барпо этиш, мавжудларини янгилаш, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, янги экотуристтик маршрутларни ишлаб чиқиш каби ишлар жадал олиб борилмоқда. Чунки, экотуризмда табиатни муҳофаза қилиш ва экологик таълим-тарбия бериш устувор вазифа сифатида белгиланади.

Тадқиқотнинг мақсади. Экотуризм шундай ташкил этилиши керакки, биринчидан, табиат ва жамият муносабатларида экологик мувозанатни саклаб туриш заруриятини тушинтира олсин, иккинчидан, кишиларнинг экология соҳасидаги билимларини кенгайтиришга, экологик таълим-тарбия беришга қодир бўлсин. Мазкур мақоланинг мақсади экотуризмни ривожлантириш истиқболлари ҳамда уни ташкил этишнинг ҳудудий жиҳатларини Фарғона вилояти мисолида кўриб чиқишдан иборатдир.

Бирламчи маълумотлар ва уларнинг тавсифи. Биологик хилма-хиллик бўйича миллий стратегияда иккинчи устувор йўналиш аҳолига экологик таълим ва тарбия бериш деб белгиланган. Чунки, аҳолида экологик билим ва маданиятни шакллантирмасдан туриб туризм соҳасидаги бошқа устувор йўналишларни амалга ошириб бўлмайди. Шунинг учун, экотуризмни ривожлантириш орқали аҳолига илмий, этник, эстетик, ватанпарварлик, соғломлаштириш, иқтисодий каби таълим-тарбия бериш ва тарғибот ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Фарғона вилоятининг табиий шароити экотуризмнинг барча кўринишларини ташкил қилиш учун қулай ҳисобланади. Сабаби, бу ҳудудда инсон томонидан кучли ўзгартирилган ерлар билан бир қаторда, табиий ҳолдаги ноёб яратмаларни кўплаб кўриш мумкин.

Тадқиқот усуллари. Фарғона вилояти табиий шароити ва ресурслари салоҳиятидан фойдаланишнинг ҳудудий жиҳатларини ўрганиш жараёнида ҳудуднинг географияси, тарихи ва бошқа хусусиятлари бўйича турли адабиётлар таҳлил қилинди. Шунингдек, географик-таққослаш, статистик таҳлил каби тадқиқот усулларидан фойдаланилди ҳамда карталар ва фонд материаллари ўрганилди.

Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Экотуризм объектига табиий комплекслар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, маданийлаштирилган ва бузилган геоконкомплексларни киритиш мумкин. Лекин, экотуристтик объект бўлиши учун табиий, табиий-антропоген ва антропоген ҳудуд ёки объектлар кишиларнинг сайёҳлик имкониятлари ва талаб-истакларини ҳам қондириши керак. Акс ҳолда экотуризм объекти сифатида ўз ўрнини топа олмайди. Фарғона вилоятининг Сўх, Фарғона ва Бешарик туманлари, Шоҳимардон ва Марказий Фарғона ана шундай бой табиий-иқлим

салоҳиятига эга ҳудудлардан ҳисобланади. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда куйида Фарғона вилояти экотуристтик маршрутнинг лойиҳаси келтирилади.

Лойиҳа. Фарғона-Ёзйон-Марғилон-Фарғона-Аввал-Шоҳимардон.

Мазкур экотуристтик маршрут давомида туристлар Фарғона вилоятида чўл минтақасидан тоғ минтақасигача бўлган ландшафт турларини, миллий хунармандчилик намуналари ҳамда диний-зиёратгоҳ масканларини томоша қилиш имкониятига эга бўладилар. Саёҳат радиал йўналишда ва экскурсия кўринишида олиб борилади. Давомийлиги 3 кун бўлиб, куйидаги жараёнларни камраб олади:

1-кун. Туристтик раҳбар сайёҳлар билан танишади ва маршрут ҳақида қисқача ахборотлар беради ҳамда маршрутни кетма-кетликда амалга оширади. Саёҳатни Марказий Фарғона чўлларида бошлаган мақулроқ. Муҳофазага олинган бу ҳудудда экотуристтик маршрутлар учун сўқмоқлар тизими ишлаб чиқилади. Сўқмоқларнинг керакли жойларида дам олиш ва ҳудуд ҳақида маълумот бериш учун шийпончалар, ичимлик суви ва бошқа зарур нарсалар қаердалигини билдириб турувчи белгилар ташкил қилинади. Экотуризмнинг асосий мақсади экологик таълим тарбия беришга қаратилганлиги сабабли ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан намуна олиш ёки уларнинг суратини олиш билан чекланиш лозимлиги маршрут ташкилотчилари ҳамда муҳофазага олинган ҳудуд вакили томонидан белгилаб қўйилади.

Фарғона шаҳридан Марказий Фарғона чўлларига етиб бориш. Марказий Фарғонанинг чала чўл ва чўл ҳудудларининг ўзига хос ҳайвонот ва ўсимлик дунёси билан танишиш. Туяларда дўнг, марза қумлар ва барханлар оралаб саёҳат қилиш. Очиқ табиат қўйнида дам олиш. Сирдарёнинг кўхна ўзанидан дарак бериб турувчи ва уни шимол томонга силжиб борётганлигини “гувоҳи” сифатида тўронғилзорлар билан таништирилади. Марғилон шаҳрининг миллий хунармандчилик намуналари (ипакни олинишидан тортиб унинг мато ҳолига келиши ва унга ажойиб ранглар берилишигача бўлган жараён) ва диний-зиёратгоҳ маскан (Пир Сиддик мажмуаси (XVIII аср), Хўжа Мағиз макбараси (XVIII аср), Чакор масжиди, Саид Аҳмадхўжа мадрасаси (XIX аср))ларини томоша қилиш. Саёҳатлар мобайнида турли хунармандчилик маҳсулотлари харид қилинади. Кечга яқин Фарғона шаҳрига қайтиб келинади.

2-кун. Фарғона шаҳридаги саноат корхоналари билан танишиш. Бунда сайёҳлар корхоналарда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун қанча энергия ва хом ашё сарфланиши ҳамда бу жараёнда табиий муҳитнинг ифлосланиши тўғрисида тасаввурга эга бўладилар. Вилоятда табиатни муҳофаза қилиш ва мавжуд экологик муаммоларни бартараф этиш бўйича қилинаётган

ишлар билан танишилади. Сув, тупроқ ва атмосфера ҳавосини ифлосланиши кўрсаткичларини таҳлил қилиб, хулосалар чиқарилади. Шундан сўнг тушлик қилинади ва Аввал қишлоғига жўнаб кетилади. Адир ландшафти ва булоқлар (Арсиф, Аввал, Еттибулоқ) табиатини ўрганадилар. Булоқнинг ҳосил бўлиши ва Фарғона вилоятини сув ресурслари билан таъминлашдаги аҳамияти тўғрисида маълумот оладилар. Маҳаллий аҳоли ҳонадониди меҳмон бўлиш ва уларни яшаш тарзи билан танишилади.

Адир минтақасига (Арсиф, Аввал, Саткак, Чимён ва бошқ.) уюштирилган экскурсияларда республика аҳамиятига молик бўлган булоқлар, уларнинг ўзига хос экологик-географик хусусиятларини сайёҳларга тушунтириш, ҳудуддаги дам олиш масканларида ҳордиқ чиқариш (турли хил атракционларни айланиш) мумкин. Адирларни февралда бойчечак ва кўйтикан, мартда қорабош, момосирка ва читир, апрелда қарғатирноқ ва нўхатак каби ўсимликлар қоплаб олади. Мавсумга қараб ўсимликлардан гербарий тайёрланади. Экскурсия давомида турли хил географик машғулотлар ҳам олиб борилади. Масалан, тепаликларнинг нисбий баландлигини ўлчаш ва топографик хариталарга тушириш, ёнбағирларнинг геологик тузилиши ва бошқа табиий географик жараёнларни ўрганилади. Бундан ташқари, турли хил миллий ўйинлар ташкил қилиш мумкин. Экскурсиянинг 2-куни якунида Шохимардонга жўнаб кетилади.

3-қун. Шохимардон қишлоғида эрта тонгда тоғлар ортидан кўёшнинг чиқишини томоша қилиш. Треккинг (тоғда яёв сайр) уюштириш. Қурбон кўл, Яшил кўлни томоша қилиш ва кўл

сувида қайиқларда сузиш. Ёрдон қишлоғидан Кўксув дарёси водийсига тушиш. Дарё бўйида ҳордиқ чиқариш ва рафтинг билан шуғлланиш.

Экотуристик маршрутларни Фарғона вилоятининг тоғ минтақасида ташкил этиш имкониятлари катта. Тоғ минтақаси геокмплекслари кучсиз ўзгаришга учраган бўлиб, ноёб ва қизиқарли табиат яратмалари кўплиги билан ажралиб туради. Тоғ минтақаси вилоятнинг Бешариқ, Ўзбекистон туманларини жанубий чеккаларини, Сўх тумани ҳамда Фарғона туманининг Шохимардон ва Ёрдон қишлоқлари атрофи ҳудудларини ўз ичига олади. Бу ҳудудлар Олой-Туркистон тоғларининг шимолий этакларидаги паст ва ўрта тоғларнинг ёнбағирлари ва тоғлар орасидаги водийларни эгаллайди. Тоғ этаклари ва дарё водийларида сайр қилиш, тоғ ўрмонлари ўсимликларидан гербарий учун намуналар олиш, тоғ кўлларида қайиқларда сузиш, қарст ғорларини томоша қилиш қабилар тоғ саёҳатини қизиқарли ташкил этишда асосий омил ҳисобланади.

Хулоса. Экотуристик маршрутлар ҳудуд табиати ва уни муҳофаза қилиш тўғрисида тушунчаларни сайёҳларда шакллантиришда катта аҳамиятга эга. Айниқса, сайёҳларни муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга экотуристик маршрутлар бўйича олиб чиқилганда улар муҳофазага олинган ўсимлик ва ҳайвон турлари ҳақида аниқ маълумотга эга бўладилар. Шунингдек, нима сабабдан “Қизил китоб”га киритилган ўсимлик ва ҳайвонлар айнан муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда кўп учраши сабабини тушуниб оладилар.

Адабиётлар:

1. Мороз И.М. Экскурсионно-туристская деятельность на особо охраняемых природных территориях. Дис. ... канд. экон. наук: - Сочи, 2004. - 167 с.
2. Нигматов А., Шомуротова Н. Экотуризм асослари. –Т.: Турон-Иқбол, 2007.
3. Солиев А., Усмонов М. Туризм географияси. – Самарқанд: СамДУ, 2005.
4. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма. –Т.: ЎзМЭ, 2006.

Махкамов Э.

ЭКОТУРИЗМ В ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ И ПЕРСПЕКТИВЫ ЕГО РАЗВИТИЯ

Резюме

В данной статье рассматриваются перспективы развития экотуризма в Ферганском вилояте. Разработаны проекты маршрутов экотуризма по линии Фергана-Шахимардон.

Махкамов Э.

ECOTOURISM IN FERGANA REGION AND ITS DEVELOPMENT PERSPECTIVES

Resume

In this article reviewed perspectives of development ecotourism Ferghana region. The project of ecotourism route was created in Ferghana-Shakhimardon direction.

Тавсия этувчилар:

**доц. Фуломов П.Н.
проф. Солиев А.С.**

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА КИЧИК ҲУДУДЛАР ГЕОГРАФИЯСИНИ ЎРГАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Маллабоев Т.Н.

Таянч сўзлар ва иборалар: туризм, “Ўзбектуризм” Миллий компанияси, Фарғона водийси, Наманган вилояти, қишлоқ жойлар, Ёркатай, кичик ҳудудлар, рекреация ресурслари.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин жаҳонга юз тутмоқда. Ҳозир унинг мустақиллигини 180 дан ортиқ мамлакатлар тан олди. Қарийб 45 та мамлакатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди, 45 та хорижий мамлакатлар билан элчихона даражасида алоқа олиб борилмоқда. Ўзбекистон жаҳоннинг энг нуфузли ҳалқаро ташкилоти БМТ (1992 й. 2 март) ва 30 га яқин ҳалқаро ва минтақавий ташкилотларига аъзо. Шунингдек, 1992 йил 27 июнда “Ўзбектуризм” Миллий компанияси тузилиб, у 1993 йилда Жаҳон туристик ташкилоти (WTO) нинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди.

Мустақил Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига кириши билан хориждан келаётган сайёҳлар оқими йил сайин кўпаймоқда. Жумладан, 2010 йили қарийб 431 минг хорижлик сайёҳларга хизмат кўрсатилган бўлса, 2013 йилга келиб, бу кўрсаткич 600 минг кишига етди, яқин келажакда 864 минг кишига етиши кўзда тутилмоқда. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Марказий Осиёда ранг-баранг ва бетакрор табиий ҳамда тарихий меъморий рекреация ресурсларига энг бой мамлакатдир. Бу борада Марказий Осиё “Жавоҳири” Фарғона водийси, Зарафшон, Чирчик-Охангарон, Сурхон-Шеробод, Китоб-Шахрисабз, Хоразм воҳалари, Зомин ясси тоғ ён бағирлари алоҳида ажралиб туради. Энг муҳими, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида табиий ва сунъий (антропоген) рекреация ресурс объектларини барпо этиш давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати даражасига кўтарилди. Самарқанд шаҳрида бетакрор архитектура ёдгорликлари – Регистон ансамбли, Гўри Амир, Шохи Зинда, Бибихоним мақбараси, Улуғбек обсерваторияси, Афросиёб археологик объектлари таъмирланди. Челақ туманида эса Ҳазрати Имом ал-Бухорий мақбараси қайта тикланди. Тошкент шаҳрида “Хаста Имом”, Фарғона шаҳрида ал-Фарғоний, Сурхондарёда ат-Термизий мажмуалари, Бухоро шаҳрида замонавий меъморчилик услубида “Боғи Эрам” ва Урганчда “Шоввот” сўлим зиёратгоҳлари барпо этилди. Барча йирик шаҳарларда катта ҳажмда ободонлаштириш ва архитектура – таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Республиканинг қишлоқ ва маҳаллаларида турли хизматлар кўрсатадиган гузарлар ташкил этилди. Андижон шаҳарсозлиги эса республикада меъморий “андоза” (модель) даражасига кўтарилди. Ҳозирги вақтда Фарғона водийсини республиканинг ғарбий минтақалари билан боғлайдиган 125 км.ли “Қамчик” темир йўл магистрალი қурилмоқда. Бу

йўл Чотқол ва Қурама тоғларининг сўлим манзилларини кесиб ўтади.

Айни вақтда, туризмнинг инфратузилмалари, уларнинг турлари ва географияси кенгаймоқда. Янги ва кўҳна манзарали жойлар, хиёбонлар, қаҳвахоналар, меҳмонхоналар, ҳаракат маршрутлари, миллий урф-одатлар ва уларни ташкил этиш хоналари, сайёҳларга турли тезкор хизмат кўрсатиш ҳамда кўнгил очар объектлар, кадрлар тайёрлаш каби ишлар амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда асосий рекреация ва туристик марказга айланиши ва минглаб-минглаб хорижлик сайёҳларни ўзига жалб этади. Провардида эса, туризм республика иқтисодиётининг катта даромад келтирадиган тармоғига айланиб, кўплаб ишчи кучининг банд бўлишига ва аҳоли турмуш даражасини ўсишига олиб келади.

Ҳозирги пайтда республикамизга келаётган хорижлик сайёҳлар унинг гўзал табиат манзаралари, мафтункор, тарихий-меъморий ёдгорликлари, меҳнаткаш, меҳмондўст ва қўли гул ҳалқининг миллий хунармандчилик маҳсулотлари ҳамда жозибали санъати ва кўҳна урф-одатлари, нозу-неъматларга бой дастурхони, бозор расталари ва савдо шоҳобчаларини кўриб хайратда кетмоқдалар. Албатта, бу жуда қувонарли ҳол. Республикага ташриф буюрган ҳар бир хорижлик сайёҳ унинг бой ва ўзига хос табиати, тарихий-меъморий ёдгорликлари, маданияти ва санъати, ҳалқнинг турмуш тарзи ҳамда ишлаб чиқариш жараёнлари ҳақида катта таассуротга эга бўлиш билан бирга мамлакатимиз вилоятлари, туманлари, шаҳар ва қишлоқлари ҳақида тарихий – географик ҳамда этнографик мазмунда ёзилган фото-лавҳали сайёҳбоп маълумотнома – китобчага (ёки дастурул-амалга) эҳтиёж туғилмоқда. Бундай маълумотномалар сайёҳлар таассуротларини мустаҳкамлайди ва уларнинг ижодкорлари, энг аввало, географ – мутахассислар ҳисобланади.

Ҳозир республика таркибида Қорақалпоғистон Республикаси, 12 та вилоятлар, 157 та қишлоқ туманлари, 119 та шаҳар, 1080 та шаҳарчалар ва 10865 та қишлоқлар мавжуд. Буларнинг барчаси республикадаги тадқиқотчи географларнинг катта ҳажмдаги ижодкорлик ишлари бажаришларини тақозо қилади. Чунки, республика минтақаларидаги вилоятлар, туманлар, шаҳар ва қишлоқлар географик жиҳатдан етарли даражада ўрганилмаган.

Хуллас, республикада туризмнинг жадал

ривожланиши, унинг минтақаларидаги вилоят, туман, шаҳар ва қишлоқларни, яъни “Кичик ҳудуд”лар географиясининг ўрганишни долзарб қилиб қўймоқда. Албатта, кичик ҳудудлар географияси қисқа, мазмунли ва оммабоп бўлиши мақсадга мувофиқ. Шуни эътиборга олиб, қуйида Наманган вилояти Уйчи туманидаги “Ёркатай” (табиати, тарихи, аҳолиси ва ҳўжалиги) қишлоғи географиясининг тавсифи берилади.

Ёркатай вилоятдаги 403 та қишлоқ фуқаролар йиғинларидан бири, унинг майдони 21.0 кв.км ни, аҳолиси эса қарийиб 24 минг киши ёки туман аҳолисининг 11.6 фоизини ташкил этади. Қишлоқ ҳудуди тўртбурчаксимон (чекка шимолий ва жанубий нукталари орасидаги масофа 6 км., ғарбидан шарқигача 3,5 км) шаклга эга бўлиб, унинг табиий-иктисодий географик қиёфасига қўра икки минтақага ажратилади. Бундан минг йил олдин Сирдарёнинг ўзани ва қайири бўлган жанубий қисм ҳамда шимолий Фарғона адир олди текисликларидан иборат шимолий қисм. Бу икки минтақани бир-биридан тик жарлик ажратиб туради. Агар жанубий минтақа ҳўжалиги пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган бўлса, қишлоқ аҳолисининг деярли барчаси жойлашган шимолий қисми эса пахтачилик, боғдорчилик ва қисман чорвачиликка ихтисослашган. Шу минтақада қишлоқ ҳўжалиги махсулотларини қайта ишлайдиган энгил ва озик-овқат саноати корхоналари ва қурилиш материаллари (ғишт) заводи жойлашган.

Қишлоқнинг географик ўрни жуда қулай, унинг ҳудудидан Наманган - Учқўрғон – Жалолобод - Ўш, Наманган -Уйчи -Чортоқ - Янқўрғон, Наманган - Андижон – Фарғона автомобил йўллари ва Шимолий Фарғона канали, Чортоқсой ҳамда ўнлаб гидрография тармоқлари кесиб ўтади. Туман марказигача бўлган масофа 3.5 км, вилоят маркази - Наманган шаҳригача эса 9 км ни ташкил этади.

Ҳудудининг табиий компонентларини ўрганиш асосида унинг жанубий қисми яқин ўтмишда (ўрта асрда) Сирдарёнинг ўзани, кейинчалик қайири бўлгани, асосан дарё ётқизиклари билан қоплангани (проювиал) ва ер ости суви жуда яқин (0,5-1,0 м) жойлашганини кўриш мумкин. Бу ерлардаги тупроқда 2-3 фоиз чиринди микдори бор, холос.

Қишлоқнинг шимолий қисми адир олди текислигидан иборат бўлиб, бирмунча қўхна тарихга эга ва кучли ўзлаштирилган. Ўрта асрларда бу ерлар Сирдарёнинг биринчи терассаси бўлган ва асосан аллювиал ётқизиклар билан банд. Ер ости суви 10-15 м, баъзи жойларда 2-3 м чуқурликда учрайди, тупроқдаги чиринди микдори 2,0-2,5 фоиздан иборат. Ҳудуди шимолдан жанубга пасайиб боради, шимол ва жанубдаги жойларнинг денгиз сатҳидан ўртача баландлигидаги тафовут 115-130 м ни ташкил этади. Жанубдаги ерларни ўртача баландлиги 330-350 м, шимолий қисмлариники эса 465-475 м.

Ёркатай қишлоқ ҳудудида саноат аҳамиятига эга бўлган минерал хомашё бойликлар деярли учрамайди. Фақатгина шимолий ва жанубий минтақаларни бир-бирдан ажратиб турувчи жарлик ён бағирларида ғиштбоп тупроқ ва ер ости суви - Қизбулоқ булоғи мавжуд. Қизбулоқ эса, қишлоқ ҳудудидаги инсоният цивилизациясининг қўхна маскани ҳисобланади.

Кўп йиллик кузатишлар шуни кўрсатдики, ҳудуднинг Сирдарёга яқин жанубий қисмида июль ойининг ўртача ҳарорати $+27^{\circ}$ - $+28^{\circ}$, шимолий ҳудудларида эса $+22.5^{\circ}$ - $+28,5^{\circ}$, айрим кунлари ҳарорат $+41^{\circ}$ - $+43^{\circ}$ га етади. Қишнинг январ ойи ўртача ҳарорати жанубий ҳудудларда -1° $+2^{\circ}$ ни, адир олди минтақасига яқин жойлашган шимолий қисмларида -2° - $+1,5^{\circ}$ ни ташкил этади. Ҳавонинг йиллик ҳарорати йиғиндисиди ҳам маълум даражада фарқ (4600° - 4800°) мавжуд. Қишлоқнинг жанубида ёғин микдори 180-200 мм, шимолида 200-210 мм, вегетация даври 270-280 кун давом этади.

Ҳудуд иклимидаги муҳим хусусият – унинг шимолий қисмидан эсиб турувчи тоғ водий шамолнинг энгил шабодасидир. Бу маҳаллий шамолни эътиборга олиб, кўпгина хонадонлар уй айвонларини шимол томонга очиб қилиб, уйларига эса деразалар ўрнатадилар ва «Чортоқ шамоли» деб аталувчи бу тоғ-водий шабодасидан ёз ойларида баҳраманд бўладилар.

Қишлоқ аҳолисини ўрганиш, бу ерда демографик жараёнларнинг туман ва вилоят кўрсаткичлари (ўртача йиллик ўсиш- $2,0\%$, табиий кўпайиш- $16,0$ промилле, жинсий таркибда эркаклар $-49,0\%$, аёллар- $51,0\%$ ни ташкил этади) билан деярли бир ҳилда бораётганини кўрсатади. Қишлоқ маҳалларида аҳоли жуда зич жойлашган, унинг Чуртук ва Исломобод маҳаллаларида ҳар бир кв.км.га 1100-1300 киши тўғри келади.

Наманган шаҳри ва туман маркази Уйчи шаҳарчасига яқин жойлашганлиги сабабли аҳолининг миграцион фаоллиги жуда юқори. Натижада, қишлоқ маҳаллаларидан ҳар куни ўртача 480-490 киши Наманган шаҳрига, 80-90 киши туман марказига турли юмушлар учун катнайдилар ёки маятниксимон миграцияда иштирок этадилар.

Қишлоқ ва туман марказига яқин жойлашганлиги ҳамда транспорт-географик ўрнининг қулайлиги унинг меҳнат ресурслари бандлигининг юқори бўлишига олиб келган. Ҳозиги пайтда мавжуд меҳнат ресурсларининг деярли 88,0 фоизи қишлоқ ҳудудидаги Беруний дехкон фермер уюшмачи ҳўжаликлари ва қатор кичик корхоналарда фаолият кўрсатадилар, қолган қисми шахсий томорқа ҳўжалиги ва уй-рўзғор ишларида банд.

Қишлоқ фуқаролар йиғини ва маҳаллалар номининг келиб чиқиши бевосита этнодемографик (Чуртук), социал (Файзобод, Исломобод, Бой маҳалла), географик (Ўртачек, Ёркатай) ва тарихий меъморий (Гумбаз)

топонимлари билан боғлиқ. Қишлоқнинг Гумбаз маҳалласида Абдурахим девона (“Девона бува”) мақбараси 1720-1730 йилларда қурилган бўлиб, у республика тарихий ёдгорликлари рўйхатидан ўрин олган ва Фарғона водийсидаги муҳим зиёратгоҳлардан ҳисобланади.

Иқтисодиётда ислохотларни чуқурлаштирилиши ва бозор муносабатларини кенг жорий этилиши оқибатида мулкчиликнинг турли шакллари асосланган хўжаликлар-фермер ва пудрат хўжаликлари ҳамда ҳиссадорлик жамиятларининг (корхоналари) ташкил этилиши ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Хусусан, 2013 йили қишлоқ ҳудудидаги Беруний деҳқон-фермер хўжалигида пахта ҳосилдорлиги 34,0 центнер бўлгани ҳолда, айрим фермерлар 39,0-42,0 центнерга етди. Деҳқон-фермер хўжалигида галла ҳосилдорлиги 56,0 центнер. Қишлоқ

ҳудудидаги - Уйчи «Ипакчи» ҳиссадорлик жамияти, «Муштарий», «Нодирабегим», «Намуна», «Нур», «Мега-текстил» кўшма корхоналари, гишт заводи ва бошқа 10 дан ортиқ кичик корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Қишлоқ ҳудудида 2 та 75 ўринли шифохона, 4 та қишлоқ врачлик пунктлари ва 4 та умумий ўрта таълим мактаблари, иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи, 2 та стадион, маданият уйи, савдо ва турли хизмат кўрсатиш шаҳобчалари мавжуд. Барча ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ва табиат муҳофазаси маҳаллий ҳокимият томонидан бошқарилади.

Қишлоқ аҳолиси мустақил Ўзбекистоннинг моддий ва маънавий имкониятларидан фойдаланган ҳолда, бу озод ва обод Ватанда ҳуқуқий демократик жамият қуришда фаол қанташмоқда.

Маллабоев Т.Н.

РАЗВИТИЕ ТУРИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ И ВОПРОСЫ ГЕОГРАФИЧЕСКОГО ИЗУЧЕНИЯ

Резюме

Туризм становится одним из растущих секторов региональной и национальной экономики Узбекистана. В статье кратко рассматриваются тенденции и возможности развития туризма в республике, особое внимание уделяется крупномасштабному изучению малых территорий на примере кишлака Еркантай Наманганской области.

Mallaboyev T.N.

DEVELOPMENT OF TOURISM IN UZBEKISTAN AND ISSUES OF GEOGRAPHICAL STUDY

Resume

Tourism becoming one of the perspective sectors of regional and national economy of Uzbekistan. In the article briefly reviewed trends and possibilities of tourism in the republic, main importance is given to large scale investigation of small regions in an example of Erkantay village, Namangan.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

ЎРТА ОСИЁ ТАБИЙ ГЕОГРАФИЯСИНИ ЎЗЛАШТИРИШДА АМАЛИЙ ИШЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Баратов П., Султанова Н.

Таянч сўзлар: назарий билимлар, амалий машғулот, географик маълумотлар, дарслик, ўқув қўлланмалар, карталар, атласлар, расмлар, кесмалар, жадваллар ва чизмалар, табиий географик воқеа ва ҳодисалар

Кириш. Олий ўқув юртлари географ талабалари учун Ўрта Осиё табиий географияси асосий фанлардан бири ҳисобланади. Чунки бу фанни ўзлаштириш орқали талабалар ўзи яшаб турган Ватани Ўрта Осиё табиий шароити ва табиий ресурсларини чуқур ўрганадилар ҳамда табиий компонентларнинг бир-бирига узвий боғлиқ ва алоқадорлик қонуниятларини тушуниб етадилар. Натижада Ўрта Осиё табиатини чуқур ва ҳар томонлама билувчи, унинг табиий бойликларидан оқилона фойдаланиб, муҳофаза қилиш йўлларини ёш авлодга етказувчи география ўқитувчилари тайёрланади.

Асосий қисм. Бироқ, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув режада “Ўрта Осиё табиий географияси” учун ажратилган соатлар етарли


эмас. Бунинг устига назарияга ажратилган соатнинг камлиги туфайли Ўрта Осиё табиатининг ўзига хос хусусиятларини талабаларга чуқур ўргатиш имконияти чекланган, аксинча амалий машғулотларига умумий соатнинг кўп қисми ажратилган. Бинобарин, талабалар амалий машғулотларни пухта бажаришга эришсалар, назариядан олган билимларини мустаҳкамлашдан ташқари, уларда мустақил фикрлаш малакаси шаклланади. Чунки амалий машғулотлар жараёнида талабалар дарслик, ўқув қўлланма, ҳар хил адабиётлар, харита ва атласлардан фойдаланиб, берилган топшириқ ва саволларни синчковлик билан пухта бажарсалар, улар учун муҳим аҳамиятга эга бўлган куйидаги малака ва кўникмалар шаклланади;

- амалий машгулотларда мавзули хариталар ва атласлар билан ишлаб, уларни таққослаш орқали талабаларда маълум табиий географик объектларнинг ҳозирги ҳолати, унда содир бўлаётган ва бўлиши мумкин бўлган жараёнларни билиш малакаси ҳосил бўлади;

- Ўрта Осиё табиати компо-нентларининг бир-бирларига таққослаб, улар ажратилган ҳолда

эмас, балки ўзаро узвий алоқада эканлиги, агар унинг бирор компонентига нотўғри таъсир этилса, у ўз навбатида бошқа табиат элементлари ҳолатининг ўзгаришига сабабчи бўлиши мумкинлиги ҳақида талабаларда мустақил равишда хулосалар чиқариш малакаси шаклланади;

Расм



- Ўрта Осиё табиат компо-нентларининг бир-бирларига боғлиқлиги оқибатида талабалар ундан келиб чиқадиган баъзи ҳодисалар сабабларини билиб олади;

- Ўрта Осиё текислик қисмининг иқлими куруқ ва жазирама иссиқ бўлганлиги ва Евросиё материгининг ички қисмида жойлашганлиги туйфайли мўътадил ва субтропик иқлим минтақа-

ларида ўрнашганлигига қарамасдан чала чўл ва чўл ландшафти вужудга келиб, ўсимлиги арид типлидир;

- Турли хил манбаларда ҳамда ўқув қўлланмаларда берилган жадвалдан фой-даланиб, рақамли маълумотларни таҳлил қилиш, кесмалар тузиш, чизма ва диа-граммалар чизиш малакаси шаклланади.

Ўрта Осиё табиий географиясидан ўтиладиган назарий ва амалий машғулотлар бир бутун фанни ташкил этади. Лекин амалий машғулотларнинг вазифаси назариядан олган билимларни такрорлашдан иборат эмас, аксинча, назариядан олган билимларни амалга татбиқ этиб, берилган савол ва топшириқларни мустақил равишда таҳлил (анализ ва синтез) қилиб, келажакда география ўқитувчиси учун зарур бўлган малака ва қўникмаларга эга бўлади. Ўрта Осиё табиий географиясидан олиб бориладиган амалий ишлар жараёнида талабалар дарслик ва ўқув қўлланмалари билан чекланиб қолмай, қўйидаги жадвалда кўрсатилган географик маълумотлар берувчи манбалардан фойдаланишлари мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда, айниқса, харитаграфик (топографик, махсус мавзули хариталар, атлас ва глобус), статистик (диаграмма, жадвал, ҳар хил чизмалар), аэрокосмик суратлар, вақтли матбуот маълумотлари ва бошқалардан фойдаланиш амалий ишни янада пухта, янгиликлар билан бойитган ҳолда ўтишга асос бўлади. Шунингдек, табиат комплексларига инсоннинг таъсири ва ундан келиб чиқадиган салбий оқибатларига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ.

Талабаларга бериладиган топшириқ ва саволлар дарсликдаги маълумотларни мустақамлашга қаратилган бўлиши талаб этилади. Бинобарин, талабаларга бериладиган топшириқ ва саволларни пухта ўзлаштиришлари учун қўйидагиларга алоҳида аҳамият беришлари керак:

1. Назариядан олган билимларини ёдга тушириш, мустақамлаш учун ҳар бир

топшириқни бажаришда ва географик тушунчаларни эгаллаш жараёнида у ёки бу ходиса, нима учун? қачон? қаерда? каби саволларга жавоб топишлари талаб этилади.

2. Баъзи топшириқ ва саволлар дарслик, мавзули харита ва атласлар, расмлар, кесмалар, жадваллар ва чизмалар билан ишлаш қўникмаларини шакллантиришга қаратилган бўлиши керак.

3. Баъзи топшириқлар табиий географик ходисаларнинг ўзаро алоқалари сабаб-оқибатларини мустақил равишда очиб беришга қаратилган бўлиб, талабалар уларни исботлашлари, нима учун? қандай? нима сабабдан? каби саволларга жавоб излашларига йўналтирилган бўлиши зарур.

4. Баъзи топшириқ ва саволлар табиий географик жараёнларнинг сабаб-оқибатини ва бир-бирига алоқадорлигини очиб беришга қаратилган бўлиши керак. Масалан, нима учун Марказий Қизилқумдаги тоғлар кучли емирилган ва паст? Нима сабабдан Сурхондарё водийсида субтропик ландшафтлар вужудга келган? Нима учун ва қандай сабабларга кўра Шарқий Помирда ёгин кам тушади?

Барча топшириқ ва саволлар талабалар тафаккурининг ривожланишига, хотирасини чиниқтиришга, мустақил хулосалар чиқаришга, табиат компонентларининг бир-бирларига узвий боғлиқ эканлигига, назариядан олинган билимларини мустақамлашга қаратилган бўлишлиги мақсадга мувофиқдир. Талабалар олган қўникма ва билимлари келажакда ўзларининг иш фаолиятида қўл келади.

Адабиётлар:

1. Баратов П, Маматкулов М, Рафиқов А. Ўрта Осиё табиий географияси. - Т.: «Ўқитувчи», 2002.
2. Баратов П. Ўзбекистон табиий географиясидан амалий машғулотлар. – Т.: Чўлпон, 2005.
3. Баратов П, Султонов Ю. Табиий географиядан лаборатория машғулотлари. - Т.: «Ўқитувчи», 1984.

Баратов П., Султанова Н.

ЗНАЧЕНИЕ ПРАКТИЧЕСКИХ ЗАНЯТИЙ ПРИ ИЗУЧЕНИИ ГЕОГРАФИИ СРЕДНЕЙ АЗИИ

Резюме

В данной статье речь идет о месте практических занятий в закреплении полученных знаний в теоретических курсах. Работа написана по материалам Средней Азии.

Baratov P., Sultanova N.

THE SIGNIFICANCE OF PRACTICAL WORKS TO DEPLOY ADOPT THE NATURAL GEOGRAPHY OF CENTRAL ASIA

Resume

In the article described importance of practical work in securing obtained knowledge in theoretical courses. The work is written according to materials of Central Asia.

Тавсия этувчи:

доц. Фуломов П.Н.

ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИ ВА ДИДАКТИКА

Рахматов Ю.Б., Бўронов Ё.Р., Кодирова М.М.

Таянч сўзлар ва иборалар: дидактикос, антиципирик, тизимли ёндашув, индуктив ва дедуктив.

Кириш: «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг 26-моддасида таълимнинг илғор шакллари ва янги педагогик технологиялар таълим жараёнига жорий этилиши таъкиддан «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да эса таълим беришнинг илғор технологияларини, замонавий ўқув-услубий мажмуаларни яратиш ва таълим жараёнини дидактик жиҳатдан таъминлаш талаб этилади.

Таълимда энг замонавий ҳисобланган педагогик технологияларни қўллашга ва мукамал ўрганишга эришиш масалаларига ҳамда инсон омилига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, унинг негизида «тизимли ёндашув» ётади. Ўрта Осиёлик олимларнинг дидактикани география таълимида ривожлантириш хусусидаги қарашлари баён қилинган.

Асосий қисм: Мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида бўлганидек, таълим тизимида ҳам кенг қамровли ислохотлар чуқур кириб бормоқда. Бу ислохотлардан кўзда тутилган мақсад таълим жараёнига янги педагогик технологияни жорий этиш, таълим самарадорлигини ошириш, мазмунини яхшилаш, пировард натижада уни жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-маърифий ривожланишига хизмат қилдиришдан иборатдир.

Дидактик лойиҳалаш инсон онгининг антиципирик-олдиндан пайқаш, кўра билиш қобилияти билан дахлдор. Дидактик лойиҳа асосида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти ётади.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да таълимда энг замонавий ҳисобланган педагогик технологияларни қўллашга ва мукамал ўрганишга эришиш масалаларига ҳамда инсон омилига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, унинг негизида «тизимли ёндашув» ётади.

Дидактика- педагогиканинг таълим ва ўқитиш назариясини ишлаб чиқадиган тармоғидир. Дидактика -- таълим-тарбия муассасаси шароитида муаллимнинг раҳбарлиги остида амалга оширадиган ўқув жараёни ҳамдир. Дидактикада шу жараённинг қонуниятлари тадқиқ қилинади, ҳар хил типдаги таълим-тарбия муассасаларида у ёки бу даражада бериладиган таълим мазмунини белгилашнинг илмий асослари, ўқитиш воситалари ва методларининг самарадорлигини ошириш йўллари ҳамда таълимнинг ташкилий шакллари ишлаб чиқилади.

Яқин ва Ўрта Шарқда *Ал-Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Умар Хайём* каби мутафаккирлар илмий дидактика асосчиларидирлар. *Амос Каменский, Швецариялик педагог И.Г. Песталоцци, немис педагоги А. Дистервеглар* Европада дидактиканинг ривожланишига катта ҳисса қўшдилар.

Ал-Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн

Сино, Умар Хайём, Тусий ва уларнинг издошлари қарашларининг муҳим хусусияти шундан иборат эдики, мазкур олимлар доимо предметнинг қиёфаси инсон онгида мавҳумлашуви жараёнига мана шу предметнинг моҳияти ва ўзига хослигини тушуниш содир бўлиши ҳамда шаклланишига эътибор берганлар. Улар билишнинг предмети ва манбаларига, билиш жараёни қандай босқичлардан таркиб топишига, билиш фаолияти билан амалий фаолият ўртасидаги муносабатларга қизиққанлар.

Ал-Хоразмий шахснинг узлуксиз камол топиши назариясини ривожлантириш борасида муҳим хизмат қилди, индуктив ва дедуктив тафаккурдаги алоҳидалик ҳамда умумийликнинг бирлиги принципини муайянлаштирди.

Форобий ўқитиш методларининг таснифини ишлаб чиққан. Уларни амалий ва назарий методларга ажратган, шу тариқа ўқитишнинг амалий йўналиши ва кишиларнинг ҳаёти ҳамда кундалик фаолияти билан боғлиқлиги ғояларини олға сурган. Олим ўқитишнинг тажриба-кўрсатмалли, индуктив ва дедуктив амалий методларига алоҳида эътибор берган.

Барча методларни ўқувчининг ҳаётий тажрибасига, мантикий тафаккурига таянгани ҳолда бирлаштирган. Ўқув жараёнини ташкил этишга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқишда дедуктив методини устун қўйиб, ўқувчиларга материални тушунтиришда нималарга алоҳида эътибор бериш ҳақида энг муҳим масалани фанга ишончли билимлар берадиган ва шубҳалантирмайдиган далиллар билан ёритиш ва ҳоказолар бўйича ўқитувчилар учун қимматли тавсияларни баён қилган.

Форобий билиш жараёни ва фандаги билим шакллари моҳиятини ёритган. Унинг фикрича, ана шу жараёнлар қонуниятлари сифатида шаклланади ва уларга риоя қилиш фикрлашни такомиллаштиради ҳамда мураккаб билиш жараёнида қўпол хатоларнинг олдини олади. Билиш жараёни фикрлаш мантиқи орқали ўтиши керак. Мантик объекти англашга қаратилган ва ақл ётадиган, моҳиятлар таҳлил этиладиган фикрлаш жараёнининг тўғрилигини белгилашга хизмат қилади. Мантик қуролдир ва у нарсаларни аниқ билишга ёрдам беради.

Форобий ёзишича яхши назариётчи бўлиш учун назария қайси фанга тааллуқли бўлмасин, қуйидаги учта шартга риоя қилиши шарт.

1. Мазкур фан асосидаги барча принципларни тўлиқ билиш;
2. Ушбу принциплардан ва мазкур фанга доир маълумотлардан тегишли хулосалар чиқара билиш;
3. Нотўғри фикрлар рад эта билиш ва ҳақиқатни ёлғондан фарқлаш, хатоларни тўғрилаш

учун бошқа муаллифларнинг фикрларини таҳлил қила билиш.

Борлиқнинг акс этиши сифатидаги ҳиссий билиш муаммоси ва энг асосий масала -- билишнинг манбалари доимо Беруний назарий билиш фаолиятининг диққат марказида турди. Олим билишнинг назарий асосини чексиз ва узлуксиз жараён сифатида таҳлил ҳамда талқин қилди. У қадимги давр олимлари ишлаб чиққан билишнинг илмий методларини ривожлантириб дидактик йўсинда муҳим хулосалар чиқарди. «Ўқиш ва такрорлаш орқали» -деб ёзган эди Беруний “- дунёнинг тузилишини, осмоннинг ва ернинг шакллари билиш астраномия фани учун ғоятда фойдалидир.”

Ибн Синонинг билим орқали эришилаётган натижалар ҳақидаги таълимоти ўқитиш назариясида алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг фикрича, буюмларни чинакам билишга ташқи кўринишни таҳлил қилиш, сабабларини аниқлаш асосида ақл билан эришилади. Ибн Сино ақлнинг ривожланиш босқичларини ишлаб чиққан. Мушоҳада билан идрок қилишнинг биринчи босқичи ақлий категорияларни тушуниришдир. Иккинчи босқич икки хил фикрни идрок этишдир. Ақл ривожланишнинг учинчи босқичига ўзлаштирилган фикрларни идрок этиш билан эришилади. Шунда уни ҳақиқий ақл дейилади. Ибн Сино ақл деганда инсоннинг туғма истеъдодини, шунингдек, тажриба асосида ва билиш жараёнида шаклланаётган фикрлаш қобилиятини тушунади. Ақлни инсоннинг бирламчи туғма соғлом фикрлаши, яхши ёмон ишларни вужудга келтирадиган, уларни фарқлантирадиган куч деб таърифлайди. Ақл инсоннинг хатти-ҳаракатларида намоён бўлади. Шунингдек, Ибн Сино ақлни икки категорияга ажратади. Уларнинг бири назарий ақл бўлиб, борлиқдаги умумий нарсаларнинг моҳиятини идрок этиш бўлса, иккинчиси эса амалий ақл бўлиб, буюмларни танлашда туртки сифатида қўриладиган қобилиятдир.

Абдулла Авлоний (1878-1934) ўзининг барча тадқиқотларида илм муаммосини биринчи ўринга қўйган. Хусусан, у тарбия билан таълимнинг бирлиги муаммосини ишлаб чиқди.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (1889-1929) эса ўз тадқиқотларида товушли савод ўргатиш методини ишлаб чиққан. Унинг тадқиқотидаги асосий ғоя ўқитиш ва тарбиялашга комплекс ёндашишдан, ёшларнинг ақлий, ахлоқий ва эстетик тарбиясини ўзаро боғлиқ ҳолда амалга оширишдан иборат эди.

Юқорида келтирилган педагогик фикрлардан аён бўладики, мазкур муаллифлар дидактикага ўқитиш санъати сифатида, шунингдек, ўзига хос амалий кўникма сифатида қараганлар. Дидактика тушунчасини **Ян Амос Коменский** (1592-1670) ҳам ана шу йўсинда шарҳлаган. Унинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари 1657-йилда нашр этилган «**ҳаммага ҳамма нарсани ўқитишнинг универсал санъати ифодаланган буюк**

дидактика» номли асарида баён қилинган. Лекин Коменский дидактика фақат ўқитиш санъатидангина эмас, балки тарбиялаш санъатидан ҳам иборатлигини қайд қилган ва тарбия ҳар томонлама ахлоқийлик йўналишидаги (фелъ-атворни шакллантиришнинг зарур шарти эканини ҳам ўқтирган. Дидактикани юқоридагича тушуниш XIX аср бошигача, яъни таниқли немис педагоги ва файласуфи **Йоган Генрих** (1776-1841) дидактиканинг асосий назариясини ишлаб чиққунича давом этган. Бинобарин, у дидактикани педагогикага бўйсинадиган тарбияловчи таълимнинг яхлит ва зиддиятсиз назарияси сифатида талқин қилади.

Гербарт ва, хусусан, унинг издошлари ана шу назариянинг ролини ҳисобга олиб, дидактиканинг асосий вазифасини – дарсда баён қилинадиган материал эканини рад этдилар: Гербарт концепциясига мувофиқ ўқитувчи асосан ўқувчиларни янги ўқув материали билан таништиришга доир ҳаракатларини таҳлил қилиш лозим эди.

Билим ва малакаларни таркиб топтириш нақадар зарур бўлсада, ҳозирги дидактика ана шу соҳа билангина чегараланиб қола олмайди. Эндиликда ўқувчиларни камол топтиришда оптимал натижалар берадиган ўқитиш жараёнининг илмий-педагогик асосларини ишлаб чиқиш зарурати туғилди. Ўқувчиларнинг камол топиши таълим жараёнида амалга ошиши сабабли билим ва малакаларни ўзлаштиришга қаратилган дидактик принциплар маълум натижаларни беради. Лекин вазифа қандайдир натижаларга эришишдан эмас, балки ўқувчиларни камол топтириш учун ўқитишнинг энг юқори самарадорлигини таъминлашдан иборатдир. Бунинг учун эса ўқув жараёнининг қурилишини ишлаб чиқиш керак. Дидактикада тарбияловчи дунёқарашни шакллантириш масалалари кўрилади, таълим жараёнида ўқувчиларда мустақилликни, ташаббускорликни ва шахснинг бошқа айрим сифатларини тарбиялаш вазифалари таҳлил қилинади. Мана шундай муҳим масалаларнинг кўриб чиқилиши мактабдаги таълим тарбиянинг бирлигини таъминлашга хизмат қилади. Ўз-ўзидан аёнки, мазкур вазифани амалга ошириш учун зарур илмий педагогик асосларни яратиш дидактика соҳасидан кўра кўпроқ тарбия назариясига тааллуқлидир. Ўқитиш негизи юксак ахлоқли қилиб камол топтиришдан иборат. Ана шундай ҳаракатларда ўқишга даъват қилиш ўқитувчи билан ўқувчиларнинг ўзаро муносабатлари ва таълимнинг методлари масалалари бошқача тус олади.

Хулоса: Мазкур мақолада Ўрта Осиёлик ва чет эл олимларининг дидактикани география таълимида ривожлантириш хусусидаги қарашлари ҳақидаги билимларни таҳлил қилишга ҳаракат қилинди. Бунда фанимиз янги услубий йўналишларининг илмий-методологик асослари таҳлил қилинган.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Тошкент, 1997.
2. Педагогик маҳорат журнали // Бухоро, 2000 йил, 2-сон.
3. Педагогик маҳорат журнали // Бухоро, 2000 йил, 3-сон.
4. Педагогик маҳорат журнали // Бухоро, 2000 йил, 4-сон.
5. Халқ таълими журнали // Тошкент, 2002 йил, 4-сон.

**Рахматов Ю.Б., Буранов Ё.Р., Кодирова М.М.
ДИДАКТИКА И ГЕОГРАФИЧЕСКОЕ ОБРАЗОВАНИЕ**

Резюме

Статья посвящена взглядам среднеазиатских мыслителей о развитии дидактики и научно-методологическим основам новых методических направлений в обучении географии.

**Raxmatov Yu.B., Buranov Yo.R., Kodirov M.M.
DIDACTICS AND GEOGRAPHICAL EDUCATION**

Resume

The article discusses views of Central Asian Thinkers on development of didactic and scientific – methodological basis for new methodological directions in teaching geography.

Тавсия этувчи:

доц. Фуломов П.Н.

ТОПОНИМИКАНИНГ ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК ЖИХАТЛАРИ

Миракмалов М.Т., Содиқова М.А.

Таянч сўзлар: *топонимика, табиий география, гидронимлар, оронимлар, зоонимлар, фитонимлар, табиий географик жиҳатлар, топонимларни гуруҳлаштириш.*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги № 295 сонли қарорида “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича республика ҳамда ҳудудий комиссиялар тузилиши, шунингдек, географик объектларни номлаш ва қайта номлаш бўйича таклифлар, тавсиялар, ҳулосалар бериш ҳақидаги масалалар кўтарилган. Ушбу қарорга мувофиқ тузилган комиссиялар муайян ҳудудларда иш олиб бормоқда. Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масаласида энг аввало, жойнинг табиий хусусиятларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Зеро, жойнинг табиий хусусияти географик объект номида ўз аксини топса, у узок вақт ўзгартирилмасдан сақланиш имкониятига эга бўлади. Шунинг учун топонимиканинг табиий географик жиҳатларини атрофлича ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, топонимика география, тарих ва тилшунослик (лингвистика) фанлари оралиғидаги маҳсус фан бўлиб, улар билан мустаҳкам боғланган ва бу фанларнинг тадқиқот усуллари билан фойдаланиб иш кўради. Ҳар бир фаннинг, шу жумладан тилга олинган фанларнинг назарий асослари такомиллашиб, ривожланиб борган сари унинг объекти, предмети, вазифалари аниқлашиб боради ва табиийки, фанда интеграция ҳамда дифференциация жараёни кечади. Шу билан бирга фанлараро боғлиқлик ҳам кенгайиб боради.

Топонимика табиий географик фанлар билан ҳам мустаҳкам алоқада, зеро, географик жой номларини гуруҳлаштириш, уларни табиий географик жиҳатдан тадқиқ этиш, топонимик

тадқиқот принциплари, методлари, табиий объектларга ном бериш ва бошқа масалаларда бу яққол намоён бўлади.

Маълумки, табиий географик фанлар неча гуруҳга бўлиниши ҳақида олимларнинг фикрлари турличадир. Чунончи, таниқли географ олим Н.А.Гвоздецкий табиий географик фанларни икки гуруҳга бўлади: умумий ва регионал табиий география. Ш.С.Зокировнинг фикрича, табиий географик фанлар ўзининг ўрганиш объекти ва предметининг кўламига кўра уч гуруҳга бўлинади: умумий, регионал ва кичик ҳудудлар табиий географияси (ландшафтшунослик). Табиий географиянинг ўрганиш предметларидан ҳисобланган табиат компонентлари – иклим, рельеф, сув, тупроқ, ўсимлик, ҳайвонот олами ва тоғ жинсларини алоҳида ўрганувчи компонентлар географияси ҳам алоҳида мустақил фанлардан – иклимшунослик, геоморфология, гидрология, тупроқшунослик, биогеография, геология каби фанлардан иборат. А.А.Григорьев, К.К.Марков, Ф.Н.Мильков, Н.И.Михайлов каби айрим олимлар бу фанларни табиий география билан бир қаторда турадиган мустақил фанлар деб ҳисоблайдилар.

Табиат компонентлари тамойилига асосланган ҳолда ҳар бир географик объектнинг номланиши масаласига ҳам алоҳида эътибор бериш лозим. Зеро, табиатдаги ҳар бир объектнинг ўзига хос хусусиятлари, ўтмишдаги ҳолати шу объект номида акс этади. Бинобарин, ҳар бир объект унинг табиий хусусияти билан номланса, географик объект номининг узок вақт ўзгартирилмасдан сақланиши, яъни умрбоқийлиги таъминланган бўлади.

Географик объектларга ном қўйиш қадим

замонлардан бошланган, бинобарин, одамлар қадимда ҳар бир объект номини оддий сўз, ўз термини билан атаган, масалан, тоғ, дарё, доvon, кудук, сой каби. Кейинчалик улар турдош сўзлардан атоқли отларга – топонимларга айланган. Географик объектларнинг номларидан гидронимларни бирламчи номлар деб аталса тўғри бўлса керак, чунки одамлар дастлаб дарё бўйларига ўтроклашиб, объектларга ном беришган. Масалан, ҳозирги Миссисипи, Рио-Гранде, Енисей, Амур, Дон, Ганга, Нил дарёларининг маъноси битта – дарё, катта дарё демақдир. Чунки улар дастлаб маҳаллий аҳоли тилида оддийгина қилиб шундай аталган.

Географик жой номларини гуруҳлаштиришда ҳам уларнинг асосий турлари табиий география билан боғлиқ эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин:

1. Жойнинг ҳолати ва ўзига хос табиий хусусияти билан боғлиқ номлар. Бу гуруҳдаги номларга Туябўғиз (сув омбори), Чорбоғ (сув омбори), Бўз (туман ва шаҳар), Газақишлоқ, Дарғат (қишлоқ, сув тақсимлагич иншооти бўлган тўғон “дарғат дейилади”), Диболо (қишлоқ, аслида Деҳиболо - “баланд қишлоқ”, “тепалиқдаги қишлоқ”), Дидароз (қишлоқ, тожикча Деҳи дароз- “узун қишлоқ”), Регзор (қишлоқ), Региён (қишлоқ), Сангзор (дарё), Катта Ўрадарё, Кичик Ўрадарё ва бошқалар мисол бўлади.

2. Жойнинг географик ўрнига боғлиқ номлар. Бу гуруҳдаги жой номлари бирор объектнинг географик ўрнини, жойлашишини билдиради. Улар таркибида одатда айри (айрилиш), лаб, кунгай (томон), терскай (томон), бурун (тумшук), гузар, ёна (ёнбағир), манба, мансаб, мўйноқ, овлоқ ва бошқа топотерминлар қўлланилади. Масалан, Айиртов, Баландқишлоқ, Лабиҳовуз, Лангар, Чуқурқишлоқ, Қуйиқишлоқ, Юқори Чувама (қишлоқ), Юқори Мачай, Шарқий Устюрт чинклари, Жанубий Оламушук, Юқори Чирчик, Қуйи Чирчик, Ўрта Чирчик, Кунгай Олатови, Терскай Олатови, Мўйноқ ва бошқалар.

3. Рельеф билан боғлиқ географик номлар(геоморфонимлар). Ушбу гуруҳдаги географик жой номлари ўз навбатида бир неча гуруҳларга бўлинади. Улар рельеф турларидан ташқари гипсографик босқичларга, рельеф кўламига кўра ҳам турларга бўлинади:

А) Гипсографик босқичларга кўра:

1) ботиқ (депрессия)ларнинг номлари:

Қарноқ, Мўлали, Асакаовдон, Сарикамиш, Айдар, Каспийбўйи ва бошқалар.

2) пасттексиклик ва текисликларнинг номлари: Турон, Фарбий Сибирь, Шарқий Европа, Амазонка, Месопотамия ва бошқалар.

3) қирлар ва адирлар: Белтов баландлиги, Қорабовур қирлари, Устюрт платоси, Устюрт чинки ва бошқалар.

4) Тоғ системаси, тизмалари ва чўққиларнинг номлари: Тяньшань, Помир-Олой, Қоржантоғ, Писком, Угом, Кўксув, Чоткол, Қурама, Нурота, Оқтоғ, Қоратоғ, Қозоқтов, Томдитов, Овминзатов, Кулжуктов, Бўкантов, Зарафшон, Туркистон, Ҳисор, Кўҳитанг, Боботоғ.

Б) Рельеф кўламига кўра:

1) Макрогеоморфонимлар: тоғ система-ларининг номлари;

2) Мезогеоморфонимлар: тоғ тизмала-рининг номлари;

3) Микрогеоморфонимлар: тоғ чўққилари ва вулқонларнинг номлари.

4. Иқлим билан боғлиқ номлар. Бу гуруҳдаги номларга Сайроб, Боғишамол, Ёмғир, Қорёғди ва бошқалар киради.

5. Сув объектлари билан боғлиқ номлар(гидронимлар).

1) дарёлар ва йирик ирмоқларининг номлари (потамонимлар);

2) кўлларнинг номлари (лимнонимлар);

3) сув омборларининг номлари.

6. Ўсимликлар билан боғлиқ географик номлар (фитонимлар). Бунга Чинор, Кескантерак, Кўктерак, Яккатут, Мингчинор ва бошқалар мисол бўлади.

7. Ҳайвонот олами билан боғлиқ географик номлар (зоонимлар). Ҳазалкент, Боғистон, Сўқок, Туятортар, Қурбақобод ва бошқалар шу турга киради.

8. Фойдали қазилмалар ва тоғ жинслари билан боғлиқ номларга Кумушкон, Заркент, Олтинкон, Зарафшон, Газли ва бошқалар киради.

Кўриниб турибдики, географик номларнинг келиб чиқишига кўра турлари ичида жойнинг табиий географик хусусиятларини акс эттирувчи номлар гуруҳи алоҳида ўрин тутади. Ана шундай жой номларини ўрганиш, тадқиқ этиш мамлакатимиз ҳудуди табиатини ўтмишда қандай бўлганлиги, табиат компонентларининг ўзгариши, муайян ҳудудда ландшафт кўриниши қандай бўлганлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини яратади.

Адабиётлар:

1. “Географик объектларнинг номлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. –Тошкент, 2011 йил 12 октябрь. № ЎРҚ – 303 (*Халқ сўзи газетасининг 2011 йил 13 октябрдаги № 198 (5365) сон*).

2. «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги № 295 сонли қарори.

3. Zokirov Sh. S., Toshov X.R. Landshaftshunoslik. –Т.: “Dizayn-press”, 2013.

4. Зокиров Ш.С. Кичик ҳудудлар табиий географияси. –Т.: Университет, 1999.

5. G'ulomov P.N.Mirakmllov M.T. Toponimika va geografik terminshunoslik. - Т., 2005.

Миракмалов М.Т., Садыкова М.А.
ФИЗИКО-ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ТОПОНИМИКИ

Резюме

В данной статье рассматриваются физико-географические аспекты изучения топонимов, а также классификация географических названий с учётом физико-географических особенностей конкретной территории.

Mirakmalov M.T., Sadikova M.A.
PHYSICAL-GEOGRAPHIC ASPECTS OF TOPONYMY

Resume

In the current article reviewed physical-geographical aspects of studying of toponymies, also, classification of geographical names with account physical-geographical specification of given study area.

Тавсия этувчи:

доц. Фуломов П.Н.

**ТОПОНИМИКАДА РАНГЛАРНИНГ ТАЛҚИНИ ВА УЛАРНИНГ ТУРКИЙ ТИЛЛАРДАГИ
ТАРҚАЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Разаков А.

Таянч сўзлар ва иборалар: топонимлар, “рангли” топонимлар, топонимика, Ҳамдўстлик мамлакатлари, оқ ранглар, қора ранглар.

Топонимика географик жой номлари бўлиб, география фанининг ушбу йўналиши бўйича бир қанча ўзбек олимлари ҳам бу соҳада ўз хиссаларини қўшишган¹. Айниқса Ўзбекистонда топонимиканинг анча одимлашига сабаб бўлган профессорлар С. Қораев, Ҳ.Ҳасанов, доц. П.Фуломов ва бошқа кўпдан-кўп жонкуярларни ҳурмат билан тилга оламиз. Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, кўпчилик ҳолларда тадқиқотчилар фақатгина топонимларнинг маъносини айтиш билангина чекланиб қоладилар, лекин уларнинг ер юзида тақсимланиши, ареаллари, уларнинг салмоғи ҳақида деярли маълумот учрамайди. Айниқса бу нарса атрофимизда тез-тез учраб турадиган “рангли” топонимларга ҳам тегишли. Шундан келиб чиқиб, қолаверса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил қарорига асосан топонимикани ўрганишнинг долзарблигини ҳисобга олиб, ушбу йўналишда ҳам тадқиқотлар олиб борилиши муҳимдир. Ушбу мақола топонимиканинг таркибий қисми бўлган “рангли” топонимларнинг Ҳамдўстлик мамлакатларида тарқалишига бағишланади.

Инсон жамияти пайдо бўлгандан бошлаб у атрофидаги оламга назар ташлаб табиат жисмлари, наботот олами, жонзотлар, ўз жамиятидаги инсонларга ҳам ном беради. Инсон тафаккурида ранглар алоҳида ўрин тутди ва мафкуравий-бадий вазифани бажаради. Шу сабабга биноан биз инсон жамиятида инсон тафаккурида, рухиятида ранглар ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Оқ ранг ҳақида: Дунёвий динларда: Ислон, Христиан, Зардуштийларда оқ ранг энг олий тушунча – нур маъносида келади. Оқ ранг поклик, яхшилик, эзгулик тимсолидир. Туркий халқларда оқ соқоллик донолик рамзидир.

Қора ранг ҳақида: Қора рангнинг икки хил талқини бор: 1. Буюк, қудратли, кучли; бой каби ижобий маънода келади. 2. Туркий халқлар Ислон динини қабул қила бошлагач ушбу ранг тўғрисида тасаввур кескин ўзгарди ва салбий сифат кўринишини олди. Бунга сабаб дунёвий динларда қора ранг ёмонлик, зулмат тимсолидир.

Сариқ ранг ҳақида: Ўрта асрларда шарқ мамлакатларида сариқ ранг касаллик, кексалик, машаққат тимсоли бўлган (Юсуф Хос Ҳожиб, Қутадғу билиг) туркий кўчманчи халқларда сариқ ранг кўчманчиларнинг ташлаб кетган ўтсиз ери “Сари” дейилган. (Юдахин К.К. Қирғизча-русча луғат, 138 бет)

Қизил ранг ҳақида: Ўрта асрларда туркий халқларда қизил юзли киши шодлик ва ёшлик, саломатлик рамзидир (Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг). Туркий халқларда қизил ранг хотин-қизларнинг рамзи ҳамда улар кийимининг рангидир.

Кўк ранг ҳақида: Шарқ мамлакатларида, туркий халқларда кўк ранг чуқур фалсафий маънога эга. У кўк осмон, кўк Тангрини ифодалайди.

Яшил ранг ҳақида: Ислон дунёсида яшил ранг муқаддас ҳисобланган ва у Ислоннинг яшил байроғини англатади. Ундан ташқари, у табиат, водий, ҳаёт ва инсон оромининг ҳам рамзидир.

Қўнғир ранг: Қўнғир ранг омад, даромад рамзи бўлган.

Ола ранг ҳақида: Ушбу ранг Қора рангнинг синоними ҳисобланади ва иккисининг мазмуни бир хилдир (С. Қораев. Географик номлар маъноси)

“Рангли” топонимларни ўрганиш услуби
“Рангли” топонимлардан фойдаланамиз ва уларни қуйидаги символ, индекслар орқали ифодалаймиз:

1. Республика, автоном республика, ўлка, вилоят, туман каби маъмурий бўлинма, қисқача қилиб “Худуд” майдони S минг квадрат километр

¹ Ушбу мақола мазмунининг баъзи бир жойлари мунозарали – Таҳририят.

ҳисобда.

2. Худуддаги топонимлар сони Т. Булар урбонимлар (аҳоли яшаш жойлари), масалан, шаҳар, қишлоқ номи бўлиши мумкин. Бошқа топонимлар: гидроним (кўл, дарёлар, денгизлар), ороним (рельеф шакллари) камроқ тарқалгандир.

$$3. \text{Топонимлар зичлиги } Z = \frac{T}{S}$$

$$4. \text{“Рангли” топонимлар сони } t \quad N = \frac{T}{S}$$

5. “Рангли” топонимлар зичлиги

6. “Рангли” топонимлар улуши

$$\frac{\%R}{\Sigma R} = \frac{t : Et \cdot 100}{t : T \cdot 100}$$

Мисол учун Ўзбекистонда 14 рангли топоним (t) ни Ҳамдўстлик мамлакатлари бўйича $\Sigma t=195$ га бўлиб, 100 га кўпайтириб 7,18% ҳосил бўлади.

7. “Рангли” топонимларнинг

$$C=C7+C2\dots C8=0,528+0,0173+0,0051+0,0548+0,0137+0,0616=0,6805$$

Туркий тиллардаги “рангли” топонимларнинг Ҳамдўстлик мамлакатларида тақсимланиши. Ҳамдўстлик мамлакатларида Туркий халқлар азалдан яшаб келганлари учун бу ерда Туркий тиллардаги топонимлар ва шу жумладан “рангли” топонимларнинг кўпайиб учраши табиий ҳолдир. Ушбу ҳудуд асосан собиқ СССРнинг 9 та республикасини камраб олади. Фақатгина Болтиқбўйи республикалари (Латвия, Литва, Эстония), Беларусъ, Молдова, Арманистон

$$\text{республикадаги улуши } \frac{\%R}{\Sigma R} = \frac{t : Et \cdot 100}{t : T \cdot 100}$$

t=14; T=199

8. Худуддаги рангли топонимларнинг салмоғи ва сифат кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида бир неча вариантлар кўриб чиқилган, ниҳоят муаллиф томонидан қуйидаги формула таклиф этилади:

$$\tilde{N} = \frac{(t_1 \div 8)^3}{\Sigma t \div 8 \cdot \Sigma t \cdot S} \cdot 10^4$$

Мисол тарикасида Ўзбекистон бўйича “Қора” рангли топонимлар салмоғи C_1 ни топиш:

$$\tilde{N}_1 = \frac{(t_1)^3 \cdot 10^4}{\Sigma t_1 \cdot \Sigma t \cdot S} = \frac{7^3 \cdot 10^4}{80 \cdot 195 \cdot 416,2} = 0,528$$

Шу усулда бошқа “рангли” салмоғи аниқлангач уларни кўшиб чиқамиз ва республика бўйича салмоғини ҳосил қиламиз:

бундан мустасно. Рангли атамаларнинг тарқалган ерлари Россия Федерациясининг Оренбург, Волгоград, Ростов, Челябинск, Новосибирск, Перм областларида, Чечен, Ингушетия, Доғистон, Татаристон, Удмуртия, Тува, Ёкутистон; Красноярск ўлкасидаги Хакас автоном вилояти; Қозоғистоннинг эса барча вилоятларидир. Ундан ташқари, Грузия, Озарбайжон, Туркменистон, Тожикистон, Украина, Ўзбекистон, Қирғизистонда тарқалган.

1-жадвал

“Рангли” топонимларнинг Ҳамдўстлик мамлакатлари бўйлаб тақсимланиши

Республика	S	T	Z	t	n	% $\frac{\Sigma R}{R}$	t1	t2	T3	T4	T5	T6	T7	T8
	Майдони миң кв.км.	Топонимлар сони	Топоним зичлиги	Рангли топонимлар сони	Рангли топонимлар зичлиги	Фоиз: nisбий мутлак	Қора	Оқ	Сариқ	Қизил	Кўк	Кўнғир	Яшил	Ола
Грузия	69.7	122	1.75	2	0.029	$\frac{1.0}{1.64}$		2						
Озарбайжон	86.6	240	2.77	8	0.092	$\frac{4.1}{3.33}$	3	4			1			
Россия Ф.	$\frac{17075.4}{8230.6}$	$\frac{4747}{1404}$	$\frac{0.28}{0.17}$	56	$\frac{0.0033}{0.0068}$	$\frac{28.7}{3.98}$	23	17	8	7		1		
Тожикистон	143.1	85	0.59	5	0.035	$\frac{2.56}{5.88}$	4						1	
Туркменистон	488.1	116	0.24	9	0.0184	$\frac{4.62}{7.76}$	7		1	1				
Украина	$\frac{603.7}{416.2}$	$\frac{1766}{136}$	$\frac{2.93}{2.29}$	3	0.005	$\frac{1.54}{12.5}$	1	1	1					
Ўзбекистон	$\frac{449.6}{416.2}$	$\frac{232}{199}$	$\frac{0.52}{0.49}$	14	$\frac{0.031}{0.0336}$	$\frac{7.18}{7.04}$	7	2	1	2	1	1		
Қирғизистон	198.5	79	0.39	21	0.106	$\frac{10.77}{26.58}$	6	3	3	3	4			2
Қозоғистон	2715.1	416	0.15	77	0.0284	$\frac{39.49}{18.51}$	29	28	10	5	3			2
Жами:	$\frac{21829.8}{12408.2}$	$\frac{7803}{2795}$	$\frac{0.36}{0.23}$	195	$\frac{0.009}{0.0157}$	100	80	57	24	18	9	2	1	4

9 та республикада 8752 та топоним мавжуд бўлган, булар асосан урбонимлар (шаҳар,

посёлк), қисман гидронимлар ва айрим темир йўл станция номларидир. Ушбу топонимларнинг 195 таси (2,2%) Туркий тилдаги “Рангли” топонимлардир. Мисол тариқасида оқ атамалар ичида 3 та Акбулак, 3 та Акжар, 6 та Аккол (оқ+кўл), 4 та Аксай, 14 та Аксу (Ахсу), 3 та Акташ; “Қора” топонимлардан 4 та Қорабулок, 8 та Қоракол (Қоракўл), 6 та Қорасув; 3 та “Сариқ” ва бошқалар бўлган. Улар фақатгина кўл,

дарёгина эмас, айримлари шаҳар, посёлка номлари ҳамдир.

Хулоса. Ҳамдўстлик мамлакатларида: жами 195 топоним бу ерда ҳам аксарияти – “қора” – 80 та (41 фоиз); “оқ” – 57 та (29.2 фоиз); “сариқ” – 24 та (12,3 фоиз); “қизил” – 18 та (9.2 фоиз); “кўк” – 9 та (4,62 фоиз); “ола” – 4 та (2,1 фоиз); “қўнғир” – 2 та (1,0 фоиз); “яшил” 1 та (0.5 фоиз).

2-жадвал

Ҳамдўстлик мамлакатларида “рангли” топонимлар салмоғининг кўрсаткич рақамлари

	Қора С1	Оқ С2	Сариқ С3	Қизил С4	Кўк С5	Қўнғир С6	Яшил С7	Ола С8	Республика бўйича * С
Грузия		0.0103							0.0103
Озарбайжон	0.19986				0.066				0.26586
Россия Фед.	0.9476	0.537	0.133	0.119		0.0007			1.7373
Тожикистон	0.287						0.358		0.645
Туркменистон	0.45		0.0044	0.0058					0.46024
Украина	0.0106	0.0149	0.0354						0.0609
Ўзбекистон	0.528	0.0173	0.0051	0.0548	0.0137	0.0616			0.6805
Қирғизистон	0.6975	0.1224	0.2906	0.3875	1.837			0.5167	4.5322
Қозоғистон	5.758	7.2741	0.7869	0.1312	0.0567			0.0756	14.0825
Ҳамдўстлик мамлакатлари бўйича	8.8785	8.0687	1.2554	0.6983	1.9734	0.0623	0.358	0.5923	22.5675
									21.8869

“Рангли” топонимларнинг салмоғи бўйича эса Ҳамдўстлик мамлакатларида биринчи ўринни Қозоғистон, иккинчи ўринни Қирғизистон, учинчи ўринни Россия Федерацияси эгаллайди.

Муаллиф томонидан топонимлар салмоғини аниқлаш учун ишлаб чиқарилган формула (С) бошқа топонимия объектларида ҳам қўлланилишини тавсия этиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Административно-территориальное деление, 1967. – М., 1967.
2. Атлас автомобильных дорог СССР. Главное управление геодезии и картографии при СМ СССР. Административное деление дано на июнь 1971г. Редактор Н.Т.Маркова. – М., 1973.
3. Қораев С. Географик номлар маъноси. – Т.: “Ўзбекистон”, 1978.

Разаков А.

ЦВЕТНЫЕ ТОПОНИМЫ И ОСОБЕННОСТИ ИХ РАСПРЕДЕЛЕНИЯ В ТЮРКОЯЗЫЧНЫХ СТРАНАХ

Резюме

В настоящей статье рассматривается распределение «Цветных» топонимов тюркского происхождения на территории странах Содружества.

Razakov A.

COLORFUL TOPONYMY AND SPECIFICATION OF THEIR DISTRIBUTION IN TURK LANGUAGE REGIONS

Resume

In the current paper reviewed distribution of “Colorful” toponymy Turk origin on the territory of Commonwealth of Independent States

Тавсия этувчи:

доц. Фуломов П.Н.

ЗАРАФШОН ДАРЁСИ ОҚИМИНИНГ ЙИЛЛАРАРО ТЕБРАНИШИ ВА УНГА МЕТЕОРОЛОГИК ОМИЛЛАРНИНГ ТАЪСИРИ ҲАҚИДА

Ҳикматов Ф.Х., Ҳайдаров С.А., Эрланасов Н.Б.

Таянч сўзлар ва иборалар: дарё, дарё оқими, оқимнинг йиллараро тебраниши, метеорологик омиллар, ҳаво ҳарорати, статистик баҳолаш, регрессия тенгламаси, кузатишлардаги узилишларни тиклаш, гидрологик қаторни узайтириш.

Кириш. Мамлакатимиз ҳудудида экин майдонларини суғоришда ишлатиладиган сувнинг асосий қисми кўшни давлатлар – Қирғизистон ва Тожикистон республикалари ҳудудидан бошланувчи трансчегаравий дарёлар ҳисобига тўғри келади. Бу ҳолат нафақат Республикамизда, балки региондаги асосий сув истеъмолчилари бўлган кўшни давлатлар, жумладан Туркменистон ва Қозоғистонда ҳам сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тизимини ҳозирги кун талабларига мос ҳолда ташкил этишни тақозо этади.

Река	F, км ²	$i_{\text{бас}}$	D, км/км ²	Z, км	$Q_{\text{факт}}$, м ³ /с	C_v	C_s	$\bar{Q}_{\text{выч}}$, м ³ /с	$\Delta \bar{Q}_{\text{max}}$, %
Алтынбельсай	39.1	0.300	0.87	1.66	10.3	1.25	2.09	11.8	-14.8
Паркентсай	39.7	0.430	0.43	1.98	24.9	0.94	2.53	24.9	0.1
Наугарзан	92.8	0.530	0.75	1.85	21.1	0.62	0.37	20.8	1.4
Наувалисай	98.0	0.530	0.70	1.65	15.1	0.53	0.8	15.7	-3.9
Ургутсай	25.1	0.420	0.80	1.67	4.89	0.95	2.1	3.19	34.8
Аманкутансай	57.8	0.303	0.85	1.58	18.5	1.17	3.63	17.6	5.1

Отметим, наконец, что точность расчетов \bar{Q}_{max} по морфометрическим параметрам водосборов можно считать удовлетворительной при сравнении ее с точностью расчетов по конкретным рядам наблюдений. В дальнейшем, для расчета максимумов различной обеспеченности нами получены связи коэффициентов вариации и асимметрии их от площади водосбора. Здесь надо отметить, что

поиск связи этих показателей с традиционной характеристикой горного водосбора – средней высотой бассейна не дал положительного результата, что, видимо, можно объяснить малым диапазоном высот исследуемых речных бассейнов от 1,38 км (Каранкульсай) до 1,98 км (Паркентсай). Связи коэффициентов вариации и асимметрии от площади водосбора приведены на (рис. 1).




Рис. 1. Связь коэффициентов вариации (1) и асимметрии (2) средних значений максимальных расходов паводков с площадью бассейна

Как и следовало ожидать, получены обратные связи статистических характеристик с

площадью бассейна:

$$C_v = 5,48 \cdot F^{-0,47} \quad (2)$$

и

$$C_s = 124 \cdot F^{-1,11} \quad (3)$$

Также получена линейная связь между коэффициентами C_v и C_s :

$$C_s = 3,39 \cdot C_v - 1,16, \quad (4)$$

коэффициент корреляции связи $r = 0,82$. Таким образом, на основании выполненной

проработки по расчету максимальных расходов паводков можно выделить следующие моменты:

1. От правильного выбора водопропускных отверстий зависит не только стоимость сооружений, но и их сохранность (жизнеспособность).

2. Если ниже гидротехнического сооружения местность достаточно густо заселена, то проблема расчета максимального расхода воды из рамок экономики перерастает в проблему безопасности населения [4].

3. В расчетах максимальных расходов паводков следует учитывать исторические максимумы, в том числе селевые максимумы [2].

4. Обоснованием для введения в гидрологические расчеты селевых максимумов

является проверка однородности рядов измеренных на водопосту расходов воды с селевыми расходами, выполненная с помощью χ^2 -критерия.

5. В целом, рассчитанные по показателям морфометрической сети речных бассейнов максимумы дают погрешность вычислений до -15% ÷ +35%.

6. Введение в расчеты селевых максимумов приводит к увеличению всех статистических характеристик рядов максимальных расходов паводков, что уменьшает риск разрушения сооружений селевыми паводками.

Литература:

1. Виноградов Ю.Б. Математическое моделирование процессов формирования стока. - Л.: Гидрометеоздат, 1988.-312 с.
2. Горошков И.Ф. Гидрологические расчеты. - Л.: Гидрометеоздат, 1979.-431 с.
3. Денисов Ю.М. Схема расчета гидрографа стока горных рек. - Л.: Гидрометеоздат, 1965.- 104 с.
4. Крицкий С.Н., Менкель М.Ф. Гидрологические основы управления речным стоком. - М.:»Наука», 1981.- 249 с.
5. Ниязов Р.А. Геологический риск опасных экзогенных процессов Узбекистана // Материалы международного семинара «Геологические риски, оценки и уменьшение». - Ташкент: Гидроингео, 2003.- 181 с.
6. Основные гидрологические характеристики. - Том 14.-Бассейны рек Средней Азии.- Выпуск 3 (бассейн р. Амударья).- Л.: Гидрометеоздат, 1967.-с. 21-26.
7. Основные гидрологические характеристики.- Том 14.- Средняя Азия. - Выпуск 1 (бассейн р. Сырдарья).- Л.: Гидрометеоздат, 1974.-с. 43-48.
8. Пособие по определению расчетных гидрологических характеристик. - Л., 1984.-447 с.
9. Саидов А.М., Зуфаров В.Г. Чрезвычайные ситуации природного и техногенного характера на территории Республики Узбекистан // Материалы международного семинара «Геологические риски, оценки и уменьшение». - Ташкент: Гидроингео, 2003.- 181 с.
10. Смирнов Н.В., Дунин-Барковский И.В. Курс теории вероятностей и математической статистики (для технических приложений). - М.: «Наука», 1965.-с.275-277.
11. Соколовский Д.Л. Речной сток.- Л.: Гидрометеоздат, 1968.-439 с.
12. Чалов Р.С. Русловедение: теория, география, практика.- Том 1 (Русловые процессы: факторы, механизмы, формы проявления и условия формирования речных русел.- М.: Изд-во ЛКИ, 2010.-с.300-301.
13. Чуб В.Е. Изменение климата и его влияние на природно-ресурсный потенциал Республики Узбекистан. - Ташкент: Изд-во НИГМИ Узгидромета, 200.-251 с.
14. Чуб В.Е., Трофимов Г.Н., Меркушкин А.С. Селевые потоки Узбекистана. - Ташкент: Изд-во НИГМИ Узгидромета, 2007.-109 с.

Исакова А.Я., Сагдеев Н.З., Трофимова Ю.Г.

**КИЧИК СУВ ЙИҒИШ МАЙДОНЛАРИНИНГ МОРФОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРИ АСОСИДА
МАКСИМАЛ СУВ САРФЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ**

Резюме

Мақолада наст тоғлардан бошланувчи кичик дарёларнинг морфометрик кўрсаткичлари асосида максимал сув сарфларини ҳисоблаш кўриб чиқилган.

Isakova A.Y., Sagdeyev N.Z., Trofimova Yu.G.

**ESTIMATION OF MAXIMUM WATER OUTLAY BASED ON MORTHOMETRIC INDICATIONS OF
SMALL WATER CATCHMENT REGION**

Resume

In article the question of calculation of the maximum expenses of water according to morphometric characteristics of the small low-mountain rivers is considered.

Рекомендуем:

проф. Хикматов Ф.Х.

О НЕКОТОРЫХ ПОДХОДАХ К ИНТЕГРИРОВАННОМУ УПРАВЛЕНИЮ ВОДНЫМИ РЕСУРСАМИ БАСЕЙНА АМУДАРЬИ

Аденбаев Б.Е., Хайдарова О.А.

Ключевые слова: водные ресурсы, устойчивое развитие, интеграция, трансграничный компонент, гидроэкологическое управление водных ресурсов.

Введение. Вода является основным фактором, обеспечивающим социально-экономическую, политическую и экологическую стабильность во всем Мире, особенно в странах Центральной Азии. Особенность Центрально-азиатского региона заключается в том, что 80 % всех водных ресурсов формируются в верховьях гор на территории Кыргызстана и Таджикистана, а большие площади орошаемых земель - основного водопотребителя региона, расположены на территориях Узбекистана, Туркменистана и Казахстана.

Нынешняя напряженность водохозяйственной обстановки в Центрально-Азиатском регионе, в том числе и в бассейне реки Амударья, особенно в ее низовьях всем известна. Связанная с возрастающим из года в год дефицитом воды, эта напряженность ежегодно приносит огромный ущерб народному хозяйству странам региона. Это в свою очередь, требует применения новых подходов к управлению водными ресурсами региона и в том числе стоком реки Амударья.

Как показал мировой опыт, улучшение управления и повышение его эффективности может быть достигнуто методами интегрированного управления водными ресурсами (ИУВР).

Степень изученности проблемы. Интегрированное управление водными ресурсами приобретает все большую известность и постепенно находит своё прикладное воплощение в практике водного хозяйства Центральной Азии. Основной целью ИУВР является достижение взаимосогласованного действия в управлении всеми видами водных ресурсов в пределах гидрографических границ, а также её охраны, благодаря которым обеспечиваются требования всех потребителей воды. Основные теоретические и практические вопросы ИУВР в бассейне Аральского моря отражены в работах В.А.Духовного, И.В.Соколова, Г.М.Хорста, Е.Курбанбаева и других.

Целью данной работы является сопоставительное рассмотрение некоторых подходов к интегрированному управлению водными ресурсами бассейна Амударья.

Основные результаты и их обсуждение. В настоящие время основные принципы и подходы ИУВР, разработанные в Научно-информационном центре Межгосударственной координационной водохозяйственной комиссии (НИЦ МКВК) под руководством профессора В.А.Духовного, поэтапно внедряются в нашей республике. При этом, данный процесс

происходит с участием соседних государств, при поддержке международных организаций и инвесторов. В качестве примера можно привести региональный проект «ИУВР в Ферганской долине», реализованный совместно со специалистами водохозяйственных организаций Кыргызстана, Таджикистана и Узбекистана при координации со стороны НИЦ МКВК и IWMI, и финансовой поддержке Швейцарского агентства по развитию и сотрудничеству (SDC) [2, 4]. Необходимо отметить, что Узбекистан первым из государств Центральной Азии начал разработку и последующее внедрение ИУВР по шаблону «снизу-вверх» по цепочке, т.е. ассоциация водопользователей (АВП), управление ирригационных систем (УИС), бассейновое управление ирригационных систем (БУИС), бассейн реки.

Исходя из этого, можно согласиться с тем, что такой подход, т.е. внедрение ИУВР в низовьях позволит в перспективе снизить непроизводительные потери во всех звеньях водной иерархии на национальных и местных уровнях. Плюс к этому он позволяет повысить продуктивность использования воды, что также отразится на одновременном обеспечении условий для гарантированного водоснабжения всех водопользователей и объектов природы – дельт, ветландов и природного комплекса.

Специфичность проблемы низовьев реки Амударья заключается в наличии социальной и экологической напряженности, в некоторой потере управляемости водными ресурсами, которая наиболее ярко проявляется в экстремально маловодные годы, таких как 2000, 2001 гг. В различных зонах низовий Амударья к настоящему времени сложилась своя социально-экономическая и экологическая обстановка. Она во многом обусловлена водохозяйственной деятельностью и последствиями нерационального управления водными ресурсами, особенно в последние 5-10 лет, причем не только в нижних течениях реки Амударья, но и в целом в бассейне Аральского моря. Для ликвидации негативных тенденций потребуется время и внедрение ИУВР на всех уровнях, а также согласованное управление и четкая расстановка приоритетов в направлениях использования водных ресурсов.

По нашему мнению при разработке ИУВР в Приаралье необходимо учитывать следующие основные социально-экономические проблемы, которые особо проявились в низовьях реки Амударья:

- резкое падение продуктивности сельскохозяйственного производства из-за

дефицита воды;

- усилившееся влияние ухудшения экологической обстановки на состояние сельскохозяйственных земель, рыбных промыслов и водно-болотных угодий;

- резкое усиление влияния маловодных лет на природу и, в целом, социально-экономическую ситуацию в Приаралье.

Кроме вышеизложенного, при внедрении ИУВР в низовьях реки Амударья появляется новый компонент – управление трансграничными водами, в частности:

- юридические основы гарантированного управления водными ресурсами реки Амударья;
- порядок управления трансграничными коллекторно-дренажными водами и качеством воды в реках;
- определение параметров водodelения в

нижнем и среднем течениях реки Амударья;

• стабильность водообеспечения с учетом нужд природного комплекса;

• справедливое и равномерное распределение водных ресурсов на всех иерархических уровнях водохозяйственных структур;

• равномерная и справедливая водоподача всем категориям водопотребителей и водопользователей;

• решения части социальных проблем, связанных со справедливым обеспечением водой и, в первую очередь, питьевой.

В целом, вопросы интегрированного управления водными ресурсами бассейна Амударья, особенно в ее низовьях, требуют дальнейших обстоятельных исследований по данной проблеме.

Литература:

1. Аденбаев Б.Е., Курбаниязов А.К., Умаров А.З. Проблемы использования водных ресурсов трансграничных рек бассейна Амударья // Известия Географического общества Узбекистана, 43 том. – Ташкент, 2014.
2. Духовный В.А., Сорокин В.И. Основные положения концепции интегрированного управления и рационального использования водных ресурсов Республики Узбекистан // Сб. научных трудов НИЦ МКВК. – Ташкент, 2006.
3. Курбанбаев Е.К., Артыков О., Курбанбаев С.Е. Интегрированное управление водными ресурсами в дельте реки Амударья. – Ташкент: «НИЦ МКВК», 2010.
4. Хорст М.Г., Мирзаев Н.Н., Стулина Г.В. Пути водосбережения (итоги работ по проекту WUFMAS проекта WARMAP-2 (Tasis) и подкомпоненту А-2 проекта GEF «Управление водными ресурсами и окружающей средой бассейна Аральского моря», НИЦ МКВК – IWMI. – Ташкент, 2001.

Аденбаев Б.Е., Хайдарова О.А.

АМУДАРЁ ҲАВЗАСИ СУВ РЕСУРСЛАРИНИ ИНТЕГРАЛЛАШГАН ҲОЛДА БОШҚАРИШГА БАЪЗИ ЁНДАШИШЛАР ТЎҒРИСИДА

Резюме

Мақолада Амударё ҳавзасида, аниқроғи унинг куйи қисмида сув ресурсларини интеграллашган ҳолда бошқаришга ёндашиш масалалари кўриб чиқилади.

Adenbayev B.E., Haydarova O.A.

ABOUT SOME APPROACHES TO INTEGRATED MANAGEMENT OF WATER RESOURCES OF THE AMUDARYA BASIN

Resume

In the article reviewed approaches to integrated management of water resources of the Amudarya basin.

Рекомендуем:

проф. Хикматов Ф.Х.

АНТРОПОГЕН ОМИЛЛАР ТАЪСИРИДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ЛАНДШАФТЛАРИДА СУВ СИФАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Рахматуллаев А., Равшанов А.

Таянч сўзлар: *ландшафт, грунт сувлари, артезиан сувлари, сувнинг минераллашуви, сувнинг қаттиқлиги, гидрохимёвий таҳлил, сув сифати, аҳоли саломатлиги.*

Кириш. Инсон хўжалик фаолиятининг таъсири туфайли ландшафтларда турли даражадаги ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бу айниқса суғориладиган ерларда кучли намоён бўлиб тупроқларда шўрланиш, кашшоқланиш, ер усти ва ер ости сувларида сифат ўзгаришларни келтириб чиқармоқда. Самарқанд вилоятининг Зарафшон водийси ерлари тўлиқ суғорма деҳқончиликда фойдаланилади ва куйидаги

иккита катта воҳаларга бўлинади: Самарқанд ва Каттакўрғон. Ҳар иккала воҳада суғорма деҳқончилик бундан 4000 йилдан олдин ривожлана бошлаган. Воҳаларда аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² ерга 300-350 кишига тўғри келади. Аҳоли сонининг ошиши, шаҳарларнинг кўпайиши, ердан интенсив фойдаланишнинг кўпайиши, деҳқончиликда минерал ўғитлар, захарли кимёвий моддаларнинг кўп ишлатилиши

воҳаларда тупроқларнинг, ер усти ва ер ости сувларининг ифлосланишини кучайтирмоқда.

Ўтган асрнинг 70-80 йилларидан бошлаб, тоғ олди текисликларига ҳам канал, ариқлар қазилиб, суғорма деҳқончилик учун ерлар ўзлаштирила бошланди. Бу ҳам, ўз навбатида, ётқизиклар ва тупроқ таркибидаги тузларнинг кўчишига туртки бўлди ва грунт сувлар сатҳи кўтарилиб, уларнинг шўрлиги ошди. Сув сифатидаги ўзгаришларни билиш учун турли ландшафтлардан сув намуналари олиниб, улар кимёвий таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг **мақсади** Самарқанд вилоятида истеъмолда фойдаланилаётган сувларнинг минераллашув даражаси, қаттиқлиги, асосий анионлар ва катионлар миқдорини кимёвий таҳлил йўли билан текшириб кўришдан иборат. Бундай ландшафт-гидрокимёвий тадқиқот ишлар вилоят ҳудудида биринчи бор бажарилмоқда. Тадқиқотнинг долзарблиги шундан иборатки, таркибида тузлар миқдори катта сувларни узоқ вақт давомида истеъмол қилиш турли хил касалликларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Шу жиҳатдан ушбу тадқиқот натижалари келажакда тиббий географик тадқиқот ишлари учун илмий асос вазифасини бажариши мумкин.

Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Самарқанд вилояти ҳудудини ландшафтларга бўлишда геологик-геоморфологик принципларга асосланилди. Ландшафт атамаси тушунчасида муаллифлар С.В.Калесник, Н.А.Солнцев, К.И.Геренчук, И.И.Мамай ва бошқа географлар сингари регионал тушунча тарафдорлари фикрларига қўшилади. Шу тушунчага асосланилган ҳолда, Самарқанд вилоятининг ландшафт картаси тузилди. Картада бўлинган ландшафтлар олти гуруҳга ажратилди ва улар ранглар ёрдамида ландшафт картасида кўрсатилди. Булар қуйидагилардан иборат: 1) ўртача баландликдаги тоғлар; 2) паст тоғлар; 3) тоғ олди текисликлари; 4) тоғлар орасидаги ботиклар; 5) текис чўллалар; 6) водийлар. Бу ландшафтлар табиий шароити, генезиси бўйича бир-бирларидан кескин фарқ қилувчи йирик табиий географик комплекслардир. Ичимлик сув сифатини билиш мақсадида ушбу ландшафтлардан олтимишга яқин сув намуналари олиниб, улар кимёвий таҳлил қилинади. Картада булоқ сувлари, грунт сувлари (қудуқ), артезиан сувлар, дарё ва канал сувлари алоҳида шартли белгилар билан берилди. Тоғлардаги булоқ сувлари тозаллиги туфайли таққослаш учун олинди, лекин уларнинг сони кўп эмас. Худди шунингдек, Дарғом каналидан ҳам сув таққослаш учун олинди. Энг кўп сув намунаси грунт (қудуқ) сувлари ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, Зарафшон водийсида инсон хўжалик фаолиятининг таъсири, биринчи навбатда, грунт сувларида билинади. Иккинчидан, аҳолининг катта қисми истеъмол учун артезиан сувларидан фойдалансада, кўп ҳолларда грунт сувларини ҳам кундалик ҳаётда ва истеъмолда кўп ишлатишади.

Сон жиҳатдан артезиан сувларидан олинган намуналар сони қудуқ сувларидан кейинги ўринда туради. Артезиан сувлари намуналари ҳам грунт сувлар билан таққослаш мақсадида олинди.

Ҳамма олинган сувларнинг минераллашиш даражаси, сув қаттиқлиги, водород кўрсаткичи, асосий катионлар (кальций, магний, натрий, калий) ва анионлар (карбонатлар, гидрокарбонатлар, сульфатлар, хлоридлар) лабораторияда аниқланди. Кимёвий таҳлил ишлари Самарқанд давлат университетининг “Микроэлементлар лабораторияси”да бажарилди.

Сувларнинг минераллашиш даражаси картада устунчалар ёрдамида кўрсатилди ва 1 см баландликдаги устунча 1000 мг/л га тенг деб белгиланди. Бу (Ўзбекистон давлат стандарти: ичимлик суви, 2000) сув минераллашиш даражасининг меъёри ҳисобланади. Аниқ кўриниш учун булоқ, қудуқ (грунт), артезиан, канал ва Зарафшон дарёси сувлари турли рангдаги устунчалар ёрдамида кўрсатилди. Зарафшон дарёси сувининг минераллашиш даражаси “Ўзгидромет” маълумотлари асосида берилди.

Сувларнинг минераллашиш даражаси тоғ ландшафтларида 250-500 мг/л ни ташкил қилади. Тоғ олди текисликларидаги булоқларда бу кўрсаткич 700-800 мг/л га кўтарилади. Самарқанд воҳасининг шарқий қисмида қудуқ сувларида сувнинг минераллашиш даражаси 800-1100 мг/л бўлиб, борган сари ошиб боради. Самарқанд шаҳри меридианидан ғарбда жойлашган Даҳбед қишлоғида 1100 мг/л, Челак шаҳрида 1800 мг/л, Лойиш шаҳрида 1400, Иштихон шаҳрида ва туманида 1600-2000 мг/л га кўтарилади. Самарқанд воҳасида артезиан сувлардаги тузлар миқдори РЭМ дан, яъни 1000 мг/л дан ошмайди.

Ўрта Зарафшоннинг қуйи қисмида жойлашган Каттакўрғон воҳа ландшафтида грунт сувлар (қудуқ) нинг минераллашиш даражаси кескин кўтарилади ва 3000-4000 мг/л га етади. Бунинг бир нечта сабаблари бор. Биринчидан, Каттакўрғон воҳасини жануб томондан ўраб турган Зирабулоқ ва Зиёвутдин тоғларининг тоғ олди текисликларида палеоген даврга хос гипсли оҳақтошли қатламлар ер юзасига яқин жойлашган. Тоғ олди текисликларига канал орқали сув чиқарилиб, ерларни суғорма деҳқончиликда ўзлаштиришлар тузларнинг эриши ва Зарафшон дарёси томон кўчишини кучайтирди. Иккинчидан, Хатирчи шаҳрининг жанубида, Оқдарё ва Қорадарё қўшилган жойдан бошлаб, дарё қиялиги кескин камаяди ва сув секин оқади. Шу ҳудудда илгари катта тўқайзор ва ботқоқлашган ерлар кўп эди. Учинчидан, Ўрта Зарафшоннинг юқори қисмидан ер усти ва ер ости сувлари билан келадиган турли тузлар ва бошқа кимёвий моддаларнинг бир қисми ушбу транзит зонада қолади. Ана шу ҳолатлар грунт сувлардаги тузлар миқдорини РЭМ дан 3,0 - 4,0 маротаба ошишига сабаб бўлади. Артезиан сувларда ҳам тузлар миқдори меъёридан 1,5-2,8 баравар ортиқлиги қайд қилинган. Шу туфайли

хам Оқтош шаҳрида баъзи оилалар истеъмол учун машиналар билан ташиб келтирилган сувдан фойдаланишади.

Тоғлар орасидаги ботикда жойлашган Улус ландшафтининг шимолий қисмларига ўтган асрнинг 60-йилларида Эски Анхор каналдан (Зарафшон дарёси суви) сув келтириб, пахта ва бошқа экинлар экилиб, суғорма деҳқончилик ривожлантирилди. Ариқларда сув келтирилганига қадар қишлоқ аҳолиси чорвачилик билан шуғулланган ва истеъмол учун қудуқ сувларидан фойдаланишган. Қудуқ сувлари, асосан, чучук ва тоза бўлган. Маҳаллий аҳоли маълумотлари бўйича қишлоқ атрофларига пахта экилгач бир неча йил ичида қудуқ сувларининг сатҳи кўтарилди ва уларда сувнинг шўрлиги ошди. Қирлар ўртасида пастликлардаги қудуқ сувлари ичишга яроқсиз ҳолга келди. Пастликлардаги аҳоли уйларда захлаш кучайиб кетди, натижада кўпчилик оилалар уйлари қирликларга кўчириб ўтказди. Ушбу қишлоқ қудуқларининг 8 тасидан сув намуналари олиниб, минераллашиш даражаси аниқланди. Барча қудуқларда сувнинг минераллашиш даражаси 1500 мг/л дан 3500 мг/г гача етади. Артезиан қудуқ ишламай қолган пайтлари қишлоқ аҳолиси ушбу қудуқ сувларидан истеъмолда фойдаланишади.

Тоғ олди текислик ва тоғлар орасидаги ботикларда суғорма деҳқончилик ривожланган ҳамма жойларда грунт сувлари сатҳи кўтарилиб сув шўрлиги ошиб кетган. Бошқудуқ қишлоғини шундай жойлар учун мисол тариқасида келтирдик.

Сув қаттиклиги сувдаги кальций ва магний ионларнинг миқдори билан баҳоланади ва меъёр 7 мг-экв/л қийматда белгиланган. Тоғлардаги булоқ сувлари асосан юмшоқ сувлар бўлиб, уларда сув қаттиклиги 4-6 мг-экв/л ни ташкил қилади. Воҳа ландшафтларидаги қудуқлар сувининг қаттиклиги деярли ҳамма ҳудудларда меъёрдан ортиқ. Ўрта Зарафшоннинг шарқий қисмида сув қаттиклиги меъёрдан 1,2 баравардан 2 бараваргача ортади. Ғарбга томон сув қаттиклиги яна кўтарилади ва Челак шаҳрида 2,5, Иштихонда 2,8 баравар ортиши қайд қилинди. Самарқанд воҳасида артезиан сувларида сув қаттиклиги меъёрда ва баъзан меъёрдан 1,2-1,3 баравар кўтарилади.

Водийнинг ғарбий қисмида, Каттақўрғон воҳасида, сув қаттиқлик даражаси РЭМга нисбатан 4-6 баравар кўплиги аниқланди. Бу ҳудудда артезиан сувларининг қаттиклиги грунт сувларига нисбатан анча кам, лекин РЭМ га нисбатан 1,5-4,0 баробар катта. Бунинг сабаби тузли ётқизикларнинг ер юзига яқин ётиши билан боғлиқ.

Улус чўлидаги янги ўзлаштирилган Бошқудуқ қишлоғи қудуқларида ҳам сув қаттиклиги 15-25 мг-экв/л га кўтарилган. Бу ётқизиклар таркибида кальций ва магний тузларининг кўплиги ҳамда уларнинг ер ости сувлари билан кўчиб юришига боғлиқ.

Ўрта Зарафшоннинг Самарқанд

воҳасидаги қудуқ сувларида кальций ионининг миқдори меъёрдан ошганлиги (РЭМ – 180 мг/л) кам кузатилади, лекин магний (РЭМ-40мг/л) баъзи қудуқ сувларида меъёридан 2 баравар ошган. Магний иони миқдорининг кўпайиши сув умумий минерализациясининг катталиги билан боғлиқ, лекин унинг миқдори кальцийнинг миқдоридан ошмайди. Сув минерализациясининг кучайиши билан кальцийнинг ўрнига натрий ионининг миқдори ошиб боради (натрий+калий учун РЭМ 120 мг/л). Бу натрий хлор ва натрий бикорбанат, калий бикорбанат тузларининг нисбатан тез эриши билан боғлиқ (Алекин, 1952). Сульфатларнинг миқдори Самарқанд воҳасида РЭМ дан катта эмас (меъёр – 450-500 мг/л). Лекин, Каттақўрғон воҳасида ва Улус чўлида суғорма деҳқончилик олиб борилаётган ҳудудларда улар меъёрдан биров ошади. Сульфатларнинг сувда кўп бўлмаслигига калций катиони халақит беради, чунки калций сульфатлар билан бирикиб, кийин эрийдиган гипсни ҳосил қилади (Алекин, 1952).

Хлор (меъёр-350 мг/л) анча барқарор ионлардан бўлиб, унинг миқдори натрий ионига боғлиқ. Улар тўйинган ҳолатга етса, эритмадан чўкиб, ош тузи ҳосил бўлади. Агарда сувда натрий кам бўлса, хлорнинг миқдори катта бўлади. Бундай ҳолатни Каттақўрғон воҳасида Нарпой ва Пахтачи туманларининг қудуқларида кўриш мумкин. Буларда хлорнинг миқдори РЭМ дан 2 баробар ошади. Худди шундай ҳолатни Қарноб чўлидаги қудуқ сувида ҳам учрайди. Тоғларда булоқ сувларида хлорнинг миқдори РЭМ га нисбатан ўн баробар кам. Самарқанд воҳасидаги қудуқ сувларида ҳам хлорнинг миқдори РЭМ га етмайди.

Ҳозир республикамининг аҳолиси 31 миллиондан ошди ва аҳолининг 90% дан ортиғи йирик воҳаларда зич яшашади. Шу аҳолининг саломатлиги истеъмолда ишлатилган сув сифатига бевоста боғлиқ. Узоқ вақт гигиеник талабларга жавоб бермайдиган сувларни истеъмол қилиш турли хил касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши фанда исботланган. Шу сабабли ҳам ичимлик сув сифатини таҳлил қилиш ва гидрохимёвий, гидроэкологик карталар тузиш ҳозирги вақт талаб қилаётган география фанининг асосий муаммоларидан бирига айланмоқда. Бундай тадқиқотлар ва карталар аҳоли орасида ичимлик сув билан боғлиқ бўлган касалликларнинг келиб чиқишини аниқлашга ёрдам беради.

Ушбу мақолада сув сифатига оид келтирилган маълумотлар инновация грантини бажариш учун олиб борилган илмий тадқиқотларнинг натижаси ҳисобланади.

Инновация гранти дастури бўйича Самарқанд вилояти ичимлик сув сифатини кўрсатувчи тўрт турдаги карталарни туздик: 1) сувнинг минераллашиш даражаси; 2) сувнинг қаттиқлик даражаси; 3) асосий анионлар ва катионларнинг тарқалиши; 4) сув сифати бўйича районлаштириш. Карталар “Самарқанд вилоят

табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси” да тақдимот қилинди. Кўмита ходимлари карталар ишончли ва янги маълумотлар асосида тузилганлигини, мазмун – моҳияти бўйича ҳозирги талабларга жавоб беришини таъкидлаб, шулар асосида вилоятнинг “Экологик атласи” ни тузиш керак, деган фикрни билдиришди.

Хулоса. Самарқанд водийсида суғориладиган ерларда кўп йиллик инсон хўжалик фаолияти таъсирида грунт сувлари сифатида катта ўзгаришлар рўй берган ва кўп жойларда сувнинг минераллашиш даражаси ва қатқилиги ортиб, ичишга яроқсиз даража етган. Сув сифатидаги ўзгаришлар тоғлардан Зарафшон водийси томон, водийда эса шарқдан ғарбга томон ўзгариб боради. Грунт сувларда сув минераллашуви ва қатқилиги Самарқанд вилоятининг ғарбий қисмида рухсат этилган

меърдан 3-4 барабар ошган. Шундай ҳолат янги ўзлаштирилган тоғ олди текисликларида ҳам кузатилади.

Инсон хўжалик фаолиятнинг ичимлик сув сифатига кўрсатаётган салбий таъсирини камайтириш учун ер усти ва ер ости сувларини ифлословчи манбалар устидан назоратни ва сувни ифлословчи манбаларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий қоидаларни кучайтириш керак.

Грунт сувлар сифатидаги ўзгаришлар динамикасини аниқ билиш учун ҳар уч йилда вилоятдаги истеъмолда ишлатилаётган барча сувларни кимёвий таҳлилдан ўтказиб туриш ва шулар асосида уларнинг ландшафт-гидрокимёвий карталарини тузиш зарур. Вақт давомида бирин - кетин тузилган карталар сув сифатидаги ўзгаришларни яхши кўрсатиб туради.

Адабиётлар:

1. Алекин О.А. Гидрохимия. - Л.: Гидрометеоздат, 1952. - 161 с.
2. Ўзбекистон давлат стандарти. Ичимлик суви (гигиеник талаблар ва сифатини назорат қилиш). - Тошкент, 2000. - 45-б.

Рахматуллаев А., Равшанов А.

ИЗМЕНЕНИЕ КАЧЕСТВА ВОДЫ НА РАЗЛИЧНЫХ ЛАНДШАФТАХ САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ ПОД ВЛИЯНИЕМ АНТРОПОГЕННЫХ ФАКТОРОВ

Резюме

Работа посвящена изучению изменения качества поверхностных и подземных вод на различных ландшафтах Самаркандской области. Особое внимание уделяется анализу антропогенных факторов.

Raxmatullayev A., Ravshanov A.

WATER QUALITY CHANGE IN THE LANDSCAPES OF SAMARKAND REGION UNDER INFLUENCE OF ANTHROPOGENIC FACTORS

Resume

The article is dedicated to investigation of variation of quality of surface water and ground water on different landscapes Samarkand region. Main importance is given to the analysis of anthropogenic influence.

Тавсия этувчи:

проф. Ҳикматов Ф.Х.

АМУДАРЁ ГИДРОЛОГИК РЕЖИМИНИНГ СУВ – ТЕХНИК ИНШООТЛАР ТАЪСИРИДА ЎЗГАРИШИ

Хайдарова О.А.

Таянч сўзлар: Амударё, гидрологик режим, дарё оқими, сув-техник иншоотлар, оқимнинг йиллараро тебраниши, ўзгарувчанлиги, оқимнинг йил давомида тақсимланиши, оқим миқдорининг камайиши.

Кириш. Ўтган XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб Амударё ҳавзасида, асосан пахта етиштиришни кўпайтириш мақсадида, экин майдонлари кенгайтирила бошлади. Ана шу суғориладиган ерларнинг сув таъминотини яхшилаш учун Амударё ўзани ва унинг йирик ирмоқларида катта сизимдаги сув омборлари, улардан сув оладиган каналлар ва бошқа турдаги гидротехник ҳамда сув хўжалиги иншоотлари қурилиши авж олди. Дарёнинг юқори оқимида Норақ, қуйи оқимида Туямўйин сув омборлари, унинг ўрта ва қуйи оқимларида эса йирик ирригация каналлари барпо этилди. Оқибатда Амударё оқими миқдори унинг узунлиги бўйича ва йилдан-йилга узлуксиз камая бошлади. Бу ҳолат дарёнинг табиий гидрологик режимининг кескин ўзгаришига олиб келди. Бир сўз билан айтганда, Амударё оқими ва унинг гидрологик

режими ўтган XX асрнинг ўрталаридан бошлаб, тўлалигича, антропоген омил таъсирига тушиб қолди.

Мазкур муаммога илк эътибор А.И.Шикломанов (1979), Ф.Э.Рубинова (1982, 1986), Ф.Ҳ.Ҳикматов, Б.Е.Аденбаев, Р.А.Ибраев (2008) ва бошқаларнинг тадқиқотларида қаратилган. Масалан, А.И.Шикломанов Амударё оқимининг ўзгаришини Чатли гидрологик пости маълумотлари бўйича баҳолаган. Унинг қайд этишича, ушбу гидрологик постдан юқорида 1930 йилда суғориладиган ерлар майдони 1,4 млн. га бўлса, 1974 йилга келиб, 2,5 млн. гектарга етган. Натижада, унинг ҳисоблашларига кўра, 1966-1974 йилларда Амударё оқими, табиий давр сифатида қабул қилинган 1932 -1958 йилларга нисбатан, ўртача 11,3 км³ га камайган [6].

Шу каби тадқиқотлар Амударё мисолида

Ф.Э.Рубинова томонидан ҳам амалга оширилган [2]. Унинг изланишларида Амударёдаги ҳар бир гидрологик постда қайд этилган кузатиш маълумотлари 4 та ҳисоб даврига бўлинган. Уларнинг барчасида табиий ҳисоб даври 1955 йил билан чегараланган. Қолган учта ҳисоб даври 10 йилликлар бўйича олинган: 1) 1956-1967 йиллар; 2) 1968-1977 йиллар ва 3) 1971-1980 йиллар. Унинг ҳисоблашлари натижаларига кўра, антропоген омил таъсири кучая бошлаган 1-ҳисоб даври (1956-1967) даёқ Амударё оқими микдори Керкида 8 %, Чатлида эса 13 % га камайган. Кейинги ҳисоб даврида эса, Амударё оқими Керкида 17 %, Туямўйинда 20 % ва Чатлида 40 % га камайган. Таъкидлаш лозимки, Ф.Х.Ҳикматов ва Б.Е.Аденбаевлар мазкур масалага бошқача ёндашиб, муаммони нисбатан янги, яъни Амударёда 2006 йилгача кузатилган гидрологик маълумотларни жалб этган ҳолда ўрганганлар [3].

Юқорида эслатиб ўтилган тадқиқотлардан кейинги, қарийб 30 йил давомида, Амударё гидрологик режимида, айниқса, унинг ўрта ва қуйи оқимларида янада сезиларли ўзгаришлар содир бўлди.

Мазкур тадқиқот ишининг *асосий мақсади* Амударё гидрологик режимининг йирик сув иншоотлари таъсирида ўзгарган ҳозирги кундаги ҳолатини баҳолашдан иборат.

Мақсадни амалга ошириш учун ишда қуйидаги *вазифалар* белгиланди ва ўз ечимини топди:

- 1) Амударё оқимининг йил давомида ва йилларо ўзгаришларини ўрганишга имкон берадиган таянч гидрологик постларни танлаш;
- 2) Амударё узунлиги бўйича жойлашган, яъни танлаб олинган гидрологик постларда

кузатилган ойлик ва ўртача йиллик сув сарфлари ҳақидаги маълумотларни тўплаш;

3) танланган гидрологик постлар маълумотлари асосида Амударё гидрологик режимининг ҳозирги ҳолатини баҳолаш.

Ишнинг тадқиқот объекти сифатида Амударё ва унинг гидрологик режимини ўрганиш мақсадида фаолияти йўлга қўйилган Керки, Туямўйин ва Саманбай гидрологик постлари танлаб олинди. Амударё ва унинг ирмоқларида қурилган йирик гидротехник иншоотларнинг Амударё гидрологик режимига таъсирини ўрганиш ва баҳолаш масалалари эса ишнинг тадқиқот предмети ҳисобланади.

Белгиланган мақсадга эришиш учун, тадқиқот жараёнида гидрологик ўхшашлик, географик таққослаш, махсус гидрологик ҳисоблашлар, математик ҳамда статистик таҳлил каби тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб, Амударё оқимини бошқариш ва янги ўзлаштирилаётган ерларни сув билан таъминлаш мақсадида, дарё ўзанида бир қанча йирик гидротехник ва сув хўжалиги иншоотлари қурила бошланди. Ушбу иншоотлар қаторига Норак, Туямўйин сув омборлари ҳамда Тахياتош гидроузели, Қорақум, Қарши, Аму-Бухоро, Пахтаарна, Қизкетган каби йирик магистрал каналлар қиради.

Амударёнинг қуйи, аниқроғи, унинг дельта қисмидаги ерларни суғоришга имкон берадиган каналларни сув билан таъминлашни яхшилаш мақсадида 1966 йили Тахياتош гидроузели қурилиши бошланди. Ушбу гидротехник иншоот 1974 йилда тўлиқ фойдаланишга топширилган.

1-жадвал

Амударёдан сув оладиган йирик каналлар ҳақида маълумотлар

Каналлар номи	Қурилиш босқичи, йиллар	Узунлиги, км	Ўртача сув сарфи, м ³ /с	Суғориш майдони, минг га
Қорақум	I, 1954-59	397	130	33
	II, 1960	535	198	72
	III, 1966-69	837	317	130
	IV, 1971-12	1100	580	424
	V, лойиҳа	1435	1000	
Қарши	1965	177	220	360
Аму-Бухоро	I, 1965	197	100	377
	II, 1976	233	270	390
Тошсақа	1939	100	135	300
Пахтаарна	1928	27,6	90,0	58,7
Ургенчарна	1937	53,5	35,0	9,7
Октябрарна	1933	54,0	133	14,0
Қиличнӣёзбой	1939	20,0	120	8,2
Қизкетган	1935	25,0	380	160

Алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда юқорида санаб ўтилган йирик сув иншоотларидан ташқари, Амударёнинг ўрта ва қуйи оқимларида суғориладиган ерларни сув билан таъминлаш учун ундан 60 дан ортик каналларга сув олинади. Улар орасида, дарёдан унинг ўрта оқимида сув оладиган Қорақум, Қарши ва Аму-Бухоро магистрал каналлари энг йирик ҳисобланади. Амударёнинг қуйи оқимида

эса Тошсақа, Пахтаарна, Қизкетган ва бошқа бир қанча каналлар қурилган бўлиб, вегетация даврида уларга олинадиган сув микдорлари, йилнинг сувлилик даражасига боғлиқ ҳолда, 200 - 350 м³/с атрофида тебраниб туради [1].

Қорақум канали Амударёдан сув оладиган энг йирик канал бўлиб, унинг узунлиги 1100 км га, сув ўтказиш қобилияти эса 500 м³/с дан каттадир (1-жадвал).

Амударё узунлиги бўйича ойлик, мавсумий ва йиллик оқим ҳажмларининг турли ҳисоб даврлари бўйича ўзгариши

Ҳисоб даврлари	Ўртача ойлик оқим ҳажми, км ³										Йил
	I-III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	IV-IX	X-XII		
Керки											
1	6,58	4,47	7,91	10,24	12,45	10,01	5,66	50,74	8,18	65,2	
2	2.1.	5,3	3,91	6,47	9,66	11,19	8,77	4,79	44,79	6,91	56,8
	$\Delta W, \text{км}^3$	-1,28	-0,56	-1,44	-0,58	-1,26	-1,24	-0,87	-5,95	-1,27	-8,4
	W, %	-19,4	-12,5	-18,2	-5,6	-10,1	-12,4	-15,4	-11,7	-15,5	-12,9
	2.2.	4,9	3,08	5,13	7,62	9,81	7,03	3,38	36,05	5,5	46,3
	$\Delta W, \text{км}^3$	-1,68	-1,39	-2,78	-2,62	-2,64	-2,98	-2,28	-14,7	-2,68	-18,9
	W, %	-25,5	-31,1	-35,1	-25,6	-21,2	-29,8	-40,3	-28,9	-32,8	-28,9
	2.3.	5,17	2,55	4,58	6,1	7,64	6,03	2,84	29,74	5,65	40,4
	$\Delta W, \text{км}^3$	-1,41	-1,92	-3,33	-4,14	-4,81	-3,98	-2,82	-21	-2,53	-24,8
	W, %	-21,4	-42,9	-42,1	-40,4	-38,6	-39,7	-49,8	-41,4	-30,9	-38
	2.4.	6,65	2,75	6,52	18,13	9,36	4,89	3,65	45,3	6,32	53,33
	$\Delta W, \text{км}^3$	0,07	-1,72	-1,39	7,89	-3,09	-5,12	-2,01	-5,44	-1,86	-11,8
	W, %	1,1	-38,5	-17,5	77,1	-24,8	-51,1	-35,5	-10,7	-22,7	-18,2
	2.5.	5,28	2,67	4,46	6,04	6,3	4,64	2,38	26,49	4,28	35,79
	$\Delta W, \text{км}^3$	-1,3	-1,8	-3,45	-4,2	-6,15	-5,37	-3,28	-24,2	-3,9	-29,4
	W, %	-19,7	-40,3	-43,6	-41	-49,3	-53,6	-57,9	-47,8	-47,7	-45,1
Туямўйин											
1	5,9	4,3	6,7	9,9	13,5	10,5	5,6	50,5	8,6	64,6	
2.	2.1.	3,83	3,19	5,69	8,36	10	8,29	4,43	39,96	7,08	53,35
	$\Delta W, \text{км}^3$	-2,07	-1,11	-1,01	-1,54	-3,5	-2,21	-1,17	-10,5	-1,52	-11,2
	W, %	-35,1	-25,8	-15,1	-15,5	-25,9	-21	-20,8	-20,9	-17,8	-17,4
	2.2.	3,6	2,48	4,09	5,49	7,88	5,79	3,15	28,88	5,09	37,8
	$\Delta W, \text{км}^3$	-2,3	-1,82	-2,61	-4,41	-5,62	-4,71	-2,45	-21,6	-3,51	-26,8
	W, %	-38,9	-42,3	-38,9	-44,5	-41,6	-44,8	-43,7	-42,8	-40,8	-41,5
	2.3.	3,88	1,6	3,46	3,86	5,11	4,37	1,69	20,1	3,83	27,64
	$\Delta W, \text{км}^3$	-2,02	-2,7	-3,24	-6,04	-8,39	-6,13	-3,91	-30,4	-4,77	-36,9
	W, %	-34,2	-62,8	-48,3	-61	-62,1	-58,3	-69,8	-60,2	-55,5	-57,2
	2.4.	5,17	1,31	3,51	4,83	6,33	4,92	2,32	23,22	3,38	31,7
	$\Delta W, \text{км}^3$	-0,73	-2,99	-3,19	-5,07	-7,17	-5,58	-3,28	-27,28	-5,22	-32,9
	W, %	-12,4	-69,5	-47,6	-51,2	-53,1	-53,1	-58,5	-54	-60,7	-50,9
	2.5.	3,52	1,16	2,43	3,73	4,95	3,76	1,67	17,7	2,5	23,7
	$\Delta W, \text{км}^3$	-2,38	-3,14	-4,27	-6,17	-8,55	-6,74	-3,93	-32,8	-6,1	-40,9
	W, %	-40,3	-73	-63,7	-62,3	-63,3	-64,2	-70,2	-64,9	-70,9	-63,3
Чатли (Саманбай)											
1	4,5	2,4	4,9	6,9	9,04	7,9	4,5	35,64	7	47,4	
2	2.1.	2,84	1,53	3,61	5,78	7,13	5,66	3,76	27,47	5,88	35,84
	$\Delta W, \text{км}^3$	-1,66	-0,87	-1,29	-1,12	-1,91	-2,24	-0,74	-8,17	-1,12	-11,6
	W, %	-36,9	-36,2	-26,3	-16,2	-21,1	-28,3	-16,4	-22,9	-16	-24,4
	2.2.	0,96	0,65	1,88	2,78	3,95	2,21	2,18	13,65	2,62	17,19
	$\Delta W, \text{км}^3$	-3,54	-1,75	-3,02	-4,12	-5,09	-5,69	-2,32	-21,99	-4,38	-30,2
	W, %	-78,7	-72,9	-61,6	-59,7	-56,3	-72	-51,5	-61,7	-62,6	-63,7
	2.3.	0,32	0,3	0,85	0,63	0,6	0,45	0,86	3,69	1,44	5,4
	$\Delta W, \text{км}^3$	-4,18	-2,1	-4,05	-6,27	-8,44	-7,45	-3,64	-31,95	-5,56	-42
	W, %	-92,9	-87,5	-82,6	-90,8	-93,4	-94,3	-80,8	-89,6	-79,4	-88,6
	2.4.	1,53	0,29	0,88	1,6	1,94	1,39	1,04	7,14	1,68	10,31
	$\Delta W, \text{км}^3$	-2,97	-2,11	-4,02	-5,3	-7,1	-6,51	-3,46	-28,5	-5,32	-37,1
	W, %	-66	-87,9	-82	-76,8	-78,5	-82,4	-76,8	-79,9	-76	-78,2
	2.5.	0,55	0,26	0,62	0,85	1,36	0,68	0,41	4,18	0,5	5,24
	$\Delta W, \text{км}^3$	-3,95	-2,14	-4,28	-6,05	-7,68	-7,22	-4,09	-31,46	-6,5	-42,2
	W, %	-87,8	-89,1	-87,3	-87,7	-84,9	-91,4	-90,9	-88,2	-92,8	-88,9

Изоҳ: 1- 1931-1960 йиллардаги табиий давр; 2- 1961-2010 йиллардаги антропоген таъсир кучая борган даврни 5 та кичик ҳисоб даврларига ажраилди: 2.1-1961-1970 йиллар, 2.2-1971-1980 йиллар, 2.3-1981-1990 йиллар, 2.4-1991-2000 йиллар, 2.5-2001-20010 йиллар.

Қорақум каналининг биринчи навбати 1954-1959 йилларда қурилган. Унинг узунлиги 397 км. Мурғобдан Тажангача бўлган 140 км ли иккинчи навбати эса 1960 йилда қурилган. Тажандан Гўктепагача 300 км узунликдаги учинчи навбати 1961-1969 йилларда қурилган, бу эса қўшимча 72 минг гектар ерни суғориш имкониятини берди. 1971 йилда каналнинг тўртинчи навбати қурилиши бошланди. Ҳозирги кунга келиб каналнинг қурилган қисми 1100 км ни ташкил этиб, Барекат шахригача етказилди. Қорақум канали тўла қуриб битказилгандан сўнг унинг узунлиги 1435 км, сув ўтказиш имконияти 1000 м³/с га етказилиши режалаштирилган эди [1].

Амударё ҳавзасида бунёд этилган Қарши магистрал каналининг қурилиши 1965 йилдан бошланиб, 1973 йилда ўз ниҳоясига етказилди. Каналнинг узунлиги 290 км, максимал сув ўтказиш қобилияти 195-220 м³/с ни ташкил этади. Ушбу канал 260 минг гектар суғориладиган майдонни сув билан таъминлайди (1-жадвал).

Аму-Бухора канали Бухоро вилоятидаги суғориладиган ерларга сув етказиб беради ва уни қуришнинг биринчи навбати 1965 йилда бошлаган. Каналнинг иккинчи навбати эса 1976 йилда қурилиб, унинг узунлиги 400 км га етди. Каналнинг максимал сув ўтказиш қобилияти 270 м³/с га тенг. Аму-Бухора каналининг тўла ишга туширилиши натижасида, юқорида қайд этиб ўтилганидек, Бухоро вилоятидаги янги ерлар ўзлаштирилди, қишлоқ хўжалиги экин


майдонларининг сув таъминотини яхшилади.

Амударёдан каналларга олинадиган йиллик сув миқдорини 100 фоиз деб оладиган бўлсак, шундан 27 % и Қорақум каналига, 20 % Қизкеткен, 14 % Аму-Бухоро, 12 % Қарши магистрал ва қолган 27 фоизи Тошсоқа, Пахтаарна, Қиличнӣёзбой ва бошқа каналларга тўғри келади [5].

Тўпланган гидрологик маълумотлар асосида ойлик ва йиллик оқим миқдорларининг Амударё узунлиги бўйича ўзгаришини баҳолаш иккита ҳисоб даврлари учун амалга оширилди. Биринчи ҳисоб даври 1931-1960 йилларни қамраб олади ва бу давр дарё оқимининг шартли равишда қабул қилинган табиий ҳолатини акс эттиради. Иккинчи давр эса 1961-2010 йиллар оралиғига тегишлидир. Бу давр Амударё ҳавзасида гидротехник иншоотлар қурилиши ва ишга туширилиши натижасида дарё оқимининг инсон томонидан бошқарилган ҳолатини акс эттиради.

Ўз навбатида иккинчи ҳисоб даври, Амударё сув режимидаги ўзгаришларни чуқурроқ таҳлил қилиш мақсадида, 10 йиллик ораликларни қамраб олган 5 та кичик ҳисоб даврларига ажратилди (2-жадвал).

Ҳисоблашлар натижалари асосида Амударё узунлиги бўйича жойлашган гидрологик постларда йиллик оқим миқдорларининг ҳисоб даврлари бўйича ўзгариши диаграммалари чизилди (1-расм). Унда йиллик оқим ҳажмлари (W) фоизларда ифодаланди.




1-расм. Амударё узунлиги бўйича жойлашган постларда йиллик оқим миқдорларининг ҳисоб даврлари бўйича ўзгариши

Ушбу чизмадан, яъни 1-расмдан кўриниб турибдики, Амударё узунлиги бўйича йиллик оқим миқдорлари ҳисоб даврлари бўйича камайиб борган. Лекин, 2,4-ҳисоб даври бундан мустаснодир. Биринчи, яъни шартли равишда қабул қилинган табиий ҳисоб даврига нисбатан, дарё оқими иккинчи ҳисоб даври (1961-1970 йиллар)да Керки гидрологик постида 87,1% ни, Туямўйин гидрологик постида 82,6 % ни ва Саманбай гидрологик постида эса 75,6 % ни ташкил этган. Кейинги ҳисоб даврларида бу

жараён янада кучайган ва қуйидаги ҳолатлар кузатилган: охириги ҳисоб даври, яъни 2001-2010 йилларда Амударёнинг Керки гидрологик постида бу кўрсаткич 54,9 % ни, Туямўйинда 36,7 % ни ҳамда қуйи пост ҳисобланган Саманбайда эса 11,1 % ни ташкил этган.

Ишнинг кейинги босқичида Амударё узунлиги бўйича жойлашган гидрологик постларда вегетация даври оқими миқдорларининг ҳисоб даврлари бўйича ўзгаришини баҳоладик (2-расм).




2-расм. Амударё узунлиги бўйича жойлашган постларда вегетация даври оқим миқдорларининг ҳисоб даврлари бўйича ўзгариши

Ҳисоблашлар натижаларининг таҳлиliga кўра, 2.1-ҳисоб даврида вегетация даври оқими Керки постида 82,7 %, Туямўйин гидрологик постида 75,3 %, Саманбай гидрологик постида эса

75,9 % гача камайган.

Куйидаги чизмада кузги-кишки давр оқим миқдорларининг ҳисоб даврлари бўйича ўзгаришини баҳоланди (3-расм).



3-расм. Амударё узунлиги бўйича жойлашган постларда кузги-кишки давр оқим миқдорларининг ҳисоб даврлари бўйича ўзгариши

Юкоридаги каби Амударёнинг новегетация (X-III) даври оқимидаги ўзгаришлар ҳам таҳлил қилинди. Аниқроқ қилиб айтганда, Амударё узунлиги бўйича жойлашган гидрологик постларда кузги-кишки оқим миқдорларининг ҳисоб даврлари бўйича ўзгариши ўрганилди. Масалан, 2.1-ҳисоб даврида Амударё оқими табиий даврга нисбатан Керки постида 88,3 % ни, Туямўйин постида 79,2 % ни ва Саманбай постида эса 77,1 % ни ташкил этди. Бу кўрсаткичлар охириги 2.5-ҳисоб даврида, яъни 2001-2010 йилларда янада камайиб, табиий ҳолатга нисбатан Керки постида 52,2 % га, Туямўйин постида 35,1 фоизга ва Саманбай постида эса 11,8 фоизга тенг бўлди.

Хулоса. Белгиланган тадқиқот натижалари асосида куйидаги хулосаларга келинди:

1. Тўпланган гидрологик маълумотлар асосида Амударё узунлиги бўйича ойлик ва йиллик оқим миқдорларининг ўзгаришини баҳолашда иккита ҳисоб даврлари ажратилди. Биринчи ҳисоб даври 1931-1960 йилларни ўз ичига олган бўлиб, бу давр дарё оқимининг шартли равишда қабул қилинган табиий ҳолатини акс эттиради. Иккинчи давр эса 1961-2010 йиллар оралиғини камраб олган бўлиб, бу давр Амударё хавзасида гидротехник иншоотлар қурилиши ва ишга туширилиши, яъни антропоген омил таъсири натижасида, дарё йиллик оқими миқдорларининг ўзгарган давридир. Ўз навбатида

2-ҳисоб даври 10 йилликлар бўйича кичик ҳисоб даврларига ажратилди;

2. Амударё узунлиги бўйича жойлашган гидрологик постларда йиллик оқим миқдорларининг ҳисоб даврлари бўйича ўзгариши баҳоланди: 2.1-ҳисоб даврида дарё оқими шартли равишда қабул қилинган табиий даврга нисбатан Керки гидрологик постида 12,9 % га, Туямўйинда 17,4 % га ва Саманбайда эса 24,4 % га камайган. Бу кўрсаткичлар йилдан-йилга ортиб борган, яъни 2.5-ҳисоб даврида дарёда йиллик оқим миқдорининг камайиши Керки постида 45,1 % га, Туямўйинда 63,3 % га ва Саманбайда бу кўрсаткич 88,9 % га тенг бўлган;

3. Амударёда вегетация даври оқими миқдорларининг қабул қилинган кичик ҳисоб даврлари бўйича ўзгариши аниқланди: қабул қилинган табиий даврга нисбатан дарё оқими 2.1-кичик ҳисоб даврида Керки гидрологик постида 17,3 % га, Туямўйинда 24,7 % га ва Саманбайда эса 24,1 % га камайган. Бу кўрсаткичлар охириги 2.5-кичик ҳисоб даврида янада ортиб, Керки постида 35,2 % га, Туямўйинда 58,4 % га ва Саманбайда бу кўрсаткич 90,2 % га тенг бўлди;

4. Амударё узунлиги бўйича жойлашган гидрологик постларда новегетация даври оқими миқдорларининг кичик ҳисоб даврлари бўйича ўзгаришлари куйидагича бўлди: дарёнинг новегетация давридаги оқими миқдори табиий даврга нисбатан 2.1-кичик ҳисоб даврида Керки

гидрологик постида 11,7 % га, Туямўйинда 20,8 % га ва Самнбайда эса 22,9 % га камайган. Бу кўрсаткичлар йилдан-йилга ўзгариб борган ва 2.5-кичик ҳисоб даврида Керки постида 47,8 % ни, Туямўйинда 64,9 % га ва Саманбайда эса 88,2 % ни ташкил этди.

5. Амударё ҳавзасида қурилган сув-техник иншоотлар, айниқса, йирик каналлар ва сув омборлари, дарё оқимининг йил давомида ойлар ва мавсумлар бўйича тақсимланишига ҳам катта таъсир кўрсатади. Келгуси тадқиқотларда асосий эътибор шу масалаларни ёритишга қаратилади.

Адабиётлар:

1. Ирригация Узбекистана. Том III. – Ташкент, Изд-во «Фан», 1979. – 356 с.
2. Рубинова Ф.Э. Влияние водных мелиораций на сток и гидрохимический режим рек бассейна Аральского моря. -М.: Московское отделение гидрометеоздата, 1987. - Вып. 124 (205). - 158 с.
3. Хикматов Ф.Х., Аденбаев Б.Е., Ибраев Р.А. Динамика поступления речных вод в дельту Амударьи // Известия Географического общества Узбекистана. Том-31. –Ташкент, 2008. – С. 57-60.
4. Хикматов Ф.Х., Аденбаев Б.Е., Артикова Ф.Я., Мамбетмуратов М.О. Оценка водообеспеченности низовьев реки Амударьи // Материалы международной научной конференции «Инновация-2008». -Ташкент, 2008. – С. 380-381.
5. Хайдарова О.А. Амударё гидрологик режимига таъсир этувчи сув иншоотлари ҳақида // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. -41 жилд. – Тошкент, 2013. – Б.156-160.
6. Шикломанов И.А. Антропогенные изменения водности рек. -Л.: Гидрометеоздат, 1979. - 302 с.

Хайдарова О.А.

ИЗМЕНЕНИЕ ГИДРОЛОГИЧЕСКОГО РЕЖИМА АМУДАРЫИ ПОД ВЛИЯНИЕМ ГИДРОТЕХНИЧЕСКИХ СООРУЖЕНИЙ

Резюме

В статье рассматриваются вопросы влияния крупных гидротехнических сооружений (водохранилищ и каналов) на годовой объем стока реки Амударьи по её длине. В работе также изучены изменения стока р. Амударьи за вегетационный и не вегетационный периоды во времени.

Xaydarova O.A.

VARIATION OF HYDROLOGICAL REGIME OF AMUDARYA UNDER THE INFLUENCE OF HYDROTECHNICAL CONSTRUCTIONS

Resume

U this article questions of influence of large hydraulic engineering constructions (reservoirs and channels) are considered on is ready the volume of a drain of the Amudarya river on its length. In works change of a drain of the Amudarya river for the vegetative and not vegetative periods in time are also studied.

Тавсия этувчи:

проф. Хикматов Ф.

ҚУРБОНҚЎЛ ҚУЛАМА ТЎҒОНИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ГИДРОЛОГИК ЕЧИМЛАРИ

Пирназаров Р.Т., Хикматов Ф.Х.

Таянч сўзлар ва иборалар: қулама тўғон, тўғон барқарорлиги, тўғонли қўллар, сув сатҳи, сув сарфи, тўғон бузилиши хавфи, гидрологик ечимлар.

Кириш. Тоғ қўллари – табиатнинг инсониятга ноёб инъомидир. Улар, аксарият ҳолларда чучук сув манбаи ҳисобланиб, тоғ ландшафти билан уйғунлашган ҳолда одамларга катта эстетик завқ бағишлайди. Бундай қўлларнинг келиб чиқиши тоғларда кечадиган табиий географик жараёнлар натижасида дарё водийларининг турли ҳажмдаги сурилма, кўчки, кўчки-қулама жинслардан ташкил топган тўғонлар билан тўсилиб қолиши билан боғлиқдир. Бундай тўғонлар ўз навбатида қулама - тектоник, музлик, морена, кўчки ҳамда қор кўчки қўлларини ҳосил қилади. Уларнинг барчаси умумлашма ном билан "**тўғонли қўллар**" деб аталади.

Тўғонли қўлларда тўпланган сув маълум гидрометеорологик шароитларда жуда хавфли табиий офатларни, жумладан, ҳалокатли сел

тошқинларини келтириб чиқариши мумкин. Шу туфайли уларнинг барқарорлигини таъминлаш, тўғонларининг бузилиши натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган сел тошқинлари хавфини камайтиришга қаратилган илмий асосланган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш долзарбдир. Тўғонли қўлларнинг барқарорлигини таъминлашнинг ягона ечими мавжуд, у ҳам бўлса, қўлда тўпланган ортиқча сувни тўғон устидан қуйи бьеф томон безарар ўтказиб юборишдир. Бу ўз навбатида қўл тўғонининг бузилиши натижасида келиб чиқиши мумкин бўлгани катта фалокатларнинг олдини олишга имкон беради.

Манбаларда қайд этилишича, ўлкамизда бундай тадбирлар қадимдан амалга ошириб келинган [2, 3]. Жумладан, 1888 йил январь ойининг ўрталарида Зарафшон дарёси ўзани Сангистон кишлоғи яқинида қулама тўғон билан

тўсилиб қолган. Сув йўлини очиш мақсадида мингга яқин ишчи 2 ойдан кўпроқ уриниб, тўғон устидан сув ўтиши учун кичик канал қазилган. Бироқ, тўғондан юқорида тўпланган сув кўп бўлгани учун канал ўзанини ювиб, тўғонни уриб кетган. Натижада бузилган тўғондан ўта бошлаган катта миқдордаги сув юзлаб одамларнинг умрига завола бўлган. Худди шундай воқеа Зарафшон дарёсида, Айний қишлоғидан 1 км юқорида, 1964 йил 24 апрел куни қайта такрорланган. Бу сафар ҳам юқоридаги тадбир амалга оширилган. Таъкидлаш лозимки, сув йўли очилгач, биринчи куни ундан ўтаётган сув сарфи 2 м³/с га тенг бўлган, иккинчи ва учинчи кунлари эса унинг миқдори соат сайин орта бориб, 800 м³/с гача етган ва бу ҳодиса талофатсиз кечмаган [3].

Юқорида қайд этилган ҳолатларни ҳисобга олиб, мазкур ишнинг **асосий мақсади** Курбонқўл қулама тўғони устидан ошиб ўтиши мумкин бўлган сувни қуйи бьеф томон безарар ўтказиб юборишнинг гидрологик ечимини аниқлашга қаратилди. Ушбу мақсадни кўзлаб, тадқиқотда Курбонқўл қулама тўғони сиртининг рельефи, гидравлик-морфогеоетрик ўлчамларини аниқлаш ҳамда қулама тўғон устидан ошиб ўтиши мумкин бўлган сувни қуйи бьеф томон безарар ўтказиб юбориш масалалари асосий вазифалар сифатида белгиланди.

Тадқиқотни амалга оширишда бирламчи маълумотлар сифатида Ўзгидромет, Фарғона Гидрогеология экспедицияси, ЎЗМУ Қуруқлик гидрологияси кафедраси маълумотларидан фойдаландик. Ишда қулама тўғон устидан оқиб ўтиши мумкин бўлган сув миқдори гидрология, гидрогеология ва гидравлика фанларининг ҳисоблаш усулларида баҳоланди. Қулама тўғоннинг морфогеоетрик ўлчамлари топогеодезик материаллар асосида аниқланди [4].

Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Тадқиқотда белгиланган вазифаларни ҳал қилишда Курбонқўл жойлашган худуднинг геологик тузилиши, рельеф шароити, қулама тўғоннинг гидравлик-морфометрик кўрсаткичлари ва бошқа омиллар ҳисобга олинди. Шу мақсадда, дастлаб, топогеодезик ўлчамлар материаллари асосида тўғоннинг морфогеоетрик ўлчамлари ҳисобланди. Натижаларга кўра, тўғон чўккисидagi қуруқ ўзан тубининг тўғондан оқиб чиқаётган булоқлар сатҳига нисбатан аниқланган вертикал баландлиги 187,04 м, тўғон чўккисидан булоқларгача бўлган горизонтал масофа 1004 м, унинг сирти бўйлаб булоқларгача бўлган масофа эса 1021,3 м ҳамда тўғоннинг бўйлама нишаблиги (it) эса 0,1863 га тенгдир [4].

Юқорида аниқланган гидравлик-морфометрик кўрсаткичлар ва бошқалар ҳисобга олиниб, тўғон устидан ошиб ўтиши мумкин бўлган сувни қуйи бьеф томон безарар ўтказишнинг қуйидаги 3 та усули ишлаб чиқилди: 1) қулама тўғон устида бетонланган ўзанли тезоқар қуриш; 2) қулама тўғон устида темир-бетон новлар ўрнатиш; 3) махсус қувурлар

ёрдамида қўлдаги сув сатҳини хавфсиз чегара қийматда ушлаб туриш.

Биринчи усулнинг оптимал вариантини аниқлаш мақсадида, мавжуд маълумотлар асосида, бетонланган тезоқарнинг турли сув сарфлари учун мўлжалланган ўлчамлари ҳисобланди. Натижаларга кўра, лойихаланаётган тезоқар деворининг баландлиги 0,63 м, кенглиги эса 1,4 м ўлчамда бўлиши талаб этилади. Ушбу ўлчамдаги тезоқар 10 - 12,5 м³/с миқдордаги сувни ўтказа олади. Бу миқдор биз ўрганаётган шароитга тўла мос келади.

Лекин, тўғон устки қисмининг рельефини ҳисобга оладиган бўлсак, юқорида таклиф этилган тезоқарни қуриш анча мураккаб вазифадир. Бундай ҳолатда **иккинчи усулни**, яъни заводларда стандарт ўлчамларда махсус ишлаб чиқилган темир-бетон новлардан фойдаланиш тавсия этилади. Бу эса қурилиш материаллари ва моддий маблағларни тежаш имконини беради. Маълумки, темир-бетон новлар турли типларда ишлаб чиқарилади. Шуларни ҳисобга олиб, турли типдаги темир-бетон конструкцияли новларнинг сув ўтказиш имкониятлари ҳисобланди ва уларнинг оптимал варианты танланди. Биз кўриб чиқаётган шароитда LR-80 типдаги темир-бетон новлардан фойдаланиш самаралидир. Бу типдаги новлар секундига 10,1 м³ миқдордаги сувни ўтказа олади. Юқорида таклиф этилган ҳар икки усулда ҳам қурилмаларнинг узунлиги 1050 м ни ташкил этади.

Таклиф этилаётган **учинчи усул** юқоридагиларга нисбатан хавфсиз ва иқтисодий жиҳатдан тежамлидир. Бу усулда махсус қувурлар ёрдамида қўлдаги сув сатҳини хавфсиз чегара қийматда ушлаб туриш икки вариантини қўллаш кўзда тутилади. Булар **оддий**, яъни қўл - тўғон - булоқ йўналишида кетма-кет уланган қувурлар тизимидан ҳамда **мураккаб**, яъни тўғон устида кетма-кет уланган сифонли қувурлардан фойдаланишдир. Шу мақсадда диаметри 300 мм дан 1000 мм гача бўлган металл қувурларнинг сув ўтказиш имкониятлари ҳисобланди. Ҳисоблашлар натижаларига кўра, қўлдаги сув сатҳини **оддий усулда**, яъни кетма-кет уланган қувурлар ёрдамида хавфсиз сатҳда сақлаб туриш учун диаметри 1000 мм бўлган қувурлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, бу ўлчамдаги қувурлар секундига 10,4 м³ сувни ўтказади. Энг муҳими, қўлдаги жорий сув сатҳи (Н_ж) максимал қийматга эришмасданок, яъни Н_ж > 1954 см шарти бажарилиши билан сув қувурдан қуйи томон оқа бошлайди. Таъкидлаш лозимки, 1954 см рақами максимал сув сатҳи (Н_{max} = 2154 см) дан қувурнинг чўккига нисбатан ўрнатиш чуқурлиги (1 м) билан қувур диаметри (1 м) йиғиндисининг айирмаси сифатида аниқланди. Ушбу сув ўтказиш иншоотида қувурларнинг узунлиги 1050 м га тенг бўлиши лозим.

Мураккаб усул, яъни сифон ёрдамида қўлдаги сув сатҳини хавфсиз чегара қийматда ушлаб туриш учун унинг юқори нуктаси қулама тўғон чўккисидан 2 м пастдан олиниши лозим.

Бу баландлик қўлдаги жорий сув сатҳи $H_{ж} > 1954$ см шартини бажарганда сифоннинг табиий "зарядланиши" ни таъминлайди ва қувурдаги сув қуйи томон оқа бошлайди. Бунда қувур тўғон ёнбағри бўйлаб қўлга томон 15 м узунликда давом эттирилиши лозим. Бундай шароитда сифоннинг сув қабул қилиш қисми яна 2 м га пасаяди. Сифонни ташкил этган қувурлар тизимининг умумий узунлиги эса 1065 м га етади.

$$\Delta H_c = h_f = \lambda \cdot \frac{l}{d} \cdot \frac{g^2}{2g} + \sum \xi \cdot \frac{g^2}{2g}, \quad (1)$$

бу ерда: λ – қувурнинг узунлик бўйича қаршилик коэффициентлари; l – сифонли қувурлар тизимининг умумий узунлиги, $l = 1065$ м; d – қувур диаметри, мм; g – сифонда сувнинг оқиш тезлиги, м/с; g – эркин тушиш тезланиши, м²/с; $\sum \xi$ – сифон тизимидаги маҳаллий қаршилик

$$g = \sqrt{\frac{2g \cdot \Delta H_c}{\lambda \frac{l}{d} + \sum \xi_m}}$$

Сувнинг оқиш тезлиги (g) ҳамда қувурнинг қўндаланг кесими юзаси ($\omega = 0,785 \cdot d^2$) ни унинг диаметри асосида аниқлаб, сифондан қуйи бьеф тамон ўтаётган сув сарфи (Q_k) ни $Q_k = g \cdot \omega$ ифода билан ҳисобладик.

Ҳисоблашлар турли диаметрдаги металл қувурлар учун бажарилди. Натижаларга асосланадиган бўлса, қулама тўғон устидан оқиб ўтиши мумкин бўлган сувни қуйи бьеф томон сифон ёрдамида безарар ўтказиб юбориш учун 800 мм диаметрдаги қувурлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса. Қурбонқўлда тўпланган сувни қулама тўғон устидан сифон ёрдамида ўтказиб

Таъкидлаш лозимки, сифондан оқиб ўтадиган сув сарфини аниқлаш оддий усулга нисбатан жиддийроқ ёндашувни талаб этади. Бунинг учун дастлаб сифондаги сувнинг тезлигини аниқлаш зарур. Бунда сифон тизимида умумий йўқотилган напор h_f , қўл ва булоқдаги сув сатҳлари орасидаги фарқ, яъни $\Delta H_c = 183,04$ м га тенг, деган тамойилга асосан, қуйидаги ифодани ёзамиз [1]:

коэффициентлари йиғиндиси.

Юқорида изоҳланган гидравлик катталикларнинг сонли қийматлари маълум бўлгач, сифондан оқиб ўтаётган сувнинг тезлигини қуйидаги ифода билан аниқладик:

(2)

юбориш жуда қулай ва иқтисодий жиҳатдан тежамлидир. Чунки, оддий усулда диаметри 1000 мм ли қувурдан оқиб ўтиши мумкин бўлган сувни сифон усулида 800 мм диаметрдаги қувурдан ўтказиш имконияти мавжуд. Қувурлар нархининг уларнинг диаметрига боғлиқлигини ҳисобга олса, сифон усулини қўллаш катта иқтисодий тежамкорликни таъминлайди. Умуман олганда, ишнинг натижалари қулама тўғон устидан оқиб ўтиши мумкин бўлган сувни сифон ёрдамида безарар ўтказиб юбориш бошқа барча вариантларга нисбатан ҳар томонлама самарали эканлигидан далолат беради.

Адабиётлар:

1. Киселев П.Г. Справочник по гидравлическим расчетам. - М.-Л.: Госэнергоиздат, 1961. -352 с.
2. Мавлонов Ф.О., Маматкулов М.М. Табиий тўғонлар. - Тошкент: Фан, 1965. - 33 б.
3. Шульц В.Л., Машрапов Р. Ўрта Осиё гидрографияси. - Тошкент: Ўқитувчи, 1969. - 328 б.
4. Ҳикматов Ф., Пирназаров Р. Қурбонқўл қуламасининг ҳажмини аниқлаш // ЎзГЖ Ахбороти. - Тошкент, 2006. - 27-жилд. - Б. 40-42.
5. Пирназаров Р.Т., Ҳикматов Ф.Х. Тўғонли қўлларнинг гидрометеорологик режими ва улар хавфини камайтириш масалари. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2013. -176 б.

Пирназаров Р.Т., Ҳикматов Ф.Х.

ГИДРОЛОГИЧЕСКИЕ РЕШЕНИЯ ОБЕСПЕЧЕНИЯ УСТОЙЧИВОСТИ КУРБАНКУЛЬСКОЙ ЗАВАЛЬНОЙ ПЛОТИНЫ

Резюме

В работе рассмотрены различные варианты гидрологического обеспечения устойчивости завальной плотины оз. Курбанкуль. Предложен наиболее оптимальный вариант уменьшения риска её прорыва.

Pirnarazov R.T., Xikmatov F.X.

HYDROLOGICAL SOLUTION SUPPORT STABILITY KURBANKUL SINK DAM

Resume

In given -work is stated development scientifically motivated recommendations and offers on reduction of the risk of the breakout of the main dam lake Kurbankul.

Тавсия этувчи:

проф. Солиев А.С.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИНИНГ СУВ РЕЖИМИ ҲАҚИДА

Артыкова Ф.Я., Кутумова Г.Б., Мирсаидова С.К.

Таянч сўзлар: сув ресурслари, ирригация тармоқлари, каналлар, коллектор-зовурлар, оқимни бошқариш, сув омбори, суғориладиган ерлар, қайтарма сувлар, сувдан самарали фойдаланиш.

Кириш. Хоразм вилояти Амударёнинг қуйи қисмида жойлашган ва унинг ҳалқ хўжалиги мажмуасини, шу жумладан қишлоқ хўжалигини сув билан таъминлашда ягона манба Амударёдир. Қадимги Хоразм обикор деҳқончиликнинг илк бор вужудга келган ўлкаларидан бири бўлган ва шу сабабли, вилоят хўжалигининг барча жабҳалари Амударёнинг гидрологик режими билан чамбарчас боғланган. Шу сабабли Хоразм вилоятининг сув ресурслари билан таъминланганлигини ўрганиш муҳим масалалардандир.


Ишнинг мақсади. Хоразм вилоятида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳаммаси суғориладиган ерларда етиштирилади. Вилоятда чорвачиликни ташкил этиш ва ривожлантириш ҳам суғориладиган деҳқончилик билан боғлиқдир. Шунинг учун сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, мавжуд ирригация тармоқларини такомиллаштиришни тақозо қилади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, минтақада хўжаликларни сув билан таъминлайдиган йирик каналлар давлат ҳамда вилоят аҳамиятига эга бўлиб, бу ҳолат уларда мавжуд сув ресурсларидан фойдаланишда, уларни тақсимлашда бир қатор қийинчиликлар туғдиради. Ҳозирги кунда Амударёнинг оқими гидротехник иншоотлар, шу жумладан, сув омборлари, каналлар ва коллектор-зовур тармоқлари ёрдамида деярли тўла бошқарилмоқда. Шу сабабли ирригация тармоқларининг гидрологик режимини ўрганиш ҳам ўта долзарб масаладир.

Фойдаланилган маълумотлар. Ишда асосий маълумотлар сифатида Узгидромет, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фонди

материаллари, Амударё ва каналлардаги гидрологик постларда бажарилган стандарт гидрометрик кузатишлар ва кадастр кўрсаткичларидан фойдаланилди.

Натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Ёнгирманчи асрда Хоразм воҳаси ва Қорақалпоғистондаги суғориладиган ерлар майдонини янада кенгайтириш учун Амударёнинг ўрта қисмида Туямўйин гидроузели қурилиб, 7,3 миллиард кубометр сув сиғдирадиган шу номдаги улкан сув омбори барпо этилди. Ҳозирги кунда гидроузел бош канали орқали сув омборидан Амударё ўзанига ташланадиган ўртача йиллик сув сарфи 900 м³/с ташкил этади. Туямўйин сув омборининг вилоятдаги суғориладиган ерларни сув билан мунтазам таъминлашда аҳамияти катта, унинг таркибидаги Капарас, Султансанжар, Қўшбулоқ сув ҳавзалари қўшни Туркменистон республикаси ҳудудида жойлашган бўлиб, Амударё ва Туямўйиндан юбориладиган сувлар ҳисобига тўйинади ва асосан аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлайди.

Амударё ҳавзасидаги баланд тоғлардаги муз-кор сувларидан тўйинувчи дарёларда тўлинсув даври кеч бошланади. Шу сабабли сув омборларининг сув сатҳи ҳам аста секин, тоғларнинг пастки зоналаридаги қорларнинг эришидан ҳосил бўлган дарёлар оқими ҳисобига май ойининг охиридан бошлаб кўтарилади. Сув сатҳининг куз ва киш ойларидаги, деярли кичик миқдорда ортиши эса, суғориладиган ерлардан қайтган сувлар ҳисобига кузатилади. Туямўйин сув омборининг сув баланси кирим ва чиқим элементларининг йил давомида тақсимланиши ўрганилди (1-расм).



Графикдан кўришиб турибдики, январь-февраль, май-июнь, август-декабрь ойларида сув балансининг кирим қисми чиқим қисмидан кўп, март- апрель, июль ойларида эса чиқим кўпроқ бўлган. Март ойидаги чиқим элементининг кўплигини ерларнинг шўрини ювишга

сарфланган сувлар билан тушунтурса бўлади, июлда эса суғоришга сув кўп ишлатилган.

Хоразм вилоятининг асосий суғориш тармоқларини Тошсоқа ва Қиличчиёзбой ирригация тизимлари ташкил этади ва улар давлатлараро (Туркменистон, Ўзбекистон)

каналларга киради. Питнак, Урганч ва Октябрь каналлари вилоят ички тизимига киради. Уларнинг барчаси Тошсоқа тизимига бирлаштирилган. Бу тизимлар ичида Тошсоқа магистрал канали энг йирик ҳисобланиб, 34-километрдан кейин Полвон, Шовот, Ғозовот ва бошқа каналларга бўлиниб кетади.

Хоразм воҳаси ерларида зич жойлашган хўжаликлараро каналлар, ички хўжалик каналлари ва ариқларни сув билан таъминлайди. Қуйи Амударё воҳасининг ирригация тизимидаги йирик каналларнинг сув ўтказиш қобилияти

қуйидагича: Шовот, $Q=130 \text{ м}^3/\text{с}$; Тошсоқа, $Q=350 \text{ м}^3/\text{с}$; Тошҳовуз воҳасида Октябрь, $Q=250 \text{ м}^3/\text{с}$; Қорақалпоғистонда Сувенли, $Q=240 \text{ м}^3/\text{с}$; Қизкеткен, $Q=210 \text{ м}^3/\text{с}$; Пахтаарна, $Q=75 \text{ м}^3/\text{с}$. Ушбу каналлар сувлари билан ўлкадаги 1 млн. 100 минг гектар ерлар суғорилади. Амударё сувининг сатҳи баъзи йилларда паст бўлганлиги сабабли сув олиш учун каналлар ҳаддан ташқари чуқурлаштирилган. Натижада, дарё сувининг сатҳи кўтарилган тўлинсув даврларида, суғориш тармоқларида сувнинг тўлиб оқиши кузатилади (1-жадвал).

1-жадвал

Хоразм вилоятида суғориш ва шўр ювишга олинган сув миқдори, млн.м³ (2000-2012 йиллар)

Йил	Шўр ювиш даврида				Вегетация даврида				Жами			
	режа	ҳақиқатда	%	1га	режа	ҳақиқатда	%	1га	режа	ҳақиқатда	%	1га
2000	1515	1162	78	4.5	3954	2127	54	8.2	5469	3289	60	13
2001	1407	806	57	3.1	4008	1378	34	5.3	5418	2184	40	8.4
2002	1414	670	47	2.6	3055	3389	111	13	4468	4059	91	16
2003	1452	1147	79	4.4	3558	3247	91	12	5011	4394	88	17
2004	1505	1306	87	5	3753	3454	92	13	5258	4760	91	18
2005	1573	1226	78	4.7	3533	3911	111	15	5106	5137	101	20
2007	1558	972	62	4.1	3170	2892	91	12	4728	3864	82	16
2008	1597	929	58	3.5	3056	1639	54	6.8	4654	2567	55	10
2009	1031	796	77	3	3236	3185	98	12	4267	3981	93	15
2010	1584	1168	74	4.4	3062	3446	113	13	4646	4614	99	17
2011	1565	953	61	3.6	3463	1743	50	6.6	5027	2696	54	10
2012	1677	1037	62	3.9	3444	3423	99.4	13	5121	4461	87	17

Жадвалдан маълумки, Хоразм вилоятида куз ва қиш ойларида суғориладиган ерларнинг шўрини ювишга сув олинади. Шўр ювишга олинган сув миқдорини режадаги билан солиштирсак, вилоят ҳудудида доимо режадан кам миқдорда сув олинганлигининг гувоҳи бўламиз. Олинган сув миқдорини фойизда ҳисоблаганда 2000-2012 йиллар оралиғида режага яқин сув миқдори, яъни 86,8% фақат 2004 йилда олинган. Энг кам миқдорда эса 2002 йилда сув олинган ва бу миқдор режага нисбатан атиги 47.4 % ни ташкил этади. Ўрта ҳисобда, ҳар бир гектар ернинг шўрини ювишга сарфланган сув миқдори 2,6 млн.м³/га (2002 йил) – 5 млн.м³/га (2004 йил) оралиғида ўзгаради.

Вегетация даврида суғоришга олинган сув миқдори 2002 йилда режага нисбатан 111%, 2005 йилда - 111% ва 2010 йилда эса 113 % ни ташкил этган, яъни режага нисбатан кўп бўлган. Режага нисбатан вегетация даврида энг кам миқдорда суғоришга олинган сув 2000, 2001, 2008 ва 2011 йилларда кузатилган, уларнинг қиймати белгиланган лимитга нисбатан 54 %, 34 %, 54 % ва 50 % ни ташкил этган. Қолган йилларда режага яқин миқдорда сув олинган. Бир гектар суғориладиган майдонга тўғри келган сув миқдори эса 15 млн. м³/га (2005 й) дан 5,3 млн.м³/га (2001 й) гача ўзгаради. Умуман йил давомида жами суғоришга олинган сув миқдори режага нисбатан фойизда келтирсак 40% (2001 й) дан 101% (2005 й) гача ўзгаради.

Маълумки, Хоразм ҳудуди жуда кичик нишабликка эга. Шу сабабли, ер ости

сувларининг чиқиб кетиши ҳам анча қийиндир. Хоразм воҳасида йирик суғориш иншоотларининг қурилиши ва далаларга тўғридан-тўғри сув юборилиши сабабли ер ости сувларининг сатҳи кўтарилди ва бу ҳолат тупроқнинг шўрланишига олиб келди. Вилоятдаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва тупроқ-грунтларининг сув-туз балансини меъёрда сақлаш, суғориш захини қочириш учун коллектор-зовур тармоқлари фаолиятини яхшилаш лозим бўлди. Вилоят ҳудудида ўтган асрнинг ўрталаридан бу масалага алоҳида эътибор қаратилди.

Вилоятда коллектор–зовур тармоқларини қуриш қуйидаги 3 босқични ўз ичига олади: 1)1942-1950 йилларда туманлараро ва туманлар ичидаги ташлама ва зовур сувларини воҳа ичидаги кўлларга тўпловчи коллекторлар қурилиши; 2) 1950-1961 йилларда вилоятдаги кўллар ва бошқа хавзалардаги ташлама сувлар сатҳини пасайтириш мақсадида уларни бир-бирига боғловчи ёки туташтиривчи коллекторларни қуриш; 3) 60- йиллардан бошлаб, ҳозирги кунга қадар давом этаётган Дарёлик, Давдон, Каттакўл коллекторлари каби магистрал тизимларни яратиш.

Хоразм вилоятида 2011 йилгача коллектор-зовур тармоқларининг умумий узунлиги 10489,2 километрни ташкил этган (2-жадвал). Ҳозирги кунда эса вилоятдаги мавжуд коллектор-зовур тармоқларининг техник ҳолати яхшиланди ва кўшимча 150 км дан ортик янги коллектор-зовур тармоқлари барпо этилди. 2013 йилга келиб,

уларнинг умумий узунлиги 10640 километрни ташкил этди, шу жумладан, 3718,2 км узунликдаги хўжаликлараро, 6877,9 км хўжаликлар ичидаги коллектор-зовур

тармоқларидир. Суғориладиган ҳар бир гектар ерга тўғри келадиган коллекторлар узунлиги ўртача миқдорда 40 м/га тенг бўлди.


2 -жадвал

Коллектор-дренаж тармоқлари ҳақида умумий маълумотлар

Суғориладиган майдон, минг.га	Дренажли майдонлар, минг.га	Коллектор ва зовурлар узунлиги, км	Шу жумладан				Солиштирма узунлиги, м/га
			хўжаликлараро, км	очки, км	шундан		
					очиқ,км	ёпиқ,км	
2007 йил							
264.39	256.4	10489.2	3718.2	6771	6266.9	504.1	40.91
2008 йил							
264.41	257.44	10489.2	3718.2	6771	6266.9	504.1	40.74
2009 йил							
276.557	273.64	10639.9	3718.2	6921.7	6417.6	504.1	38.88
2010 йил							
266.111	266.111	10639.9	3718.2	6921.7	6417.6	504.1	39.98
2011 йил							
266.184	266.184	10639.9	3718.2	6921.7	6417.6	504.1	39.97
2012 йил							
266.170	266.170	10639.9	3718.2	6921.7	6417.6	504.1	39.97

Суғориладиган ерлардан қайтган коллектор-зовур сувлари асосан Озёрний ва Дарёлик номли республикалараро коллекторлари ва Шовот-Андреевский, Девонкўл, Ғазовот-Довдан, Қоражин коллекторлари орқали

Сариқамиш чўкмасига (4,5-5,65 км³/йил) ва Орол денгизига (1 км³/йил) ташланади. Ишда Хоразм вилоятида каналларга олинган ва коллектор-зовур тармоқлари орқали қайтган сувлар миқдори алоҳида таҳлил қилинди(2-расм).



Коллектор-зовур сувларининг минераллашиш даражаси 2,46 г/л дан (Довдонда) 6,28 г/л гача (Озёрнийда) ўзгаради. Вилоятдан ташқарига шўрлиги ўртача миқдорда 3,82 г/л га тенг бўлган 60 м³/с сув чиқарилади. Орол денгизи сатҳининг пасайиши ҳудуднинг қуруқлашишига, бу эса ўз навбатида, суғориш ва коллектор-дренаж

сувларининг минераллашиш даражасининг ортishiга олиб келди. Шу муносабат билан Хоразм вилоятида суғоришга олинган сув миқдори билан коллектор-зовур тармоқлари орқали ҳудудга кириб келаётган ва ундан чиқиб кетаётган сув-туз миқдорлари ўзаро солиштирилди (3-жадвал).

3-жадвал

Хоразм вилоятидаги коллектор-дренаж тармоқларининг сув-туз баланси

Йиллар	Суғоришга олинган сув, млн.м ³	Кириб келган туз миқдори, минг т.		Коллектор сувлари, млн.м ³	Чиқиб кетган туз миқдори, минг т.		Туз миқдори, қаттиқ қолдиқ минг тонна
		Қаттиқ қолдиқ	1 га кирган		Қаттиқ қолдиқ	1 га дан чиққан	
2000	3289	2996	11.5	1660	5451	21	2454
2001	2184	2053	7.9	895	2462	9.4	409
2002	4059	3410	13.1	2870	5969	23	2560
2003	4394	3761	14.4	3081	6162	24	2402
2004	4760	4332	18.6	3137	7529	29	3197
2005	5137	4574	17.4	3385	8045	31	3472
2007	3864	4251	16.1	2438	6485	25.0	2234
2008	2567	2670	10.1	1131	3054	11.5	384.3
2009	3981	3702	14.0	2727	6463	24.4	2761
2010	4614	3830	14.4	4386	9651	36.4	5821
2011	2696	2400	9.0	1176	3081	11.6	682
2012	4461	3479	13.1	3023	6470	24.4	2990

Бажарилган тадқиқот ишига хулоса сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

1. Амударёнинг қуйи қисмида бир қатор гидротехник иншоотларини қуриш билан Тошсоқа, Шовот, Қиличнӣёзбой, Қипчоқ-Бўзсув, каби эски ирригация тармоқлари ҳам қайтадан тикланди ва кенгайтирилди;

2. Хоразм вилоятидаги суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари қуйидаги тўрта тизим бўйича бошқарилади: 1) Тошсақа тизими; 2) Полвон-Ғозоват тизими; 3) Шовот-Кулават тизими; 4) Қорамзи-Қиличнӣёзбой суғориш;

3. Хоразм вилоятида хўжалиқлараро суғориш тармоқларининг умумий узунлиги

2260.2 км ни, гидротехник иншоотларнинг сони 569 тани, сув ўлчаш постлар сони 362 тани, ички суғориш тармоқларининг умумий узунлиги 14195.3 км ни ташкил этади;

4. Вилоятда коллектор-зовур тармоқларининг умумий узунлиги 2013 йилга келиб, 10640 километрни ташкил этди, шундан 3718,2 км хўжалиқлараро, 6877,9 км хўжалиқлар ичидаги коллектор-зовур тармоқларидир;

5. Суғоришга олинган сув миқдори 2000-2012 йиллар оралиғида режага яқин – 86,8% фақат 2004 йилда бўлган, энг кам миқдорда эса 2002 йилда кузатилиб, режага нисбатан 47,4% ташкил этади.

Адабиётлар:

1. Баратов П., Маматқулов М., Рафиков А. Ўрта Осиё табиий географияси. – Т.: Ўқитувчи, 2002. – 435 б.
2. Государственный водный кадастр. Ежегодные данные о режиме и ресурсах поверхностных вод суши. Часть 2. Озера и водохранилища. Том 4. Республика Узбекистан.
3. Ирригация Узбекистана, т.3. - Ташкент: Изд. Госплана УзССР, 1979. - с. 358.
4. Қурбоннӣёзов Р. Хоразм географияси. – Урганч, 1997 .
5. Никитин А.М. Водохранилища Средней Азии. - Л.: Гидрометеоздат, 1991.
6. Семенов-Тянь-Шанский В.П. Туркестанский край. Т. - 9. – С. Петербург, 1913. – 858 с.
7. Толстов С.П. По следам древней Хорезмийской цивилизации. -М.-Л. Изд АН СССР, 1948. - 326 б.

Артыкова Ф.Я., Кутумова Г.Б., Мирсаидова С.К.

О ВОДНОМ РЕЖИМЕ ИРРИГАЦИОННО-МЕЛИОРАТИВНОЙ СЕТИ ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ

Резюме

Работа посвящена изучению гидрологического режима ирригационной и коллекторно-дренажной сети Хорезмской области. Показана зависимость агро-мелиоративных условий от объёма водозабора из реки Амударья и состояния ирригационно-мелиоративных систем.

Artikova F.Y., Kutumova G.B., Mirsaidova S.K.

ABOUT THE WATER REGIME IRRIGATIONAL-MELIORATIVE NET OF KHORAZIM REGION

Resume

The article is dedicated to investigated hydrological regime of irrigational and collector-drainage net Khorazim region. Represented dependence agromeliorative condition from the volume of water intake from the river Amudarya and condition of irrigational-meliorative systems.

Тавсия этувчи:

проф. Ҳикматов Ф.

ҚУЛЖУҚТОВ ТИЗМАСИ (ҚИЗИЛҚУМ) ҲУДУДИДА АТМОСФЕРА ЁҒИНЛАРИНИНГ КўП ЙИЛЛИК КўРСАТКИЧЛАРИ ХУСУСИДА

Ҳалимова Г.С.

Таянч сўзлар: *Қулжуктов тизмаси, орографик самара (эффeкт), “гидрогеоморфологик дарвозалар” – сойлар, экстраарид, арид, атмосфера ёғинлари, ёғиннинг ўртача кўп йиллик кўрсаткичлари.*

Кириш. Республикамизда ичимлик ва суғорма деҳқончиликда сув таъминоти муаммолари энг долзарб масалалардан биридир. Чунки маҳаллий сув захиралари унга бўлган талабнинг атиги 18 фоизини қондира олади холос [3]. Талабнинг асосий қисми эса қўшни республикалардан кириб келадиган трансчегаравий сувлар (Амударё, Сир-дарё) ҳисобидан қондирилади. Сувга бўлган талаб эса кун сайин ортиб бормоқда.

Ушбу муаммони юмшатишнинг энг муҳим йўлларида бири, республикамиз ҳудудида атмосфера ёғинлари туфайли ҳосил бўладиган маҳаллий сув захираларини ўрганиш ва улардан самарали фойдаланишни йўлга

қўйишидир. Бу борада Қизилқум чўли бағрида жойлашган Қулжуктов тизмаси алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур тизма Марказий Қизилқум паст тоғларининг энг жанубий тармоғи ҳисобланади. Тизма кенгликларга яқин йўналишда бўлиб, бодомсимон шаклда, 100 км масофада чўзилган, унинг кенлиги марказий қисмида 35-40 км га этади. Қулжуктов тизмаси ташқаридан қараганда, ерга “чўкиб” ётган икки ўрқачли туяни эслатади. Ғарбий “ўрқачи” энг баланд – 785 метр, шарқий қисмидагиси эса 773 метр мутлақ баландликка эга.

Тизманинг сувайирғич қояли ва пойдевор қисми палеозой эрасининг отқинди ва қора рангли гилли сланец, ҳамда кумтош,

1-жадвал

**Қулжуктов тизмаси ва унга ёндош ерларда атмосфера ёғинларининг энг кўп,
энг кам ва ўртача кўп йиллик миқдори (1951-2010 йиллар, мм ҳисобида)**

Метеостанция номи		О й л а р б ў й и ч а												Йиллар бўйича
		I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	
Бухоро	Энг кўп	62,9	59,6	100,6	99,2	60,7	46,8	12,9	8,2	16,1	15,7	42,5	55,7	244,5
		1970	1952	1987	1964	1997	1953	1969	1968	1976	1957	1993	1986	1988
	Энг кам	0	0,7	2,8	0	0*	0*	0*	0*	0*	0*	0	0	56,8
		1955	1958	1990	1975 ¹	Бир неча йиллар							1966 ²	1996
	Ўртача кўп йиллик	17,8	19,1	28,5	22,1	10,8	1,8	0,8	0,2	1,0	3,3	12,0	17,1	134,5
Жинғилди	Энг кўп	36,9	47,6	56,5	77,3	91	15,2	14,5	9,6	3,9	20,3	30	35,8	169,6
		1998	1956	1981	1967	1991	1963	1999	1998	1982	1955	1999	1989	1991
	Энг кам	0	0	0	0	0*	0*	0*	0*	0*	0*	0*	0	36,5
		1971	2004	2008	1989 ³	Бир неча йиллар							1996 ⁴	2008
	Ўртача кўп йиллик	9,7	13,2	18,0	16	11,8	2,2	1,1	0,6	0,7	3,7	8,4	10,6	96,0
Оёқоғитма	Энг кўп	53,6	50,2	96,1	89,2	49,8	26,3	57,7	35,8	11,2	27,9	57,9	62,8	247,7
		1979	1952	1987	1964	1997	1953	1982	1974	1995	1951	1999	1988	1969
	Энг кам	0	0	0	0	0	0*	0*	0*	0*	0*	0	0	34
		1967	1955	1979	2001	1971 ⁵	Бир неча йиллар					1985 ⁶	1996 ⁷	1972
	Ўртача кўп йиллик	13,7	17,2	25,2	24,8	12,2	2,5	1,4	1,3	0,6	4,9	12,6	16,7	133,0

оҳактошлардан иборат. Аксарият майдонлар эса мезозой, кайназой эраларининг турли ранг ва механик таркибга эга бўлган чўкинди жинслари билан қопланган. Тизма шимол ва жануб томонларга йўналган сой водийлари билан парчаланган бўлиб, паст тоғларга хос рельефга эга. Маъмурий жиҳатдан тизманинг шимолий ёнбағри Навоий, жанубий ёнбағри эса (Султонбиби-Ботаника боғи йўлагидан ташқари) Бухоро вилоятига тегишлидир.

Натижалар ва уларнинг муҳокамаси.

Кулжуктов тизмасининг маҳаллий сув захираларини ўрганиш мақсадида унинг худудида фаолият кўрсатиб келаётган Жингилди ва Оёқоғитма метеоролик станцияларида қайд қилинган атмосфера ёғинларининг 60 йиллик (1951-2010) кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Ушбу кўрсаткичларни таққослаш мақсадида эса Бухоро метеостанцияси маълумотлари ҳам ўрганилди.

Жингилди метеостанцияси тизма-нинг ғарбий этагида мазкур номли аҳоли манзилгоҳида 209 метр мутлақ баланд-ликда жойлашган. Иккинчиси эса тизма-нинг шарқий чеккасида, Оёқоғитма қишлоғида, 184 метр мутлақ баландликда ўрнатилган. Тизманинг ғарбий қисмида атмосфера ёғинларининг ўртача кўп йиллик миқдори 96 мм га тенг. Ушбу миқдор Оёқоғитма районида эса 133 мм ни ташкил қилади. Яъни ёғинлар миқдо-рининг шарқ (Нурота тизмаси) томонга борган сари ортиши кузатилади. Тизма доирасида ёғинлар миқдорининг йиллар бўйича ўзгаришида кескин фарқланиш-лар кўзга ташланади. Масалан, (1-жадвал) иқлимий маълумотномаларда Бухоро, Жингилди, Оёқоғитма метео-станциялари бўйича

ёғинларнинг кўп йиллик ўртача миқдори, тегишли равишда 143; 101; 134 мм га тенг деб кўрсатилган бўлса, кейинги 60 йиллик ўртача кўп йиллик миқдор 134,5; 96,0; 133,0 мм га тенг. Демак ёғинлар миқдори тегишли равишда ўртача 8,5; 5,0; 1,0 мм га камайган. Ўн йилликлар давомида ҳам ушбу қонуниятни кузатиш мумкин. 1981-1990 йилларда ёғинлар миқдори нисбатан кўпроқ (10,0-14,0 мм) бўлган.

Охирги 20 йиллик яъни, 1990-2000, 2001-2010 йилларда тизманинг ғарбий қисмида ёғинлар миқдори тегишли равишда 92,6; 81,3 мм гача камайган бўлса, шарқий қисмида эса нисбатан кўпайганлиги (7,8 мм га) аниқланди (2-жадвал). Қурғоқчилик даражасига кўра тизманинг энг ғарбий чеккаси (Тузкой-Жингилди) экстраарид (ёғинлар миқдори 100 мм дан кам), шарқий қисми арид (100-200 мм) зонага киради.

Қайд қилиш жоизки, тизманинг марказий сувайирғич қисмида орографик самара (эффект) туфайли ёғинларнинг йиллик миқдори бирмунча ортиқроқ эканлигига шубҳа йўқ. Чўл зонасида жойлашганлигига қарамадан, Кулжуктов тизмаси худудида атмосфера ёғинлари туфайли катта миқдорда сув захиралари ҳосил бўлади. Ушбу сувлар чўл яйлов биоценозлари, чорва моллари учун асосий сув манбаи ҳисобланади. Қиш ва баҳор ойларида ҳосил бўладиган сувларнинг асосий қисми эса 100 дан ортиқ “гидрогеоморфологик дарвозалар” – сойлар орқали тизмани ўраб турган текисликларга сув тошқинлари сифатида оқиб чиқади. Ушбу тошқинлар тизма атрофидаги яйловларга, транспорт тизими ва ерли аҳолига иқтисодий, маънавий зарарлар келтиради.

2-жадвал

Кулжуктов тизмаси ва унга ёндош ерларда атмосфера ёғинларининг 10 йилликлардаги миқдори, мм ҳисобида

№	Метеостанция номи	Ўн йилликлар			Ўртача кўп йиллик ёғин миқдори (1951-2010)
		1951-1960	1961-1970	1971-1980	
1	Бухоро (h=225 м)	1951-1960	1961-1970	1971-1980	134,5
		135,4	131,1	132,4	
		1981-1990	1991-2000	2001-2010	
		148,5	136,7	123,0	
2	Жингилди (h=209 м)	1952-1960	1961-1970	1971-1980	96,0
		92,8	99,9	98,4	
		1981-1990	1991-2000	2001-2010	
		101,9	92,6	81,3	
3	Оёқоғитма (h=184 м)	1951-1960	1961-1970	1971-1978	133,0
		127,1	136,9	112,5	
		1981-1990	1991-2000	2001-2010	
		148,2	130,1	140,8	

Кулжуктов тизмаси доирасида атмосфера ёғинларидан ҳосил бўладиган сув захираларини мукамал ўрганиш ва улардан самарали фойдаланишнинг илмий асосларини ишлаб

чиқиш келажакдаги тадқиқотларимизда ушбу масалага янада жиддий ёндашувимизни талаб этади.

Адабиётлар:

1. Агроклиматические ресурсы Бухарской области. – Л.: Гидрометеоздат, 1972. - 120 с.
2. Момотов И.Ф., Саидов Д.К., Алимжанов А.Г. Кызылкумская станция института Ботаники АН

УзССР. Пустынные стационары Казахстана и Средней Азии. - Алма-Ата, "Наука", 1988. - С. 47-65.

3. Сув Ўзбекистон келажаги учун энг муҳим омил. - Тошкент, 2007. - 136 б.

4. Ҳалимова Г.С. Қулжуктов тизмасида атмосфера ёгинларининг даврий, микдорий ва ҳудудий тақсимланиши // "Қўл зонаси ландшафтлари ресурсларидан самарали фойдаланишнинг географик асослари" мавзусидаги республика илмий-назарий-амалий ференконция материаллари. – Бухоро, 2010. – Б. 125-127.

Халимова Г.С.

О МНОГОЛЕТНИХ ПОКАЗАТЕЛЯХ АТМОСФЕРНЫХ ОСАДКОВ ХРЕБТА КУЛЬДУЖУКТАУ (КЫЗЫЛКУМ)

Резюме

В статье анализируется многолетний режим (1951-2010 годы) атмосферных осадков хребта Кульджуктау (Кызылкум) – как источника местных водных ресурсов. Отмечается необходимость всестороннего изучения водных ресурсов ландшафтов данного хребта в целях эффективного их использования.

Xalimova G.S.

ABOUT THE MANY YEARS INDICATORS OF ATMOSPHERIC PRECIPITATION MOUNTAIN RIDGE KALJUKTAU (QYZILQUM)

Resume

In the article opens possibility using local water resources of landscape mountain ridge Kuldjuctau (1951-2010 y) in livestock sector and recreation and making some suggestions for their rational using.

Тавсия этувчи:

проф. Ҳикматов Ф.Х.

СИНОПТИЧЕСКИЕ ПРОЦЕССЫ НАД СРЕДНЕЙ АЗИЕЙ КАК АГРОКЛИМАТИЧЕСКИЙ ПОКАЗАТЕЛЬ УВЛАЖНЕНИЯ ПАСТБИЩНОЙ ТЕРРИТОРИИ ПУСТЫНИ КЫЗЫЛКУМ В ВЕСЕННИЙ ПЕРИОД

Сулаймонова Н. Н.

Ключевые слова: синоптические процессы, агроклиматические условия, каракулеводство, пастбища, пустыня, увлажнение, урожайность.

Введение. Важное место в экономике независимого Узбекистана занимает сельское хозяйство, неотъемлемой частью которого является пастбищное животноводство.

Каракулеводство – это одна из основных отраслей животноводства Узбекистана. Кормовой базой этой отрасли являются пустынные и полупустынные пастбища, которые занимают практически всю равнинную часть республики, основу которой составляет пустыня Кызылкум и прилегающие к ней полупустынные районы.

Каракульские овцы в течение круглого года находятся на пастбище, подвергаясь всему комплексу неблагоприятных погодных и кормовых условий.

К сожалению, растительный покров пастбищных угодий, по сравнению с 1995 годом, сократился на 23% по всему Узбекистану [5], что вызывает озабоченность научной общественности и населения. Поэтому исследование увлажнения территории пустынных пастбищ имеет большое как теоретическое, так практическое значение.

Целью работы является изучение многолетнего режима атмосферных процессов происходящих над Узбекистаном, в частности над территорией пустыни Кызылкум, которые являются важным элементом формирования осадков, определяющих агрометеорологические условия произрастания пастбищной растительности в весенний период.

В работе использованы статистические

методы исследования.

Для выполнения данной работы **использованы** архивные материалы гидрометфонда Узгидромета, различные научно-прикладные агроклиматические справочники и литературные источники, календари типов синоптических процессов над Средней Азией [3].

Результаты и их обсуждение. Урожайность каракулевых пастбищ в большой степени зависит от метеорологических условий. Средняя их урожайность составляет 1,4-2,5 ц/га, и только в полупустынных предгорных районах она повышается до 3,5 ц/га. В благоприятные годы урожайность возрастает вдвое, в неблагоприятные – снижается в 2-3 раза. Основное формирование годовых запасов кормов на пастбищах происходит в весенний период [1].

В работах И.Г. Грингофа [2], О.Л. Бабушкина, Т.Е. Сумочкиной и М.В. Ситниковой [1] отмечено, что агрометеорологические условия существенно сказываются на росте и формировании урожая пустынной растительности на пастбищах Кызылкума. Наряду с этим, в этих же работах [1,2] представлены найдены количественные связи между урожаем пастбищной растительности и её высотой. Нами на материалах опубликованных в работе [4], рассмотрены вопросы о наличии связи между урожаем и высотой растений, Это подтверждает и рис.1 и можно подчеркнуть, что высота растений в пустынных условиях является важным

агрометеорологическим показателем, который представляет практический интерес.




Рис. 1. Связь урожая пастбищной растений (Y, ц/га) с высотой (h, см).

Отметим, что показателем условий периода интенсивного роста трав может служить нормированные суммы осадков.

Осадки единственные источник водных ресурсов в пустынной зоне Узбекистана, которые выпадают исключительно неравномерно. С октября по май выпадает 85-95 % осадков [1].

Среднее годовое количество осадков колеблется от 81 мм в западных районах пустыни Кызылкум (Бузаубай) до 144 мм в восточных районах (Машикудук).

Годы с суммой осадков с октября по май 90-110 % от нормы относятся к средним по влагообеспеченности. Годы с суммой осадков менее 90 % относятся к сухим, а с суммой осадков более 110 % - к влагообеспеченным годам [1].

Использование этих показателей дало возможность выявить повторяемость лет с определенной влагообеспеченностью осадками в отдельности для каждой пустынной станции, что представлено в таблице.

Таблица

Повторяемость (%) лет определенной влагообеспеченности осадками

Станция	Среднее количество осадков (мм)	Годы		
		сухие	средние	влагообеспеченные
Акбайтал	103,4	33	36	31
Бузаубай	80,8	44	28	28
Тамды	115,8	23	51	26
Машикудук	144,1	26	51	23
Аякагитма	125,8	32	38	30
Джангельды	90,1	38	36	26

Анализ повторяемости лет по влагообеспеченности показал, что в Акбайтале и Аякагитме годы достаточно равномерно распределяются между сухими, средними и влагообеспеченными в пределах 30-38%.

В Бузаубае в 44% преобладают сухие годы, а средние по влагообеспеченности и влажные распределяются по 28%. В Джангельды влажные годы отмечаются всего в 26% лет, а сухие и средние по влагообеспеченности составляют 36-38%. В Тамды и Машикудуке в 51% преобладают средние по влагообеспеченности годы, а на сухие и влажные годы приходится всего по 23-26% (табл. 1.).

Влагообеспеченность пустынных пастбищ зависит от конкретных метеорологических условий, которые являются следствием наблюдающихся над данной территорией синоптических процессов.

Подсчитана повторяемость синоптических процессов в сухие и во влажные годы.

Для обобщения была проведена группировка синоптических процессов. Выбраны следующие группы.

Циклоническая деятельность над территорией Средней Азии – южнокаспийский, мургабский и западный циклоны – объединены в единую группу (типы 1+2+14). Процессы этой группы обуславливают погоду с осадками, что способствует накоплению влаги в почве.

Типы погоды связаны с северо-западным и западным холодным вторжением, которые всегда сопровождаются осадками (типы 5+10).

Антициклоническую погоду обуславливают юго-западная, юго-восточная и южная периферия антициклона над территорией Средней Азией. При данных типах процессов сохраняется холодная погода. При наличии снежного покрова отмечается сильное выхолаживание территории. Эти типы процессов не позволяют накопить большое количество влаги в почве. Они объединены в группу антициклонических ситуаций (типы 9+9а+9б).

Группа малоградиентных полей повышенного и пониженного давления характеризуются погодой без осадков, что не способствует накоплению влаги в почве (типы 12+13).




Рис.2. Повторяемость (%) групп типов синоптических процессов, вызывающих сухие или влажные условия для произрастания растительности в весенний период.

Результаты расчета представлены на рис.2.

Наиболее значимыми синоптическими процессами в формировании влажных условий являются выходы южнокаспийского, мургабского и западного циклонов, которые приносят влагу на территорию равнин Узбекистана. Повторяемость этих процессов при формировании влажных лет на 5,0 % больше, чем для сухих. Формированию влажных лет способствуют волновая деятельность на холодном фронте и северо-западное и западное холодные вторжения. Превышение повторяемости волновой деятельности во влажные годы составляет 2,8 % . холодных вторжений 1,7 %.

Наибольшее влияние на формирование сухих лет оказывают анти-циклонические процессы, которые в сухие годы отмечаются на 6,2 % чаще, чем во влажные. Повторяемость малоградиентных полей повышенного и

пониженного давления в засушливые годы на 2,3 % больше, чем во влажные годы, северных холодных вторжений на 1,3 % больше, широких выносов теплого воздуха на 0,2 % больше, чем во влажные.

Закключение. Таким образом, по сочетанию повторяемостей синоптических процессов над Средней Азией, в частности над территорией пустыни Кызылкум, можно рассматривать синоптические процессы, приносящие влагу, как одной из показателей агроклиматических ресурсов увлажнения территории. Этот показатель необходимо учитывать при оценке влагообеспеченности пастбищ и влияния на урожайность. Это должно быть подкреплено количественно, что необходимо для агрометеорологического обслуживания каракулеводства Узбекистана.

Литература:

1. Бабушкин О.Л., Сумочкина Т.Е., Ситникова М.В. Комплексная оценка каракулеводческих пастбищ Узбекистана. – Ташкент: НИГМИ, 2007. – 161 с.
2. Грингоф И.Г. Пастбищные растения Кызылкума и погода // Труды САНИГМИ. – Вып. 34 (49). – Л.: Гидрометеоздат, 1967. – 138 с.
3. Календарь типов синоптических процессов над Средней Азией: Вып. 2 / Под ред. Т.А. Войновой, С.И. Инагамовой. – Ташкент, 1980.
4. Вып. 4 / Под ред. С.И.Инагамовой. – Ташкент, 2013.
4. Назаров Х.Т., Давронов К.К., Эшкувватов Б.Б. Сравнительное изучение пустынных кормовых растений в условиях предгорной полупустыни и их использование в фитомелиорация./ Известия Географического Общества Узбекистана, Вып 43, - Ташкент,2013. – С 138-140.
5. Stefanie Christman, Aden A. Aw-Hassan, Toshpulot Rajabov, Abdullo Rabbimov, ICARDA – SEPRP Herders' Guide on Integrated Rangeland Restoration (IRR) – 2013. - 6 p.

Сулаймонова Н. Н.

ЎРТА ОСИЁ СИНОПТИК ЖАРАЁНЛАРИНИНГ БАҲОР ФАСЛИДА ҚИЗИЛҚУМ ЧЎЛ ХУДУДЛАРИ НАМГАРЧИЛИГИНИНГ АГРОИҚЛИМИЙ КЎРСАТКИЧИ ЭКАНЛИГИ ҲАҚИДА

Резюме

Мазкур ишда Қизилқум ҳудудида кузатиладиган синоптик жараёнлар таҳлил қилинган ва тупроқда намлик йиғилишига сабаб бўлувчи ёгинлар олиб келадиган ёки қуруқ йилларга сабаб бўладиган синоптик жараён турлари гуруҳларга ажратилган.

Sulaymonova N.N.

ABOUT THE SYNOPTIC PROCESSES OF THE CENTRAL ASIA AS A MOISTURE AGRO-CLIMATE INDICATOR OF THE QYZILQUM DESERT IN THE SPRING SEASON

Resume

Distribution the spring on water supply in territory of deserted pastures of Kizilkum is presented. Repeatability of types of the synoptic processes causing dry and wet years is considered.

Рекомендуем:

д.г.н. Абдуллаев А.К.

ОЦЕНКА РИСКА ЗДОРОВЬЯ НАСЕЛЕНИЯ, СВЯЗАННОГО С ЗАГРЯЗНЕНИЕМ ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ

Тилляходжаева З.Д.

Ключевые слова: фактор риска, болезни сердечно-сосудистой системы, органов дыхания, онкологических, эндокринных систем, загрязнение природной среды.

Важное место в обеспечении и сохранении потенциала здоровья населения занимает выявление факторов риска и условий их возникновения. Оценка риска для здоровья, связанного с загрязнением окружающей среды, охватывает широкий диапазон, как характеристик среды, так и показателей здоровья, начиная с оценки вероятности опасного загрязнения воздуха, воды, почвы и других объектов, и кончая определением вероятности возникновения того или иного заболевания или летального исхода.

Так, возникновение и рост числа болезней сердечно-сосудистой системы, органов дыхания, онкологических, эндокринных и других заболеваний во многом зависит от загрязнения и неблагоприятных условий внешней среды, негативных последствий антропогенного воздействия на природные ресурсы.

Влияние качества воды на здоровье человека непосредственно связано с эффективностью существующих профилактических мероприятий по охране водоемов от загрязнения и способов очистки питьевых вод. Изучение влияния качества воды на здоровье населения необходимо для прямого, а не опосредованного обоснования прогноза реальных последствий загрязнения источников воды для здоровья людей на ближайшую и отдаленную перспективу. Состояние здоровья населения является отражением сложного комплекса явлений в окружающей среде. На процесс его формирования влияет целый ряд биологических, социально-экономических, антропогенных, природно-климатических и других факторов. Так, по данным Всемирной организации здравоохранения, здоровье человека на 50-60% зависит от условий и образа жизни, на 15-20% от состояния окружающей среды и на 10-15% от качества медицинской помощи.

Здоровье населения является одним из главных показателей и целей социально-экономического развития страны и неслучайно, что во всех развитых странах оно рассматривается, как критерий качества жизни. Здоровье населения (или общественное здоровье) характеризует здоровье популяции как целостного организма и измеряется системой статистических показателей и демографических коэффициентов. Медико-демографические показатели наиболее обширно характеризуют состояние общественного здоровья, поскольку отражают степень истощенности жизнеспособности организма и весь диапазон воздействующих на население факторов социально-экономического, наследственного, природно-климатического и экологического состояния.

Медленное, хроническое воздействие малых концентраций химических компонентов воды, угнетение защитной функции организма в соответствующей степени снижают общую резистентность организма к другим повреждающим факторам и способствуют увеличению общей заболеваемости, в том числе заболеваемости инфекционными болезнями за счет снижения иммунного противостояния.

Во многих исследованиях развитие раковых заболеваний связывается с обнаружением в подземных водоисточниках канцерогенных органических соединений антропогенного происхождения. Поэтому необходимо особое внимание на пестицидное загрязнение поверхностных вод. В особенности как Республика Каракалпакистан, Хорезмские, Бухарские вилояты, влияние подземных вод на здоровье населения очень велика. Причиной этих последствий остается экологическое состояние и засоление земель. Вышеупомянутые вилояты остаются лидирующими в таких заболеваниях, как заболевания почек и заболеваний мочевыводящих путей. В данном случае рассматривается только заболевания связанные с поверхностными и подземными водами. Так как Каракалпакская Республика и Хорезмский вилоят расположены в низовьях реки Амударьи, что становятся причиной распространения инфекционных заболеваний. Население не уделяет должное внимание гигиене, кипячению прежде чем употреблять воду из арыков колодцев и водосборов, что является причиной самых высоких показателей инфекционно-кишечных заболеваний.

В то же время исследования Датского Технического университета свидетельствует о способности длительного сохранения в подземных водах целого ряда пестицидов: ДДТ, линдана, долдрин, инсектоакарициды, фунгициды, дефолианты, серные препараты и т.д.

Исследователи Хорватии отмечают загрязнение широко используемым канцерогенным гербицидом-атразином. Ими было выявлено механизмы попадания пестицидов в грудное молоко за счет их миграции по цепи: «почва —> питьевая вода —> человек». Таким образом, вся цепочка круговорота воды в природе так или иначе будет оказывать свое непосредственное влияние как на окружающую среду в целом так и человека полностью зависящим от него.

Попадая в водоемы, хлорорганические и фосфорорганические пестициды, полихлорированные бифенилы довольно быстро перераспределяются между водой и взвешенными частицами. Они плохо растворяются в воде, но хорошо сорбируются на мелких взвесах, а затем

осаждаются в донных отложениях, где и депонируются. Донные отложения являются хорошими консервантами многих токсичных соединений, так как низкие температуры на дне водоемов способствуют процессу торможения их распада, деградации. Анализ содержания остатков труднорастворимых пестицидов в донных отложениях дает более достоверную информацию о загрязненности водного объекта, чем аналогичный анализ воды, поскольку малая миграционная способность, как самих донных отложений, так и кумулированных в них пестицидов, а также сорбция донными отложениями токсикантов, способствует удерживанию этих загрязняющих веществ в местах попадания. В проточных водоемах пестициды сносятся течением в нижнюю зону. Поэтому в местах попадания, где скорость течения большая, остаточные количества токсикантов будут незначительны и потенциальную опасность представляют те участки, в которых происходит вынос препаратов. Следовательно, необходимо осуществлять наблюдения за состоянием загрязнения донных отложений озер и рек питающихся коллекторно-дренажным стоком, и водохранилищ, поскольку в этих водных объектах загрязняющие вещества накапливаются в основном именно в донных отложениях за счет оседания почвенных частиц, приносимых реками и коллекторами и содержащих сорбированные остатки персис-тентных пестицидов.

Характерно, что во всех приведенных выше исследованиях других стран отмечается необходимость проведения углубленных исследований степени влияния пестицидного загрязнения подземных вод на здоровье людей.

Различные виды сельскохозяйственного производства увеличивают риск попадания азотных соединений в подземные воды. Так,

канадские авторы подтверждают связь между интенсивным картофелеводством и концентрацией нитратов в подземных водах. Данная работа иллюстрирует пользу географических информационных систем (ГИС) при анализе пространственных связей такого рода [3].

Большое количество работ посвящено опасности антропогенного химического и биологического загрязнения подземных вод. Во многих исследованиях с пестицидным загрязнением подземных и поверхностных вод связывается риск повышения уровня раковых заболеваний.

На современном этапе управление качеством поверхностных вод потребовало разработки научно-обоснованного подхода к усовершенствованию системы наблюдений, она должна быть комплексной и должна учитывать разные аспекты процесса формирования и трансформации поверхностного стока, как в республике так и во всем регионе тоже. В связи с изменениями, происходящими в результате приобретения Независимости Республики Узбекистан, потребовалась оптимизация сети наблюдений и ее унифицированное методическое и приборное оснащение, которое позволило бы получить надежные и достоверные данные. Поэтому в 1997-1999 и 2000-2002 годах выполнялись исследования по оптимизации системы мониторинга загрязнения поверхностных вод Узбекистана и унификации методов анализа качества воды (Р. В.Торянокова, Т.А.Карасева, Б.Э.Нишонов).

Проводилась инвентаризация существующей системы наблюдений за качеством поверхностных вод, ретроспективный и пространственный анализ качества водотоков республики, выявление воздействия источников антропогенного загрязнения на экологическое состояние природных вод Узбекистана.

Литература:

1. Доклад Государственного комитета Республики Узбекистан по охране природы «Охрана окружающей природной среды и использование природных ресурсов Республики Узбекистан». - Ташкент, 1993, 2005.
2. Очерки развития гидрометеорологии в Республике Узбекистан». – Ташкент: НИГМИ, 2013.
3. Рубинова.Ф.Э, Иванов Ю.Н. Качество воды рек бассейна Аральского моря и его изменение под влиянием хозяйственной деятельности. - Ташкент, 2005.
4. Чуб В.Е. Изменение климата и его влияние на природно-ресурсный потенциал Республики Узбекистан. - Ташкент, 2000.
5. Ricketts T.C., Savitz L.A., Gesler W.M., et al. Using Geographic Methods to Understand Health Issues // Agency for Health Care Policy and Research Publications. Rockville, 1997. - № 97.

Тилляходжаева.З.Д.

АТРОФ-МУҲИТНИНГ ИФЛОСЛАНИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИНГ ХАВФИНИ БАҲОЛАШ

Резюме

Мақолада юрак-қон томир тизими, нафас йўллари, онкологик ва эндокрин касалликларни вужудга келиши ва сонини ортишида атроф муҳитнинг ноқулай шароити ва ифлосланиши масалалари ёритилган.

Tillyakhodjaeva Z.D.

RISK ASSESSMENT OF HEALTH OF THE POPULATION ASSOCIATED WITH POLLUTION

Resume

Origination and growth of the number of diseases of the cardiovascular system, respiratory, oncology, endocrine and other diseases largely depends on pollution and adverse environmental conditions.

Рекомендуем:

проф. Хикматов Ф.Х.

ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ ОҚОВА СУВЛАРИНИ ТОЗАЛАШНИНГ БИОТЕХНОЛОГИК УСУЛИ ҲАҚИДА

Ҳайитов Ё. Қ.

Таянч сўзлар: *тўқимачилик корхоналари, оқова сувлар, органик моддалар, ифлосланиш, озонлаш усули, суюлтириш усули, биологик усул, пистия, эриган кислород, кислороднинг биокимёвий сарфланиши, тоза сув.*

Кириш. Ҳозирги вақтда дунё миқёсида энг муҳим ва ҳаётий аҳамиятга эга бўлган муаммолардан бири табиий сувларни ва сув ҳавзаларини ҳар хил ифлосланишдан ҳимоя қилишдир. Шаҳарлар саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жараёнида шаклланидиган чиқинди сувларни тозалаш усуллари яратиш, улардан қайта фойдаланиш ҳозирги замон гидробиология ва унга турдош фанлар олдида турган долзарб масалалардан биридир.

Бугунги кунга келиб, мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон Республикасида етиштирилаётган пахта толасининг 30 % дан ошиғи мамлакатимиз тўқимачилик корхоналарида қайта ишланмоқда. Маълумки, бу жараёнда кўп миқдорда сув ишлатилади ва натижада шунга мос ҳажмларда чиқинди сувлар ҳосил бўлади. Афсуски, чиқинди сувлар таркибида ҳар хил органик, минерал ва кимёвий элементлар мавжуд бўлиб, улар сувни ифлослантиради. Шу туфайли сув ресурслари чекланган республикамиз шароитида уларни тозалаш ўта долзарб аҳамиятга эгадир.

Тўқимачилик фабрикаларидан ҳосил бўлган чиқинди сувларни тозалаш бўйича айрим олимлар томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Ўтган асрнинг ўрталарида бажарилган илмий ишлар, уларнинг натижалари асосида оқова сувларни тозалашнинг индустриал қурилмаларда (аэротенкда) амалга ошириладиган озонлаш, суюлтириш каби усуллари таклиф этилган (Постников, 1954; Васильев, 1969; Яковлев ва бошқалар, 1963; Воронов, Быкова, 1965; Спивакова ва бошқалар, 1969). Лекин, оқова сувларни тозалашнинг энг самаралиси биологик усулдир.

Ушбу ишнинг **асосий мақсади** ип-йигирув корхоналари оқова сувларида юксак сув ўсимлиги пистияни ўстириш ва шу ўсимлик ёрдамида тўқимачилик корхоналари оқова сувларини органик-минерал моддалардан тозалаш технологиясини яратишдир.

Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Ҳозирги кунда юқорида қайд этилганидек, оқова сувларни тозалашда механик, физик, кимёвий ва биологик усуллар қўлланилади. Бу усуллар ичида экологик нуқтаи назардан энг самаралиси биологик усулдир. Биологик усулда чиқинди сувнинг таркибидаги органик моддалар микроорганизмлар ёрдамида минерал моддаларга айланади ва карбонат ангидрид гази ажралиб чиқади. Сувнинг таркибидаги минерал тузлар ва карбонат ангидрид гази ўз навбатида сувда ўсувчи сув ўтлари томонидан ўзлаштирилади ва оқова сув ҳар хил ифлослантирувчи моддалардан тозаланади. Бундай усулдан тўқимачилик кор-

хоналаридан чиқадиган чиқинди сувларни тозалашда фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан тежамли бўлиб, атроф-муҳит нуқтаи-назаридан мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, мустақил республикамизда, шу жумладан Бухоро вилоятида тўқимачилик саноати яхши ривожланган. Тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқариладиган ип-газлама маҳсулотлари республикамиз иқтисодиётига катта фойда келтиради. Айни пайтда, мазкур корхоналардан чиқадиган оқова сувлар атроф-муҳит ҳолатига, умуман олганда, вилоят ҳудуди табиатига катта зарар етказмоқда. Бу эса, экологик мувозанатнинг бузилишига сабаб бўлмоқда. Тўқимачилик корхоналари оқова сувларини биологик усул билан тозалаш технологиясини ишлаб чиқиш мақсадида биз юксак сув ўсимлиги-пистия (*Pistia stratiotes* L) дан фойдаландик.

Пистия ўсимлигининг турли манбаларда шаклланиган оқова сувларни тозалаш хусусиятларини Ўзбекистонда биринчи бўлиб, Р.Ш. Шоякубов ва унинг шогирдлари ўрганганлар (Шоякубов, 1982; Хайдарова, 1991; Джуманиёзова, 1995; Хасанов, 1995 ва бошқалар). Улар пистия ўсимлигидан чорвачиликда, паррандачиликда ва каноп заводларида шаклланиган оқова сувларни тозалашда фойдаландилар. Бир сўз билан айтганда, бу жараённинг биотехнологиясини яратдилар. Ушбу тадқиқотларнинг аҳамияти шундаки, олимлар тажриба ўтказиш жараёнида пистия ўсимлигининг систематикаси, биологияси, экологияси, анатомияси, уни ўстириш усуллари билан бир қаторда унинг ҳўл массасидан олинган маҳсулотдан халқ хўжалигида фойдаланиш масалаларини ҳам ўрганганлар.

Кўриниб турибдики, тўқимачилик корхоналаридан чиқадиган оқова сувларни биологик усул билан тозалаш йўллари шу пайтгача яхши ўрганилмаган. Шу туфайли мазкур ишда асосий эътибор Бухоро вилоятидаги айрим тўқимачилик корхоналарининг оқова сувларини пистия ўсимлиги ёрдамида тозалаш технологиясини ўрганишга қаратилди.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун ишда қуйидаги вазифалар белгиланди:

- Бухоро вилоятидаги тўқимачилик корхоналари оқова сувларининг физик- кимёвий таркиби ва уларнинг экологик вазиятга салбий таъсирини ўрганиш;

- ип-йигирув корхоналари оқова сувларидан олинган намуналарда, лаборатория шароитида, пистия ўсимлигининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигини ўрганиш;

- пистия ўсимлигининг ўсиши, ривожла-

ниши, ҳосилдорлигини ва бошқа хоссаларини биологик ҳовузларда ўрганиш;

- оқова сувларнинг юқорида тилга олинган ҳар икки шароитда ифлосланган органик-минерал моддалардан тозаланиш жараёнини кузатиб бориш;

- оқова сувларни пистия ўсимлиги ёрдамида биологик ҳовузларда тозаланишнинг технологик лойиҳасини тавсия қилиш.

Белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун 2014 йилнинг июнь-август ойларида Бухоро шаҳридаги тўқимачилик фабрикасида махсус изланишлар бажарилди. Қуйида шу жараёнда олинган натижаларни таҳлил қиламиз (Жадвал).

Жадвалдан кўриниб турибдики, Бухоро тўқимачилик корхонаси оқова сувларига пистия

экилгандан кейин, бор-йўғи 6-7 кунда унинг тўлиқ тозаланиши аниқланди. Бунинг исботи қуйидагиларда акс этади: оқова сувларнинг физик-кимёвий таркиби яхшиланди, хиди йўқолди, сувда эриган кислороднинг миқдори кўпайди, Кислороднинг биокимёвий сарфланиши ҳамда оксидланиш даражаси камайди. Азотли бирикмалар, жумладан, аммиаклар, нитритлар ва нитратлар ўсимликлар томонидан тўлалигича ўзлаштирилди. Сувни органик-минерал моддалардан тозалаш даражаси 90-95 фоизни ташкил қилди. Сувнинг ранги тиниқлашди, оқова сувларга экилган пистиянинг кимёвий таркиби минерал-озуқавий муҳитга экилган пистиядан фарқ қилмаслиги аниқланди.

Жадвал

Бухоро тўқимачилик фабрикаси оқова сувларининг физик хоссалари ва кимёвий таркиби

Кўрсаткичлар	Сувнинг дастлабки таркиби	Пистия экандан 7 кундан кейинги таркиби
рН	5,7	7,5
Ҳиди, балл	4,0	Йўқ
Ранги	Қорамтир	Рангсиз
Эриган кислород, 1мг/л	1,3	6,9
КБС ₅ , мг О ₂ /л	59,7	19,8
Оксидланиш, мг О ₂ /л	48,6	19,8
Аммиак, мг/л	6,0	Йўқ
Нитритлар, мг/л	5,0	Йўқ
Нитратлар, мг/л	0,08	Йўқ

Бухоро тўқимачилик фабрикаси оқова сувларининг физик-кимёвий таркибини биоэкологик омиллари ҳамда корхоналардан чиқадиган сувлар тўпланадиган биологик ҳовузларга экилган пистия ўсимлигининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги ўрганилди. Лаборатория шароитида бир метр квадрат сув юзасида пистия ўсимлиги ҳосилдорлиги яъни хўл массасининг ортиши кунига 44,3 граммни ташкил қилди. Биологик ҳовузларда еса бу миқдорнинг 540 граммга етиши аниқланди.

Ишга ҳулоса сифатида қайд этиш лозимки, Бухоро тўқимачилик фабрикасида чиқадиган

оқова сувлардан олинган намуналарда лаборатория шароитида ва унга қўшимча равишда биологик ҳовузларда пистия биомассасини ўстириш биотехнологияси яратилди. Чикинди сувларни тозалаш учун биологик ҳовузларнинг лойиҳавий чизмалари тавсия қилинди. Ип-йигирув корхоналари оқова сувларида ўстирилган пистия биомассасидан грануланган ҳолда озуқа сифатида фойдаланиш тавсия этилди. Чунки токсикологик текширишлар натижасида озуканинг зарарсизлиги аниқланди. Ундан чорвачилик ҳамда балиқчиликда фойдаланиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Буриев С., Хайитов Ё., Рашидов Н., Мустафоева М., Тоиров Б. Использование водных растений в водоохранной биотехнологии Бухарской области // Экологические проблемы растительного и животного мира Бухарского региона. – Бухара, 1997.-С. 14-17.
2. Музаффаров А.М., Шоякубов Р.Ш., Юнусов И.И., Кутлиев Д., Абдуллаев А.А., Хайдарова Х.Н. Опыт культивирования *Pistia Stratiotes* L. и ее использование в очистке сточных вод // Узб.биол.журнал. 1983, №4.-С. 29-32.
3. Хайитов Ё., Буриев С., Шоёкубов Р. Изучение роли пистия телорезовидной в биологической очистке сточных вод ткацкой фабрики // Экологические проблемы растительного и животного мира Бухарского региона. – Бухара, 1997.-С. 32-38.

Хайитов Ё. К.

О БИОЛОГИЧЕСКОМ МЕТОДЕ ОЧИСТКИ СТОЧНЫХ ВОД ТКАЦКИХ ПРЕДПРИЯТИЙ

Резюме

В работе рассматриваются вопросы очистки сточных вод ткацких фабрик города Бухары. При этом применяется биологический способ очистки сточных вод с применением высшего водного растения-пистия.

Hayitov Y.K.

ABOUT THE BIOLOGICAL METHOD OF PURIFICATION OF WATER WEAVING ORGANIZATIONS

Resume

In the article reviewed issues of purification flowing water weaving factories of the Bukhara city. For that, it is used biological methods of purification of flowing water using water-growing grasses.

Тавсия этувчи:

проф. Ҳикматов Ф.Х.

СУВ БОШИДА ЧАНҚАГАН ХУДУД

Баратов А.

Таянч сўз ва иборалар: *Сув тақчиллиги, табиий кўрсаткич, интенсив ўзлаштириш, агроиклимий, ҳукуматлараро ҳужжатлар, минтақавий ташаббуслар, лимит*

Наманган вилояти нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиё худудида такрорланмас табиий манзараларга эгаллиги билан ажралиб туради. Вилоят Марказий Осиёнинг “жавоҳири” ҳисобланган Фарғона водийсининг шимолий қисмида жойлашган бўлиб, ғарбдан шарққа 130 км, шимолдан жанубга 35 км.дан 80 км га қадар чўзилган. Худуди 7,44 минг кв. км. Наманган вилояти Фарғона водийси вилоятлари ўртасида худуди катталиги жиҳатдан биринчи ўринда туради.

Вилоятда 16 та дарё ва сой, кўпга мавсумий сойлар шаклланган. Мавжуд, сув ресурслари қадимдан суғорма деҳқончилик ихтисослашган ва вилоятда жуда катта иқтисодий аҳамиятга эга. Ўзбекистоннинг бошқа худудларига нисбатан сув билан таъминланганлик даражаси анча юқори бўлишига қарамай, вилоят Фарғона водийсининг бошқа худудларига нисбатан дарё ва сойлари камсувлиги билан ажралиб туради. Чунончи, Фарғона тизмасининг ғарбий ёнбағирларида 1 кв. км майдонда ўртача 12,4 л/сек, Олой ва Туркистон тизмаларида – 7,1 л/сек сув йиғилса, Чотқол ва Қурама тоғларининг жануби-шарқий тизмаларида (Наманган вилоятининг асосий дарё ва сойларининг бошланғич манбаи) – 5,8 л/сек сув йиғилади (В.Л.Шульц, Р.Машрапов) холос.

Фарғона водийси жанубидаги Исфайрамсой дарёсининг ўртача йиллик суви сарфи – 27,6 м³/сек. Сўх дарёсиники эса 43,9 м³/сек бўлгани ҳолда, Подшоотасой дарёсининг сув сарфи 5,6 м³/сек ва Косонсой дарёсиники 11,4 м³/сек. дан иборат ёки 4-4,5 марта оздир. Айни вақтда, Наманган вилоятининг текислик минтақасида жойлашган Мингбулоқ ва Поп туманларининг Сирдарёнинг чап соҳилидаги худудлари Фарғона водийсининг “Олтин камари” ҳисобланган Норин ва Сирдарё дарёлари сувлари билан таъминлайди. Ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб вилоятнинг адир, адирорти текисликлари ва тоғолди худудларини интенсив ўзлаштиришнинг бошланиши оқибатида бугунги кунда бу дарё ва сойлар Сирдарёга деярли етиб бормади. Асосий дарё ва сойларнинг сувлари том маъноси билан суғоришга сарфланади. Чодаксой, Говасой, Резаксой, Косонсой, Намангансой, Подшоотасой, Чортоқсой Наманган вилояти худудидаги йирик тоғ дарё ва сойлари ҳисобланади. Қулай интенсив ўзлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирида вилоят ўзига хос қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши шаклланган минтақа ҳисоблансада, ер ва сув ресурслари чекланган худудлардан бирига айланиб бормоқда. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш аввало сув ресурсларидан тўғри фойдаланишни тақозо

этади. Бирок, сўнгги йилларда дарёларнинг юқори оқимида жойлашган давлатларнинг сув сиёсати дарёлар сув оқимини жиддий ўзгаришларига сабаб бўлди. Натижада, киш даврида оқим бўйлаб пастроқда жойлашган Фарғона водийсининг айрим худудларини сув босиши юзага келган бўлса, суғориладиган майдонларида ёз мавсумида сув тақчиллиги юз бера бошлади.

Наманган вилояти буйича ёзда сув етказиб бериш тақчиллиги 0,9 км³ни ташкил этса, сувлик ўртача бўлган йилда сув танқислиги 57-61 фоиз атрофида бўлади. Айниқса, ёз ойларига келиб сув тачилиги 85 фоизгача боради. Норин дарёси оқими куз-киш даврида табиий кўрсаткичдан 2 барабар кўпаяди, ёз ойларида эса 1,9 марта камаяди. Сувни етказиб беришдаги мутаносибликнинг етишмаслиги каналлар ва иншоотлардан фойдаланишга ўз таъсирини ўтказиб, уларнинг доимо юқори босимда ишлашига ва барвақт ишдан чиқишига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, Шимолий Фарғона, Катта Наманган ва Охунбобоев каналларда кафолатланган сув олиш муаммоли масалага айланмоқда. Вилоятда вегетация даврида сув билан таъминланишда бундай муаммони бошидан кечираётган ерларнинг умумий майдони 50 минг гектардан ошди.

Сув таъминотининг пастлиги туфайли ғалла ҳосилдорлиги гектаридан 0,04-0,06 тонна, пахта эса 0,07-0,1 тоннагача тушиб кетиши кузатишмоқда. Бу эса, озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, маҳсулотни қайта ишлаш саноатининг хом ашёга бўлган эҳтиёжини қондирмаслик жиддий муаммога олиб келади. Сирдарё ҳавза сув хўжалик бирлашмасининг ҳисоб-китобига кўра, ҳавза бўйича фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш учун йиллик эҳтиёжлар ўртача 1,4 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Биргина Катта Фарғона каналини қайта тиклаш учун 21,6 миллион АҚШ доллари керак бўлади. Ҳукумат вазиятни барқарорлаштириш мақсадида Наманган вилоятида сув таъминоти даражасини юксалтиришга қаратилган шошилиш муҳандислик чораларини амалга оширмоқда.

Сув ва ундан фойдаланиш масалалари узок даврлардан бугунги кунга қадар энг долзарб масала бўлиб келган. Ҳозирда ҳам республикада бу муаммога доир бир қатор қарорлар, фармон ва фармойишлар ишлаб чиқилган. Ўзбекистон истиқлолга эришган пайтдан бошлаб, Марказий Осиё сув-энергетика ресурсларини биргаликда бошқариш соҳасидаги икки томонлама ва кўп томонлама битимлар ва минтақавий ташаббусларда фаол иштирок этиб

келмоқда. Бир қатор ҳукуматлараро ҳужжатларнинг имзоланиши Орол ҳавзасидаги мамлакатлар ўртасида мулоқот ва ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлди.

Минтақа мамлакатлари лимитланган ресурслардан ишлаб чиқариладиган электр энергияси юқори оқимда жойлашган мамлакатлар томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун ҳисоб-китоб қилиш асосига айланиши лозимлиги хусусида келишиб олинди. Аммо, сувдан янада фойдаланиш ва Тўхтагул сув омборидан фойдаланиш бўйича ўзгартирилган тартибга мослашиш заруриятига дуч келган мазкур мамлакатлар ўз саъй-ҳаракатини қафолатланган сув етказиб бериш ва сув истеъмолини камайтиришга қаратмоқда. Ўзбекистонда экинлар тузилмаси ўзгартирилди, шоли етиштириш майдонлари қисқартирилди, суғориладиган деҳқончиликда сув сарфини камайтиришга доир чоралар кўрилди. Қўшимча даромад илнжи, Қирғизистон Республикасининг сув оқимларини фақат ички истемол мақсадлари учун эмас, балки экспорт мақсадлари учун ҳам энергетика режимга ўтказишга ундамоқда. Бирок, табиий гидрологик давр, сувдан фойдаланувчилар ҳукуки ва Қирғизистоннинг Тўхтагул сув омборидан фойдаланишдан кўрадиган энергетикага оид даромадини ўрта ва қуйи оқимда жойлашган мамлакатларнинг йўқотишлари эвазидан олиши сувни иқтисодий товар сифатида баҳолаш унчалик тўғри эмаслигини кўрсатади.

Бугунги кунда сувдан фойдаланиш борасидаги устувор йўналишлар бўйича келишмовчилик ва қарама-қаршиликлар ҳали ҳам мавжуд. Мамлакатлар ўртасида сув ва энергетика муаммолари бўйича қарорларни мувофиқлаштиришдаги қийинчиликлар давлатлараро сув оқимларини ҳимоя қилиш, сув ҳамда ресурсларни тежаш бўйича миллий дастур ва режаларни амалга ошириш чораларини анча орқага

тортмоқда. Айни пайтда, сувдан миллий даражада янада самарали ва оқилона фойдаланиш минтақада кескинликни камайтириш ҳамда барқарорликни мустаҳкамлашга ёрдам берган бўлар эди. Ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларнинг етарли даражада мувофиқлаштирилмагани ва минтақавий даражада бошқарув механизмларининг йўқлиги сабабли сув ва энергетика ресурсларидан фойдаланиш масалалари бўйича ўзаро фойдали қарорлар қабул қилиш ҳамда муромага келиш имкониятлари чекланган. Минтақада қўлга киритилган тажриба ва сабоқларнинг юқорида қайд этилган таҳлили сув ва энергетика ресурсларини бошқаришнинг барқарор ҳамда яхлит ёндашувлари, принциплари барча соҳаларда ва бошқарувнинг барча даражасида ўзгаришларни амалга оширишни тақозо этади. Гарчанд Наманган вилояти Фарғона водийсининг сув бошида жойлашган худуди ҳисоблансада, қўшни Андижон, Фарғона вилоятларидан сув тақчиллиги бўйича алоҳида ажралиб туради. Бундан ташқари, вилоятнинг 70 минг гектар ерлари насос станциялари ёрдамида суғорилиши муаммони янада жиддийлашишига олиб келмоқда. Вилоят кишлоқ хўжалигидаги сувга бўлган йиллик лимит (эҳтиёж) 2,6 миллиард м² ҳажмида баҳоланади. Аммо насос станцияларидаги энергия харажатлари куз ва эрта баҳордаги сув чиқариш учун каналлардаги сувнинг пасайиши вилоятнинг адир минтақасида сув муммосини кучайишига олиб келмоқда.

Кўриниб турибдики, бу муаммоларни ижобий ҳал қилиш Наманган вилоятини бугунги ва истикболли ривожланишини таъминлайди. Суғорма деҳқончиликнинг етарли сув билан таъминлаш эса, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини доимий такомиллаштириб боришни имконини беради.

Баратов А.

НЕДОСТАТОЧНОСТЬ ВОДНЫХ РЕСУРСОВ В ИСТОКАХ РЕК

Резюме

В статье исследуются вопросы дефицита орасительной воды и вопросы рационального использования водных ресурсов Наманганской области.

Baratov A.

INSUFFICANCY OF WATER RESOURCES IN THE RIVER SOURCE

Resume

In this article there outlined topic is about effectively using water resources in Namangan regional agriculture and deficiency of water resources in the region.

Тавсия этувчи:

проф. Ҳикматов Ф.Х.

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ДАРЁЛАРИ ОҚИМИНИНГ ЙИЛ ИЧИ ТАҚСИМОТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Солиев Э.А.

Таянч сўзлар: дарё оқими, дарёларнинг тўйиниши, оқимнинг йил ичи тақсимоти, оқим ўзгарувчанлиги, тренд, корреляция.

Маълумки, тоғ дарёлари оқимининг йил ичи тақсимоти одатда В.Л.Шульц таклиф этган июль-сентябрь ойларидаги оқим (W_{VII-IX}) нинг март-июнь ойларидаги оқим (W_{III-VI}) га нисбати $\delta = \Sigma Q_{VII-IX} / \Sigma Q_{III-VI}$ билан баҳоланади. Бу катталик тоғ дарёларининг тўйиниши бўйича таснифлашнинг асосий кўрсаткичи сифатида ҳам

тан олинган. Шу кўрсаткич асосида Фарғона водийси дарёлари оқимининг йил ичи тақсимотидаги ўзгаришларни Чодаксой, Подшоотасой, Сўх ва Исфайрамсой дарёлари мисолида ўрганишга ҳаракат килдик.

Юкоридаги дарёларнинг асосий гидрографик ва морфометрик кўрсаткичлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Дарёларнинг асосий морфометрик кўрсаткичлари

Дарё	Гидропост	Ҳавза майдони, км ²	Ҳавзанинг ўртача баландлиги, м	Ҳавзадаги музликлар	
				сон	майдони, км ²
Чодаксой	Джлуасой гп.	352	2900		
Подшоотасой	Тоссу куй.и	366	2820	13	3.2
Исфайрамсой	Учқўрғон к.	2220	3370	208	66.5
Сўх	Сариканда қ.	2480	3500	276	258

Таъкидлаш лозимки, Исфайрамсой ҳавзасининг 10 % ини, Подшоотасой ҳавзасининг 3 % майдонини, Сўх дарёси 0,9 % ини музликлар қоплаган.

2-жадвал

Дарёлар оқимининг статистик кўрсаткичлари

Йиллар	Q_{III-VI}	$C_{v_{III-VI}}$	σ_v	Q_{VII-IX}	$C_{v_{VII-IX}}$	σ_v	δ	$Q'_{\text{йил}}$	$C_{v_{\text{йил}}}$	σ_v
Чодаксой дарёси										
1927-2005	8,25	0,82	9,95	2,1	1,11	13,5	0,19	3,7	0,7	8,49
1946-1975	8,68	0,71	12,7	2,39	1,36	24,4	0,21	3,95	0,76	13,6
1976-2005	8,33	0,75	9,1	1,83	1,19	21,3	0,17	3,58	0,63	7,65
Подшоотасой дарёси										
1938-2005	8,71	0,3	3,64	7,2	0,34	4,13	0,83	5,67	0,27	3,27
1946-1975	9,49	0,3	5,47	8,37	0,38	6,93	0,88	6,44	0,32	5,83
1976-2005	7,96	0,22	4,01	6,16	0,32	5,84	0,77	4,94	0,21	3,83
Исфайрамсой дарёси										
1927-2005	21,1	0,4	4,85	38,9	0,38	4,61	0,54	22,4	0,33	4
1946-1975	20,01	0,23	4,2	37,8	0,2	3,65	0,53	21,6	0,14	2,55
1976-2005	22,8	0,41	7,48	41,3	0,45	8,21	0,55	23,8	0,47	8,58
Сўх дарёси										
1927-2005	31,4	0,42	4,72	104,8	0,25	2,81	0,3	43,3	0,23	2,59
1946-1975	29,4	0,33	6,02	99,3	0,24	4,38	0,3	41,1	0,2	3,65
1976-2005	34,6	0,35	6,39	113,3	0,16	4,46	0,3	46,8	0,17	3,1

2-жадвалда ушбу дарёлар оқимининг статистик кўрсаткичлари, 3-жадвалда эса ойлик оқим бўйича маълумотлар келтирилган. Ўртача миқдорларнинг хатолиги $\sigma_0 = 100C_v / \sqrt{n}$ ибораси ёрдамида аниқланди. Бунда C_v - оқим ўзгарувчанлиги (вариация) коэффициенти. Бу қийматлар келтирилган 2-жадвалдан кўриниб турибдики, хатolik 9% дан ошмайди, яъни олинган маълумотларни ишонарли деб ҳисоблаш мумкин.

3-жадвал маълумотлари кўрсатишича, ҳавзаси нам ҳаво оқимларига тескарироқ жойлашган Чодаксойнинг суви апрель ва май ойларидан ташқари барча ойларда камайган: бу камайиш июнь ойида 15% дан кўп, март, июль, август, октябрь ойларида 20% дан, сентябрь

ойида 30% дан кўп бўлган.

Фақат апрель ва май ойларида 4-4.5% га кўпайган, холос. Март-июнь ойлари оқими илик даврда олдинги 30-йилликка нисбатан 4% га камайгани ҳолда июль-сентябрь ойлари оқими 24% га камайган; оқимнинг йиллик камайиши 10% атрофида бўлган. Оқим ўзгарувчанлиги эса, март-июнда бироз кучайган, июль-сентябрда – сусайган.

Подшоотасойда йилнинг барча ойларида оқим миқдори камайган. Бунинг асосий сабаби дарё ҳавзасида ёгин миқдорининг камайиши бўлиши мумкин. Исфайрамсойда ойлик оқим илик 30 йиллик (1976-2005 йй.) да совуқроқ 30 йиллик (1946-1975 йй.) га нисбатан, апрель ойдан ташқари, ҳамма ойларда кўпайган; энг катта

кўпайиш ёзнинг иссиқ ойлари – июнь ва июлга
хамда қишнинг энг совуқ ойлари – январь-

февралда юз берган.

3-жадвал

Дарёлар ойлик оқими ва ундаги ўзгаришлар

Йиллар	Ойлар											
	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
Чодаксой дарёси												
1927-2005	0,77	0,81	1,81	7,27	13,4	10,5	3,56	1,62	1,05	1,03	1,11	0,89
1946-1975, Q_2	0,84	0,89	2,1	7,38	13,4	11,8	4,03	1,86	1,28	1,18	1,16	0,95
1976-2005, Q_1	0,75	0,77	1,6	7,70	14	10	3,18	1,48	0,84	0,91	1,10	0,87
$Q_1/Q_2 - 1, \%$	-10,3	-13,7	-24	4,35	4,26	-15	-21,2	-20,7	-34,6	-23,1	-5,82	-8,06
Подшоотасой дарёси												
1938-2005	1,83	1,68	1,89	5,38	12,4	15,2	11,2	6,55	3,84	2,64	2,32	2
1946-1975, Q_2	1,99	1,85	2,18	6,07	12,9	16,8	12,8	7,77	4,56	3,008	2,59	2,18
1976-2005, Q_1	1,59	1,45	1,55	4,85	11,4	14	10	5,4	3,04	2,189	1,98	1,78
$Q_1/Q_2 - 1, \%$	-20,3	-21,5	-29	-20,2	-12	-16	-21	-30,5	-33	-27,2	-23,5	-19
Исфайрамсой дарёси												
1927-2005	12,2	11,2	10,6	10,5	19,7	43,7	53,2	39,5	24,1	17,0	14,2	13,1
1946-1975, Q_2	11,8	10,5	10,4	10,8	18,6	40,04	50,3	38,8	23,8	16,9	14,3	12,8
1976-2005, Q_1	13,1	12,3	11,3	10,3	20,2	49,3	58,3	41,2	24,3	17,4	14,7	13,8
$Q_1/Q_2 - 1, \%$	11,2	16,7	7,95	-4,98	7,7	23,2	15,8	6,1	2,05	2,93	3,0	7,3
Сўх дарёси												
1927-2005	11,8	10,7	10,1	12,7	28,5	74,5	132,9	121,2	60,3	26,1	17,5	13,6
1946-1975, Q_2	11,8	10,6	9,99	12,3	26,6	68,5	122,9	117,8	57,2	24,8	17,3	13,1
1976-2005, Q_1	12,3	11,1	10,2	13,7	30,8	83,7	147	128	65,03	27,3	18,3	14,5
$Q_1/Q_2 - 1, \%$	4,34	3,8	1,75	11,7	15,6	22,3	19,5	8,7	13,7	9,7	5,6	10,8

Оқимнинг ёзги кўпайишини музликларнинг кучлироқ эриши, қишки кўпайишни эса қишнинг иликрок келиши ва, натижада, қор қопламнинг эриши билан боғлаш мумкин. Апрель ойи оқимидаги камайишга эса қор захираларининг қишки эриш орқасида бироз камайиши сабаб бўлгандир. Баҳорги, яъни март, май ва июнь ойларидаги сув кўпайиши ёғиннинг кўпайганлиги билан боғлиқ.

Сўх дарёсининг суви иқлим илиқ даврда йилнинг барча ойларида кўпайган. Шу жумладан, иқлим илишига боғлиқ бўлмаган ер ости сувларидан тўйинадиган ойларида (XI-III) ҳам сув миқдори кўпайганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Ёз (май-сентябрь) ойларида сув миқдори 14-23 % га ошган. Сувнинг энг кўп миқдори июнь ва июль ойларида тўғри келади. Июль-сентябрь ойларида сувнинг кўпайишини музликлар эришининг кучайганлиги ҳосиласи десак, апрель-июнь ойларида сувнинг кўпайиши ёғинлар кўпайганлигидан далолат бериши мумкин. Бу фикрни март-июнь ойларида оқим ўзгарувчанлигининг илиқ даврда бироз ошганлиги, июль-сентябрь ойларида эса кескин (66 %) камайганлиги ҳам тасдиқлайди (2-жадвал).

Юқоридаги 2-жадвалда кўзга ташланадиган яна ўзгаришлардан бири – оқим вариация

коэффициентининг Исфайрамсойда илиқ даврда кўпайиши, Подшоотасойда эса пасайишидир. Музликлар кўп Сўх дарёсида ва ўртача баландликлардан сув оладиган Чодаксойда ҳам оқим ўзгарувчанлиги пасайган¹. Оқим ўзгарувчанлигининг илиқ даврда пасайишини иқлим шароитининг бир томонга ўзгариши билан тушунтириш мумкин. Ҳавза музланиши ўртача бўлган Исфайрамсойда эса илиқ даврда оқим ўзгарувчанлиги анча ошган. Бунинг сабаби Исфайрамсойда, Фарғона водийси дарёларида фарқли равишда, 1995 йилдан кейин тренд манфийлиги анча кескин тус олганида бўлиши мумкин. Манфий тренд эса дарё хавзасидаги музликлар майдонини камайганлиги оқибатида юзага келгандир. Исфайрамсойнинг максимал сув сарфи (35,0 м³/с) ҳам, минимал сув сарфи (14,3 м³/с) ҳам 1994-2005 йилларда кузатишган. Олдинги даврларда бу кийматлар мос равишда 28,7 (1945 й.) ва 15,5 (1974 й.) м³/с ни ташкил этган.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, дарёлар оқимининг йил ичи тақсимооти кўрсаткичи δ га Исфайрамсойда, худди Сўх дарёсидаги каби, илиқ

¹ Солиев Э.А. Фарғона водийси дарёлари оқимининг иқлим ўзгариши шароитида баҳолаш. Диссертация автореферати. - Тошкент: ГМИТИ. – 2008 й. – 33 б.

даврдa қарийб ўзгармаган, Подшоотасойда эса 13 % га камайган. Чодаксойда бу камайиш 20 % га яқин эди. Демак, ҳозирги кунда қузатилаётган

музликлар майдонининг камайиши δ нинг қийматига унчалик таъсир этмаган.

4-жадвал

Дарёлар оқим кўрсаткичларининг корреляция кўрсаткичлари

	Чодаксой	Подшоотасой	Исфайрамсой	Сўх
$\delta = f(Q_{VII-IX})$	0,58	0,58	0,29	0,13
$\delta = f(Q_{III-VI})$	-0,16	-0,11	-0,35	-0,75
$\delta = f(Q_{II})$	-0,05	0,22	0,00	0,29
$Q_{VII-IX} = f(Q_{II})$	0,63	0,85	0,94	0,87
$Q_{VII-IX} = f(Q_{III-VI})$	0,62	0,72	0,78	0,49
$Q_{III-VI} = f(Q_{II})$	0,96	0,84	0,92	0,79

Дарёлар оқими кўрсаткичлари орасидаги корреляция коэффициентлари 4-жадвалда берилган. Бунда энг қизикарлиси, Сўх дарёсида $\delta = f(Q_{III-VI})$ нинг корреляция коэффициенти энг кучли катта қийматга эга. Чодаксой ва Подшоотасойда эса кичик бўлгани ҳолда,

$\delta = f(Q_{VII-IX})$ бунга бутунлай тесқари. Сабаби Сўх дарёсида $C_{V_{III-VI}}$, Чодаксой ва Подшоотасойларда $C_{V_{VII-IX}}$ нинг катталигидир.

Адабиёт:

Солиев Э.А. Фарғона водийси дарёлари оқимининг иқлим ўзгариши шароитида баҳолаш // Диссертация автореферати. - Тошкент: ГМИТИ. – 2008 й. – 33 б.

Солиев Э.А.

ИЗМЕНЕНИЕ ВНУТРИГОДОВОГО РАСПРЕДЕЛЕНИЯ СТОКА РЕК ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ

В статье рассмотрены вопросы изменения показателей внутригодового распределения стока рек Ферганской долины в связи с изменением климата.

Soliyev E.A.

THE CHANGE OF INTERNAL DISTRIBUTION FLOW OF RIVER OF THE FERGANA REGION

Resume

In the article reviewed issues of change indicators internal distribution flow of river of the Fergana region.

Тавсия этувчи:

проф. Ҳикматов Ф.Ҳ.

ЧЎЛЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ГЕОГРАФИК РАЙОНЛАШТИРИШ КАРТАЛАРИНИ ЯРАТИШ МАСАЛАЛАРИ

Рафиков В.А., Эгамназаров О.Х., Актамов Б.У.

Таянч сўзлар ва иборалар: чўлланиш, карта, районлаштириш, табиат, тупроқ, дешифровка, ГАТ, Mapinfo дастури, Photoshop дастури.

Инсон билан табиат муносабатларининг тобора чигаллашуви ва мураккаблашуви борган сари кучайиб бораётганлиги, бунинг оқибатида жамият учун ноҳуш ходисаларнинг ривожланиши, чунончи, экологик инқироз, иқтисодий танглик, аҳоли саломатлигининг бузилиши, табиий ресурсларнинг қашшоқланиши ва камайиши, Ер қурраси бўйича содир бўлаётган иқлим ўзгаришлари ва бошқа салбий жараёнларнинг эндиликда кенг миқёсда сайёрамиз бўйлаб тараққий қилаётганлиги биосфера ресурсларидан хўжаликда фойдаланишни тартибга солиш, меъёрида фойдаланишни татбиқ этиш, саноат, транспорт ва

кишлоқ хўжалиги, маиший, чиқиндилар чиқаришни имкони борича миқдор жиҳатдан камайитириш йўналишига ўтишни тақозо этмоқда.

Ҳозирда чўлланиш ва тупроқ шўрланиши жараёнларини ҳамда экологик муаммоларни географик, экологик ҳал қилишда тадқиқот усуллари каторида картографик усуллардан ҳам кенг қўлланилмоқда. Картографик усулларни аэрокосмик маълумотлар билан бойитилиши, воқеа ва ходисаларни, табиий ва антропоген жараёнларни маълум замон ва макондаги ўрнини аниқ кўрсата оладиган космофотокарталарни пайдо бўлишига олиб келди. Ушбу карталарнинг афзаллиги ва қулайликлари уларда акс эттирилган

мазмун ва маънони ҳозирги замон талаби даражасидалиги, йирик географик ҳудудлар учун умумий ва бир хиллиги, уларнинг тезкорлиги ва мунтазам равишда янгилаб туриш имконининг мавжудлигида.

Табиатда чўллар пайдо бўлишининг асосий сабаби, атмосферада ҳаво ҳароратининг юқоридан пастга ҳаракатининг кўп кузатилишидир. Бундай ҳолат пассат циркуляцияси, совуқ денгиз оқимларининг материк сохилларига таъсири, орографик тўсиқ, жойнинг океанлардан узоқда жойлашганлиги натижасида юзага келади. Ҳаво ҳароратининг юқоридан пастга ҳаракати ҳукмрон жойларда ёгин ёғиш имконияти кескин пасайиб кетади. [1]. Шу билан бирга, чўлларнинг пайдо бўлиши ва кенгайишига антропоген, яъни табиат ва инсон ўртасидаги муносабатлар мувозанатининг бузилиши: сув ресурсларидан оқилана фойдаланмаслик, флора ва фаунанинг қашшоқланиши ва бошқалар сабаб бўлмоқда.

Ҳозирда Ер юзасида ҳукм сураётган иқлимий шароит асосан яқин ўтмишда, тўртламчи даврнинг куйи, ўрта ва юқори қисмида рўй берган музланишлар давридан сўнг юзага келган. Ердаги ҳаётнинг асосий манбаи куёш бўлса-да, атмосферанинг иқлим ҳосил қилувчи аҳамияти алоҳида ўрин тутаяди. Атмосфера таркибининг шаклланиши ва ўзгариши эса органик дунёнинг ривожланиш жараёни билан бевосита боғлиқ.

Глобал иқлим ўзгаришининг фойдали оқибатларидан кўра салбий, айниқса, қирғоқбўйи мамлакатлари ҳамда қурғоқчил иқлим минтақаларда борган сари яққол намоён бўлмоқда. Ушбу глобал салбий жараёнлар 1960 йиллар охирида иқлимшунос ва дунё муаммолари билан шуғулланувчи олимлар эътиборига тушди ва ушбу муаммоларни ҳал этиш йўлидаги ҳаракатларга раҳбарлик қилишни БМТ (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти) ўз зиммасига олди.

Бугунги кунда чўлланиш энг долзарб географик муаммолардан бири ҳисобланади. Шу боисдан 1977 й. БМТнинг махсус конференциясида “Чўлланишга қарши кураш бўйича дастур” қабул қилди. 1994 й. эса “Чўлланишга қарши кураш конвенцияси” қабул қилинди ва у 1996 й. кучга кирди.

Чўл – ўсимлик дунёсининг яхши ривожланишига йўл бермайдиган доимий қуруқ ва иссиқ иқлимли ўлкалардаги биом типи. Чўл Ер қуруқлик қисмининг 20% дан ортиқроқ қисмини эгаллайди. Тупроғи ва ер юзасини қоплаган ётқизикларига кўра куйидаги чўллар ажратилади:

- қадимий аллювиал текисликлар ғовак жинслари устидаги – кумли чўллар;
- гипсли плато ва тоғ олди текисликларидаги чағир шағалли гипсли чўллар;
- пасттоғ ва тепаликлардаги тошлок чўллар;
- шўр мергель ва гил жинслардан тузилган паст тоғлардаги гилли баланд чўллар;
- денгиз сохиллари ва шўрҳок

депрессиялардаги шўрҳок чўллар.

Чўлланиш – қурғоқчил иқлимли ўлкаларда экологик тизимларнинг бузилиши, улардаги органик ҳаётнинг барча шакллари ёмонлашувига ва натижада табиий-иктисодий имкониятларнинг пасайиб кетишига олиб келувчи табиий-географик ва антропоген жараёнлар мажмуи. Бу жараёнлар табиий ўсимликлар турлари ва микдорининг камайиши, тупроқ эрозияси, тупроқнинг шўрланиши ва унумдорлигини камайиб кетиши кабилардан иборат. Чўлланиш натижасида чўлларнинг майдони ортади, чўл тавсифли ландшафтлар юзага келади. Ер юзасининг 48,5 млн. км² га яқин қисми чўл ва чала чўлларданиборат бўлиб, унинг 10 млн км² га яқини антропоген омиллар таъсирида юзага келган. [2]

Чўлланишни ўрганиш, олдини олиш ва унга қарши курашиш чора тадбирлари бўйича жаҳон миқёсида ишлар олиб борилади. Бу мавзудаги биринчи илмий анжуман 1997 й. Кениянинг Найроби шаҳрида ўтказилган ва унда чўлланишга қарши кураш режаси ишлаб чиқилган. Бундай илмий анжуманлар Ўзбекистонда 1981 й. Тошкентда, 2000 й. Самарқандда, 2010 й. Бухорода ўтказилган. Ўзбекистон Республикаси 1995 йил 31 октябрда қурғоқчилик ва чўлланишга қарши кураш Ҳалқаро конвенциясига қўшилган.

Комплексе табиий-географик районлаштириш – табиий географиянинг энг муҳим биринчи даражали муаммоларидан бири ҳисобланади. Чўлланиш ва тупроқ шўрланишини районлаштириш ҳозирги вақтда долзарб муаммолардан ҳисобланади. Табиий-географик районлаштиришнинг илмий жиҳатдан пухта асосланган принципи, услуби ва схемаси фақат илмий аҳамиятга эга бўлишдан ташқари халқ хўжалигининг турли соҳалари учун ҳам амалий аҳамиятга эгадир. Чунки табиий ресурслардан оқилана фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш, ҳудуд табиати ичидаги тафовутларни ҳар томонлама ва илмий жиҳатдан пухта билишни тақозо этади. Табиий-географик районлаштириш бу ҳудудда маълум қонуният асосида жойлашган ва табиатда объектив мавжуд бўлган, бир-бирдан табиий хусусиятлари жиҳатидан фарқланадиган ҳар хил табиий-худудий комплексларни аниқлашдир.

Маълум ҳудудни табиий-географик жиҳатдан районлаштиришда куйидаги энг муҳим услублардан фойдаланиш мумкин:


- турли хил карталарни бир-бирига таққослаш бўйича;
- ландшафт ва типологик комплекс карталаридан худудий birlikларни аниқлаш;
- характерли ландшафт комплексларнинг устунлиги;
- табиий-географик birlikларни бевосита далада (жойда) аниқлаш.

Бинобарин, бош мақсад сифатида – чўлланиш ва тупроқ шўрланишини картага олишнинг назарияси, методологияси ва

тамойилларини билиш, амалий жиҳатдан мавзули карталарни тузиш ва нашрга тайёрлашдан иборат.

Карта тузиш ишларининг умумий босқичлари қўйидагилар бўлиб ҳисобланади:

ЖАНУБНИЙ ОРОЛБЎЙНИ ЧЎЛЛАНИШ КАРТАСИ



ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР

Чўлланиш синфлари	Чўлланиш типлари
 чўлланиш кузатилмаган (шўроқлар)	H ўсимлик деградатсияси
 чўлланиш кузатилмаган (пазал майдонларининг ёйқилиши)	Q дефляция
 ўртача	U туپроқ шўрланиши
 кучли	T техноген
 турли хил	↓ чўлланиш: Орол денгиз сатҳининг пасайиши билан боғлиқ
 ўртача кучли	↑ чўлланиш: грунт сувлари сатҳининг пасайиши ва туپроқ шўрланиши билан боғлиқ
 жуда кучли	

- ◆ тахририй-тайёргарлик ишлари;
 - ◆ картанинг оригиналини тузиш ишлари;
 - ◆ картани жиҳозлаш;
 - ◆ картани нашр қилиш.
- Карталарни тузиш ишлари умумий методи

бўйича тахририй-тайёргарлик ишидан бошланади. Кейинги босқич картанинг оригиналини тузишни ўз ичига олади. Картанинг оригиналини тузиш технологияси ГАТнинг Mapinfo ҳамда Photoshop дастурлари асосида

бажарилди. Асосий ишлар Mapinfo дастурида олиб борилди. Ишнинг дастлабки босқичида Жанубий Оролбўйининг аэрокосмик сурати Mapinfo дастури таъминотига юкланиб, жойнинг маълум координатлари киритилди ва картанинг географик ҳамда математик асослари яратилди. Ундан кейинги босқичда эса дешифровка қилиш ишлари географик асоснинг гидрографик элементларига таянган ҳолда олиб борилди. Дешифровка босқичида Жанубий Оролбўйи худудининг бир хил мазмунга эга бўлган воқеа ва ходисалари очиқ ва ёпиқ контурларда белгилаб чиқилди. Ушбу районлаштиришда чўлланишнинг куйидаги даражалари ажратилди: **чўлланиш қузатилмаган (шорлар); чўлланиш қузатилмаган (шагал майдонларининг ёйилиши); ўртача; кучли; турли хил; ўртача кучли; жуда кучли.**

Mapinfo дастурида яна бир асосий босқичда карта компоновкаси ишлари олиб борилди. Ушбу жараён картографик жиҳатдан ажратилган районларга ранг танлаш, картанинг легендасини тузиш, карта рамкасини танлаш, унинг номи ва масштабни жойлаштиришдан иборат. Photoshop дастури асосида қўшимча диаграммалар, карта мазмун ва моҳиятига мос бўлган турли хил бадий кўргазмаларни фотосуратларни

жойлаштириш ҳам ушбу дастур асосида амалга оширилади.

Аниқ мақсадларга йўналтирилган республикаимиз худудлари учун йирик масштабли чўлланиш ва тупроқ шўрланиши карталари жуда ҳам кам. Чўлланиш ва тупроқ шўрланишида географик жойлашиши воқеаликни ҳақиқий тус олиши, уларнинг тузилиши, ички ва ташқи алоқалари, сифат ва миқдор кўрсаткичларини ва уларга бўлган антропоген таъсири натижаларини шартли умумлаштирилган ҳолда ифодаладиган карталар моделини яратиш чўлланиш ва тупроқ шўрланиш карталарини лойиҳалаш ва тузишни амалий ва назарий асослари ҳисобланади.

Чўлланиш жараёнларини географик районлаштириш карталарни яратишнинг асосий мазмун ва моҳияти табиат компонентларининг ҳозирги ҳолати, уларнинг ўзаро алоқадорлигини, табиат ва унинг ресурсларига антропоген таъсирнинг ижобий ва салбий оқибатларини тасвирлашга қаратилган. Бундан ташқари ушбу карталарни табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ҳамда уларни бойитиш ва асраб авайлаш учун илмий асосланган чора тадбирларни тавсия қилишга йўналтириш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар:

1. Назаров И.Қ. География фанининг асосий муаммолари. – Т.: «Muharrir», 2013.
2. Чўл зоналари ландшафтлари ресурсларидан самарали фойдаланишнинг географик асослари // Республика илмий-назарий, амалий коференция материаллари. - Бухоро, 2010.

Рафиков В.А., Эгамназаров О.Х., Ақтамов Б.У. ВОПРОСЫ СОЗДАНИЯ КАРТ ГЕОГРАФИЧЕСКОГО РАЙОНИРОВАНИЯ ПРОЦЕССОВ ОПУСТЫНИВАНИЯ

Резюме

В статье проанализированы отношения природы и общества и их последствия. Изложены соображения по созданию карт географического районирования опустынивания и засоления почв; приводятся результаты работ, а также основные направления научных исследований. По данным проведенных исследований составлена карта районирования процессов опустынивания Южного Приаралья.

Rafikov V.A., Egamnazarov O.H., Aktamov B.U.

QUESTIONS OF CREATION OF MAPS OF GEOGRAPHICAL DIVISION INTO DISTRICTS PROCESSES OF DESERTIFICATION

Resume

In clause in a scientific context relations of the nature and a society and their consequence are analyzed. Reasons on creations of maps geographical division into districts of desertification and засоленияпочв, results of works, and also about the researches which are carried out in the future are stated. According to the lead researches the map of division into districts of processes of desertification Southern Приаральяis made.

Тавсия этувчи:

доц. Эгамбердиев А.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ АТЛАСИНИНГ ЛОЙИХАСИ ҲАҚИДА

Эгамбердиев А., Авезов С.

Таянч сўзлар: агросаноат комплекси, картографик тадқиқот усули, харита ва атласлар, агросаноат комплекси атласи, деҳқончилик ва чорвачилик комплекслари.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Қишлоқ хўжалиги ва уни комплекс харитага олиш масалалари дастлаб Н.Н. Баранский, А.И. Преображенский, кейинчалик М.И. Никишов, А.Д. Шулейкин, И.Ф. Мукомель, Г.В. Гальков, В.А. Шведова, И.Ю. Левицкий, Т.М. Мирзалиев, А.П. Золовский, Т.И. Козаченко, А. Эгамбердиев, К. Гадоев, С. Авезов ва бошқаларнинг турли йилларда ўтказилган тадқиқотларида ёритилган. Агросаноат комплекси (АСК) атласларини, шу жумладан алоҳида республика АСК атласларини яратишга И.Ю. Левицкий, Т.М. Мирзалиев ва А. Эгамбердиевларнинг алоҳида ва ҳамкорликдаги тадқиқотлари бағишланган. Бевосита, Ўзбекистон Республикаси АСК атласини яратиш масаласи И.Ю. Левицкий ва А. Эгамбердиевларнинг мақолаларида ўз аксини топган. Бироқ, ушбу тадқиқотлар муаллифлари ҳам АСК атласларини мақсади, таркиби, мазмуни ва хариталарини рўйхатини бериш билан чегараланганлар. Ушбу масаланинг ечимини топиш ва атласларни лойиҳалаштириш, тузиш ва нашр эттириш билан боғлиқ масалалар охиригача етказилмаган.

Маълумки, АСК халқ хўжалигида қишлоқ хўжалиги хом ашёсидан аҳолининг озиқ-овқат ва халқ истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжларини таъминлашда ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатадиган тармоқлар, корхоналар, фаолият турлари мажмуидир. У мураккаб ва кўп тармоқли, унинг ишлаб чиқариш тузилмасида қишлоқ хўжалиги муҳим аҳамиятга эга. АСК учта соҳадан таркиб топади: қишлоқ хўжалиги; қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш воситалари етказиб берадиган саноат тармоқлари; қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмолчига етказиб бериш билан банд бўлган тармоқлар.

АСК ҳудудий хусусиятлар ва ишлаб чиқараётган пировард маҳсулотига қараб турли даражадаги тизимларга бўлинади. Ҳудудий хусусиятига кўра мамлакат, вилоят ва туман АСК мавжуд. Ишлаб чиқараётган пировард маҳсулот бўйича эса деҳқончилик, пахтачилик, мева-сабзавот, чорвачилик ва бошқа комплексларга бўлинади. Ўзбекистон иқтисодиётида АСК хиссасига ялпи маҳсулотнинг эллик фоиздан ортиқроғи, асосий ишлаб чиқариш фондларининг эса қирқ фоиздан ортиғи, халқ хўжалигида банд аҳолининг қирқ беш фоизига яқини тўғри келади. Республика АСК да пахтачилик агросаноат комплекси, ундан кейинги ўрнида эса чорвачилик туради.

Асосий қисм. Ўзбекистон агросаноат комплекси олдида турган вазифалар уни

ривожланиши учун барча зарур шарт-шароитлар ва ресурсларни махсус ўрганишни талаб этади, бу эса, ўз навбатида, уни бошқариш ва режалаштиришни замонавий талабларига мос тушадиган ўзига хос методларни назарда тутати. Бошқариш ва режалаштиришнинг механизми каторида АСК хариталари тизими ва атласлари алоҳида ўринга эга.

Ўзбекистон АСК атласининг бош мақсади республика агросаноат комплексининг таркибий қисмларини шаклланиши, ривож-ланиши ва уни такомиллаштириш шароитларини ҳар томонлама ва тўлиқ тасвирлаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан табиий муҳит ва асосий ишлаб чиқарувчи куч аҳоли ўртасидаги алоқаларни ва боғлиқликларни кўрсатишдир.

Ўзбекистон АСК атласи ҳудудий регионал хусусиятларни, АСК ва уни таркибий қисмларини географик жойлашуви, ҳолати ва истиқболларини, шунингдек, АСКни бошқаришнинг амалий масалаларини ишлаб чиқишда ҳамда асосий ишлаб чиқариш воситаси – ердан фойдаланиш, унинг сифати ва майдонини ҳисобга олишда зарур маълумотнома кўرғазмали тасвирий қўлланма ҳисобланади. Атласнинг мақсади унинг асосий мазмуни, таркиби ва ҳажмини белгилайди.

Атласни яратишда республикамизда, яқин ва узоқ хориж мамлакатларида атлас картографияси соҳасида орттирилган бой тажрибалардан шунингдек, тегишли вазирлик ва идораларнинг, давлат ташкилотлари ва муассасаларнинг, илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юрталарининг материалларидан кенг фойдаланилади. Атлас карталари мазмунини ишлаб чиқишда соҳанинг малакали мутахассислари ва уни истеъмолчилари кенг жалб этилади.

Атласнинг мақсади, асосий хариталарининг масштаби ва Ўзбекистон Республикасининг конфигурациясини (ҳудудининг шакли ва жойланиши) ҳисобга олиб, унинг бичими (формати) 61×42 см қилиб белгиланди. Асосий хариталарнинг масштаби 1:2 500 000, 1:3 500 000, 1:5 000 000. Шунингдек, ижтимоий инфратузилма хариталарини тузишда 1:7 500 000 ва 1:10 000 000 масштаблардан фойдаланилади. Атласнинг асосий хариталари тўғри тенг томонли конуссимон проекцияда тузилади. Рақамли-статистик маълумотлар охириги беш йиллик ҳолати бўйича берилди. Атласнинг анъанавий қоғоздан қилинган вариантдан ташқари, унинг электрон версияси ва компакт дискини яратиш

хам мўлжалланган. Натижада, шахсий компютери (ноутбуки) бўлган ҳар бир киши атласдан бемалол фойдалана оладиган бўлади.

Дастлабки ҳисоб-китобларимизга кўра, атлас куйидаги таркиб, хариталар рўйхати ва матнли очерклардан ташкил топади:

Муқаддима (кириш): матн ва хариталар – Ўрта Осиё республикалари табиий харитаси, Ўзбекистон Республикасининг гипсометрик, сиёсий-маъмурий ва умумиқтисодий хариталари.

АСК ривожланишини табиий ва социал-иқтисодий шароитлари¹ – матн ва табиий-географик, агроиклимий, гидрологик, тупроқ-иклимий ва яйлов-иклимий районлаштириш хариталари; ёввойи ўсимликлар ва уларга қарши кураш; дала, боғ ва ўрмонларни қурт-қумушқа заракунанда ҳашаротларнинг тарқалиши; ер фонди; ердан фойдаланувчилар тоифалари; қишлоқ аҳолиси ва меҳнат ресурслари; АСК учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналар; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, харид қилиш ва саклаш пунктлари; транспорт шароитлари ва транспорт-иқтисодий алоқалари; фан, маориф ва маданият, соғлиқни сақлаш ва бошқалар.

АСК умумий тавсифи: матн ва хариталар – қишлоқ хўжалиги; сув хўжалиги ва суғориш; ер турлари; ерлардан фойдаланиш; асосий ишлаб чиқариш фондлари; қишлоқ хўжалигининг энергия билан таъминланганлиги; қишлоқ хўжалик техникаси; минерал ва органик ўғитлар ҳамда улардан фойдаланиш; меҳнат ресурслари; ёрдамчи тармоқ ва хўжаликлар; шахсий томорқа хўжаликлари; қишлоқ хўжалигига хизмат

кўрсатувчи ташкилотлар; 1 га қишлоқ хўжалик ерларига ялпи ва товар маҳсулоти таннари ва бошқалар.

Деҳқончилик агросаноат комплекслари тизимлари: матн; хариталар – экин майдонлари ва уларнинг таркиби; пахтачилик; деҳқончилик; тамакичилик; канопчилик; шолічилик; сабзавот-полиэ экинлари; боғдорчилик ва узумчилик; ем-хашак экинлари; қишлоқ хўжалик экинлари ишлаб чиқаришнинг таннари; 1 га қишлоқ хўжалик экинларига тўғри келадиган ишлаб чиқариш харажатлари; деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва бошқалар.

Чорвачилик агросаноат комплекслари тизимлари: матн; хариталар – барча турдаги молларнинг жойланиши ва зичлиги; қорамолчилик; кўйчилик; ипакчилик; паррандачилик; чўчкачилик; йилқичилик; асаларичилик; озуқалар етиштириш; ҳар 100 та қишлоқ хўжалик ерларида чорвачилик маҳсулотларини етиштириш; чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг таннари; чорвачилик маҳсулотларини харид қилиш ва бошқалар.

АСКнинг ривожланиш истикболлари: матн; хариталар – сув ресурслари ва янги ерларни суғориш; қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ихтисослашуви ва марказлашуви, ихтисослашган комплекслар бўйича суғориладиган ерларнинг тақсимланиши; ихтисослашган агросаноат бирлашма ва корхоналарини ташкил этиш босқичлари; иқтисодий алоқалар; қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг экспорти, мол чиқариш ва мол келтириш.

Эгамбердиев А., Аvezов С.

О ПРОЕКТЕ АТЛАСА АГРОПРОМЫШЛЕННОГО КОМПЛЕКСА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Резюме

В статье рассматриваются вопросы создания атласа АПК Республики Узбекистан. Раскрываются структура и содержание этого атласа.

Egamberdiyev A., Avezov S.

ABOUT THE PROJECT ATLAS OF AGRO INDUSTRIAL COMPLEX OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Resume

In the article reviewed issues of development of atlas of agro industrial complex of the Republic of Uzbekistan. Explored structure and content of the atlas.

Тавсия этувчи:

проф. Сафаров Э.Ю.

¹2012 йили чоп этилган Ўзбекистон Республикаси табиий шароити ва ресурсларини ҳар томонлама тавсифловчи комплекс илмий-маълумотнома атласининг мазмунини қайтармаслик мақсадида Ўзбекистон АСК атласида республика ҳудудини қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун энг муҳим ва зарур тавсифларни берувчи бешта табиий районлаштириш хариталарини бериш тавсия этилади.

КОСМИК МЕТОДЛАР АСОСИДА ЛАНДШАФТЛАРНИ ТАСНИФЛАШ ВА УЛАРНИ БАҲОЛАШ МАСАЛАЛАРИ (ХОРАЗМ ВОҲАСИ МИСОЛИДА)

Султанов М.Қ., Сафаров Э.Ю.

Таянч сўзлар ва иборалар: космик метод, суғориладиган ерлар, ҳосилдорлик, географик ахборот тизимлари (ГИС), ландшафт, дешифровка, классификация, деградация.


Кириш. Космик материаллар ва методлар суғориладиган қишлоқ хўжалик ерларини юқори аниқлик билан самарали мониторинг қилиш имкониятини яратади. Ер ва сув ресурсларидан тўғри фойдаланишнинг асосини ишлаб чиқишда космик манбаларга таяниш ишнинг самарадорлигини оширади. Амударёнинг чап ва ўнг соҳилларидаги Хоразм вилоятининг ерларида кўп йиллик суғорма деҳқончилик қилиш натижасида маданий ландшафтлар ареаллари шаклланган. Воҳанинг иклими жуда қуруқ бўлиб, мумкин бўлган буғланиш йилига 1378 мм ва вегетация даврида у 1120 мм ни ташкил қилади [5].

Хоразм вилояти суғориладиган ерларида етиштириладиган маҳсулотларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичига қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси, ирригация ва мелиорация тармоқлари ҳамда тупроқ механик таркиби каби омилларнинг ҳудудий хусусиятлари таъсир қилади. Дарё сув режимининг ўзгариб туриши сабабли, ундан ўз вақтида фойдаланиш имконияти камайиб бормоқда. Қишлоқ хўжалик экин турларини, уларнингтабiiй-биологик ва ижтимоий-иқтисодий хусусиятларига мос равишда ҳудудий тўғри жойлаштириш масаласини ечиш талаб қилиниши табиийдир.

Тадқиқот объекти ва услубиёти. Воҳада 59.1 млн. га (жами 154.9 млн. га дан 38 %) бўлган ер майдонига ишлов берилади, фақат 10 млн. га(6.4%) чўл ва тоғ яйлов ерларига ишлов берилса, 7.9 млн. га (5.1%) ер майдони суғориб деҳқончилик қилинадиган ерлар ҳисобланади [4]. Яйловлар ўтлоқ, майса, шудгор ерлардан иборат бўлиб, 54 млн. га. ни ташкил қилади. Ушбу ҳудуд лалмикор деҳқончилик қилинадиган ерлар бўлиб, уларнинг ҳосилдорлиги суғориладиган ерлар ҳосилдорлигининг 1/10 қисмини ташкил этади. Ҳудудда 22 млн. аҳолининг турмиш тарзи бевосита ва билвосита суғориладиган қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ [3].

Хоразм вилояти ҳудуди тамомила дарё сувига боғланиб қолган 500 минг га ер майдонида деҳқончилик қилинади. Бу ҳудудда суғорма деҳқончилик билан шуғулланадиган 2 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Экин далаларининг ҳар бири ўртача 4-5 гектар майдондан ташкил топган. Космик материаллар ва ГИС маълумотларига асосан, жами 120 мингга яқин экин даласида шундай шароитда агротехник тадбирларни амалга ошириш талаб этилади. Ҳар бир экин даласи ўзига хос бўлган ва бетакрор

географик жойлашув ўрнига эга. Ушбу ҳудуднинг тупроқ ва гидрогеологик хусусиятлари ҳамда бошқарув системаси билан фаркланувчи кичик районларга бўлинади. ГИС технологиялари методлари асосида ерларнинг биофизикафий ва ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини этиборга



1-расм. Ландшафт типологик картаси

олиб, экин далаларини яхши, маргинал ҳамда деградацияга учраган ерларга ажратиш мумкин. Бундай кўп омиллилик ўзаро муносабатларни катта ҳудуд бўйлаб ўрганиш ва кичик бир дала масштабида баҳолаш долзарб масала ҳисобланади.

АҚШ, Германия ва Франция давлатларида олиб борилаётган кенг қамровли ва мураккаб географик таҳлил ҳамда космик тадқиқотлар Ер юзаси ландшафтларини мониторинг қилишга имконият беради. Бунинг учун космик суратларни дешифровка қилиш жараёни замонавий ГИС технологияси орқали бошқарилади ва ландшафтларнинг маҳаллий хусусиятлари космик маълумотлар билан умумлаштирилиб, юқори аниқликда тез сурьатларда ландшафт карталари тузилади.

Тадқиқот дорасида Landsat8 L10 космик аппарати орқали олинган суратлар ёрдамида ўрганилаётган ҳудуднинг ландшафт типологик картаси (1-расм), воҳа маданий ландшафт турлари ҳосилдорлиги аниқланиб, 2013 йилги ҳолат бўйича пахтачилик картаси тузилди (2-расм). ГИС технологияси ёрдамида ландшафт турларининг кичик ҳудудий ареаллари космик суратлардан фойдаланиб дешифровка қилинди ва маълумотлар ГИС базасига киритилди.

$$p > p, i = 1, 2 \dots m,$$


Пикселларни аниқ синфга кириш критерияси куйидагича ифодаланди. Агар

бўлса, x пиксел s синфга киради. Бу ерда m синфлар сони, P эҳтимоллик эса

$$P = x^{-0,5} \log_{10} \frac{d}{d_0} \frac{E}{E_0} - 0,5 \times EX - MF \frac{E}{E_0} EX - MFz,$$

формула билан аниқланади, P берилган синф мавжудлигининг эҳтимоллигини билдиради [2].

Тажриба (тадқиқот) натижалари ва уларнинг муҳокамаси. Ландсат космик сурати 4-3-2 комбинацияси асосида тузилган картада Хоразм вилояти ва жанубий Қорақалпоғистон худудлари ва улардаги ландшафт типларининг географик



2-расм. Пахтачилик картаси. Маданий ландшафт турларининг ҳосилдорлиги бўйича тузилган

жойлашуви тасвирланган. Ушбу расмдаги тўқ кўк рангда сув объектлари, қизил ва тўқ қизил рангларда турли ўсимликлар билан қопланган жойлар, тўқ кулрангда кумли чўл сийрак ўсимликлари эгаллаган майдонлар ҳамда оч кулрангда кўчма кумлардан ташкил топган

ландшафт кўринишлари тасвирланган.

Ландшафт турларининг ҳосилдорлигини билдирувчи пахтачилик картаси 1-расмда берилган ландшафт кичик типлари картаси асосида тузилди. Ландшафт турларини ажратиш ва уларнинг сифат кўрсаткичларини белгилаш, яъни ҳосилдорлик даражаси бўйича таснифлаш, воҳанинг вегетация даврига ва пахта ривожланиш фазасига мувофиқ равишда май-октябрь ойлари оралиғида жами 7 та давр бўйича олинган космик суратлари орқали бажарилди. Космик суратлар асосида ажратилган контурлар биомассаси коэффиценти аниқланди ва пахтанинг ривожланиши фазаларга мувофиқлиги қонуниятига асосланган алгоритм қўлланилган ҳолда, пахта далалари ажратиб олинди. Воҳа маданий ландшафт турларининг жами 12 та тури белгиланди, уларнинг аниқлик даражаси бўйича матрицаси тузилди (1-жадвал). Воҳа маданий ландшафт турларининг вегетация даври ва ривожланиш фазалари диапазонлари бир-биридан анча фарқ қилади, баъзан эса ўхшашликлар ҳам мавжуд. Бу ўхшашликлар экин турларини ажратишда маълум даражада хатоликка йўл қўйилишига сабаб бўлади. Матрица ландшафт турларининг ривожланиши бўйича диапазонларидаги фарқларини ва ўхшашлик томонларини кўрсатади.

1-жадвал

Тартибсизлик матрицаси										Аниқлик коэффицент	
a	b	c	d	e	f	g	h	i	j		
1	1	0	0	2	0	0	0	0	0	a = мевали боғ	0.85
0	4	7	0	0	0	0	0	0	0	b = пахта	1.0
0	0	1	0	0	0	0	0	0	0	c = партов	1.0
3	0	0	1	2	0	0	0	0	0	d = тутзор	0.8
1	0	1	0	1	1	0	0	0	0	e = бошқа	0.79
0	0	0	0	0	1	4	0	0	0	f = шоли	1.0
0	0	0	0	0	0	0	4	0	0	g = тўқай	1.0
0	0	0	0	0	0	0	0	7	0	h = сувли юза	1.0
0	0	0	0	0	0	0	0	0	5	i = буғдой-	1.0
0	0	0	0	1	0	0	0	0	9	j = буғдой-шоли	0.9

Тренд маълумотларининг сони 139 та, Дешифровка аниқлик даражаси 93.5 %

Юқорида келтирилган матрица ва лаборатория шароитида бажарилган таҳлил натижаларига кўра, воҳа агроландшафтларининг асосий турлари таснифланди, улар дала шароитида экин турларининг тарқалиш ареаллари координаталари асосида олинган намуналарга таянган ҳолда ўрганилди. Матрицада келтирилган ландшафт турлари бўйича такрорланишлар ёки хатолик кўрсаткичлари бир неча омилар билан тавсифланиши мумкин. Биринчидан, ландшафтларнинг физиологик хусусиятларидаги ўхшашликлар, иккинчидан, космик аппаратларнинг спектрал диапазони кенглиги бир хилда эмаслиги, учинчидан, космик суратнинг ердаги геометрик

аниқлик даражаси ҳамда маданий ландшафтларнинг инсон томонидан бошқарилишидаги турлича тафовутлар.

Воҳа маданий ландшафт турларидан энг кенг тарқалгани ва миллий бойлигимиз рамзи ҳисобланган пахта экин далалари ва уларнинг тарқалиш ареаллари ўрганилди. Пахта даласида етиштирилган ҳосилни олдиндан башорат қилиш учун пахта экини ривожланиш фазалари бўйича кузатиб борилади. Жадвалдаги пахта майдонлари ва ҳосилдорлик даражасини 10-15, 20-25, 30-35, 40 ц/га классификация асосида туманлар кесимида олинган маълумотлар билан таққослаш мумкин.

Пахтачилик картаси асосида тузилган туманлар масштабидаги геостатистик таҳлил натижалари

Туманлар	Ҳосилдорлик ц/га ҳисобида												Жами майдон ва ҳосилдорлик				
	10-15			20-25			30-35			≥40			га	%	ҳосил	%	ц/га
	га	%	ҳосил	га	%	ҳосил	га	%	ҳосил	га	%	ҳосил					
Боғот	781	10	938	3978	53	8753	2025	27	6480	690	9	2762	7475	8	18932	8	25
Гурлан	931	8	1117	6129	52	13484	3594	31	11502	1119	10	4477	11774	12	30580	13	26
Хонка	313	3	376	4713	43	10369	4368	40	13979	1497	14	5989	10892	11	30712	13	28
Кўшкўпир	2413	19	2895	7706	61	16953	2190	17	7009	409	3	1634	12717	13	28491	12	22
Шовот	2264	21	2717	6260	57	13773	2087	19	6678	406	4	1625	11018	11	24794	10	23
Урганч	862	9	1035	5948	60	13085	2498	25	7994	590	6	2360	9898	10	24474	10	25
Хазорасп	1622	17	1947	5663	61	12459	1526	16	4885	472	5	1886	9284	9	21177	9	23
Хива	573	8	688	3882	53	8540	2420	33	7744	515	7	2059	7390	8	19032	8	26
Янгиариқ	941	14	1129	4182	61	9200	1490	22	4767	295	4	1181	6908	7	16278	7	24
Янгибозор	926	8	1111	6218	56	13680	3093	28	9899	836	8	3342	11073	11	28032	12	25
Беруний	3113	22	3736	8409	60	18501	2157	15	6903	451	3	1802	14131	41	30942	43	22
Элликкаъла	3513	28	4216	6796	54	14950	1815	14	5808	437	3	1746	12560	37	26721	37	21
Тўрткул	2233	30	2680	4562	62	10037	559	8	1790	45	1	181	7400	22	14688	20	20
Жами	20487	15	24584	74447	56	163784	29824	23	95438	7762	6	31047	132520	100	314853	100	24
Хоразм	11627	12	13953	54680	56	120296	25292	26	80936	6829	7	27317	98429	74	242502	77	25
Ж.ККП	8859	26	10631	19767	58	43488	4532	13	14502	932	3	3730	34091	26	72351	23	21

Хонка ва Кўшкўпир туманларида 28-22 ц/га нисбатда бўлиб, 8 ц/гектарга фарқ қилиши катта тафот ҳисобланади. Бинобарин, ўртача кўрсаткичи энг кам ҳосилдорликка эга бўлган Янгиариқ тумани ҳам 20 % пахта далаларида 30 ц/га дан ортиқ бўлган кўрсаткичга эга. Энг юқори кўрсаткичга эга бўлган Хонка ва Гурлан туманларида ҳам 3 дан 8 % гача бўлган далаларда 15 ц/га дан кам бўлган ҳосилдорлик даражасига қайд этилган далалар мавжудлиги кўринади. Таҳлил натижаларига асосан экинларни ҳудудий жойлаштиришда илмий асосланган кўрсатмаларга таяниш зарурлиги тақозо этилади.

Хулоса. Воҳанинг турли чеккаларидаги маданий ландшафт турларининг ҳосилдорлик

даражаларини ҳудудий ўзгаришлари ва уларга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ҳамда баҳолаш лозим. Бунинг учун турли компонентлар ўртасидаги ҳудудий корреляция ва регрессия каби геостатистик таҳлил методларини ҳар бир далага нисбатан ҳисоблаш керак. Мисол учун, ирригация тармоғидан қанча масофада дренаж тизимлари жойлашган ва ҳудудда тарқалган тупроқларнинг сув ўтказувчанлик даражаси қандай. Шунингдек, ҳар йили ўзгариб турувчи омиллардан биттаси - ландшафт турларининг экин далалари бўйлаб нисбий географик жойлашуви комбинацияларининг пахта ва бошқа экин турлари ҳосилдорлик даражасига таъсир қилишини ҳудудий баҳолаш ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Турсунов Л. Ўзбекистон ғарбий қисмидаги суғориладиган ерларнинг тупроқ ҳолати. – Тошкент, 1981.
2. Чандра А.М., Кош С.К. Дистанционное зондирование и географические информационные системы. - М., 2008.
3. Julia Bucknal, Irina Klychnikova, Julian Lampietti, Mark Lundell, Monica Scatata, Mike Thurman. Social, Economic and Environmental, Considerations. The World Bank, February 2003.
4. SIC-ICWC (2004) Drainage in the Aral Sea Basin: Towards a strategy of sustainable development. Scientific Information Center-Interstate Coordination Water Commission. Progress report. Tashkent, Uzbekistan.
5. Conrad C, Schorcht G, Tischbein B, Davletov S, Sulstonov M, Lamers JPA (2012) Agro-meteorological trends of recent climate development in Khorezm and implications for crop production. In: Martius C, Rudenko I, Lamers JPA, Vlek PLG (Eds.) Cotton, water, salts and souns - economic and ecological restructuring in Khorezm, Uzbekistan. Springer: Dordrecht, Heidelberg, London, New York, pp. 25-36.

Султанов М.К., Сафаров Э.Ю.

КЛАССИФИКАЦИЯ ЛАНДШАФТОВ НА ОСНОВЕ КОСМИЧЕСКИХ МЕТОДОВ И ВОПРОСЫ ИХ ОЦЕНКИ (НА ПРИМЕРЕ ХОРЕЗМСКОГО ОАЗИСА)

Резюме

В статье, на примере орошаемых земель Хорезма и Южного Каракалпакстана, освещены проблемы классификации культурных ландшафтов и их оценка, с использованием космических методов и ГИС технологий.

Sultanov M.K., Safarov E.Y.

CLASSIFICATION OF LANDSCAPES ON THE BASES OF COSMIC METHODS AND ISSUES OF THEIR ESTIMATION (IN THE CASE STUDY OF KHORAZIM OASIS)

Resume

In article, by the example of the irrigated grounds of Khoresm and Southern Karakalpakstan problems of classification of cultural landscapes and their estimation, with use of space methods and GIS technologies are covered.

Тавсия этувчи:

доц. Эгамбердиев А.

ЙИРИК МАСШТАБЛИ ТОПОГРАФИК ПЛАН ВА КАРТАЛАРДА ЖОЙ РЕЛЬЕФНИ ТАСВИРЛАШ АНИҚЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

Рўзиев А.С.

Таянч сўзлар: съёмка, план, карта, масштаб, координата, баландлик, рельеф, горизонтал, аниқлик, ўрта квадратик хато, жойнинг рақамли модели.

Йирик масштабли топографик план ва карталар орқали турли инженерлик масалаларни ечишда горизонталлар бўйича нуқталар баландлигини аниқлаш кенг фойдаланилади. Жой рельефини горизонталлар билан тасвирлаш аниқлигини сонли тавсифини назарий асослаш қийин масала бўлиб, у етарли даражада ўрганилмаган. Ўтган асрнинг 50-80 йилларида собиқ Иттифокда йирик масштабли план ва карталарда рельефни тасвирлаш аниқлигини

$$m_{H_n} = (a + b \operatorname{tg} v) \text{ м.} \quad (1)$$

1:10000 масштабдаги карталар учун Коппе маълум 50 км² майдонда олинган 1000 та нуқта баландлигини уларни план бўйича олинган

$$m_{H_n} = (0,3 + 3 \operatorname{tg} v) . \quad (2)$$

(1) формуладаги a ва b коэффициентлар мазмуни 1942 йилда проф. А.С. Чеботарёв томонидан аниқланишича куйидаги хатолар таъсирдан шаклланади: a – съёмка жараёнида пикет нуқталари баландлигини аниқлаш хатосининг таъсири (яъни, рельефнинг

$$m_{H_n} = (0,5 + 5 \operatorname{tg} v) . \quad (3)$$

Швециялик олим Рааб томонидан 1:5000 ва 1:10000 масштаблардаги карталар учун

$$m_{H_n} = (1 + 3 \operatorname{tg} v) . \quad (4)$$

Италияда олиб борилган тадқиқотлар асосида 1:2000 масштабдаги планлар учун

$$m_{H_n} = (0,3 + 3,5 \operatorname{tg} v) , \quad (5)$$

Германияда эса 1:500 масштабдаги планлар учун

$$m_{H_n} = (0,4 + 5 \operatorname{tg} v) \quad (6)$$

формулалар қўлланилган.

Турли масштаблардаги мензула съёмкалари аниқлигидан фойдаланиб, коэффициентлари ҳар хил бўлган жуда кўп эмпирик формулалар олинган. Бунга жой рельефининг турлилиги, топографик ишларни ташкил қилиш ва бажариш шароити ҳамда

$$m_{H_n} = (0,16 + 1,35 \operatorname{tg} v) . \quad (7)$$

Рельефи 1⁰ – 4⁰ гача қияликка эга жойни рельеф кесим баландлиги 1 м бўлган 1:1000 масштабдаги планда рельефни тасвирлаш

$$m_{H_n} = 0,079 + 0,232 \operatorname{tg} v . \quad (8)$$

Е.Г. Ларченко 1:2000 масштабдаги

$$m_{H_n} = (0,10 + 0,5 \operatorname{tg} v) . \quad (9)$$

Маълумки, рельефни съёмка қилиш аниқлиги пикет нуқталар зичлигига, съёмка масштабига, рельеф кесим баландлигига, рельефнинг кичик шакллариининг таъсири ва бошқаларга боғлиқ. Бироқ юқорида келтирилган

тадқиқ қилиш борасида жуда кўп ишлар қилинди. Бир қанча муаллифлар ўтказган тадқиқотлар натижасида рельефни тасвирлаш аниқлигини баҳолаш учун эмпирик формулалар олинган.

Дастлабки уриниш 1902 йилда С. Коппе томонидан бажарилган бўлиб, у горизонтал бўйича нуқталар баландлигини аниқлаш ўрта квадратик хатоси учун куйидаги формулани тавсия этади [1]:

баландлиги билан таққослаб (1) формула сонли қиймати параметрларини куйидагича чиқаради:

кичик шакллари таъсири); b - горизонталларнинг планли ўрнидаги хатоси таъсири.

А.С. Чеботарёв томонидан 1:10000 масштаб учун куйидаги формула олинган:

куйидаги формула олинди [1]:

тадқиқотлар методларининг турлилиги сабаб бўлган.

Рельеф қиялик бурчаги 30⁰ гача бўлган ва қисман дарахтлар билан қопланган жойни 1:5000 масштабдаги карталари учун М. Грээр куйидаги формулани таклиф қилди [1]:

аниқлигини баҳолаш учун Е. Бахман куйидаги формулани олди

планлар учун куйидаги формулани тавсия этади:

формулалар бу муҳим омилларнинг таъсирини аниқ кўринишда акс эттирмайди.

Проф. Н.Г. Видуев рельефни тасвирлаш аниқлигини баҳолаш учун куйидаги формулани таклиф қилади [3]:

$$m_{H_n} = (0,19h + 0,00016Ni) , \quad (10)$$

бу ерда, h – рельеф кесим баландлиги, i – жой нишаблиги, N – сонли масштаб махражи.

(10) формула юкоридаги бошқа формулалардан бир қадар афзалликларга эга, чунки ундаги коэффициентларни аниқлашда

$$m_{H_n}^2 = [(24h^2 + 8T)10^{-4} + (0,5S_{\text{пик}100}^2 + \alpha_T)tg^2\nu] , \quad (11)$$

бу ерда, $S_{\text{пик}100}$ – мензула турган нуктадан пикет нуктасигача юзли метрларда ифодаланган масофа; T – план сонли масштаби махражида

$$\alpha_T = \left(\frac{4446}{T} + 260 + 38T \right) T^2 \cdot 10^{-4} .$$

(11) формуланинг камчилиги унинг мураккаблиги ва унда текис ҳудудлар съёмкасида ҳисобга олиш зарур бўлган рельефнинг кичик шакллари тасвирлаш аниқлиги билан

$$m_{H_n} = \sqrt{A^2 + (Btg\nu)^2 + C^2} , \quad (12)$$

бу ерда, C – нотекистик (ғадир-будурлик) коэффициенти; A – пикет нукталар баландлигини аниқлашга таъсир этувчи хатолар гуруҳи: станция баландлигини аниқлаш, пикет нуктасида нисбий баландликни ўлчаш, нисбий баландликни ҳисоблаш, пикет нукталари орасида горизонталларни ўтказишда рельефнинг нотекислигини ҳисобга олмаслик хатолари; B – горизонталлар планли ўрнига таъсир этувчи

$$m_{H_n} = \sqrt{\mu^2 l + m_p^2 tg^2\nu} , \quad (13)$$

бу ерда, μ – рельефни умумлаштиришда тасодифий хатолар таъсири коэффициенти; l – пикетлар орасидаги масофа; m_p – баландлик нукталари планли ўрнининг ўрта квадратик

$$m_{H_n} = \sqrt{0,012^2 l + 0,52^2 m_p^2} . \quad (14)$$

Бу формулада хатоларнинг бир қисми, яъни съёмка жараёнидаги рельефни умумлаштириш хатолари ҳисобга олинган, план бўйича баландликни аниқлаш хатоси эса

$$m_{H_n} = \sqrt{(g^2 + p^2 tg^2\nu)} , \quad (15)$$

бу ерда, g ва p – пикет нукталар баландлигини ва горизонталлар планли ўрнини аниқлаш

$$g^2 = m_{H_{\text{пик}}}^2 + m_{\text{ён}}^2 + m_{\alpha}^2 ,$$

$m_{H_{\text{пик}}}$ – пикет нуктаси баландлиги ўрта квадратик хатоси; $m_{\text{ён}}$ – ёнбағр ғадир-будурлиги ўрта квадратик хатоси; m_{α} – пикет нукталари баландлик қийматларини яхлитлаш ўрта квадратик хатоси; $m_{\text{пик}}$ – пикет нукталари планли ўрнидаги ўрта квадратик хатолик; $m_{\text{и}}$ – график

$$m_{H_n 0-2^\circ} = 0,14 + 0,072\nu^0 ,$$

$$m_{H_n 5-10^\circ} = 0,03 + 0,117\nu^0 .$$

съёмка масштаби, рельеф кесим баландлиги ва жой нишаблиги ҳисобга олинган.

Проф. Н.И. Модринский 1:5000 ва 1:2000 масштаблардаги текис ҳудудлар карталари учун қуйидаги формулани тавсия қилади:

минглик сони; α_T – план масштаби учун доимий қиймат, у қуйидагига тенг (m^2):

боғлиқлик ўрнатилмаган.

Рельеф кесим баландлиги 0,5 м бўлган 1:2000 масштабдаги карталар учун С.В. Взнуздаев қуйидаги формулани таклиф этади:

хатолар гуруҳи: станциянинг планли ўрни, пикет нукталари планли ўрни, интерполяция қилиш, горизонталларни ўтказиш, горизонталларни чизиш хатолари.

Горизонталлар баландлиги аниқлигини баҳолашда рельеф нотекислигини ҳисобга олиш текис ҳудудлар учун муҳим аҳамиятга эга.

Проф. Б.И. Гержула қуйидаги формулани олган:

хатоси (планли силжиш қиймати).

Саноат майдончалари учун Б.И. Гержула $\mu = 0,012$ м қийматни таклиф қилади, бунда формула қуйидаги кўринишга эга бўлади:

эйтиборга олинмаган.

Н.Н. Александров 1:10000 масштабдаги карталарни тадқиқ қилишда қуйидаги формулани ишлаб чиққан:

хатоликларига таъсир кўрсатувчи коэффициентлар

$$p^2 = m_{\text{пик}}^2 + m_{\text{и}}^2 + m_{\text{гор}}^2$$

интерполяция ўтказиш ўрта квадратик хатоси; $m_{\text{гор}}$ – горизонталларни ўтказиш йиғма ўрта квадратик хатоси.

Турли қиялик бурчакли ва рельеф кесим баландлиги 2 м бўлган карталар учун Н.Н. Александров қуйидаги эмпирик формулаларни қўллаган:

$$\left. \begin{aligned} m_{H_n 2-5^\circ} &= 0,06 + 0,108\nu^0 \\ m_{H_n 5-10^\circ} &= 0,03 + 0,117\nu^0 \end{aligned} \right\} \quad (16)$$

[16] формулалардан кўринишича, жойни қиялик

бурчаги ошиши билан горизонталлар планли

ўрнини аниқлаш хатосининг таъсири ошиб боради. Бу формулаларда рельефни умумлаштириш хатоси съёмкада пикет нукталарининг зичлигига боғлиқлиги акс этмаган. Нукталар баландлиги бўйича горизонталларни ўтказишда рельеф характери ва пикет нукталари орасидаги масофалардан келиб чиқиб, рельефни умумлаштириш хатосини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Қўшни горизонталлар орасидаги ёнбағр нотекислиги билан боғлиқ ўрта квадратик хатолик горизонталлар орасидаги масофаларга

$$m_{H_n} = \sqrt{\omega^2 \left(l + \frac{h}{i_{yp}} \right)^2 + m_{H_{пик}}^2 + m_n^2 N^2 i_{yp}^2} , \quad (17)$$

бу ерда, ω - рельефни умумлаштириш коэффиценти; l - пикет нукталари орасидаги масофа; $m_{H_{пик}}$ - пикет нукталари баландлигини аниқлаш ўрта квадратик хатоси; m_n - пикет нукталари планли ўрнидаги ўрта квадратик хатоси.

1:2000 – 1:500 масштаблардаги планларда нукталар баландлигини аниқлаш хатосини

$$m_{H_n} = \sqrt{0,0001 \left(l + \frac{h}{i_{yp}} \right)^2 + 0,0009 + 3,6i_{yp}^2} . \quad (18)$$

Қиялик бурчаги кичик жойларда баландлик бўйича горизонталлар ўрнининг аниқлиги асосан пикет нукталари баландлигини топиш аниқлигига боғлиқ. Бирок, қиялик бурчаги 3^0 дан катта бўлганда баландлик бўйича горизонталлар ўрнининг аниқлиги пикет нукталари планли ўрнини аниқлаш ва горизонталларни планли ўрнини тушириш билан боғлиқ график хатолар ҳисобига сезиларли

$$m_{H_n} = \sqrt{(0,00024Mi + 0,2h)^2 + (0,0007Mi)^2} . \quad (19)$$

К.К. Скиданенко томонидан бажарилган тадқиқотлар бўйича рельеф съёмкасининг сифати съёмка нукталари баландлигини аниқлаш хатоси, рельеф ва унинг кичик шакллари умумлаштириш хатоси катталиги билан тавсифланади. Бу хатолик $m_{умум} = \theta \sqrt{l}$ формуласи билан аниқланади (бу ерда θ жой

$$m_{H_n} = \sqrt{0,94\theta^2 a + 0,80\theta^2 a \left(\frac{d}{a} \right)^3 + 0,5m_H^2 + (0,0005Mi)^2} . \quad (20)$$

Мензула ва тахеометрик съёмкалар учун бу аниқликни ҳисоблашни қуйидаги формуласи

$$m_{H_n} = \sqrt{1,60\theta^2 a + 0,070\theta^2 a \left(\frac{d}{a} \right)^3 + 0,5m_H^2 + (1,0005Mi)^2} . \quad (21)$$

бу ерда, d - ўртача қуйилиш; $0,2 < \frac{d}{a} < 2$.

Юқорида келтирилган рельефни тасвирлаш аниқлигининг тадқиқлари дисперсион, ковариацион ва корреляцион таҳлиллардан фойдаланиб бажарилган.

В.В. Баканова ўзининг тадқиқотларида [1] рельеф съёмкаси аниқлигини баҳолашда

боғлиқ.

Проф. В.Д. Большаков рельеф тасвирини умумлаштиришни албатта юз берадиган (планнинг график аниқлиги ва бажарувчи малакасига боғлиқ бўлган) ва сунъий (онгли равишда горизонталлар ўрнини суриб тасвирлашдан иборат) умумлаштиришга ажратади.

У текис худудларда рельеф съёмкаси аниқлигини баҳолаш учун қуйидаги формулани таклиф этади [2]

баҳолаш учун юзаси текис майдонларни квадратлар бўйича нивелирлашдан (17) формуладаги рельефни умумлаштириш коэффиценти $\omega = 0,010 - 0,015$ м аниқланган. Шунда 1:2000 масштаб учун (17) формула қуйидаги кўринишда берилган

даражада пасаяди.

Е.А. Минин ва В.Д. Большаковнинг (18) формуласини тоғли районлар учун қўлади, 1:5000 – 1:500 масштаблардаги съёмкалар ва қиялик бурчаги $5^0 - 20^0$ жойлар учун горизонталларни планли силжиш хатосини ҳисобга олиб, формулани қуйидагича ифодалади [4]:

рельефини тавсифловчи мутаносиблик коэффиценти). План масштабидан келиб чиқиб, интерполяция қилиш хатосини, шунингдек, рельефнинг кичик шакллари аниқлашдан келиб чиққан хатоларни ҳисобга олиб, К.К. Скиданенко квадратлар бўйича нивелирлаш орқали рельефни тасвирлаш аниқлигини баҳолаш учун қуйидаги формулани тавсия қилади:

беради

рельефни умумлаштириш хатоси учун эмпирик формулалар олган, съёмканинг турли методлари учун пикетлар зарурий зичлигини аниқлаган. В.В. Баканова томонидан қилинган ҳулосалар Россия худудининг катта қисми учун ўзига хос табиий-географик районларида бажарилган турли

ташкilotлар ва муаллиф томонидан мустақил тажриба съёмкалари натижаларини умумлаштирилган амалий материаллари билан асосланган. Олинган тавсиялар топографик съёмка ишлаб чиқаришида қўлланилган.

Ҳозирги пайтда геодезик асбобсозлик соҳасида фан техниканинг илғор ютуқлари жорий қилиниши билан йирик масштабли топографик съёмкаларнинг мавжуд методикасини такомиллаштириш масаласи пайдо бўлди. Бугунги кунда республикамиз соҳа ишлаб чиқариш корхоналарида йирик масштабли съёмкаларда янги техника ва технологияларни қўллаб бажарилган съёмка натижалари асосида жойнинг рақамли модели (ЖРМ) тузиб келинмоқда.

Жойнинг рақамли модели – жой ҳақидаги топографик-геодезик ахборот ҳисобланган элементлар тўпламидир. У метрик (рельеф ва тафсилот характерли нуқталарининг геодезик фазовий координатлари), синтактик (бино чегараси, ўрмонлар, шудгорлар, сув ҳавзалари, йўллар, сув айирғич ва сув йиғиш чизиклари, ёнбағрлардаги характерли нуқталар орасидаги қиялик йўналиши ва шу кабилар), семантик (инженерлик иншоотлар техник параметрлари, грунтларнинг геологик характеристикаси, ўрмон массивларидаги дарахтлар ҳақидаги маълумотлар ва шу кабилар), структурали ҳамда умумий (худуднинг номи, координата ва баландлик системаси, номенклатура) ахборотларни ўз ичига

олади.

Жойнинг топографик рақамли модели жойнинг тафсилоти ва рельефи билан характерланади. У жой рельефининг рақамли модели (ЖРМ) ва жой контури (тафсилоти)нинг рақамли моделидан ташкил топади. Бундан ташқари, жойнинг рақамли модели махсус инженерлик мақсадлар учун мўлжалланган модел билан тўлдирилиши мумкин. Инженерлик амалиётида тафсилот, рельеф, гидрологик, инженер-геологик, техник-иктисодий ва бошқа кўрсаткичларни характерловчи рақамли моделлар бирикмаси кенг қўлланилади.

ЖРМ «AutoCad Land Development Desktop», «Autodesk Civil 3D», «Autodesk Map 3D» «MapInfo», «Pythagoras», «Credo», «GeoniCS» ва бошқа шу каби замонавий дастурий мажмуалар ёрдами билан тузилади.

Жой рельефининг рақамли моделларида пикет нуқталари ўрни замонавий геодезик асбоблар ёрдами билан аниқланган координаталар бўйича туширилади. Шундан сўнг юқорида келтирилган дастурий воситалар ёрдами билан жой тафсилотлари абрис асосида туширилади ва жой рельефи автоматик равишда интерполяция қилиниб ҳосил қилинади. Бундай усул билан олинган план ва карталарда рельефни тасвирлаш аниқлигини баҳолаш ва унга таъсир этадиган хатолар манбаларини аниқлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Баканова В.В. Крупномасштабные топографические съёмки. - М.: "Недра", 1983.
2. Большаков В.Д. Обобщение рельефа при съёмке в крупных масштабах // Тр. МИГАиК, вып. 33, 1958.
3. Видуев М.Г., Ракитов Д.И., Подрезан В.В. и др. Инженерная геодезия. – Киев: Держбудвидов, 1959.
4. Минин Е.А. О выборе высоты сечения рельефа и точности изображения рельефа горизонталями при крупномасштабных съёмках в горных районах. – Геодезия и картография, 1972, №6, с. 43-47.

Рўзиев А.С.

ВОПРОСЫ ТОЧНОСТИ ИЗОБРАЖЕНИЯ РЕЛЬЕФА НА КРУПНОМАСШТАБНЫХ ТОПОГРАФИЧЕСКИХ ПЛАНАХ И КАРТАХ

Резюме

В данной статье рассматривается анализ оценки точности изображения рельефа на крупномасштабных топографических планах и картах.

Ruziyev A.S.

ISSUES OF REPRESENTING RELIEF IN THE LARGE-SCALE TOPOGRAPHICAL PLANS AND MAPS

Resume

In the article considered analysis of estimation of accuracy of representing relief on large-scale topographical plans and maps.

Тавсия этувчи:

проф. Сафаров Э.Ю.

ХОТИРА**АБДУЛЛА МАМАТОВНИ ХОТИРЛАБ**

Маматов Абдулла – география фанлари номзоди, доцент 1937 йил 7 ноябрда Қашқадарё вилояти Қамаш туманининг Қорабоғ қишлоғида туғилган. 1946-1956 йилларда 3-ўрта мактабда, 1956-1961 йилларда Самарқанд Давлат университетининг География факультетида тахсил олган. 1961-1963 йилларда Қамаш туманидаги 2-ўрта мактабда география ўқитувчиси бўлиб ишлаган. 1963-1966 йилларда Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг аспирантурасида ўқиб, геология-минерология фанлари номзоди, доцент Я.А.Левен раҳбарлигида “Қашқадарё чап ирмоқлари ҳавзаларининг минтақасида карст” номли мавзуда тадқиқот олиб борди ва 1968 йилда Озарбайжон Фанлар Академиясининг География институти Илмий Кенгашида номзодлик диссертациясини химоя қилди.



1966 йил октябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг йўлланмаси билан Қарши Давлат Педагогика институтига ишга юборилди. 1966-1967 йилларда ушбу олий даргоҳда А.Рўзиев ҳамда А.Маматовларнинг фан номзоди даражасига эга бўлгандан кейингина республика ҳукумати география кафедраси очишга рухсат беради. 1969 йилнинг 23 июнида Абдулла Маматов география кафедрасига танлов йўли билан кафедра мудирини бўлиб сайланади ва у ушбу вазифани 1978 йилгача бажариб келди. М.Янгибоев, И.Тоиров, Р.Аҳмедов, А.Нажимов – тажрибали географлар билан бирга Ўзбекистон жанубида биринчи бор илмий-методик марказ – география кафедрасини шакллантириш учун ишга киришилди. Абдулла Маматов саъйи ҳаракати билан И.Усмонов, И.Тоиров, Ш.Холиқулов, Л.Эрдонов каби кафедра ёш ўқитувчилари Москва, Санкт-Петербург, Тошкент ва бошқа илм марказларига аспирантура ва стажер-тадқиқотчи сифатида юборилди. Бугунги кунда улар республиканинг Қарши, Самарқанд олий ўқув юртлири профессор-доцент лавозимида кадрлар тайёрлашда самарали илмий-педагогик фаолият кўрсатмоқдалар.

А.Маматов “Қашқадарё ҳавзасида экскурсиялар ўтказишга доир методик кўргазмалар” (Қарши; 1986) “Қашқадарё вилояти географияси” (Қарши; 1994) ўқув-методик қўлланмаларга ҳам муаллифлик қилган. “Навоий тасавурида юрт табиати ва жаҳон географияси” (2000, ҳаммуаллиф Б.Х.Калонов), “Оммабоп география” (2006, ҳаммуаллиф Б.Х.Калонов), “Ҳисор қўриқхонаси Ўрта Осиё тоғ табиатининг андозаси” (2010, ҳаммуаллифлар С.Абдуллаев, Б.Хўжамқулов) илмий асарлари чоп этилган. 2010 йилда Республика маънавият нашриётида “Ўзбекистон табиати: Қашқадарё” китоб-альбоми (тузувчи муаллифлар: А.Эркаев, А.Маматов, Л.Ёзиев ва Т.Ёзиев) ўзбек, рус, инглиз тилларида нашр этирилган, ушбу асар халқаро китоб кўргазмаларида (Москва, Дубай) совринли ўрин олган. А.Маматовнинг Ўзбекистон миллий энциклопедияси саҳифаларида 15 га яқин мақолалари нашр қилинган. Унинг 2014 йилга қадар 150 дан ортик илмий мақолалари чоп этилган.

Олим А.Маматов “Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси”, “Меҳнат фахрийси” медали, “Ўзбекистон мустақиллиги 10 йиллиги” кўкрак нишони билан тақдирланган. Шафқатсиз ўлим А.Маматовни 2014 йил 30 апрелда орамиздан олиб кетди.

Республика География жамияти маарҳум Абдулла ака Маматов хотирасини Абдимўмин Рўзиев, Маҳмуджон Янгибоев сингари фидойи географ-устозлар қаторида унутмайди ва юксак даражада қадрлайди.

*Ўзбекистон География жамияти президиуми номидан
профессор Абдусами Солиев*

Юбилярни табриклаймиз!

Профессор Сабитова Наила Исмаиловна 60 ёшда!

Г.ф.д., профессор Сабитова Наила Исмаиловна 1954-йил Тошкент шаҳридаги Оқилон маҳалласида ишчи оиласида туғилган. Болалигидан табиатга бефарқ бўлмаганлиги уни 1971 йил ТошДУ (ҳозирги ЎЗМУ)нинг География факультетига етаклаб келди. 1976-йили бу факультетни тамомлагандан сўнг, 1976-1981 йилларда биология-тупроқшунослик факультетида илмий ходим сифатида фаолият юритди. Бир вақтнинг ўзида Россия Фанлар Академиясида (Пушино ш.) тупроқшуносларнинг “отахони” академик В.А.Ковда ва проф. И.Н.Степановлар раҳбарлигида тадқиқотчи сифатида илмий фаолиятини бошлади. 1983-йилда долзарб муаммолардан бири бўлган Қуйи Амударё худуди табиий комплексларининг мелиоратив ҳолатини ўрганишга оид мавзуда номзодлик диссертациясини Ленинградда (ҳозирги Санкт-Петербург ш.) Гидрометеорология илмий тадқиқот институтида ҳимоя қилди. 1983-1999 йилларда ўз иш фаолиятини Ўзбекгидрогеология корхонасига қарашли ГИДРОИНГЕО институтида давом эттирди. Н.Сабитованинг фаолияти табиий география, ландшафтшунослик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, тупроқлар унумдорлигини оширишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш, мелиорация, сув ресурсларидан фойдаланиш ҳамда экология масалаларининг ечимига йўналтирилган. Илмий тадқиқот ишлари аэрокосмик ва математик усулларни қўллаган ҳолда, география, гидрогеология, геоэкология масалаларига бағишланиб, бутун Ўзбекистон ҳамда кўшни давлатларда олиб борилган.



Н.Сабитова 1999-йилдан бери Ўзбекистон Миллий Университети География факультети, Табиий география кафедрасида ўз фаолиятини давом эттирмоқда. 2003-йилда “Табиий география, ландшафтлар геофизикаси ва геохимёси” ихтисослиги бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилган ва ҳозирги кунга қадар профессор лавозимида ишлаб келмоқда.

Н.И.Сабитова томонидан 100 дан ортиқ илмий мақолалар, ўқув-услугий ишлар ва хариталар чоп этирилган. Фан ва технологияларни мувофиқлаштириш қўмитасининг бир неча илмий грантларида қатнашган. Унинг илмий раҳбарлигида 1990 йилда Доре Еогбе ва 2008 йилда О.Ш.Рўзиқулова номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилишган. Проф. Сабитова бир неча йиллар Олий Аттестация комиссиясида эксперт аъзоси сифатида ишлади. Ҳозирги вақтда Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги бирлашган Ихтисослашган Кенгаш аъзоси.

Н.Сабитова Ўзбекистондаги географлар жамоаси орасидаги санокли профессорлардан биттаси. Олима устозни муборак 60 ёшлари билан қутлаб, уларга соғлиқ-саломатлик, мустаҳкам ирода, шогирдлари камоли йўлида ҳамда олий маълумотли етук мутахассис кадрларни етиштириш ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

Ўзбекистон География жамияти президиуми

“Ўзбекистон География жамияти ахбороти” журнаliga мақолалар тақдим этиш қоидалари:

1. Тақдим этилаётган мақолага муаллиф ишлаётган вилоят География жамияти бўлими раҳбарининг йўлланма хати илова қилинади.
2. Мақола таҳририятга бир нусхада, шунингдек электрон вариантда (“Microsoft Word” дастури, “Pragmatic Uz” ёки “Times Uz” 14 шрифт, қаторлар оралиғи бир ярим интервалда) топширилади. Мақола таҳририят компьютерига кўчириб олинганидан сўнг, флешка муаллифга қайтарилди. Мақоланинг тахминий ҳажми 5-6 саҳифа, айрим ҳолларда, агар мақолага буюртма берилган бўлса, унинг ҳажми кўпроқ бўлиши мумкин.
3. Мақола таркиби куйидаги бўлимлардан иборат бўлиши керак:
 - мақоланинг номи, аннотация, таянч сўзлар мақола матни;
 - кириш (*мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари аниқ ёритилиши лозим*);
 - асосий қисм (*тадқиқот объекти ва предмети, бирламчи маълумотлар ва уларнинг таҳлили, тадқиқот усуллари, асосий натижалар ва уларнинг таҳлили*);
 - хулоса (*хулосалар ишончли манбаларга ва далилларга асосланган ҳамда илмий жиҳатдан мантқиқан изчил бўлиши лозим*);
 - фойдаланилган адабиётлар рўйхати мақола охирида алифбо тартибда келтирилади.
 - мақола охирида инглиз ва рус тилларида (навбат бўйича) номи, муаллиф (лар)нинг ФИШ ва резюме келтирилади.
4. Мақоланинг охириги таҳрир қилинган нусхаси муаллиф томонидан имзоланиши ҳамда муаллифнинг фамилияси, исми-шарифи, лавозими, манзили кўрсатилиши зарур.
5. Мақолага киритилган иллюстрация (расм, жадвал, чизма, график ва бошқалар) аниқ-равшан тасвирланиши, сўзлар қисқартирилмасдан тўлиқ ёзилиши керак.
6. Ахборотга яқка муаллифликда ёки ҳаммуаллифликда фақат битта мақола топширилади, ҳаммуаллифлар сони 3 кишидан ошмаслиги керак.
7. Мақола муаллифи Ўзбекистон География жамияти аъзоси бўлиши шарт.
8. Қабул қилинган мақолалар матнини таҳририят қисқартириш ва унга таҳририй ўзгартиришлар киритишга ҳақли.
9. Кўриб чиқилган мақола таҳририят аъзосининг тавсияси билан чоп этиришга қабул қилинади.
10. Мақолани чоп этириш ва у билан боғлиқ ҳаражатлар учун муаллиф белгиланган тартибда маблағ тўлайди.
11. Юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган мақолалар таҳририят томонидан қабул қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
12. Журналда босилган мақолалар, унда келтирилган факт ва рақамлар учун муаллиф жавобгар.

700174, Тошкент – 174
Талабалар шаҳарчаси
Ўзбекистон Миллий университети (ЎзМУ)
бош ўқув биноси. Отсек “В”
География факультети, 307-хона.
Телефонлар: 246 – 36 – 35, 246 – 97 – 90.

Мундарижа:

	<i>Бет</i>
Солиев А.С. Ўзбекистонда география илми ва унинг географияси.....	4
Аббосов С.Б., Ярашев Қ.С. Эл-юрт хурматига сазовор олим ёхуд Али Абдулқосимов портретига чизилар.....	8
Федорко В.Н. Некоторые теоретические и методические вопросы выделения крупномасштабных единиц природно-хозяйственного районирования Узбекистана.....	10
Умаров Е.К., Умаров А. Оценка ресурсного потенциала Южного Приаралья с точки зрения сельского хозяйства.....	13
Ахмадалиев Ю.И., Абдуғаниев О.И. Фаргона водийсида ердан фойдаланишнинг анъана ва кўникмаларини ўрганиш зарурати.....	16
Холиқов Р., Абдувалиев Ҳ. Фаргона водийси адир-текислик ландшафтлари ўртасидаги муносабатларни юзага келтирувчи қонуниятлар.....	19
Абдуназаров О.А., Холмирзаева З.А. Ўзбекистонда ер ресурсларидан фойдаланишнинг минтақавий жиҳатлари.....	21
Файзуллаев М.А. Ер ресурсларидан қишлоқ хўжалигида фойдаланишнинг минтақавий хусусиятлари (Жанубий Ўзбекистон мисолида).....	23
Абдалова З.Т. Формирование экономической и социальной географии в системе наук.....	25
Гопиров М. О. Кластерный подход в географии промышленности Узбекистана.....	27
Ибраимова А.А. Ўзбекистоннинг саноат салоҳияти.....	30
Гопиров М.О., Исаев А.А. Некоторые вопросы географии энергетики и проблемы её развития.....	34
Абдуллаев А.Г. Хоразм вилояти озиқ-овқат саноатида хом ашё ресурсларидан самарали фойдаланиш омиллари.....	37
Ражабов Ф.Т. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ туманларида фермер хўжаликлари ривожланишнинг географик хусусиятлари.....	40
Рўзиева М. Б. Ўзбекистонда етиштирилаётган пахтанинг дунё бозорида харидорлиги, гўзанинг янги навлари ва пахта толасининг технологик хусусиятлари.....	43
Абдулкасимов А.А., Давронов К.К. Вопросы управления и охраны аридных геосистем межгорных котловин Средней Азии.....	45
Турсунов Х.Т. Ўзбекистонни барқарор ривожлантириш индикаторлари.....	48
Мўминов Д.Ф. Табиатдан фойдаланишнинг ландшафт-экологик жиҳатлари.....	50
Жумахонов Ш., Абдиназарова Ҳ.О., Қудратова У.М. Кооперация алоқаларини ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг географик хусусиятлари.....	52
Мирзаахмедов Ҳ.С. Фаргона митақасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятлари.....	55
Махмудова М., Абдурахманов С. Наманган вилоятида узумчиликнинг ривожланиши.....	58
Буранов Ё., Калонов Б.Ҳ. Навоий вилояти иқтисодий ривожланишнинг баъзи бир хусусиятлари.....	60
Халмирзаев А., Қаландаров М. Ичи кучи ташиқ миграциясининг ўзига хос хусусиятлари....	62
Тагаева О.Ш., Эгамбердиева У.Т. Основные концепции и их роль в развитии рынка труда Узбекистана.....	64
Исматов Ж.А. Аҳоли манзилгоҳлари жойланишига орогидрографик шароитнинг таъсири (Сурхондарё вилояти мисолида).....	66
Абдиева З.А., Расулова С.А. Навоий шаҳар атрофи хўжалигининг иқтисодий географик жиҳатлари.....	68
Махкамов Э. Фаргона вилоятида экотуризм ва уни ривожлантириш истиқболлари.....	70
Маллабоев Т.Н. Ўзбекистонда туризмнинг ривожланиши ва кичик ҳудудлар географиясини ўрганиш масалалари.....	73
Баратов П., Султанова Н. Ўрта Осиё табиий географиясини ўзлаштиришда амалий ишларнинг аҳамияти.....	75
Рахматов Ю.Б., Бўронов Ё.Р., Кодирова М.М. География таълими ва дидактика.....	78
Миракмалов М.Т., Содиқова М.А. Топонимиканинг табиий географик жиҳатлари.....	80
Разаков А. Топонимикада рангларнинг талқини ва уларнинг туркий тиллардаги тарқалиш хусусиятлари.....	82
Ҳикматов Ф.Ҳ., Ҳайдаров С.А., Эрлапасов Н.Б. Зарафшон дарёси оқимининг йиллараро тебраниши ва унга метеорологик омилларнинг таъсири ҳақида.....	85
Царёв Б.К. Анализ межгодового изменения комплекса термических показателей рассчитанных по стандартным данным метеостанций.....	89
Сагдеев Н.З., Трофимов Г.Н., Трофимова Ю.Г. Расчет средних многолетних модулей стока по морфометрическим характеристикам водосборов (на примере рек бассейна Ахангарана)...	95

Трофимов Г.Н., Сагдеев Н.З., Трофимова Ю.Г. Упрощенный способ расчета гидрографа стока горных рек по средним декадным расходам воды (на примере рек бассейна Чирчика).....	98
Исакова А.Я., Сагдеев Н.З., Трофимова Ю.Г. Расчёт максимальных расходов паводков по морфометрическим параметрам малых водосборов.....	101
Аденбаев Б.Е., Хайдарова О.А. О некоторых подходах к интегрированному управлению водными ресурсами бассейна Амударьи.....	104
Рахматуллаев А., Равшанов А. Антропоген омиллар таъсирида Самарқанд вилояти ландшафтларида сув сифатидаги ўзгаришлар.....	105
Хайдарова О.А. Амударё гидрологик режимининг сув-техник иншоотлар таъсирида ўзгариши.....	108
Пирназаров Р.Т., Ҳикматов. Ф.Х. Қурбонқўл қулама тўғони барқарорлигини таъминлашининг гидрологик ечимлари.....	113
Артықова Ф.Я., Кутумова Г.Б., Мирсаидова С.К. Хоразм вилояти ирригация ва мелиорация тармоқларининг сув режими ҳақида.....	116
Ҳалимова Г.С. Қўлжўқтов тизмаси (Қизилқум) худудида атмосфера ёғинларининг кўп йиллик кўрсаткичлари хусусида.....	119
Сулаймонова Н.Н. Синоптические процессы над Средней Азией как агроклиматический показатель увлажнения пастбищной территории пустыни Кызылкум в весенний период.....	122
Тилляходжаева З.Д. Оценка риска здоровья населения, связанного с загрязнением окружающей среды.....	125
Ҳайитов Ё. Қ. Тўқимачилик корхоналари оқова сувларини тозалашининг биотехнологик усули ҳақида.....	127
Баратов А. Сув бошида чанқаган ҳудуд.....	129
Солиев Э.А. Фарғона водийси дарёлари оқимининг йил ичи тақсимоотидаги ўзгаришлар.....	131
Рафиков В.А., Эгамназаров О.Х., Ақтамов Б.У. Чўлланиш жараёнларининг географик районлаштириши карталарини яратилиш масалалари.....	133
Эгамбердиев А., Авезов С. Ўзбекистон Республикаси агросаноат комплекси атласининг лойиҳаси ҳақида.....	137
Султанов М.Қ., Сафаров Э.Ю. Космик методлар асосида ландшафтларни таснифлаш ва уларни баҳолаш масалалари (Хоразм воҳаси мисолида).....	139
Рўзиев А.С. Йирик масштабли топографик план ва карталарда жой рельефини тасвирлаш аниқлиги масалалари.....	142
Абдулла Маматовни хотирлаб.....	146
Профессор Сабитова Наила Исмаиловна 60 ёшда!.....	147
“Ўзбекистон География жамияти ахбороти” журналига мақолалар тақдим этиш қоидалари.....	148